

ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

ИЮЛЬ-СЕНТЯБРЬ

2023 ЙИЛ

№4 (31)



1992 йил 19 июль якшанба куни. Доктор Боймирза Ҳайит ҳамроҳлари билан бирга Андижон давлат университетига ташриф буюрган. Ўртада доктор Боймирза Ҳайит, унинг ўнг томонида академик Аҳмадали Асқаров, чап томонида профессор Рустамбек Шамсутдинов, профессор Ҳамидулла Болтабоев, Рут хоним (Б.Ҳайитнинг рафиқаси), Мухтор Умархўжаев (Андижон тиллар институти ректори), қолганлари туркиялик қардошлар.



## «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал  
2023 йил №4 (31)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий  
экспедиция жамоат фонди

**Ҳамкоримиз:** Андижон давлат университети

### Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

### Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

### Таҳрир ҳайъати:

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Абдулла Расулов – т.ф.д., профессор

Анвармирзо Ҳусайнов – *Халқаро экология, инсон ва  
табиат хавфсизлиги фанлар академияси муҳбир аъзоси*

Алишер Кудияров – т.ф.н., доцент

Бахтиёр Расулов – т.ф.д., профессор

Фарҳод Набиев – т.ф.д., профессор

Мамбет Қойгелдиев – т.ф.д., академик

Мамуржон Саидхонов – ф.ф.д.

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Назиржон Турсунов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Ҳошимов Соибжон – т.ф.д.

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

### Масъул котиб:

Азизбек Маҳкамов

### Техник муҳаррир:

Дилшодбек Хомидов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам  
билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри  
Университет кўчаси 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32

**Факс:** (99874) 223-83-52.

**Почта:** vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 03.07.2023 й  
Қоғоз бичими 60x84 1/4, Босма тобоғи: 13,5  
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 500 дона.

Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 35

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-  
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос  
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва  
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф  
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет

«Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўгалли ота  
кўчаси 5-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги  
239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича  
илмий журналлар рўйхатига киритилган.

## МУНДАРИЖА

### МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ТАРИХИЙ МЕРОСИМИЗ ДАРФАЛАРИ

#### Анвармирзо Ҳусайнов

Чашмаи Айюб булоғи ..... 2

#### Д.Қуронов, Д.Абдуллаева, И.Мадғозиев

Чўлпоннинг Бухоро жумҳуриятидаги фаолиятига доир ..... 5

#### Доктор Боймирза Ҳайит

Халқимга сўз ..... 13

#### Доктор Боймирза Ҳайит

«Босмачилар»: Туркистон миллий кураши тарихи ..... 20

Мнение о публикациях и деятельности д-р.Баймирза Ҳайита..... 42

#### Темур Ҳўжа ўғли

Боймирза Ҳайитнинг «Босмачилар» асари ўзбекча таржимаси ҳақида ..... 49

#### Темур Ҳўжа, Сулаймон Иноятов, Шодмон Ҳайитов

Туркистон миллий кураши тарихи германиялик  
муҳожир ўзбек олими талқинида ..... 51

### ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

#### З.Хатамова

Қўқон хонлиги иқтисодиётининг молиявий таҳлили тарихидан ..... 55

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАТАҒОН ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

#### Р. Шамсутдинов, Д. Хомидов, А. Маҳкамов

Боқудаги шарқ халқлари курултойи делегати  
Сафо Ҳожи Жўрабоев ҳаётидан лавҳалар ..... 61

#### З.Раджапов

19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси вакили – Мирсаид Шомирбоев ..... 68

#### М. Саидхонов

Тарихнинг тадқиққа муҳтож саҳифалари ..... 71

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

#### Х.Қурбонов

Ўзбекистондан Жанубий Уралга келтирилган «меҳнат  
армиячилари»нинг ҳарбий саноатдаги фаолиятидан ..... 77

#### Х.Қурбонов

Уралдаги «меҳнат армиячилари»нинг ижтимоий аҳволи ..... 84

### ТАЪЛИМ ВА ИЛМ ФИДОЙИЛАРИ

#### Ш. Гаффоров, Ф. Набиев, Р. Шамсутдинов

Профессор Илҳом Саидов 70 ёшда. .... 92

#### Ш. Ҳайитов

Инсонийлик ва олимлик тамойилининг ибратли устози ..... 97

#### Н.Турсунов

Марказий Осиё халқлари тарихига оид янги ва муҳим илмий тадқиқот ..... 102

### ЯНГИ КИТОБЛАР

#### Наим Каримов

Ўтмишдан келган адолатли нидолар ..... 106

#### Комил Яшин

Сарвар Азимов замондошлари хотирасида ..... 110



# ЧАШМАИ АЙЮБ БУЛОҒИ



**Анвармирзо Хусайнов**

*Халқаро инсон ва табиат экология хавфсизлиги фанлар академияси аъзоси, Муфтий Бобохоновлар тарихи Жамғармаси таъсисчиси*

Бухорои Шарифни азалдан Ғарб ва Шарқ мамлакатларида улуғ шаҳар деб тан олиншини Аллоҳнинг пайғамбари Айюб (Муқаддас Таврот ва Инжил китобларидаги Иов ва Қуръони каримдаги Айюб) алайҳиссаломнинг муборак дуолари мустажоби дейиш мумкин. Уч минг йил муқаддам Аллоҳ синови ила Яқин Шарқдан Марказий Осиёгача бўлган йўллардаги барча шаҳарлару қишлоқлар аҳолиси узотни қўлидаги ҳассасига таяниб зўрға қадам босаётгани ва жуда қўрқинчли кўриниши ҳамда ундан таралаётган бадбўй ҳидлардан ҳазар қилишиб, бирор юқумли касалликга учраган деган хавф билан ўз маконларига яқин келтирмаганлар. Очиқчасига қувғинга учраган пайғамбар алайҳиссалом узоқ вақт сарсонсаргардонлик ва дарбадарликлардан сўнг Бухоро халқидан меҳр-шафқат кўради, ғамхўрлик, инсонпарварлик муносабатларидан шод бўлади ва «Аллоҳим, Бухоро халқини улуғла ва балолардан асра» дея дуо қилади. Шу сабаб

Бухоро етти иқлимга донғи кетган шариф шаҳарга айланади.

Аллоҳ Пайғамбари Айюбнинг уч дуоси матни бундан 1000 йил олдин яшаган бухоролик тарихчи олим Муҳаммад Наршахийнинг жаҳонга машҳур «Тарихи Бухоро» китобида келтирилган. ЮНЕСКОнинг қарори билан 2025 йилда Ўзбекистонда минг йиллиги нишонланадиган мана шу машҳур китобда ва бошқа ишончли илмий-тарихий манбаларда Ўрта Осиё ҳудудида Айюб пайғамбарнинг учта қадамжойлари борлиги айтилган. Буларнинг бири Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрида, иккинчиси Бухоро шаҳри яқинидаги Вобкент туманида жойлашган. Сўнгги жойнинг номи халқ ичида Чашмаи Айюб деб аталади. Унда ҳозиргача шифобахш сув чиқаётган афсонавий қудуқ бор. Айюб пайғамбарнинг Бухоро шаҳрининг марказида жойлашган Чашмаи Айюб номи ила тарихга кирган булоғи уч минг йилдан буён бутун дунёдан Бухорога келаётган турли миллат ва динларга мансуб зиёратчиларга шифобахш сув етказиб турганининг ўзи илоҳий мўъжиза эмасми?! Маълумки Соҳибқирон Амир Темур Бухорои шарифга ташрифларини доимо Чашмаи Айюб зиёратидан бошлаганлар. Амир Темур фармони ила Айюб Пайғамбар қабрлари устига XIV асрда ҳашаматли гумбазли бино барпо этилган. Ер юзида ягона Аллоҳга сиғинувчи уч дин: яҳудий, насроний ва ислом динларининг муқаддас масканлари мавжуд икки қадимий шаҳар бор. Уларнинг азиз номлари: Иерусалим – Қуддуси шариф ва Бухорои шарифдир.

**Жамол Камол,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*



**Бухородаги Чашмайи Айюб ҳикояти  
(«Анвармирзо ҳикоятлари» китобидан)**

Шайтон Одам авлодини  
айбламоққа қилди қасд,  
Макр тузиб, шу тўғрида  
Аллоҳ билан этди баҳс.  
– Раббим, – деди, – инсонларга  
марҳаматинг улуғдир,  
Лекин улар кўрнамақдир,  
улар бари ношукур...  
Аллоҳ деди: – Ифвони қўй,  
ўзингга ол бу айбни,  
Кўргил ўша ҳар сония  
«Аллоҳ» деган Айюбни!  
Шайтон деди: – Аллоҳ дея,  
нега шукур этмасин?  
Бердинг унга молу дунё,  
Мулку давлат барчасин.  
Аллоҳ шунда амр айлади,  
шўрлик Айюб баногоҳ,  
Давлатидан жудо бўлди,  
сарватидан мосуво...  
Шайтон яна фитна қилди,  
адоватга тўймади,  
Ношукурдир инсон, деган  
даъвосини қўймади.  
Аллоҳ деди: – Ифвони қўй,  
ўзингга ол бу айбни,  
Кўрмадингми ҳар сония  
«шукур» деган Айюбни?  
Шайтон деди: – Давлатидан  
айрилди, лек олдида  
Етти ўғил, уч қизи бор,  
шунга шукур дейди-да...  
Аллоҳ яна этди қисмат,  
Айюб томи кулади,  
Ўлди аҳли хонадони,  
бола-чақа қолмади.  
Яна хуруж этди шайтон,  
тинчимоди мунофиқ,  
– Ношукурдир инсон, – деди, –  
сийратига мувофиқ...  
Аллоҳ деди: – Ифвони қўй,  
ўзингга ол бу айбни,  
Кўрмадингми «Аллоҳимга  
шукур!» деган Айюбни?

Шайтон деди: – Сабабики,  
тўрт мучаси соппа-соғ,  
Соғлом эса топилади  
молу фарзанд, боғу роғ...  
Аллоҳ яна этди тақдир,  
синов қилди бандани,  
Хасталанди шўрлик Айюб,  
эриб оқди бадани.  
На дардига топди дармон,  
на бир даво келди эм,  
Талаш бўлди пашшаларга,  
қуртларга ҳам бўлди ем.  
Ўзни отди балчиққа ул,  
лой тўлдирди бағрига,  
Ўшанда ҳам нолимади,  
«Шукур» деди Раббига...  
Юртдошлари ҳазар қилди  
унинг аянч турқидан,  
Шунда қўлга ҳасса олиб,  
чиқиб кетди юртидан.  
Борди не-не шаҳарларга,  
кўриб мажруҳ, майибни,  
Очмадилар унга эшик,  
ҳайдадилар Айюбни.  
Бир шаҳарга етганида  
кўрди шўрлик навозиш,  
Шаҳар халқи этди унга  
ҳимматини намоиш.  
– Хуш келибсан, дарвеш, – дея  
бир сояга элтдилар,  
Сув бердилар, ош бердилар,  
муолажа этдилар.  
Инсонларнинг шафқатидан  
меҳр туйиб жон аро,  
Сўрди: нечук шаҳардир бу?  
Дедиларки: Бухоро...  
Қўлин кўкка чўзди Айюб,  
дилда дуо тўлқини:  
«Ўзинг асра, Раббим, – деди,  
Бухоронинг халқини»...  
Ҳассасини урди ерга,  
қайнаб чиқди бир булоқ,  
Тўйиб-тўйиб ичди ундан,  
тани-жони бўлди соғ...





Ўша булоқ ҳазрат Айюб  
чашмаси деб аталар,  
Дейдиларки, қатра-қатра  
жаннат сувин келтирар.  
Ҳар қатраси ҳаёт эрур  
тани-жони ташнага,  
Минг йилларким даво истаб  
келишар бу чашмага...

Бухорога борган киши  
пайғамбарни кўрармиш,  
Айюб ҳамон ўша чашма  
атрофида юрармиш.  
Тонготарда таралармиш  
«Аллоҳ!» деган нидоси,  
«Бухорони ўзинг асра,  
Раббим!» деган дуоси...



Суратда Бухоро шаҳри марказида жойлашган, Чашмаи Айюб, мажмуаси. Бинони Марказий Осиё ҳудудидаги ягона конуссимон гумбазли қисми XII асрда, олдидаги катта гумбазли қисми XIV аср охирида Соҳибқирон Амир Темури томонидан барпо этилган. Мажма марказида уч минг йиллик Пайғамбар Иов – Айюб алайҳиссалом кароматлари билан ҳосил бўлган мўъжизавий қудуқ жойлашган. Барча зиёратчилар бу қудуқнинг шифобахш сувини ичиши анъанага айланган.



Жалолобод шаҳридаги Айюббулоқ




Зиёратчилар Қуръон тиловат қилмоқдалар



# ЧЎЛПОННИНГ БУХОРО ЖУМЎУРИЯТИДАГИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

Д.Х.Қуронов, Д.З.Абдуллаева, И.А.Мадғозиев



Абдулхамид Чўлпон.  
1922 йил.

адоғидан бошлаб матбуот саҳифаларида чоп этила бошланди. Шундан бери ўтган вақт мобайнида шоир ижодини ҳар томонлама чуқур ва изчил тадқиқ этган олимларнинг бутун бир авлоди шаклланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди. Бироқ айни чоғда яна бир муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса шоирнинг мукамал илмий биографиясини яратишдек мураккаб ва нозик масала ҳалигача ҳал этилмаганлигидир.

Ушбу мақолада тавсифланган ҳужжатлар ва улар асосида билдирилган фикр-мулоҳазалар Чўлпон ҳаёти ва фаолиятини илмий асосда ёритиш, унинг илмий биографиясини яратиш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Миллий архиви ҳамда Андижон вилояти давлат архиви фондларида олиб борилган изланишлар натижасида Чўлпоннинг Бухородаги фаолиятига доир баъзи бир ҳужжатлар топилди, улар шоир ҳаётининг шу дав-

ри ҳақидаги мавжуд қарашларга айрим тузатишлар киритишга ёрдам беради.

Андижон вилоят давлат архиви 312-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғмажилдда Андижон РостАсидан Туркистон РостА ва Фарғона РостАсига телеграмм орқали юбориш учун тайёрланган хат матни сақланади. Хат рус тилида битилган бўлиб, қуйида унинг сўзма-сўз таржимасини келтирамыз:

*«Тошкент. ТуркРостА. Цивилиннга Фарғона. ФарРостА. Иноземцевга*

*Юнусовнинг (Чўлпон – муал.) Янги Бухорога хизмат сафарига юборилиши муносабати билан тўхтаб қолган 30 нусхадан мусулмон плакатлари чоп этишни уч ҳафталик танаффусдан сўнг 22 августдан бошлаб қайта тикляямиз. Катта машаққат билан тарқалиб кетган Эски шаҳар бўлимини ташкил этишга эришилди. Мудирликка эски газета ишчиси, партияга хайрихоҳ Отабеков (Фозилбек – муал.) таклиф қилинди, плакатлар назоратим остида чиқарилмоқда. Иш кўламининг кенгайиши муносабати билан воситалар, қозғоз билан ўз вақтида таъминлашингизни сўрайман, ваъда қилинган йиғирма пуд ҳалигача олинмади, икки кипа (той, пачка – муал.) қарзимиз бор, агар 25 августгача олмасак, РостАнинг чиқарилиши қозғоз олингунига қадар тўхтайди.*

22/VIII.1920»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Андижон вил. дав. архиви. 312-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 28-бет.





Хатдан Чўлпоннинг 1920 йил ёз мавсумида Янги Бухорода хизмат сафарида бўлгани маълум бўладики, бу чўлпоншунослик учун янгиликдир. Хатга 22 август санаси қўйилгани ва мусулмон плакатларини чиқаришда уч ҳафта танаффус бўлганидан келиб чиқилса, Чўлпон июль ойининг охири – август ойи бошларида Бухорога йўл олганини тахмин қилиш мумкин. «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламига киритилган Чўлпоннинг «Зарафшон» шеъри сарлавҳаси остида қавс ичида «сафар эсталиги» деб ёзилган, шеърнинг ёзилган жой ва санаси «Самарқанд 1920 йил август» деб қайд этилганки, бу ҳам тахминни қувватлайди: шоирнинг йўли Самарқанд орқали ўтган, шеър кўзланган манзилга боришда ё қайтишида ёзилган дейиш мумкин.<sup>1</sup> Хуллас, юқоридаги ҳужжат ва «Зарафшон» шеъри Чўлпоннинг Бухоро инқилоби арафасида, тахминан 1920 йилнинг июль ойи охири-август ойи бошларида Янги Бухорода бўлганини кўрсатади. Аниқланган айтилган факт мисолида бундай манбаларнинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш фойдадан холи эмас.

*Биринчидан*, Андижонда РостА муҳаррири бўлиб ишлаб турган Чўлпон нима мақсадда хизмат сафарига юборилгани, бу сафари давомида унинг нималар билан машғул бўлганини билиш ўз-ўзидан қизиқиш уйғотади ва бунинг аниқланиши, шубҳасиз, илмий жиҳатдан аҳамиятли бўлади. Чунки амирнинг тахтдан ағдарилишига олиб келувчи инқилоб етилиб турган бир шароитда Чўлпоннинг Янги Бухорога – воқеалар қайнаб турган жойга хизмат сафарига юборилгани зиммасига муҳим вазифа юклатилган деган фикрга бошлайди. Негаки, Чўлпон яхши ишлаб турган жойидан фавқулудда бир тарзда сафарбар этиляпти. Акс ҳолда, ўрнига бошқа одамни тайёрлаб, РостАнинг иши узлуксиз давом этишини таъминлаб, шундан кейингина сафарбар этилмасмиди?! Бошқа томони, хизмат сафаридан сўнг Чўлпон эски иш жойига қайтмайди, фаолиятини Тошкентда давом эттиради. Ҳолбуки, унинг Андижон учун ҳақиқатан «ноёб кадр» эканлиги юқоридаги хатдан аниқ англашилиб

турибди. Хуллас, масаланинг чуқурроқ ўрганилиши шоирнинг шу йиллардаги фаолиятига хос муҳим жиҳатларни аниқлаштириш имконини беради.

*Иккинчидан*, бу факт Чўлпон ижоди билан боғлиқ айрим нуқталарни ҳам аниқлаштиради. Чўлпоннинг шеърий меросида «Зарафшон» ва «Яна Зарафшон» номли иккита шеър бор. 1994 йилда чоп қилинган 3 жилдли «Асарлар» тўпламининг 1-жилдидаги «Зарафшон» шеъри остида «Самарқанд, 1921 йил» қайди бор. Ҳолбуки, юқорида айтилганидек, «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида бу шеър остида «Самарқанд 1920 йил август» деган қайд бор. Қайта нашрдаги бу хатолик, бизнингча, 3 жилдлик «Асарлар» нашрга тайёрланган вақтда Чўлпоннинг 1920 йилда Самарқанд ё Бухоро томонларда бўлганлиги ҳақида ҳеч бир маълумот бўлмагани билан изоҳланиши мумкин. Адабиётшунослигимизда Чўлпон Бухорога илк бор 1921 йил май ойида, Фитратнинг таклифи билан «Бухоро ахбори» газетаси муҳаррири вазифасида ишлаш учун чақиртирилганидан сўнг борган, деган қараш бор эди.<sup>2</sup> Унга қадар шоирнинг Бухорога хизмат сафари билан ё бошқа сабаб билан бориши ҳам мумкин эканлиги ҳисобга олинмаган. Шунинг учун бўлса керак, Чўлпоннинг 3 жилдлик асарлар тўплами 1-жилдида «Зарафшон» шеъри остидаги сана «1921»га ўзгарган, жой қайди эса тушириб қолдирилган. 2016 йилги «Асарлар» тўпламининг 1-жилдига эса бу шеър, негадир, умуман киритилган эмас. Шеърнинг ёзилган санаси ва жойи тўғри кўрсатилган бошқа нашрларда эса ҳеч бир изоҳ берилмаган. Ҳолбуки, Чўлпонда «Яна Зарафшон» номли бошқа бир шеър ҳам бўлиб, буниси энди Бухорога ишлаш учун отланган шоир томонидан – 1921 йилги сафар вақтида ёзилган. Яъни сарлавҳадаги «яна» сўзи шоирнинг аввалроқ ҳам «Зарафшон» номли шеър ёзганига ишора қилиб туради. Табиийки, ёзилган вақтининг аниқ маълум эканлиги шеърнинг қандай тушуни-

<sup>1</sup> Ўзбек ёш шоирлари. – Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1922. – 32-33 бетлар.

<sup>2</sup> Сафаров О., Сафарова Ҳ. Чўлпон Бухорода. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – 38 б.; Болтабоев Ҳ. Абдулхамид Чўлпоннинг Бухородалиқ фаолиятига доир янги кузатишлар // Чўлпон ва унинг адабий мероси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2018. – 45-49 бб.



лиши ва талқин қилинишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Энди, агар Чўлпоннинг Бухорога илк сафаридан кўзланган мақсад нима бўлгани аниқланса, Зарафшон ҳақидаги биринчи шеърга муаллиф юклаган мазмунни англаш имконияти ортади. Чунки булар мазкур шеърни идроклаш контекстини кенгайтиради.

Ниҳоят, *учинчидан*, «Билим ўчоғи» журналида эълон қилинган «Йўл эсдалиги» сафарномасидан аниқ биламизки, Чўлпон 1921 йилнинг 27 май санасида Андижондан Бухорога йўлга чиққан. Бунга қадар у Тошкентда ТуркРосТАда ишлаб турган эди. Миллий архив фондларида Чўлпоннинг 1921 йил 2 мартда ТуркРосТАдан бўшаганлиги тўғрисида ҳужжат мавжуд. Маълум бўладигани, Чўлпон ТуркРосТАдан бўшагач, Андижонга борган, маълум муддат (тахминан март ойи бошларидан, қарийб 3 ой) ота-она бағрида бўлиб, май ойи охирларида Бухорога йўл олган. Кўриниб турганидек, Чўлпон ҳаётининг қарийб уч ойи ҳақида бизда ҳужжатли асосдаги тасаввур ҳосил бўляпти, яъни арзимасдек кўринувчи бу каби фактлар пировардида шоирнинг «ривоят»лардан фориғ илмий биографиясини яратишга замин бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотларда таъкидланганидек, Чўлпон «Бухоро ахбори»га бирданига муҳаррир бўлиб қолмади. Унинг газетадаги «Матбуот кучлик бир давлатдир» номли биринчи мақоласида шоир ва публицистнинг матбуотни сўз эркинлиги таъминланган майдон деб умид қилганини англаш мумкин. Чўлпон «Бухоро ахбори»нинг 1921 йил 30 июнь 41-сонидан бошлаб 1922 йил 15-сонигача, жами 66 та сонига муҳаррирлик қилади. Бу қисқа муддат Чўлпоннинг адабий, журналистик фаолиятидаги муҳим давр ҳисобланади. Чўлпоннинг Бухородаги фаолиятига доир янги аниқланган манбалардан бири Миллий архив фондидаги 27-мажлис 1921 йил, 19 июль санаси қўйилган ҳужжатда<sup>1</sup> Чўлпоннинг газетага муҳаррир этиб тайинланиши қарори келтирилган. Бу баённомадан маълум бўлишича, Бухоро Шўро Жумҳурияси маориф

назоратининг коллегия мажлисида йиғилиш Қори Йўлдош раислигида, саркотиб Абдулқодир, йиғилганлар Фитрат, Билол афанди, Исмоил Садрий иштирокида ўтказилган. Баённоманинг қарори икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси «Мақтабга таътил ҳақида», иккинчиси «Ҳукумат нашриёти ҳақида» дейилган. Иккинчи қисмда: «Маориф назоратининг нашриёт идорасига берган сипоришлардан тамом йўқотган ва берган тақвин уч ойлигини йўқотган ҳамда тошбосма Нозирлар шўроси тарафидан тахсис этилган экан. Шунинг то бу вақтигача Маориф назоратининг нарсаларини бостурмасдан ўз асарини тошга ўткарган юқоридаги мудирни доқлатидан маълум бўлди, шунинг учун коллегия мажлиси қарор берадурким, шу кундан эътиборан ўртоқ Муҳаммад Саидни бу хизматдан озод қилуб, ўрнига ўртоқ Абдулҳамид Сулаймониф таъйин этиладур. Ушбунинг тасдиқи учун Нозирлар шўросига юбориладур». Мазкур ҳужжатнинг муҳим томони шундаки, Муҳаммад Саиднинг вазифадан нима учун озод этилгани кўрсатилган. Бу эса Чўлпондан астойдил ва шижоат билан ишлаш масъулиятини талаб қилар эди.

Чўлпонни Нашриёт шўъбаси мудирлигига тайинлаш ҳақидаги 201-сонли буйруқ 1921 йил 25 июль санасида чиқарилган бўлиб, мазкур буйруқга Қори Йўлдош Пўлатов ва Маҳмуд Субойлар имзо чекканлар.<sup>2</sup> Буйруқнинг сўнгида Фитрат ва Исмоил Садрийлар комиссия этиб тайинлангани таъкидланади. Шунингдек, «мазкур ўртоқларга тезлик ила ишга бошламоққа таклиф қилинур» деган изоҳга кўра нашриёт ва газета таҳририятидаги ишлар жуда кўплиги ва долзарблиги англашилади.

Чўлпоннинг Бухорода ижод намуналарини йиғиб китоб тартиб бермоқчи бўлгани ҳақида унинг «Давлат нашриётининг анжуманига Чўлпондан Ўтинч» номли хатидан билиш мумкин.<sup>3</sup> Мазкур хатда Чўлпон «соф адабий ва янги адабиёт оқими йўлинда бўлган шеърлари» борлиги, мажмуа шаклига келтириб нашриёт-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-46 жамғарма, 1-рўйхат, 219-йиғма-жилд, 2 бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-46 жамғарма, 1-рўйхат, 220-йиғма-жилд, 14-6 бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-46 жамғарма, 1-рўйхат, 219-йиғма-жилд, 14-бет.





га бермоқчилиги, иккита мажмуа ҳажмида бўлиши, бу асарларни оққа кўчириш кераклиги, тайёр бўлгач, байрамдан (Қурбон ҳайити – муал.) сўнг топшириши, Зиё Усманий ва Фитратларнинг бундан хабардорлиги, ҳозир эса шу муносабат билан аввалдан беш юз минг сўм қарз бериб турилиши сўралган.

1921 йил 2 августда ўтказилган Ҳукумат нашриётининг коллегия мажлисида Чўлпоннинг ушбу аризаси кўриб чиқилган. Баённоманинг қарор қисмида қуйидагича ёзилган: «Ўртоқ Чўлпоннинг шеър мажмуаларининг янги оқим ўзбек-чиғатой адабиёти нафисаси англатув хусусидан ғоят қимматли эканини кўзда тутуб нашриёт анжумани ул ишни ишга қарор беруб, ани кўруб чиқиб баҳо қўуб бериш ишини ўртоқ Фитрат билан Усмонларга топширди ва Чўлпон ўртоқни беш юз минг сўралган адоначининг беришга бўлди».<sup>1</sup>

21 август 1921 йилги мажлис протоколида Чўлпон мазкур вазифадан истеъфо сўрагани акс этган, лекин аризадаги хоҳиш ижро этилмаган.<sup>2</sup> Чўлпоннинг Бухорода иш бошлаганига икки ой тўлар тўлмас, унинг бу вазифадан кетишни истаганлиги сабаблари шоирга нисбатан сиёсий ҳукуматнинг адовати деб изоҳлаш мумкин.

Чўлпон «Бухоро ахбори» газетасида муҳаррирлик ишини бошлар экан, матбуотни сўз эркинлигини намоён этадиган восита бўлишини истаганлиги бежиз эмас. Хусусан, газетанинг 1921 йил 7 июль 43-сонидан Чўлпон томонидан берилган эълонда «бу чоққача моддий ва маънавий жиҳатдан ҳукумат нашриётига боғланиб келган «Ахбор» газетаси 41-сонидан бошлаб маънавий жиҳатдан ўз бошича мустақил олиб бораётгани», «шунинг учун газетанинг маънавий томонига тегишли ишлар (мақола, хабар, хат ва бошқалар) тўғридан-тўғри газета идорасига юборилиши» кераклиги айтилади. Эълон остига А.Сулаймон деб ёзилган ҳамда газета манзили «Эски Бухоро, «Бухоро ахбори» («Бухарская известия») муҳарририяти» деб рус тилида кўрсатилган. Ушбу эълондан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-46 жамғарма, 1-рўйхат, 219-йиғма-жилд, 13-а-б бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-46 жамғарма, 1-рўйхат, 219-йиғма-жилд, 20 бет.

Чўлпоннинг ўзи муҳаррирлик қилаётган ахборот нашрининг мустақил эканини («ўз бошича») таъкидлаётганини кўриш мумкин. Бухоро жумҳуриятининг мустақиллигини истаган Чўлпоннинг дастлабки мақоласининг «Матбуот кучлик бир давлатдир» деб номланиши ва унда долзарб масалаларнинг қўйилиши ҳам бежиз эмас эди.

«Бухоро ахбори» саҳифаларидаги Чўлпон имзоси билан чоп этилган мақолаларнинг умумий мундарижасига назар ташланса, кичик ахборотдан катта ҳажмли мақолаларгача, барчасида жадид ғоялари у ёки бу даражада акс этганини кузатиш мумкин. «Шарқ мусиқа мактаби», «Хотин-қизлар курси», «Расм мактаби», «Туркия – Русия мушоҳадаси», «Ҳиндистонда очлик», «Ҳукумат қурултойи», «Буюк зиёфат» (Фельетон), «Байрам қутлуғ бўлсин!» «Эски мақсадқа қайтайлик», «Чоржўйдан хатлар. Янги Чоржуй ажоибалари», «Гизгин талаш» (Генуя кенгаши муносабати билан сиёсий ҳангома), «Ўликларга қарши», «Эргашиш» (кичкина ҳангома) каби хабар ва мақолаларда Туркистон ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларидаги масалалар хусусида сўз боради.

Чўлпоннинг изтироб ва киноя билан ёзилган, газета муҳаррири сифатида эълон қилган сўнгги мақоласи «Эргашиш» (кичкина ҳангома) номли бўлиб, «Бухоро ахбори»даги илк мақоласидаги каби матбуотга, айни пайтдаги унинг мураккаб, аянчли аҳволига бағишланган эди.

1922 йил январда Чўлпон касаллик туфайли ҳарбий хастахонага тушади. Шунинг кутиб турган жадид адиб душманлари уни муҳаррирликдан кетказадилар. Бироқ орадан бир йил ўтиб, Чўлпоннинг «Ўликларга қарши» номли мақоласи яна шу матбуот саҳифасида чоп этилади. Мақолада шаҳарларда қабристонларнинг бузиб юборилаётгани, марҳумларга қилинаётган ҳурматсизлик ҳақида бонг урилади.

Чўлпоннинг «Бухоро ахбори» муҳаррирлигидан кетганидан кейинги вақтда нималар билан машғул бўлганини архив материаллари орқали тиклаш мумкин. Ўзбекистон Миллий архиви Р-56 жамғарма, 1-рўйхат 223-йиғма-жилддаги 5 июнь 1922 йилдаги 365-сонли буй-



руқда Чўлпоннинг Бухоро Халқ маорифи назорати томонидан Тошкентга хизмат сафарига юборилгани қайд этилган. Буйруқда сафар қилинувчининг вазифалари алоҳида ажратиб кўрсатилган: «1. Туркистон нашриётига заказ қилинган китобларни келтирув; 2. Иқтидорли муаллимлар чақирув; 3. Мусулмон адабиёти ва ўқув асбоблари келтирув ва ғайрилар». Ушбуни халқ маориф ноziри Қори Йўлдош ва Маориф назорати ишлар мудирини Маҳмуд Субойлар имзолаганлар. Гарчанд газета муҳаррирлигидан бошқа ишга ўтса-да, Чўлпоннинг аввалги маърифатпарварлик ишларини бажаргани, нашриётга буюртма қилинган китобларни Тошкентдан олиб келиш, ўқитувчиларнинг салоҳиятлиларини танлаб олиш, таълим учун зарурий китоблар ва ўқув жиҳозларини келтиришдек масъулиятли вазифа ва топшириқларни бажарганлигини аниқлаш мумкин.<sup>1</sup>

Ўзбекистон миллий архиви Р-56 жамғарма 1-рўйхат 40-йиғмажилддаги ҳужжатга кўра, Чўлпон ҳарбий хизмат бўйича қўмига чақирилган. Ҳарбий назоратнинг 151-рақамли буйруғига кўра мобилизациядан озод қилмоқ учун Маориф назорати хизматчиларининг «списка»си тузилган. 1883-1898 йилларда тутилганлар ҳарбий шаҳодатномаси билан келиб учрашлари, кейин озод қилиниши айтилган. Рўйхатдан ўтиш мажбурий бўлиб, келмай қолган кишилар қатъиян мобилизациядан озод қилинмаслиги таъкидланади. Тўртинчи тартиб рақами остида «Юнусов Абдулхамид Сулейман» исми шарифи кўрсатилган, иш жойи, вазифаси қилиб тарих-этнография коллегиясининг раиси, таваллуди 1898 йил, миллати ўзбек, оилавий аҳволи уйланган» каби маълумотлар келтирилган.<sup>2</sup> Демак, Чўлпон ҳарбий хизматдан озод қилинган экан.

Ўзбекистон миллий архиви Р-56 жамғарма 1-рўйхат 40-йиғмажилддаги ҳужжатда эса Чўлпоннинг Чоржўйга 24 май 1922 йилда сафарга юборилгани ҳақида маълумот бор. Чўлпоннинг таржимон сифатида ҳамда маориф

нозири муовини Содиқ Муҳаммадий (тафтиш учун) билан пул, маблағ олиб борганлари ҳақида қайд этилади. Унда Чўлпоннинг Чоржўйдан Тошкентга бориш келиш вақти саналари, ким сифатида бориши, қайси ташкилотдан ҳамда бориш мақсадлари тўла кўрсатилган. Иккита ўринда Чўлпон таржимон вазифасида, бир ўринда тарих илмий раиси вазифасида қайд этилган. Исми шарифи «Абдулхамид Сулаймоний», «Абдулхамид Юнусов» тарзида кўрсатилган.<sup>3</sup> Мазкур ҳужжатдан Чўлпоннинг Чоржўйга нима сабабдан борганлиги маълум бўлади. Демак, Чўлпон ва Содиқ Муҳаммадий Чоржўйга маориф ишлари учун ажратилган маблағни етказиш ва у ердаги мактаб, маориф ишларини назорат қилиш каби муҳим вазифаларни бажариш учун жўнатилади ҳамда ўша ерда 24 майдан 5 июньга қадар – ўн кун бўладилар.

«Бухоро ахбори»нинг 1921 йил 20 октябрь, № 53 сонидagi «Чоржўйдан хатлар. Янги Чоржўй ажоибалари» мақоласи ва архив фондларидаги ҳужжатлардан, шоир хатларидан унинг Чоржўйда бир неча марта бўлганини аниқлаш мумкин. Газетадаги мақолада Чоржўйдаги ижтимоий ҳаётнинг аянчли манзаралари гавдалантирилади. У ерда сув тошқини бўлиб, иморатларнинг қулаб тушгани, марказдан келган ва маҳаллий масъулларнинг поездга ҳафталаб чиқолмай юрганлари, чоржўйлик кекса чол ва кампирларнинг илм олишга муносабати каби қатор муаммолар илгари сурилади.

Чўлпон «Йўқолган пьесалар тўғрисида»<sup>4</sup> номли кичик мақоласида ўзининг «Чўрининг исёни» номли пьесасини Бухоро маориф назорати ихтиёрида қолганлигини ва йўқолганлигини айтади. Бундан 3-4 йил аввал «Ўзунқулоқ бобо» пьесаси оққа кўчирилмасдан туриб йўқолгани (демак, пьеса айнан 1922-23 йилларда ёзилган), бу йил (1926 йил) ўша пьесани 4 пардали қилиб, қайта ишлагани, шу йили қишда Москвадаги ўзбек драма студиясида тайёрланиб, келаси йил Ўзбекистонда қўйилиши, шу боис пьесанинг эски шакли қўйилмаслиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-46 жамғарма, 1-рўйхат, 223-йиғмажилд, 7 бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-56 жамғарма, 1-рўйхат, 40-йиғмажилд, 8 бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-56 жамғарма, 1-рўйхат, 40-йиғмажилд, 9 бет.

<sup>4</sup> Қизил Ўзбекистон. 1926 йил, 25 август, 193-сон.





сўралади. Пьесанинг йўқолган нусхасининг ўзига қайтарилишидан умид қилган Чўлпон «менинг ўзимгагина аҳамияти бўлган учун» қайтарсалар яхши бўлар эди, дейди. Бухоро Маориф назоратига яна «Чўрининг исёни» пьесаси топширилгани ва унинг ҳам йўқотилгани айтиб ўтилади.

Чўлпоннинг икки пьесасининг яратилиши унинг айнан «Бухоро ахбори» ва Бухоро Маориф назоратида ишлаган пайтига тўғри келади. Иккала пьесанинг йўқ қилиниши ҳам Чўлпон ижодий фаолиятига қаршилик бўлганидан далолат беради.

Кўринадики, роса бир аср илгари Чўлпон жадидчилик ҳаракатининг айна қизгин вақтида Бухорода ижодий, маърифий фаолият билан шуғулланди. Қисқа фурсат бўлса-да, «Бухоро ахбори»да муҳаррирлик қилди, халқ озодлиги ҳақидаги шеърлари, ижтимоий-сиёсий, адабий-маърифий мазмундаги мақолалари ҳамда бир неча пьесалари шу ерда яратилди. Чўлпон ҳаёти ва фаолиятининг шу даври хроникасини архив ҳужжатлари ва матбуот саҳифалари орқали тикланиши шоир фаолияти кўламини яхлит тасаввур қилиш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Андижон вилоят давлат архиви. 312-жамгарма, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 21-28 бетлар.
2. Болтабоев Ҳ. Абдулҳамид Чўлпоннинг Бухородалиқ фаолиятига доир янги кузатишлар // Чўлпон ва унинг адабий мероси. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2018. – 45-49 бетлар.
3. Каримов Н. Чўлпон (маърифий роман). – Тошкент: «Шарқ», 2003. – 464 б.
4. Сафаров О., Сафарова Ҳ. Чўлпон Бухорода. – Тошкент: «Муҳаррир» нашриёти, 2013. – 188 б.
5. Чўлпон. Йўл эсдалиги. «Билим ўчоғи». 1922 йил, 1-сон. 4-13 бетлар.
6. Чўлпон. Йўқолган пьесалар тўғрисида // «Қизил Ўзбекистон». 1926 йил, 25 август, 193-сон.
7. Чўлпон А. Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: «Академнашр», 2016. – 384 б.
8. Cho'lpon A. Safarnoma va yo'ldagi bitiklar. (Tuzuvchi va nashrga tayyorlovchi I.Madg'oziyev). – Toshkent: «Akademnashr», 2022. – 96 b.
9. Чўлпон. Тадқиқот ва материаллар. (Тузувчи ва нашрга тайёрловчи И.Мадғозиев) – Тошкент: «Муҳаррир», 2022. – 264 б.
10. Ўзбек ёш шоирлари. – Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1922. – 32-33 бетлар.
11. Ўзбекистон Миллий архиви. Р-46 жамгарма, 1-рўйхат, 219 йиғмажилд, 2, 13-а-б, 14 бетлар.
12. ЎМА. Р-46-жамгарма, 1-рўйхат, 220-йиғмажилд, 14-б бет.
13. ЎМА. Р-56-жамгарма, 1-рўйхат, 223-йиғмажилд, 7 бет.
14. ЎМА. Р-56-жамгарма, 1-рўйхат, 40-йиғмажилд, 8 бет.
15. Қурононов Д. Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1997. – 80 б.





Маъруфи: عبدالرحمن اوغلى.

بخارا - 1921, 15 июль - 12.

نومون امتثال يولسوز اوچون مذکور اورنگ غېزىنى مېھنات آرهلى اعلان ايتدى. هممه مائش و امتثال فدان شغفارى 5۰ ميگ سوم مكاتات تقديم ايتلىدى.

اورنگ كويلىكلهرى هممه كيره كلى سيار-لهرى توغرىسىنه بر لائمه وبره ديسارلى لايستىمى توزوب مامل رى نظارتيه نعيم ايتدى. سيارش اوچون عين زامندا ايكي مسؤل مام

هغه تور، برى نېمانه ايكي و مغاره خانه بر كيشى اورقچى چامارا بر بيرلى قاسم كد تا يوب اورنگه بايلايدى. باندنه ما كدرلى تا يوب اورنگه كيشنه درام ايتدى.

Table with 2 columns: Left column contains text about the author and publication details; right column contains a detailed article titled 'بخارا شوراي جمهوريه تاشق' (Bukhara People's Council) discussing political and social issues.

Чулпон муҳаррирлиги остида чоп этилган «Бухоро ахбори» газетаси. 1921 йил 15 июль, № 45 сон.

Table with 3 columns: 'ادبيات' (Literature) containing a story 'خلق' (Creation); 'وليات و محمللرده' (Provinces and Capitals) containing news about Bukhara; 'چاق خطلر' (Short Stories) containing a story 'چاق خطلر'.

Чулпоннинг «Халқ» шеъри.

«Бухоро ахбори» 1921 йил, 20 июль № 46.





# ДОКТОР БОЙМИРЗА ҲАЙИТ: «ХАЛҚИМГА СЎЗ»

**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳ.**

Азиз ватандошларим! Сизларга, сизларнинг фарзандингиз Боймирза Ҳайит мурожаат қилмоқдадир. Азиз ватандошларим, 52 йил ватандан жудоликда, Ватандан ташқари узоқ мамлакатларда яшадим, миллатим дея тушундим, бутун борлигимни, ғоямни, вужудимни ва фикр-ҳаётимни миллатимизнинг тақдири, ўтган кунлари ва келажакдаги истиқболи деб, фаолиятларда бўлидим. Табиий, муҳожирликнинг аччиқ-чучук шартлари, Ватансизлик, бошқа миллатлар орасинда яшашлик, қийин бир ҳолда фаолиятларда бўлиноқ табиати осон бўлмаган бир масала эди. Алҳамдулилло, Ватан деб, миллат деб, яъни унинг озодлигини талаб этиб, узоқ йиллар ҳаракатда... Қўлда қалам билан майдонда бўлиб келинди. Ватаннинг бир фарзанди сифатида кўп-кўп ҳақоратларни мен Советлар Иттифоқининг матбуотларидан ва Туркистонимиздаги матбуотлардан, айниқса, совет коммунист матбуотларидан, ёзувларидан, китоб ва рисола ҳамда мақолаларидан кўрган бўлдим. Фикрларимга қарши ёки менинг шахсимга қарши 436дан ортиқ китоблар, рисоалар, мақолалар ёзилди ва телевидение ва радиоларда, қурултойларда, менинг фикримга қарши, айниқса шахсимга қарши ҳужумлар, туҳматлар, иғволар қилинди.

Мени қотил дедилар, судга берилишимни илтимос қилишди, аммо судга беролмадилар. Фашист дедилар, фашистлигимни исбот этолмадилар, ватан хоини дедилар, мени ватан хоини бўлганимни исбот этолмадилар. Ленин миллий сиёсатини сохталовчи, дедилар, аммо Ленин миллий сиёсатининг сохтакорлигини Москва ёки Туркистондаги совет арзандалари эндиликда ўз кўзлари билан кўриб турибди-

лар. Буржуа миллатчиси дедилар, табиий, мен миллатчи бўлиб, ўз миллатимни бошқа миллатлар устидан юқори кўтариш учун эмас, миллатимизни ўз ҳолинда мустақил яшаши, эркин нафас олиши, бахтли ва саодатли яшаши, ўзимизни ўзимиз тарафимиздан идора этилиши талабларида бўлдим. Бу табиийдир, миллатимни севиш аломатидир, буни бир миллатнинг бошқа миллат устидан ҳокимлигини таъмин этадиган фикр сифатида кўриб бўлмади ва бунингда, бундай сўзлар асосидан тузилган иғволарни ҳам ҳазм қилдик. Аллоҳ бугун бизнинг ҳақли бўлганимизни, совет режими ва унинг туркистонлик хизматчилари бу соҳада буюк бир тарихий ёлғон қилганликларини бугун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Аллоҳнинг раҳми ила эски совет социалист республикалари бирлиги, деган бир императорликнинг чўкиши, 16 миллионга яқин аъзоси бўлган, ҳаммани титратган, ҳаммани кўрқитган зулмнинг ҳукмронлари бугун ўртада йўқдир...

Алҳамдулилло, биз энди коммунизм идеологиясининг ҳокимиятидан қутила билдик. Аммо биз коммунизм руҳини ташиган, эски вақтда бу руҳдан тарбияланган одамларнинг ҳокимиятидан қутула билдикми, мен буни билмайман, буни сизлар биласизлар. Биз коммунизмдан айрилган, ўзларини миллий раҳбар деб атаган ватандошларимиз фақат устидаги кийимларини ўзгартирдиларми, буни ҳам билмайман. Аммо миллат бундай одамларнинг ўз миллатига хизмат этишига секин-секин даъват этади, агар даъватни самимий қабул этмаса, ҳаттоки, демократик ҳуқуқлар билан, жанжал-ғавғолар, ур-йиқитлар билан эмас, ўзининг талабларини, қонуний талабларини ва табиий, ақлни ҳимоя қилиб бугунги раҳбарлардан масъулият талаб қилиши мумкиндир. Бизнинг халқ кўп қийин-



чиликларни кўрди, зулмнинг не бўлганлигини кўрди, мазлум бўлиш осон, аммо мазлумликдан қутулиш қийин эканлигини ҳам кўрди.

Маълумингиздирки, Туркистон истилоси 182 йил давом этди. 182 йилдан бери Туркистон билан Русия ўртасида уруш, ғавго, ўлиш, ўлдириш давом қилди. Мағлуб бўлди, мағлуб бўлди, ҳоким бўлди. Оғиз очолмайдиган даражага келди. Ҳоким давлат, мустамлакачи ҳокимлар мустамлака бўлган бизлардан ўзининг таржимонларини, ҳамтовоқларини, хайбаракаллагиларини топа билган эди. Унутмайликки, бизнинг бошимизга келтирилган фалокатлар фақат Москва режимининг, совет режимининг ёки совет регионида яшаган русларнинг ягона қўли билан эмас, балки уларга ҳомий бўлган ўз ватандошларимизнинг жирканч қўллари ва жирканч қалблари билан идора этилган эди. Буни шунинг учун ҳам унутмаслик керакки, биз бугун истиқлолга эришган бўлсак, истиқлолнинг қонуни асосида кўринишига эришган бўлсак, аввало, Аллоҳнинг раҳмати, қолаверса, халқимнинг асрлар бўйи тўккан қонининг натижасидир. Унутмаслик керакки, чор Русияси даврида, яъни Туркистон чор Русияси ҳокимияти остига киргандан кейин 4600 дан кўпроқ исён кўтарилди. 1919-йилги исённи ҳам унутманг. 1916-йилги кўзғолон у замонда Петербургда Русияга қарши очилган 2-фронт деб ҳисобланарди. Буни ҳам унутмангиз. 1918-йилдан 1934-йилгача давом қилган 16 йилги мужодала, буни совет руслари босқинчилик дедилар, – у ҳақиқий миллий озодлик кураши бўлиб, тарихимиз, қонли тарихимизнинг буюк бир фожиали кўринишидир. Биз босмачилик дедикларини туҳмат деб биламиз. Миллий ҳуррият, исломобод бўлсин, Туркистон туркистонликларники бўлсин, Туркистонда мустақил давлат бўлсин... дея ўртага чиққан бизнинг фидокор, қаҳрамон одамларимиз жабҳаларда қарши курашиб, миллий ҳақларини қурол билан талаб қилган вақтларида 2 миллиондан ошиқроқ кишимиз шаҳид бўлди. Шаҳидларимизнинг руҳлари шод бўлсин, ёллоҳ! Нима учун бу қадар кўп қон тўкилди, яъни бу алдамчи, ёлғончи большевизм миллатларга ҳақ-ҳуқуқ бермаганлигининг оқибати

бўлди. «Босмачилар» деб аталган буюк миллий мужодалага қарши курашда туркистонликлар эмас, совет рус ўрдусининг 140 ва 160 минг қуролли, замбаракли ва қувватли қуролларга эга бўлган аскарлари курашдилар. Биз яна ишғол этилди, иккинчи марта ишғол этилди, аммо миллат ўлароқ таслим бўлмадик ва таслим бўлиш ниятида ҳам эмасмиз. Бизнинг бошимизга тушган кўп-кўп қийинчиликлардан бириси – халқ билан ҳокимият орасидаги алоқасизлик бўлди. Халқ совет коммунизм режимининг қурбони бўлди. Халқдан сўраб келинган бир иш йўқдир. Тайин этиладиган амалларга функцияларни – партия одамларини ва давлат одамларини тайин этиб, халқдан сўрамасдан халқни идора эта бошладилар, яъни шоиримиз, шаҳид шоиримиз Элбекнинг дедигидек, йиртқишлар мажлисинда арслон бўрини, маймунларни, қўйларни ва тулкини мажлисга даъват этиб, қўйларни идора этиш учун ким керак деганда, тулки чиқиб: «қўйларни идора этадиган ягона қувват бўрилардир», дебди. Арслон: «Ҳа, бундай бўлса қўйларни бўрилар идора этсин», дебди. Бизнинг ҳам шаклимиз бу бўлди. Биз каби одамлар қўйлар деб ҳисобланди. Тулкининг тавсияси билан бўрилар бизга ҳоким бўлди. Бизнинг яшашимизни табиий ҳолда кўрмасдан йиртқиш бўрилар ҳаётимизни тўнкара бошлади, бунинг оқибатини ўзинглар кўп кўрдинглар. Оллоҳ бундан кейин бундай жазоларни, бундай даҳшатни, бундай пасткашлик зулмини бошимизга келтирмасин. Халқ билан ҳисоблашиш энг муҳим масаладир, халқ билан ҳисоблашиш ва халққа ҳисоб бермоқ демократиклигимиз, тизимнинг, яъни давлатни идора этмоқ системининг асосий қонунидир. Агар халқнинг розилигини олмасдан, халқнинг овозини олмасдан қилинган бир иш бўлса, бу халққа хизмат, демократик йўл билан халққа хизмат эмас, балки бир тўда инсонларнинг бирлашган янги диктатураси бўлиб ўртага чиқаверади. Бу сабабдан келажакда халқ масаласига кўп диққат қилишимиз керак бўлади. Истиқлол деган билан ҳали оғзимиз ширин бўлмади. Аммо истиқлолимиз эълон қилинганидан кейин унинг нақадар тотли эканлигини ҳис этмоқдамиз. Оллоҳ истиқлол қонунини муборак этсин. Бизлар-



ни ўз мамлакатимизнинг, ўз миллатимизнинг тақдири, келажаги ва унинг тараққиёти, бахт-саодати учун ишлашга илҳом ва мажбуриятлар юкласин.

Кўп вақт йўлларда ёки бошқа жойларда бўлган вақтимда ёки бўлмаса тушкунлик кунларимда ҳар доим Чўлпонни эслаб келдим. Бизнинг шаҳид, мужоҳид ва кўп жозибали шоиримиз Чўлпон ўзининг «Халқ» шеърида шундай деган:

*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...*

*Халқ қўзғалса, куч йўқдирким, тўхтатсин,  
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.*

*Бир қўзғалур, бир кўтирар, бир қайнар,  
Бир интилар, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.*

*Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,  
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар.*

*Бутун кучни халқ ичиндан олайлик,  
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!*

Будир бизнинг асосий ғоямиз: халқдан халққа, халқ ишидан халқимизнинг ҳаёти ва бахт-саодатига боришимиз керак бўлади. Табиий, бизнинг бошимиздан кечирилган мазлум ҳаётларнинг сабаблари ўзимизда биров бор. Ҳар вақт ташқи қувват – душман бизга зарар келтирди дейишимиз мумкин, келтирди, аммо бу келтиришнинг сабабларини англаб билишимиз керак. Машҳур шоир, адиб, драматург, сиёсатчи, профессор Абдурауф Фитрат ўзининг «Темур сағанаси» деб аталган саҳна асарида дейди: «У Темурнинг сўзи сўз эди. Амир Темурни сўзга чиқариб, Амир Темурнинг шиддатли бир овози билан миллатга хитобни ахтаради. Кўринг, Амир Темур нима дейди. «Мен сизларга кўп нарсаларни қолдирдим. Не бўлдики, бу замонларнинг шарафли ва жасур миллати зулм остида қолмиш. Кимлар боғларимнинг қушларини қувмоқда. Оталар меросидан нима қилдингизлар? Сизлардан талаб этаюрум, қалқингиз, сизларга амр қиламан, қалқингиз! Ўл-

камизни тузатингиз. Авлодларимни ҳур яшашини таъмин этингиз. Агар бундай қилмасангизлар, ўлка, яъни мамлакат буюк бир мазорлик ҳолига келажақдир».

Табиий, бундай мазорликни қилишда ўзимизнинг ҳам айбимиз кам эмас. Орамиздан чиққан хоинларнинг роли ҳам кам эмас. Хоинларимизнинг миллатимиз бошига келтирган фожиаларини унутмаслигимиз керак. Ёшларимизга бўлиб ўтган ҳодисаларни, шарафли ўтмишимизни ёки орамиздан чиққан баъзи бир шарафсиз ҳолларни ҳақиқатлар билан, яширмасдан тўғри ҳолда ўргатишимиз керак. Ҳақиқатдан қўрқсак, Аллоҳдан қўрқмаган бўламыз. Чунки Аллоҳ ҳар доим ҳақсеварлар, ҳақ истаганларнинг орзу-ҳаваслари ва ниятларининг ижобати учун ёрдамчи бўлган. Аммо биз кўп вақт алдандик, миллатимизни алдадилар, алдатдилар. Шунинг учун ҳам машҳур шоир, адиб ва драматург Абдурауф Фитрат ёзадики: «Биз мусулмонлар, ёлғиз алданмоқ учун дунёга келдикми? Бойимиз, ишчимиз, хўжамиз, талабамиз, адибимиз, фалсафачимиз, буюкимиз, кичигимиз Оврўпонинг газетасига, китобига, сўзига, ишига, қонунига, низомига, олгинига ва қизига алданишдан бошқа нарсани билмадилар».

Буни ҳам унутмаслигимиз керакдур. Келажақда биз халқимизнинг истиқболини таъмин этиш масаласида кўп ўйлаб, тушуниб, кенг усулда халқимизга хизмат қиламан, деб ҳаракатда бўлишимиз керакдур, шартдур. Агар бундай қилмасак, истиқлолимизни эълон қилиб ўтирмасдан, яна бизга ҳокимлар ўз истаганларини юритаверсинлар, биз уларга қул бўлиб хизмат қилаверамиз, деган маъно ҳам келиб чиқиши мумкин. Бундан қутилиш учун, табиийдирки, ўз истиқлолимизнинг мевасини кўришга ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Аллоҳ миллатимизни, шу жумладан, сизларни ва бизларни ўз паноҳида сақласин. Чет мамлакатларда бўлган беш миллионга яқин мусулмон, туркистонлик муҳожирлар Ватандан йироқда яшамоқдалар. Улар эрталабдан кечгача дуолар билан, ҳаракатлар билан, умидлар билан мамлакатимиз озодлигини, мамлакатимиздаги халқни ҳурликда яшашини Аллоҳдан орзу-ҳавас этмоқ-





далар. Аллоҳ буларни ҳам улушсиз қолдирмас. Биз қўлимиздан келгани қадар Ватаннинг хизматида бўлиб келдик, бундан кейин ҳам Ватан йўлида хизмат қилишга ҳозирмиз. Аммо сохтакорларга хизмат қилиш тарафдори эмасмиз. Биз холис, демократик равишда сайланган ҳукумат ва демократик қонунга асосланган, инсон ҳақларига итоат этган ва қурган, миллатимизни ҳурмат этган раҳбарларни истаймиз. Биз ватан ташқарисида қолдик, аммо ҳар куни, ҳар соат қалбимиз Ватан билан бўлиб келди. Биз Ватаннинг биринчи озод бўлган инсонлари деб ҳис этамиз ўзимизни. Бу эса кўп қийин масаладир. Биз, аввал озод бўлдик, аввал озод бўлганда мажбур бўлдик. Коммунизмнинг энг жирканч хуружи бўлган сталинизм даврининг қурбонлари бўлдик. Қайси қуш ўзининг қимматли бўлган гулидан айрилмоқни истайди. Бизни ватандан кетишга мажбур қилишди. Бизни хоинлар дедилар. Бизни муллаю феодаллар дедилар, аксилинқилобчи дедилар, ўғрилар дедилар. Чет мамлакатлардаги империалистларнинг қуллари, хизматкорлари деган иғволар билан кўрсатдилар, аммо аслида биз ундай эмас эдик. Буни иншоооллоҳ, келажақда тарих сизларга яна кўпроқ ўргата билади. Аллоҳдан сизларга бахт-саодатлар, миллий истиқлол йўлида муваффақиятлар тилайман. Ҳар вақт ҳар ерда қалбим сизлар билан бирга, бахт-саодатингизга эга бўлинглар, бу бахт-саодат миллатимизнинг бахт-саодатидир. Айни замонда бу менинг ҳам бахт-саодатимдир. Миллатимиз ўлмас, ҳар биримизнинг бу жамият ишида, бу миллат ишида ўйнаган ролимиз бордир.

Бизнинг борлиғимиз, шўбамиз бўлсин, ишчимиз бўлсин, ҳаммолимиз бўлсин, ҳаммаси бизникидир. Табиати бузуқ инсонларимиз ҳам бордир, аммо феъли-хўйлари ёмон деб уларни кўчага ташлаш керак эмас. Уларни жамиятимиз ичига олишимиз керак. Инсоф, ахлоқ, миллат ила баробар яшамоқни ўргатишимиз керак. Бизнинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб, яшашга мажбур бўлганларни, миллий озчиликдаги гуруҳларнинг ҳаётини таъмин этишимиз керак. Уларни сиҳат-саломатликлари ва роҳатда яшашларига ёрдам беришимиз керак. Айни замонда шуни ҳам қилиб келдик.

Бизга келган, озчиликда бўлган миллий гуруҳлар ўз миллатимиз бўлган турк, яъни маҳаллий халққа қараганда баъзилари ҳаттоки, яхши ишлаган бўлиши ҳам мумкин. Аммо бу демак, эмаски биз келажақда уларга қарши бир нарса чиқарамиз. Йўқ, иғволарга йўл бермаслигимиз керак. Биз тарихимизда адолатли инсонлар бўлиб келганмиз. Қаршимизда бириси нонсиз бўлса, нон бериб келганмиз, суви қолмаганларга сув етказиб берган одамлармиз. Бунинг учун бизга қарши қилинган иғволардан мумкин қадар қутулишимиз керак.

Муҳим масала – халқимизнинг иқтисодий ҳаётини яхшиламоқдир. Бизнинг ҳолимизда яшаган дунёда бундай бир миллат йўқ. Кечаги кун ҳақида айтсак, 9 миллион инсоннинг бир ойда топган пули 10 кунга етмаса, пахта майдонларидаги касалликлар натижасида, кимёвий моддалардан заҳарланиш натижасида 3 ярим миллиондан ортиқ одам сариқ касал билан касалланган бўлса! Ҳар йили Ўзбекистонда 284 минг бола бир ёшга кирмасдан ўлса, икки йил ичида 753 та хотин-қизларимиз ўз-ўзига ўт қўйган бўлса, бундай ҳодисаларни ҳозирга қадар на ислом дунёси, на христиан дунёси кўрмаган. Бугунги Туркистондаги бошимизга тушган фалокатларни кўринг. Семипалатинскда очиқ ҳавода ташкил қилинган 140 нафар сигналан атом бомбаларининг таъсирини кўринг. Сонсиз ўлган инсонлар, ҳайвонлар, заҳарланган инсонлар, касал бўлиб кўчада инграб ётган одамларни кўринг.

1930 йилда Хидир Алиев дегани каби: «Пахта қизил империализм даврида кафан бўлди, кафан». Буни унутмаслигимиз керак. Пахтадан воз кечмаймиз. Аммо пахта бизни эзмаслиги керак. Биз пахтани идора қилишимиз керак. Аммо пахта бизни қул қила олмайди. Бунга ҳеч кимнинг ҳақи йўқдир. Баъзилар, аввал, биз иқтисодий жиҳатдан тараққий этайлик, мустақил бўлайлик, кейин сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб кетамиз деган хаёлдалар. Мен бу фикрда эмасман. Агар сиёсий жиҳатдан мустақил бўлмасангиз, яъни, ўзингизни ўзингиз идора этмасангиз, ўзингизнинг ҳудудингиз бўлмаса, сизга бутун қалби, виждони, имони-ла борлигини хизмат қилдирган давлат



муассасаси бўлмаса, бундай ҳолда мен иқтисодий тараққиётда бўламан, ундан кейин мен мустақил давлат сиёсатида юраман, дейиш хатодир ва бундай қиладиганларнинг ташвиқотлари бўлса, менимча, буларда бир хоинлик изи бор. Мумкин қадар сиёсий мустақилликни, аввал, ўртага қўйишимиз керак. Сиёсий мустақиллик эса ўзининг бутун борлиғи ила иқтисодий мустақиллигимизни таъмин эта билажақдир. Русларга муносабат масаласи бу ҳаётимизнинг муҳим масаласидир. Чор Русияси бўлсин, коммунизм бўлсин, рус халқининг исмидан ҳаракат этди. Бу ҳақиқатдир. Аммо бунинг учун рус миллати айбдор бўлолмайди. Фақат рус миллати ичидан чиққан баъзи бир одамларнинг ёмон табиати бордир. Булар ҳурриятчилик, яъни озодлик туйғуларини билмайди. Эзилган бир мужикдан бир бошлиқ чиқариб қўйсангиз, эски мужикни эзиб бораверади. Бу эса руслардаги сиёсий характернинг бир кўринишидир. Алҳамдулилло, бундан қутила бошладик, яъни янгидан тузоқларга тушиб қолмаслигимиз керак.

Энг яхшиси, русларнинг ҳокимияти остида эмас, руслар билан ёнма-ён, дўстона, бир-биримизга ёрдам ҳолида яшашга ўрганишимиз керак. Буни энг аввал, русларнинг ўзлари ўрганишлари керак. Бизларнинг ўрганишимиз осондир. Биз кекчи, ўч олувчи одамлар эмасмиз. Бизнинг табиатимизда, динимизда, хулқимизда, анъанамизда бундай нарса йўқдир. Фақат айтмоқ керакки, бизга қарши қилинган суиистеъмолни бундан кейин биз ҳазм эта билмаймиз. Аллоҳ сизларга ёрдамчи бўлсин!

Сизларга бахт-саодат, миллатимизнинг истиқболи учун энг яхши ниятли фаолиятлар, саломатликлар тилаб қоламан. Сизнинг каби ҳар ерда, ҳар замон қалбим сизлар билан биргадир. Биз туркистонлик мужоҳидлар ва муҳожирлар қўлимиздан келгани қадар Ватан учун хизматга ҳозирмиз.

Ватанимизга озодлик талаб этдик, ўлдик, ўлдирдилар, аммо яна миллатим яшамоқдир. Соғ бўл, Миллатим!

Миллатимга хизмат қилган қадрли миллатдошларим соғ бўлсинлар. Аллоҳ ҳаммамизни ҳар жойда ҳимоя этсин! Омин.



Чапдан ўнгга: 1. Боймирза Ҳайитнинг ўғли Бекмирза. 2. Боймирза Ҳайит. 3. Бекмирзанинг ўғли, Б.Ҳайитнинг набираси Шухратбек Боймирзаев. 1991 йил сентябрь. Истанбул.

Сўзларимни тинглаганингиз учун минг марта раҳмат. Мени сўрасангиз, мен фалсафа фанлари доктори Боймирза ёрқўрғонлик Ҳайитмирзанинг ўғли, Туркистон тадқиқотлари институтининг мудирини, Байналмилал Туркистон жамиятининг фахрий раисиман. Бутун муҳожирларимиз отиндан сизларга қалбий саломлар, ҳурматлар билдираман, оналаримизнинг қўлларидан, укаларимизнинг кўзларидан, сафдошларимизни юракдан кучоқлаб, хайр. Аллоҳ саломатлик-ла кўришишни насиб этсин, деб умидларда қолган ватанимизнинг бир фарзанди сифатида бу сўзларни айтишга, билдиришга, журъат қила билдим. Хатоим бўлса, Аллоҳ кечирсин ва сизлар кечиринглар. Бу суҳбатни ўғлим Бекмирзани 51 йилдан кейин илк дафъа қайта кўрганлигим учун, бунинг хурсандлиги, бунинг нашъаси, бунинг севгиси, бунинг фожиаси, бунинг ҳаяжони билан сўзладим.

Энди эмдийлигим келди, агар хато сўзлаган бўлсам, қўпол сўзлаган бўлсам, ишонаманки, менинг азиз миллатим кечиради. Аллоҳ кечиргучидир. Унинг-да баробар Аллоҳ бизнинг ҳаммамизга инсоф, баробарликда ишламоқ, баробарликда тушунмоқ ва миллатимизнинг келажагини ўйламоқ туйғусини, иродасини, қувватини берсин, омин!

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1992-йил, 3-январь сонидан олинди.**



1992 йил 19 июль якшанба куни. Доктор Боймирза Ҳайит ҳамроҳлари билан Андижон давлат университетига ташриф буюрган. Ўртада доктор Боймирза Ҳайит, унинг ўнг томонида академик Аҳмадали Асқаров, чап томонида профессор Рустамбек Шамсутдинов, профессор Ҳамидулла Болтабоев, Рут хоним (Б.Ҳайитнинг рафиқаси), Мухтор Умархўжаев (Андижон тиллар институти ректори), қолганлари туркиялик қардошлар.

**Унолғи тасмасидан оққа кўчириб нашрга тайёрловчи Дадахон ҲАСАН – шоир, ҳофиз, 1992 йилдан 1-даражали «Меҳнат фаҳрийси» кўкрак нишони соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Дадахон Хасановни 2017 йил июлида «қора рўйхат»дан чиқарган.**

**Боймирза Ҳайитнинг шажараси:**


1. Маҳмудмирза (бобоси). 2. Ҳайитмирза (дадаси), Робахон (онаси). 3. Боймирза Ҳайит (1917), Ачахон (синглиси) (1986 йил вафот этган), 5. Хосиятхон (1921), 6. Тўхтахон (Б.Ҳайитнинг аҳли аёли 1921-1985), 7. Бекмирза (Телмон) (1940-1992), 8. Қорияхон (Бекмирзанинг аёли 1942-2022) 3.1.1 Шўхрат - 1964 йил туғилган, - Ҳалимахон (аёли). 3.1.2 Раънохон (набираси) 1967 йил туғилган – Равшанбек (Раънохоннинг турмуш ўртоғи), 3.1.3 Абдурахим (набираси) (30.07.1979), 3.1.4 Қобилжон (21.11.1982), 3.1.1. Чеваралари Насиба, Қахрамон, Ҳайитмирза, 3.1.2 Чеваралари: Махфират, Маърифат.

Боймирза Ҳайит – Рут хоним (Германиядаги аҳли аёли)

3.2. Эртой (ўғли) 3.3 Мирза (ўғли) 3.4 Дилбар (қизи) 3.2.1. Нодира, Карима (набиралари) 3.3.1 Рамин, Дарё (набиралари) 3.4.1 Карим, Раъно, Дарё (набиралари).

**Боймирза Ҳайитнинг набираси**

Отам – раҳматли Бекмирза енгил саноат институтини инженер-экономист факультетини тугатган. Пахтачилик саноатида турли вазифаларда ишлаб, сўнг Наманган области нефт маҳсулотлари бош ҳисобчиси, Ўзэлектротерм Наманган области бош директорнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари лавозимларида ишлаган, Текстиль техникумида рус гуруҳидагиларга дарс берган



Б.Ҳайитнинг набираси Шўхрат Боймирзаев











иқтидорли киши эди. 1986 йил сариқ касалигидан жигар-циррози ташхизи қўйилган ва 1992 йил 22 январда вафот этган. Ўзим эса колхоз қурилишида техника хавфсизлиги инженери вази фасида ва турли ташкилотларда ишладим, Аллоҳимга беадад шукур, моддий бўлмаса ҳам маънавий бойман. Бобом ҳақида архивимда кўпдан кўп маълумотлар, унинг қаламига мансуб асарлар мавжуд. Бироқ бобомнинг мероси, илмий асарлари ҳақида Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки даврда озми-кўпми эълон қилинди. Аммо 1992 йил ватанга келиб кетгандан сўнг Боймирза Ҳайитга нисбатан

муносабат ўзгарди ва у ҳақида матбуотда ижобий мақолалар эълон қилинмади, асарлари ўзбекчага таржима қилинмади. Қирғизистон, Туркия, Қозоғистон, Россия, Олмония, Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда Боймирза Ҳайитнинг илмий асарлари таржима қилиниб нашр этилган. Бобомнинг «Босмачилар – Туркистон миллий кураши тарихи» китоби профессор Р.Т.Шамсутдинов ва унинг шогирди Ш.Балтабаев томонидан илк бор ўзбек тилига таржима қилинганидан беҳад қувончга тўлдим ва муаллифлардан бир умр миннатдорман!

### БОЙМИРЗА ҲАЙИТНИНГ АСАРЛАРИДАН АЙРИМЛАРИ





# «БОСМАЧИЛАР»

# ТУРКИСТОН

## МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ

Доктор Боймирза Ҳайит

### ТУРКИСТОН ФРОНТИДАГИ ҚИЗИЛ АРМИЯ ҚИСМЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ КУРАШЧИЛАРГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ КУЧАЙИШИ

(Боши ўтган сонларда)



М.В.Фрунзе

Фрунзенинг ўзи 1920 йил 26 майда қўрбоши Охунжон Нурмат полкини қуролсизлантириш ҳақида буйруқ берди. 1919 йил 21 июнь куни Охунжон ўзига бўйсунган Ҳожи Қипчоқбой, Мулла Даврон Бутаёр, Мулла Меҳмет Али, Мулла Умир Али, Улуғ Ҳўжа, Мирза Тоға, Мадмуса Саркор, Юсуфжон, Жўрабой Хўжа ва Дадабува Артакбарлар билан биргаликда қизил армия билан сулҳ шартномасини имзолади. Кейинчалик бу қўшинлардан совет полки тузилади. Охунжон полки Украинада жанг қилиши ҳақида қарор қабул қилинади, аммо Охунжон бу буйруқни бажаришни истамайди. Охунжон қўрбошилар билан боғланиб, уларни ёнига қайтишга ҳаракат қилади, лекин вазиятни сезган советлар ундан тезроқ ҳаракат қилиб, 1920 йил 26 майда Охунжон ва унинг тарафдорларини қамоққа олади. Охунжон яна босмачилар олдига қочишга муваффақ бўлади, лекин маълумки, унинг полки совет армияси билан биргаликда Мадаминбек қўшинларига қарши жанг қилган.

Совет армияси 1919-1920 йилларда Фарғона водийсида катта йўқотишларга учради. Йўқотишлар миқдори ошкор этилмаган. Шу нуқтаи назардан, Россия ҳеч қачон урушда қанча рус ҳалок бўлганлиги ҳақида аниқ рақам бермаганлигини эсга олиш керак. Шунга қарамай Туркистон fronti қўмондониди 1920 йил 8 февралда барча европаликларни (русларни назарда тутуди – Б.Ҳ.) ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида буйруқ<sup>1</sup> бергани боис рус қурбонлари сони анча кўп бўлса керак деган фараз пайдо бўлади. Бу буйруқ дарҳол амалга оширилади бошланади ва шу билан совет қўшинлари сафи янгидан тўлдирилади.

1919 йил охири ва 1920 йил бошида Фарғона водийсида озодлик учун курашувчиларга қарши учта қизил армия бригадаси (Кужело бригадаси; 7-отлик бригада ва татар бригадаси) ва битта дивизия (2-мудофаа дивизияси) кураш олиб борди. Мужоҳидлар Зарафшон водийси ва Хоразм ҳудудида курашларини давом эттирдилар. Совет аскарлари зирҳли техника, самолёт каби замонавий қурол-яроғларга эга бўлсалар ҳам, мужоҳидлар қаршисида ўзларини кучсиз ҳис қилишарди. Бу ҳақиқатни совет ҳукумати

<sup>1</sup> Д. М. Будянский, С. Б. Жантуаров, Великая Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Киргизии (1917-1920 гг.) Фрунзе 1957, С 263 - 64.



Туркистон комиссиясининг раиси, Россия Компартияси Марказий Комитети ва Туркистон фронти Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси бўлган З.Ш.Элиаванинг 16 апрелдаги маърузасидан ҳам тушуниш мумкин. Элиава ўз ҳисоботида шундай дейди: «Фарғона водийсидаги совет ҳукмронлиги бу қуруқ гап. Коммунистик тузилма катта зарар келтирди. Фарғона вилоятидаги барча совет ва партиявий сиёсатнинг пагроми (Советский и партияный пагром) ўз самарасини йўқотса керак».<sup>1</sup>

Совет маъмурияти ҳам ўз дастурларини тўлиқ амалга ошира олмасликдан қўрқарди. Шу сабабдан ҳам советлар ўз рақибларига қарши ҳужумларда жуда шафқатсиз бўлдилар. Қўрбоши Раҳмонқул 1920 йил 28 апрелда 2800 нафар йигитлари билан ҳужумга отланди. 1920 йил 16-17 май кунлари Учқўрғон ва Водилдаги тўқнашувларда Шермуҳаммадбек, Ҳолхўжа ва Омон Паҳлавон қўшинлари совет кўшинларини мағлубиятга учратадилар. Айни пайтда Муҳиддин, Исломуқул, Раҳмонқул, Оллоёр, Эшмат Бойвачча, Исроил, Ёрмат Махсум ва Баёстон қўшинлари ҳужумларини кучайтирадилар. Совет полки йўқ қилинади, бирорта ҳам одам тирик қолдирилмайди. Совет қўшинларининг мағлубиятлари Туркистон фронти қўмондонини хавотирга солади. Шунинг учун 1920 йил 15 майда М.В.Фрунзе Фарғона водийсидаги 2-мудофаа дивизияси командирига қуйидаги буйруқни юборади: «Учқўрғон ва Водилда бўлиб ўтган воқеалар шуни кўрсатадики, босмачилар совет ҳукмронлигини қабул қилиб, қизил армия сафига қўшилган бўлсалар-да, баъзилари бизга хиёнат қилиб ўз ҳужумларини давом эттиришди. Шу боис советлар ҳукмронлиги хавфсизлиги ва манфаатларига доимий таҳдид солувчи босмачиларни бутунлай йўқ қилиш, Фарғонада одатий ҳаётни тиклаш мақсадида қуйидаги кўрсатмаларни бажаришни буюраман:

1. Босмачи тўдаларининг қолдиқларини зудлик билан йўқ қилиш учун қатъий ҳарбий операциялар ташкил этилиши керак.

2. Бунинг учун қуйидаги чораларни кўриш керак: а) Ҳудудда босмачиликнинг тарқалиши

ва униб чиқишига асос бўлган Учқўрғон, Балиқчи, Новқат, Шаҳрихон каби йирик қишлоқлар кучли гарнизонлар билан ишғол қилинади; б) фаол операцияларни бажара оладиган кучли бўлинмалар тузилади.

3. Жанг майдонларида ва уруш пайтида ўзингизни бардошлилигингиз, қатъиятингиз ва қарор қабул қилиш қобилиятингизни исботлайсиз. Душман раҳбарлари билан ҳар қандай музокара тақиқланади.

4. Маҳаллий халқ уларни вайрон қилган босмачиларнинг пасткашлиги ҳақида билиши керак. Бундан буён, ҳарбий ҳокимият аниқ, қатъий ва тушунарли чора-тадбирлар билан босмачиликни йўқ қилиш учун ҳужумларини бошлаганини жамоатчиликка етказиш орқали уларни тинчлантириши керак.

Кимки босмачилар билан алоқадор бўлса ёки улар билан сафдош бўлса, у халқ душмани ва қароқчи ҳисобланиб, халқ кўз ўнгида қатл этилади. Босмачиларга ёрдам берадиган ёки қўллаб-қувватловчи ҳар қандай шахс ёки жамоа қаттиқ жазоланади.

5. Собиқ босмачи қўшинларининг советларга содиқлигига заррача шубҳа туғилса, дарҳол қурол-яроғи олиб қўйилади. Қуроллари олиб қўйилган бўлинмаларнинг аскарлари Тошкентга олиб келинади. №.1787.

*Туркистон фронти қўмондони: М. Фрунзе,  
Туркистон фронти инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси: Ибрагимов*

*Бошқарма бошлигининг ўринбосари:  
Благовещенский»<sup>2</sup>*

Босмачиларни кўрганда дарҳол ўлдириш ва босмачилар билан алоқада бўлганларни жазолаш тўғрисидаги бу буйруқ совет ҳарбий бўлинмаларининг нақадар шафқатсиз бўлганлигини тушуниш нуқтаи назаридан жуда мазмунли баёнотдир. Мужоҳидлар бу буйруқни эътиборга олиш билан бирга, қизил армия қароқчиларнинг ёпиқ гуруҳидан бошқа нарса эмаслигини ҳам билишарди. Бундай буйруқлар мужоҳидларни кўрқитиш ўрнига уларнинг жанговар руҳини ошириб, курашни давом эттириш хоҳишини янада кучайтирди.

<sup>1</sup> Д.Д.Зуев (39), 44-бет.

<sup>2</sup> М.В.Фрунзе. Собрание сочинений, 1-жилд. Тошкент: 1929 й. 128-бет.





Фарғона водийсидаги қўрбошилар 1920 йилнинг ёзига қадар Мадаминбекнинг ўрнига ислом қўшинлари бошлиғи сифатида раҳбарлик қила оладиган ватанпарвар, жасоратли, жанговар тажрибага эга бўлган, ҳарбий ҳаракатларда ўзини кўрсатган кишини танлаш билан банд эди. Натижада қўрбошилар 1920 йил июнь ойида Шермуҳаммадбекни мужоҳидлар гуруҳларига бошлиқ этиб сайладилар. Шермуҳаммадбек сайланишидан олдин ҳам жамоатчилик, ҳам кўпчилик қўрбошилар томонидан танилган шахс эди. Ҳожи Маҳмуд Али Ҳожадан озодлик кураши учун икки милтиқ совға олган бу янги озодлик йўлбошчиси 1919-1920 йилларда тахминан 65000 дан 70000 гача бўлган отлик қўшини билан советларнинг янги зулмларига қарши курашни давом эттирди. Шермуҳаммадбекнинг отаси Қўқон хонлиги қўшинида зобит бўлиб хизмат қилган Қўшоқбек 36 ёшида русларнинг Қўқонга ҳужуми пайтида хонликни ҳимоя қилган аскарлар қаторида бўлган ва 1913 йили Макқадан ҳаж зиёратидан қайтиб келаётганида Қримда вафот этган. Қўшоқбекнинг беш ўғли Шермуҳаммадбек, Тошмуҳаммадбек, Тожмуҳаммадбек, Рўзимуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек озодлик курашида қатнашган.

Шермуҳаммадбек 1917 йил 17 август куни Марғилоннинг Карбува қишлоғига (Марғилонга туташган катта қишлоқ бўлиб, ўрта асрлардан буён диндорлар зиёрат қилиб келган) 7 нафар нуфузли арбоблар, жумладан, руҳонийлар билан бирга келади ва халқни бир жойга тўплаб, советларга қарши курашда унга байъат қилишларини сўрайди, халқ эса Шермуҳаммадбекга байъат бериб, у учун дуо қилади.

1917 йил 18 августда 9 нафар мард йигит<sup>1</sup> халқ ҳуқуқлари учун курашга қасамёд қилади. Бу 9 жасур киши келажакда Шермуҳаммадбек қўмондонлигида тузиладиган буюк ва қудратли ислом қўшинининг биринчи пойдеворини ташкил этади. Шермуҳаммадбек 1918 йил май ойида қўрбоши Эргаш амир-ул муслимин этиб

сайланганида ҳам танилган ва у қўрбоши Эргашнинг иккинчи ёрдамчиси (Мадаминбек биринчи ёрдамчиси) бўлган. Шермуҳаммадбекнинг довуғи 1919 йил охиригача бутун минтақага тарқалди ва у афсонавий қўрбоши деб атала бошланади. У халқ тилида Шермуҳаммадбек, Шермат, совет адабиётида эса Кўр Шермат деб юритилади (Шермуҳаммадбекнинг кўзида бироз ғилайлик бор, шунинг учун руслар уни Кўр Шермат деб аташади). 1920 йилда Шермуҳаммадбекдан ташқари қўрбоши Омон Паҳлавон, Муҳиддин (қирғизчада: Муеддин) ва Холхўжа машҳур бўлди. Муваффақиятга эриша олмагани учун тинимсиз мудофаа урушларини олиб борган совет ҳарбий отрядлари ўз аскарларини қўрқитмаслик учун 1920 йилда Фарғона водийсидаги босмачилар сонини 15000 нафарга яқин деган маълумотни тарқатишган<sup>2</sup>. Фарғона водийсида озодлик учун курашувчилар сони шунчалик кам бўлган бўлса, шунча аскар ва қурол-аслаҳа (отлик дивизион, пиёдалар дивизияси), зирҳли транспорт воситалари, зирҳли поездлар, самолётлар, тўплар ва автоматлар билан советлар томонидан қўллаб-қувватланадиган Фарғона frontiдаги (1918 йилдан бошлаб Фарғона fronti деб атала бошлаган) озодлик жангчиларига қарши жанг қилишлари шарт эмас эди. Буларнинг барчаси миллий курашни бостириш учун етарли эмас эди. Бундай вазиятда М.В.Фрунзе совет ҳарбий отрядларини қўллаб-қувватлаш учун Оқтубадаги «қизил инқилобчилар» дивизиясини Фарғонага кўчиришга мажбур бўлди.

Шермуҳаммадбек, Холхўжа ва Омон Паҳлавон бирликлари 1920 йил май ойида Бозорқўрғон, Қўрғонтепа, Қўқон қишлоқ ва Избосганни 2-мудофаа дивизиясидан (254 отлик, 700 та пиёда, 8 та пулемёт, 2 та тўп ва зирҳли техникадан иборат) мудофаа қилдилар. Совет полклари озодлик учун курашувчиларни ўз позицияларидан улоқтириб юбора олмайдилар. Бироқ 1920 йил июнь ойининг охирида озодлик курашчилари ўз позицияларини ташлаб, Қора дарёнинг ўнг томонидаги порт ҳу-

<sup>1</sup> Шермуҳаммадбекдан бошқа йигитларнинг исмлари қуйидагича эди: Тожмуҳаммадбек (у 40 ёшда эди), Рўзимуҳаммадбек (38 ёшда), Нурмуҳаммадбек (20 ёш), Қорабойбек, Қўшмуродбек, Мулла Хотам (20 ёш), Эргашбек (30 ёш), Аскарбек ва Дардоқбек (20 ёш).

<sup>2</sup> Никишов П.П. (1967), 83-бет.



дудларига чекинишга мажбур бўладилар. 1500 аскардан иборат Холхўжа ва бошқа қўрбошилар қўшинлари 1920 йил 3 июлда Бозорқўрғон ва Ойим аҳоли пунктларини босиб оладилар. 1920 йил 4 июлда Қора дарёнинг ўнг қирғоғидан Андижон шаҳри ва Андижон-Наманган темир йўл линиясига ҳужум қилишади. Шермуҳаммадбек қўшинлари Марғилон-Андижон ва Андижон-Наманган ўртасидаги темир йўл линиясини ишдан чиқариб, Холхўжа аскарлари билан бирга Андижонни эгаллаш учун Хонободга тўпланишади. Совет ҳарбий маъмурияти бу хавфни ўз вақтида сезди ва татар бригадаси билан мужоҳидларга қарши ҳужумга ўтади. Шермуҳаммадбек ва Холхўжа Карбува Аравонга чекинишга мажбур бўлдилар. 1920 йил 10 июлда Шермуҳаммадбек қўшинлари ва татар бригадаси ўртасида тўқнашув бошланди. Бу жангда озодлик курашчилари Чинобод ва Балиқчига чекинишга мажбур бўлди.

Қизил армиянинг 15-отлиқ полки чекинаётган мужоҳидлилар ортидан эргашиди. 1920 йил 13 июлда Шермуҳаммадбек ўз қўшинлари билан Асакага келади. Маълумки, совет қўшинлари ва озодлик курашчилари ўртасида 1920 йил 28 апрелдан 1920 йил 21 июлгача 42 та тўқнашувлар бўлиб, 30 июньда Аравон, 5 июлда Файзобод, 10 июлда Карбува ва энг қонли, шиддатли тўқнашувлар 1920 йил 14 июлда Андижон-Ўш ва Жалолобод атрофида бўлади. Бу жангларда озодлик курашчилари 1-Фарғона отлиқ полки, татар бригадаси, 1-қора қирғиз отлиқ бригадаси, 15-отлиқ полки ва 2 та зирҳли взводга қарши жанг қилишлари керак эди. Шермуҳаммадбекнинг 2000 кишилиқ бўлинмаси 1920 йил 14 июлда Асакада жанг қилиши керак эди, бироқ кейинчалик Ниёз Ботир ва Оқбўйра томон чекинишга мажбур бўлган бу бўлинма қисқа ва вақтинчалик хавфдан омон қолади.

Шермуҳаммадбекнинг бирликларини совет қўшинлари (4-пиёдалар бригадаси, битта отлиқ бригада ва 15-отлиқ полк) мувофиқлаштирилган ҳолда таъқиб қилишади. Қарама-қарши томонлар ўртасида 1920 йил 16 июлда Бештом қишлоғида тўқнашув бўлади. Шермуҳаммадбек жанг майдонидан катта талафот кўрган (бу тўқнашувда 1300 дан ортиқ йигити шаҳид бўл-

ган) омон қолган жангчилари билан янги тўқнашувларда қатнашгани Дўрманчи қишлоғига чекинишга мажбур бўлади. У ердан Оққўрғонга чекинишга мажбур бўлган Шермуҳаммадбекни таъқиб қилиш учун Кужелонинг отлиқ бригадаси (машҳур интернационал бригада) тайинланади. Шермуҳаммадбек аскарлари қисқа муддатли тўқнашувдани кейин бу ердан жўнаб кетишади. Шундан сўнг совет қўшинлари яна Шермуҳаммадбекнинг изини топа олмадилар. Советларнинг 1-отлиқ бригадаси ва Қора қирғиз отлиқ полкига Шермуҳаммадбекни таъқиб қилиш тайинланди, аммо бу бўлинмалар бу борада ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмадилар.

Шермуҳаммадбек жуда тез ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлиб, янги жангчилар топиб, қўшинларини кучайтириш учун тоғли ҳудудлардан паноҳ излашга мажбур бўлган. Кейинчалик М.В.Фрунзе совет қўшинларининг муваффақиятсизликлари ҳақида қуйидагиларни айтади: «Рақибларимиз биз билан очиқ ва кенг кўламли жангларга кириша олмади. Ўраб олиш ҳақида гап кетганда, улар кичикроқ бўлинмаларни тузишга муваффақ бўлдилар ва улар ҳудудини яхши билганлари учун бизнинг бўлинмалардан осонгина қочиб, изларини йўқотдилар.

Фарғона ҳарбий маъмурияти томонидан амалиётлар давомида қуйидаги хатога йўл қўйилган: олдинга силжишлар ва тунги тўхташ ва дам олиш вақтида зарур кузатув ва ахборот тадбирлари ўтказилмаган; бунинг табиий натижаси сифатида қўшинларимиз тўсатдан душманга тўқнаш келганда, душманларимиз нима қилишимиз мумкинлигини ва турли маневрларимизни табиий равишда башорат қилишлари мумкин эди, шунинг учун улар бизга қарши ғалаба қозонишлари ва хатоларимиз бизга катта талофатлар келтириши мумкин эди. Биз йўл қўйган яна бир катта хато – тарқаб



Э.Ф.Кужело



кетган, мағлубиятга учраган ва ўз тўдаларидан ҳайдалган рақибларимизнинг тинимсиз таъқибига эътибор бермаслик бўлди. Бунинг натижасида босмачилар бошқа аҳоли пунктларида бемалол яшириниб, биз кутмаган вақтда бизга ҳужум қилишди».<sup>1</sup>

Совет ҳарбий маъмурияти учун одамларнинг ҳалок бўлиши муҳим воқеа эмас эди. Улар Туркистонни русларнинг ҳукмронлигига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай усулни қонуний ҳисоблашган. Шу сабабдан ҳам халққа, ҳам озодлик курашчиларига қарши ҳар хил таъйиқ воситаларини ишга соладилар. Бунга оддий мисол келтирсак, М.В.Фрунзенинг 1920 йил 23 мартдаги Туркистондаги барча отларни фронтда фойдаланиш учун мусодара қилиш ҳақидаги буйруғини кўрсатиш мумкин. Бу буйруқга кўра, халқнинг насли отлари мусодара қилиниб, ҳарбий қабулхоналарга келтирилади. Ҳарбий отрядлар ва советларнинг маъмурий марказлари қўмондонлари ўргатилган ёки ўргатилмаган бўлишидан қатъи назар Туркистоннинг барча отларини тортиб олиш учун бир-бири билан рақобатлашарди. Советларнинг бу радикал чораси вақти-вақти билан мужоҳидлар билан шўролар ўртасида тўқнашувларни келтириб чиқарарди, чунки отлар мужоҳидлар учун ажралмас ҳарбий восита ва шошилинч эҳтиёжлар учун ажралмас транспорт воситаси эди. Отлари бўлмаса мужоҳидлар тез ҳаракатлана олмай, жанг пайтида ҳужумга ўта олмасди ва жанг майдонидан тезда чекинишга мажбур бўлишарди.

Тўғри, совет ҳарбий отрядлари марказдан етарлича қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан таъминланар эди. Бироқ мужоҳидларга қарши ғалаба қозонишлари учун «қурол тили» етарли эмас эди. Шунинг учун қизил армиянинг ҳарбий маъмурияти биринчи навбатда миллий қўзғолонга қарши курашда қизил гвардиячиларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириш керак деб ҳисобларди. Маълумки, қизил гвардиячиларнинг маҳаллий аҳолига муносабати чидаб бўлмас даражада эди. Шу билан бирга, бу муносабат минтақадаги совет ҳукмронлиги

учун катта хавф туғдирди. 1920 йил 23 майда М.В.Фрунзе қизил армия кўшинларга фронтда янги ҳаракат усулларини белгилайдиган ўз буйруғини топширади. Янги қоидалар белгиланган буйруқ матни қуйидагича: «Фарғона fronti кўшинларига буйруқ!

Ўртоқлар! Икки йилдан ортиқ Туркистоннинг дурдонаси бўлган Фарғона қонли урушлар содир бўлган майдонга айланди.

Бу икки йиллик давр мобайнида Россиянинг бошқа ҳудудларида ва Туркистоннинг бошқа жойларида содир бўлган фуқаролар уруши ишчилар синфининг катта ғалабаси билан якунланган бўлса-да, бу минтақада уруш жадал суръатларда давом этмоқда. Бунинг сабаблари бу ерда бошқача ривожланган инқилобий ҳаракатлардир. Афсуски, Фарғонадаги совет ҳукмронлигининг илк вакиллари ишчилар синфи билан ҳеч қандай муносабатда бўлмагани ва ўзлари ҳам бу синфга мансуб бўлмагани учун ўлка меҳнаткашларини ўз атрофига тўплай олмади. Маҳаллий совет маъмурлари ўз ҳукмронлиги даврида ишчилар синфидан узоқлашиш учун қўлларидан келганини қилдилар ва шу тариқа европалик ва маҳаллий ишчи ва деҳқонларнинг бирортасини, жуда катта ва хилма-хил бўлган жамиятни ўзига жалб эта олмадилар. (Изоҳ: Бу европалик деҳқон ва ишчилар деб аталганлар нафақат Фарғонада, балки бутун Туркистонда ҳам ҳукмрон эдилар. – Б.Ҳ.)

Бошқарув ходимлари эса ўзларининг ифлос ишларини қилиш учун жой излаётган шахслар билан тўла эди.

Маҳсулотларни миллийлаштириш (яъни давлат тасарруфига ўтказиш) ўрнига нафақат буржуазия, балки ўрта табақа вакиллариининг моллари ҳам очиқдан-очиқ талон-тарож қилинди. Мусулмон камбағалларини бойлардан ҳимоя қилиш ўрнига, камбағалларни ҳар хил хўрликларга дучор қилдилар. Бу ҳудудларда ҳаракат қилаётган қизил армия бўлинмалари инқилобни ва ишчилар синфини ҳимоя қилиш ўрнига, аксинча, уларга қарши қуролли босим билан яқинлашди. Буларнинг барчаси натижасида босмачилар деб аталадиган ҳа-

<sup>1</sup> Никишов П.П. (167), 87-бет.





ракат пайдо бўлди. Босмачилар шунчаки ўғрилар эмас (Разбойники), агар улар ўғрилар бўлса уларни йўқ қилиш осон бўларди. Йўқ, босмачилар асосини ташкил этувчи минглаб одамлар аввалдан ўзга кучларнинг ҳукмронлиги ва хўрлашидан чарчаган ва уларни бошқа ҳеч ким ҳимоя қила олмагани учун босмачи номи билан ўзини ҳимоя қилишга уринган одамлардир. Бу одамлар босмачиларга илгари ҳеч қачон топа олмаган ёрдам ва кучни берадилар. Шундай қилиб улар мусулмон халқига ёрдам берадилар.

Марказий Россия билан алоқанинг тикланиши натижасида Туркистонда мавжуд бўлган тартиббузарликларни йўқ қилиш учун қизгин ҳаракат бошланди. Маъмурий ходимлар таркибидан жой олишга эришган қароқчиларнинг барчаси тугатилади. Хуллас, Туркистондаги бундай ҳолат туфайли совет қўшинларида тартиб таъминланади. Халқ бу чора-тадбирлардан дарҳол хабардор бўлади ва яна совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлаш йўлига ўтади.

Озодлик курашига катта куч ва таъсир кўрсатган босмачилар сардорлари бу ўзгаришларни ўз вақтида англаб, маъқулладилар, шунинг учун совет ҳукмронлигини қабул қилдилар. Халқ яна тинч кунларни бошдан кечириши учун босмачиликни йўқ қилиб, ҳудудни улардан озод қилиш вақти келди.

Қолаверса, Фарғона халқимизни кийим билан таъминлашимиз учун зарур бўлган пахта ва заводларимизнинг асосий юк омбори эканлигини унутмаслигимиз керак. Ўртоқлар, қизил гвардиячилар, булар сизларнинг вазифангиз. Бу вазифалар кўринганидек осон эмас. Вазифанинг қийинлиги душманни ҳарбий куч билан мағлуб этиш эмас. Бу биз учун унчалик ҳам қийинчилик туғдирмайди, ҳақиқий қийинчилик бу миллионлаб меҳнаткаш мусулмон халқига босмачилар душман, уларга қарши курашиш муқаддас бурч эканини ҳар томонлама тушунтириш ва босмачиларга қарши ишчилар синфини қўллаб-қувватлаш зарурлигини тўғри етказа билишдадир. Сизнинг социалистик ватанингиз бу буйруқларни бажаришингизни кутмоқда.

Шунинг учун мен қуйидагиларни буюраман:

1. Фронтнинг барча бўлинмалари – қизил гвардиячилар, командирлар ва комиссарлар босмачи тўдаларнинг қолдиқларини имкон қадар тезроқ тозалаш зарурлигини тушунишлари керак.

2. Душманларга қочиш ва яшириниш имкониятини бермасдан ҳарбий операциялар жасорат ва қатъият билан давом эттирилиши шарт.

3. Ҳар бир бўлинма командири ўзига яқин бўлинмадан ёрдам чақируви келганда ўзаро ёрдам ва ҳимоя қилиш учун онгли равишда ҳаракат қилиши зарур.

4. Маҳаллий халқнинг бегуноҳ ишчилар синфига қардошларча муносабатда бўлиш ва уларни ҳар хил хавфлардан қутқариш лозим.

5. Маҳаллий халқдан олинган мол-мулк ва бошқа нарсалар яна ўз эгаларига қайтарилади ёки мусодара қилинган молнинг қийматига тенг миқдорда бадал эгаларига тўланади. Агар буларни амалга оширишнинг иложи бўлмаса у ҳолда бирликлар кўмондони ва комиссари томонидан имзоланган ҳужжат асосида мулк эгасига берилади.

6. Маҳаллий вазият туфайли кузатув вазифалари ва разведка вазифаларини эътиборсиз қолдирмасдан, масъулият билан амалга ошириш керак.

7. Қайд этилган қарорга риоя қилмаслик социалистик инқилобга хиёнат ҳисобланади ва ҳарбий қонунлар билан жазоланади.

**Туркистон fronti қўшинлари кўмондони: Михаил Фрунзе».<sup>1</sup>**

Юқорида тилга олинган буйруқларнинг энг муҳими, совет ҳарбий маъмурияти босмачиларнинг қароқчи эмаслигини тан олишидир. Туркистон халқига қарши икки йилдан ортиқ шафқатсиз уруш олиб борган совет маъмурияти энди қизил армияга маҳаллий халққа «биродарларча муносабатда бўлиш» ҳақида кўрсатма бераётган эди. М.В.Фрунзе ўз буйруғида «босмачиларнинг қолган қолдиқларини зудлик билан тозалаш» ҳақида гапирган ўша пайтдаги миллий қўзғолон Фарғонада ўзининг энг юқори чўққисига чиққан эди. Бу

<sup>1</sup> М.В.Фрунзе (158), 313-315-бетлар.



бўйруқ озодлик курашчилари эмас, аксинча қизил армиянинг ўзи золим, талончи ва қароқчи эканлигини исботлаши билан ҳам аҳамиятлидир. Албатта, Россияга пахта керак эди ва шунинг учун қизил армия Туркистонни босиб олиш учун шавқатсизларча кураш олиб боради. Бу бўйруқда қизил армия зиммасига Туркистонда нафақат янги тузум, яъни коммунизм ўрнатиш вазифаси қўйилганлигини, балки Россия Туркистонда талон-тарож қилиш йўли билан ўз мустамлакачилик сиёсатини мустақкамламоқчи эканлигини яққол кўриш мумкин бўлади.

Маълумки, туркистонликларнинг бир қисми 1918 ва 1919 йилларда совет армияси хизматида бўлишган. Бироқ бу одамлар совет маъмурлари ва қизил армия билан ишлаганларида ҳам советлар ҳақида жуда ёмон таассуротга эга эдилар. Урушдан олдин, уруш пайтида ва урушдан кейин қизил армия аскарлари ярадор ва асирларни жойида отиб ташлаб, қишлоқларга ўт қўйиб, қизлар ва аёлларни зўрлаб, масжидларни кўнгилочар марказ ва казармаларга айлантириб маҳаллий халққа нисбатан ёмон муносабатда бўлишганига гувоҳ бўлганлар. Совет ҳарбий отрядларининг маҳаллий халққа нисбатан бундай хатти-ҳаракати советларга хизмат қилаётган туркистонликларнинг қизил армия сафини тарк этишига сабаб бўлади. Шундай шароитда Андижон шаҳар инқилобий қўмитаси раиси Султонбек Тўхтабеков ва шаҳар ижроия қўмитаси раиси Латифжон Содиқбоев 1920 йил май ойининг охирида ўз лавозимларини тарк этиб, озодлик курашчилари сафига қўшилидилар ва вафот этгунча, яъни 1923 йилгача ўзларининг олдинги иш берувчиларига қарши курашадилар.

Фрунзе 1920 йилнинг ёзида қизил армияда ҳаддан ташқари кўп сонли аскарлар ва қурол-яроғларга эга бўлишига қарамай, нима учун Фарғона водийсида сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ожиз эканини тушуна олмайди. Совет маъмурлари эса халқ ишончини таъминлашда ижобий натижага эришмайди. Фрунзе босмачиликни қурол билан тугатиш учун ҳаракат қиларди. Бунга эришиш учун 1920 йил 12 июнда Етгисувдан Фарғонага 4 та полкни

(2 отлик ва 2 та пиёда полки) кўчиришни ва улар етиб келган заҳоти жангга киришишини буюради. У 1920 йил 25 майдаёқ Ленинга телеграмма йўллаган. Унда шундай дейилган: “Фарғонада босмачилик олови тўлқин-тўлқин бўлиб ёйилмоқда... Шунинг учун мен сизларнинг эътиборингизни фронтга ҳарбий ёрдам кўрсатиш зарурлигига қаратмоқчиман. Фарғонада барча воситалар, жумладан, Туркистон fronti қўмондонлик дивизияси ҳам сафарбар қилиниб, жанг майдонларида кураш олиб борилмоқда. Қатъий ва аниқ чоралар кўриш энди заруратга айланди».<sup>1</sup> Фрунзе 1920 йил 15 майда Туркистон fronti таркибидаги Фарғона frontiга алоҳида аҳамият қаратади.

1920 йил 30 майда совет ҳарбий отрядлари Пешқўрғон, Заркент ва Нанайда 4 та пулемёт ва 2 та тўп билан қўрбоши Соли Маҳсум, Омон паҳлавон ва Отақўзига ҳужум қилади. Бу жангда мужоҳид қўшинларининг кўп қисми йўқ қилинган, қолганлари Қўқон шаҳри атрофига чекиниб, ўша ерда курашни давом эттирганлар.

Совет ҳарбий маъмурияти ўлкадаги муваффақиятларга қисман эришганига қарамай, босмачилар олдида ўзини кучсиз ҳис қилар эди. Шу сабабли улар босмачиларга қарши курашнинг ҳар хил усулларига мурожаат қилишди. Туркистон fronti қўмондони Фрунзе 1920 йил 24 майда «Фарғона мусулмон халқига даъват» номли хабарнома чиқариб бир томондан мусулмонларни тинчлантиришга ҳаракат қилса, иккинчи томондан, уларга таҳдид қилишни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Буни унинг халққа қарата йўллаган хабарномасидан тушуниш мумкин:

«Мусулмон биродарлар! Биз, совет ҳукмронлиги вакиллари, қонга ботган қишлоқ ва шаҳарларда яшовчи сизларга ёрдам беришга шараф келтирамиз. Нега босмачи тўдаларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этди? Нега халқ бу қароқчиларни тўхтатиш учун зарур бўлган ишни қила олмади? Бу борада Фарғонадаги совет ҳукмронлиги асосий айбдор эканлигини афсус билан айтаман. Фарғонадаги совет ҳукмронлигининг илк вакиллари ва ташки-

<sup>1</sup> Ш.Иноятов. История гражданской войны в Узбекистане. Тошкент 1972 йил. 2-жилд, 119-бет.



лотчилари, афсуски, юсак ғояларни амалга оширишда ўз имконият ва мавқеларидан унумли фойдалана олмадилар, меҳнаткаш ишчилар оммасига яқинлашиш ўрнига улардан узоқлашишни афзал билдилар. Дастлабки совет қўшинлари ишчилар ва деҳқонлар синфи олдидаги масъулиятини билмай, фирибгарлик ва ўғирликлар қилдилар. Энг муҳими, халқнинг совет ҳукмронлигига бўлган ишончини йўқотди. Натижада халқ орасида босмачиликни совет ҳукмронлигидан ўзларини ҳимоя қилиш қуроли сифатида кўриш ғояси тарқала бошлади. Бундан буён босмачилик ҳаракати халқ душмани саналади ва аёвсиз йўқ қилинади. Бу қарор совет ҳукмронлиги номидан, ҳукумат томонидан қабул қилинган ва Туркистон fronti қўмондони сифатида менга бу вазифани тезроқ бажариш юкланган эди. Шу билан бирга, шўро ҳокимияти ҳукмронликнинг асосий манбаи бўлмиш сизларни бу ҳокимият (ҳукумат) ортида туришга ва шу тариқа босмачиликка чек қўйишга чақиради. Қароқчиларни имкон қадар тезроқ йўқ қилиш учун барча зарур чоралар кўрилади. Ҳар бир қишлоқ ва тумандаги барча босмачилар зудлик билан қуролсизлантирилади ва уларга ёрдам берган одамлар дарҳол қамалади. Босмачилар номидан жосуслик қилганлар дарҳол қамоққа олинади. Босмачига ҳар қандай йўл билан ёрдам берган одам шафқатсизларча отиб ташланади. Ким босмачиларга овқат берса, улардан бирини яширса ёки бошқача ёрдам берса, асирга олинади ва дарҳол отиб ташланади. Энди сабримиз қолмади, қуролли золимлар эса ўлдирилади». (муаллиф томонидан қўштирноқ ичига киритилган. – Б.Ҳ.)<sup>1</sup>.

Бу хабарнома 20 000 нусхада чоп этилган ва халқ орасида тарқатиш буюрилган.

Мазкур хабарномада Фрунзе қизил армия халқни, мол-мулкни талон-тарож қилганини, натижада халқ совет ҳукмронлигидан ҳимояланиш учун босмачиларга қўшилганини тан олади. Айни пайтда Фрунзе Россиянинг босмачилар ва уларнинг сафдошларини иккиланмасдан ўлдиришига қатъий қарор қабул

қилганини билдирган эди. Фарғона қудратли қизил армия қаршисида таслим бўлмаганди.

Совет Россиясининг қизил армияси билан ўша даврдаги озодлик курашчилари ўртасидаги урушлар жуда кенг миқёсда ва шафқатсизларча олиб борилганлиги барча совет манбалари ва хабарларида акс эттирилган. Мазкур тўқнашувларда Совет Россиясининг нафақат бошлиқлари, балки қўмондонлари ҳам катта йўқотишларга дуч келади. Фрунзе Москвадан доимий ёрдам олиши мумкин эди, аммо қўрбошилар бошлиқлари қаердан ёрдам олишлари мумкин бўлган? Босмачиларнинг ҳеч бирида давлатдан қурол ва ўқ-дориларни сотиб олиш имконияти йўқ эди. Советлар томонидан ўжарлик билан такрорланган босмачи раҳбариятининг Афғонистон, Бухоро амирлиги ва Буюк Британиядан ёрдам олгани ҳақидаги гаплари ҳақиқатдан мутлақо йироқдир. Совет ва Британия манбаларидан ташқари, бошқа ҳеч бир мамлакат манбалари бу даъволарни тасдиқламайди. Дарҳақиқат, ҳам мусулмонлиги, ҳам Туркистондаги ягона мустақил ва бой давлат бўлиши нуқтаи назаридан кўз олдимизга келадиган Бухоро амирлиги на Фарғона водийсидаги, на Мачо воҳасидаги озодлик курашчиларига ёрдам беришни истамасди. Бу даҳшатли ҳақиқатни Шермуҳаммадбекнинг хотираларидан билиб олиш мумкин: «Афғонистон ҳудудига кириш йўллари Бухоро амирлиги чегаралари орқали ўтади. Бухоро амирлиги уруш ҳолатида эмас эди. Шунга қарамай, Россия ҳукуматига ҳар хил ёрдам кўрсатиб, Афғонистон билан алоқамизни узиб қўйган эди. Мен бир неча мард йигитлар билан Қоратегин амирининг ҳузурига бориб, Афғонистонга ўтишга рухсат беришини сўрашга қарор қилдим. Илгари мен унга Мулла Тошпўлат раислигида вакиллик (1920 йил июль) юборган эдим. Вакиллик билан юборган мактубимда амирдан мусулмон ва турк халқимизнинг аянчли аҳволини тушуниб, бизга ёрдам беришини илтимос қилдим. Мен ҳам Фарғонадаги 10 000 аскаримни зарурат туғилса, улар қўмондонлиги остига ўтказишга тайёр эканлигимни айтдим. Амир бу аскарларни керак бўлса қуроллантириб, хоҳлаган жойида

<sup>1</sup> М.В.Фрунзе (158), 320-322-бетлар; Д. М. Будянский (206), 310-бет.





ишлата оларди ва бунинг эвазига бизнинг ягона тилагимиз – Афғонистонга ўтиш учун рухсат олиш эди. Амир Олимхон эса менга ёрдам бериш ўрнига Мулла Тошпўлат бошчилигида юборган вакилларни ҳибсга олади. Бироқ Афғонистоннинг Бухородаги элчиси Абдул Шукурхон кўмагида вакиллик аъзолари қамоқдан озод қилинади ва август ойида бизга қайтиб келишади».

Фарғона водийсидаги қўрбошилар сўзига кўра амир рус ҳукуматининг қўғирчоғи бўлган. 1919-1920 йиллар орасида миллий кураш ҳаракати амир ҳузурига уч марта келиб, ундан ёрдам сўрайди. Олдига келган вакилларнинг дастлабки иккитасини қабул қилмаган амир 1920 йил май ойида учинчи вакилликни қабул қилади. Вакиллик миллий курашнинг сўнгги ҳолати ҳақида маълумот бериб, ундан ёрдам сўрайди. Шундан сўнг амир бош вазирга вакиллик билан учрашишни буюради. Бироқ вакиллик қабулхонадан чиқиб кетгунга қадар ўн нафар аскар келиб, вакилликнинг беш аъзосини калтаклай бошлаган. Вакиллик аъзолари советларга қарши бош кўтарганлар тўдаси аъзолари бўлганлиги сабабли аскарлар уларни ҳушларини йўқотмагунча уришга буюрилганди.<sup>1</sup> Бу вакиллик аъзолари босмачилар вакиллари эканлигини амир қаердан билди? Амрининг рус сиёсий разведкаси билан ўта шахсий ва яқин алоқалари борлигини ҳисобга олсак, бу маълумотни Бухородаги рус вакиллари амирга берган бўлиши мумкин.

Аввал айтиб ўтганимиздек, Туркистон fronti Москвадан доимий ёрдам олиб турган. Фрунзе 1920 йил май ойида Россия Бош штабига телеграмма йўллаб, унда аввал келган рус-

<sup>1</sup> Фарғона водийсидаги озодлик курашининг фаол аъзоси, шунингдек, Бухоро амирига юборилган қўрбоши вакиллик аъзоси ўшлик Муҳаммад Аминжон Сулаймон 1951 йил июлида Қоҳирада Бухорода бошидан кечирганлари ҳақида шундай дейди: «Нури жаҳон унвонига эга бўлган Амир бизни ўз ҳузурига қабул қилишини 5 кун кутдик. Шунда сарой хизматчиси амир ҳузурига диққат қилишимиз керак бўлган одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатди. Бошловчи айтган қоидага кўра, биз Амирдан 5-6 метр нарида тиз чўкиб, секин унга яқинлашиб, таъзим қилишимиз ва унга саломатлик тилашимиз керак эди. Шундагина биз уларга тилакларимизни еткази олардик. Вакиллик бошлиғи Мавлоно Ҳожи Тўхтасинбойнинг Фарғона водийсидаги озодлик курашининг аҳволи ҳақида маълумот бериш ва амирдан ёрдам сўраш учун бор-йўғи 20 дақиқа вақтлари бор эди. Амир сизнинг муаммоларингизни бош вазир ҳал қилади, дейиш билан кифояланди».

лар маҳаллий халқни ҳар соҳада таҳқирлаб, уларнинг мулкни тортиб олганликларини асослаб, халқнинг янги келган русларга ҳам ишонмаслиги акс эттирилган. Сўнгра Туркистон frontiдаги ўз қўшинларининг ҳарбий кучини ва қўмондонлигидаги бригадалар сонини қуйидагича кўрсатади:

- Тажан-Чорчой жанговар чизигидан 1 пиёда бригадаси,
- Марв чизигидан захирадаги пиёда дивизияси,
- Карки-Сарой линиясидан 1 бригада,
- Когон-Нукус чизигидаги пиёдалар бригадаси,
- Самарқанд вилоятдан захира, отлик ва пиёда дивизияси сифатида;
- Фарғона ва Сирдарё вилоятларидан 1 та отлик ва пиёда дивизияси;
- Еттисув вилоятдан 1 та отлик ва 1 та пиёда дивизияси.

Кўриниб турибдики, Фрунзе қўмондонлигида 1920 йил май ойининг охирида 5 та отлик ва 5 та пиёда дивизияси, шунингдек, 4 та мустақил бригада мавжуд эди. Фрунзенинг фикрича, бу миқдордаги ҳарбий куч Туркистон fronti эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас эди. Шунинг учун у ўз қўмондонлиги остида 40 та пиёда батальон ва 40 та отлик ротани қўшимча куч сифатида ўтказишни Россия Олий қўмондонлигидан сўрайди. Бундан ташқари, Фрунзе томонидан зирҳли транспорт воситалар, самолётлар ва телеграф линиялари каби эҳтиёжлар ҳам билдирган бўлиб, совет манбаларида Россия Олий қўмондонлиги томонидан бу эҳтиёжлар қай даражада қондирилганига аниқлик киритилмаган. Бу сўровларни билдирар экан, Фрунзе маҳаллий халқ ҳақида ҳам қуйидаги эътирофларни айтди: «Бизнинг маҳаллий аҳолидан жанговар бўлинмалар куриш бўйича уринишларимиз ҳозиргача муваффақиятсиз бўлди ва менимча, келажакда бунга умид боғлаш тўғри бўлмайди».

Миллий курашнинг бостирилмагани Туркистон fronti қўмондонини анча безовта қилади. Бир томондан босмачиларни минтақадан бутунлай суриб чиқариб ташлаш тўғрисида тинимсиз буйруқ юбориб турган Фрунзе,



иккинчи томондан, совет қўшинларининг жанг майдонларида устунлик қила олмаслигини кўриб янада хавотирга тушади. Фрунзе совет қўшинларига 4 кун ичида (23 майдан 28 майгача) 2 та буйруқ юбориши керак эди. Унинг 28 майдаги буйруғи қуйидагилардан иборат:

«Фарғона fronti қўшинларида босмачиликни йўқ қилиш тўғрисидаги буйруқ.

1920 йил 28 май.

Фарғонада босмачиликни йўқ қилиш учун минтақадаги барча кучлар катта саъй-ҳаракатларни амалга ошириши зарур. Олой водийси, Томоша қишлоғи ва бошқа ҳудудлардаги босмачилар штабига қарши қуруқлик отрядлари юборилиши керак. Бу ҳудудларда ҳамон майда тўдалар мавжуд бўлиб, халқнинг тинч-отув яшашига тўсқинлик қилмоқда. Бу жиноий гуруҳлар қаерда бўлмасин, уларни йўқ қилиш муҳим. «Босмачи» сўзини Фарғона водийси халқи тилидан бутунлай олиб ташлаш керак. Ишчи ва деҳқонларни заҳарлайдиган хиёнаткорларнинг бошини халқнинг ўзи эзиб ташлаши керак.

Шу муносабат билан мен қуйидагиларни буюраман:

1. Қуруқлик взводлари фақат муҳим деб топилган гуруҳларга қарши операцияларда қўлланилади ва бу взводлар рақибларимизнинг ҳарбий ҳаракатлар давомида ўз хатти-ҳаракатлари ва қатъиятлари билан қайта тўпланишларига имкон бермайди. Тўдаларга қарши урушда барча маҳаллий кучлар, шунингдек, қуруқлик корпуси фаоллашади. Шунинг учун Фарғона ҳарбий округлар ва туман округларига бўлинади.

2. Босмачилик ҳаракати қизғин бўлган ҳудудларда жойлашган шаҳар-қишлоқлардаги аҳоли пунктларини қўриқлаш вазифаси юклатилган партия аъзолари (коммунистлар), касаба уюшмалари (бирлашмалар) аъзолари ва совет маъмуриятлари таркибидан туман ҳарбий комиссарлари розилиги билан имкон қадар тезроқ махсус бўлинмалар тузилсин.

Ҳозирча зудлик билан тузилиши керак бўлган қўшинлардаги ҳарбий фаолиятни давом эттириш учун имкон қадар тезроқ ўқитилиши

керак. Бу махсус бўлинмаларнинг умумий тайёргарлиги ҳарбий мураббийлар томонидан амалга оширилади. Бу қисмлар ҳарбий комиссарлик омборларида захирада сақланаётган қурол-яроғ ва техника билан жиҳозланади. Агар бу қуроллар эҳтиёжни қондириш учун етарли бўлмаса маҳаллий бўлинмаларнинг мавжуд қуролларини кучайтириш орқали камчиликлар бартараф этилади. Қуроллар миқдори тўғрисида аниқ ҳисоб юритилиши керак. Қуроллар фақат шу муносабат билан тарқатилади. Ҳимояга тайинланган одамларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида фронтдаги мавжуд кийимлардан 1000 дона кийим-кечак берилади.

3. Юқорида тилга олинган ҳарбий округ ва бўлинмаларни бошқариш ваколати мартаба бўйича энг катта шахсга берилган. Бошлиқлар (ҳарбийлар) округ ва бўлинмаларга раҳбарлик қиладилар. 2-дивизион командири маҳаллий аҳолининг транспорт воситаларидан эркин фойдаланиши мумкин (доимий эмас, фақат уруш материаллари жўнатилганда).

4. Маҳаллий халқдан танлаб олинган тайёр ва ишончли одамлардан тез ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлган уюшмалар тузинг. Қуроллар 2-бандда кўрсатилганидек олинади.

5. Барча бўлинмалар бир-бири билан яқин алоқада бўлиб, душман ҳаракатлари ҳақида доимий равишда маълумот алмашадилар, шунда уларни узлуксиз кузатиб бориш мумкин бўлади. Агар керак бўлса, тўдаларни йўқ қилиш учун ҳарбий операцияларни ўз ҳарбий ҳудудингиздан ташқарида ўтказишингиз мумкин.

6. Катта босмачи гуруҳларни йўқ қилиш бўйича дала амалиётлари бошланишидан олдин барча ташкилий ишлар якунланиши керак. 2-дивизия командири барча ишларнинг узлуксиз бажарилиши учун жавобгардир.

Туркфронт қўмондони: Фрунзе».<sup>1</sup>

Рус оқ гвардиячиларига қарши урушда қаҳрамонга айланган Фрунзе энг қатъий қарорлар қабул қилиб, тинимсиз курашиб, ўз қўшинларини марказдан энг кучли ва замонавий қурол-

<sup>1</sup> Д. М. Будянский (206), 314-315-бетлар.



лар билан қўллаб-қувватласа-да, босмачиларга қарши ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмади. Фарғона водийси озодлик курашчилари юқоридаги буйруқларнинг Совет Россиясининг Туркистон fronti томонидан амалга оширилишига йўл қўймадилар. Совет қўшинлари 1920 йилда Хива хонлигини босиб олишдан бошқа муваффақиятга эриша олмадилар. Хоразмдаги совет қўшинлари қўмондони, РСФСР вакили Дубянский Хивада қўзғолон кўтарган туркманларни қуролсизлантириш бўйича ҳаракат қилади. Шундан сўнг 3000 га яқин оила Жунайдохнинг қуролли курашини қўллаб-қувватлаш учун Қорақумга (чўл) қочиб кетади. Туркман қабила бошлиғи Кўчмамедхон Совет қўшинлари билан ўз сафдошларига қарши жанг қилгани учун миллий кураш жангчилари томонидан қатл этилади. Советлар билан ҳамкорлик қилган бошқа бир қабила бошлиғи Ғуллом Али яна босмачилар ёнидан паноҳ топади. Советлар Зарафшон водийси ва айниқса Мачо устидан ҳукмронлик қила олмадилар. Фарғона водийсидаги қуролли курашдан ҳеч ким ғолиб сифатида чиқа олмади. Босмачилар ўзларини осон енгиб бўлмастикларини исботлаб, Турк fronti қўмондонини оғир аҳволга солиб қўйишади. 1920 йил ёзида қўрбоши бўлинмаларига қарши ҳужумларни бошлаган 1-отлик бригадаси, 15-отлик полки, 1-қорақирғиз отлик полки, 16-қозон-татар полки, 4-татар бригадаси ва қизил армиянинг интернационал бригадаси ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмади.

Шермуҳаммадбек 1920 йил 27 июлда Чинободда қўрбошилар билан учрашув ўтказди. Бу йиғилишда қўрбошилар ўз қўшинлари жанг қиладиган жанг йўналишларини белгилаб оладилар. Қолаверса, улар Андижон ва Қувасойни сақлаб қолиш учун қатъият билан ҳаракат қилишларини билдиришади. 1920 йил август ойи бошида Карбувада 4 кунлик жанг бўлади. Шермуҳаммадбек 6000 нафар жангчиси билан қатнашган жангда совет қўшинлари ғалаба қозонади. Шермуҳаммадбек бўлса бу урушда 450 дан ортиқ йигитини йўқотади. Худди шу даврда Парпи қўрбоши ва тахминан 2000 совет аскардан иборат бўлинма ўртасида тўқнашувлар содир бўлади. Парпи қўрбоши

бу жангда 90 нафар мард йигити билан шаҳид бўлади. Парпи қўрбошининг ёрдамчиси урушни давом эттиради ва натижада руслардан ўлжа сифатида 2 та тўп ва 4 та пулемётни қўлга киритади.

Бу жанглар натижасида 2-пийёда дивизияси командири Ф.Карпов босмачиларни жазолаш учун жуда кучли режа тайёрлайди. Бу режага кўра Помир тоғлари ва Бухорога олиб борувчи йўллар, Амударёнинг бир томонидан иккинчи томонига ўтиш йўллари ҳарбий отрядлар томонидан назорат қилинар эди. Уларга таслим бўлган босмачи қўшинлари Фарғонадан бошқа вилоятларга жўнатилади, тўқнашувда қўлга олинган босмачилар эса дарҳол отиб ташланади. Фрунзе ҳам бу режани маъқуллайди, режа бўйича босмачилар қаттиқ жазоланади. Бироқ, Фрунзе барча муҳим аҳоли пунктларини босиб олиш ва ишғол қилинган ҳудудларда гарнизонлар ташкил этиш ғоясига қарши эди, чунки бунинг учун жуда кўп аскарлар бўлиши лозим эди. Фрунзе босмачиларни таъқиб қилишни янги қўшимча гарнизонлар ташкил этмасдан, кўпроқ ўқотар қуроллар ёрдамида амалга оширишни ва қўшинларни бор кучлари билан олдинга қараб силжишларини буюрди. Фрунзенинг асосий мақсади Совет қўшинларининг бир қисмини Фарғона водийсидан олиб чиқиб кетиш ва уларни Бухоро амирлигига қарши урушда қўллаш эди.

Совет қўшинлари ҳатто йирик аҳоли пунктларини ҳам вайрон қилганига ва асирга олинган мужоҳидларни қирғин қилганига қарамай, уларнинг минтақадаги аҳволи унчалик яхши эмас эди. Шунинг учун Совет ҳарбий маъмурияти янги чоралар кўришга мажбур бўлди. Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши Фарғона водийсида босмачиларга қаршииш масъулиятини ўз зиммасига оладиган ҳамда ҳарбий ва фуқаровий бошқарув механизмининг бир-бири билан ўзаро боғлиқликда амалга оширадиган ўта қатъий ва ягона марказли бошқарув механизмининг ўрнатишга қарор қилади. Шу мақсадда 1920 йил 20 августда Фарғона водийсида ҳарбий диктатура даври бошланади. Маҳаллий инқилобий қўмита тугатилиб барча ваколатлар ҳарбийларга ўтади. Минтақадаги





барча маъмурий органлар қўшин қўмондонлари қўл остида тўпланади. Ҳарбий диктаторлар эса Туркистон fronti қўмондонларининг бевосита буйруғига бўйсунуши керак бўлади. Бу диктаторлар ҳар хил муаммоларни ўзлари ва ўз усуллари билан ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Фрунзе томонидан Фарғона водийсига олиб келинган ҳарбий диктаторлик тузуми босмачиларга қарши курашда қўлланилган усулларнинг сўнгги бўғини эди. Фрунзе Туркистоннинг бошқа ҳудудларидан Фарғона водийсидаги омадсизликнинг ўрнини тўлдиришга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам Фрунзе Бухоро амирлигини қўлга киритишни ўз мақсадлари қаторида биринчи ўринга қўяди. Зарафшон водийсиги озодлик курашчилари ҳам совет қўшинларига қарши кураш олиб борадилар. Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати Хива шаҳрида фақат қизил армия бўлинмаларининг кўмаги ва ёрдами билан мустаҳкам туришга муваффақ бўлади. Аммо уруш Хоразмнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этганлиги сабабли бу ҳудудларда советлар ҳукмронлигининг самараси ҳақида гапиришнинг иложи бўлмайди.

1920 йилдаги босмачилик ҳаракати нафақат совет ҳарбий бошқармасини, балки бутун давлат ва партия механизмини хавотирга солади. Москва ва Тошкентдаги совет маъмурияти босмачилик давом этар экан, минтақадаги совет ҳукмронлиги бир лаҳзага ҳам хотиржам бўлмаслигини тан олади. Бу ҳақиқатни 1920 йил сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Советларнинг IX қурултойида Россия Компартияси Туркистон бюроси вакилининг сўзларидан ҳам тушуниш мумкин. Вакиллардан бири шундай дейди: «Бу ерда (Туркистонда) инглиз капиталининг ёлланма аскарлари бўлган босмачиларни йўқ қилмас эканмиз, на давлат ҳаётимизда, на мамлакатни советлаштиришда ҳақиқий муваффақиятга эриша олмаймиз»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, босмачилик ҳаракати Россиянинг болшевик режимига қарши курашда кучли омили эди. Бироқ, босмачилар Британия

капиталининг ёлланма аскарлари деган даъво совет маъмуриятининг ёлғон тарғиботидан бошқа нарса эмас эди. Босмачиларга хорижлик сармоя ёки ёрдам етиб келмагани қайта-қайта исботланган. Агар босмачилар молиявий ёрдам олган бўлса улар ҳатто минимал эҳтиёжларини қондирадиган қуроолларга эга бўлишлари ва шу билан совет ҳукмронлигини ҳеч бўлмаганда узоқ муддатда сиёсий муросага мажбур қилишлари мумкин бўларди. Бироқ халқдан олинган молиявий ёрдам қурол сотиб олишга етмас эди. Босмачиларнинг ҳарбий техникаси совет қўшинлари билан солиштирганда жуда кам ва эскирган эди.

### БУХОРО АМИРЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШДА СОВЕТ РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ФРОНТИ

*Инқилоб деб аталган босқин*

Тошкентдаги совет комиссарлиги 1918 йил март ойида рус аскарларини Бухоро ҳудудига олиб кириш орқали Совет Россиясининг Бухоро амирлигига муносабатини фош этади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, руслар бу урушдан катта мағлубият билан чиқадилар, лекин Туркистоннинг бу ҳудудини ўз вақтида советлаштириб, ўз таркибига киритишни ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Москвадаги совет рус бошқарувчиларининг асосий мақсади коммунистик тузумни Бухоро ҳудудига олиб кириш эди. Аммо улар 1920 йилгача ўз режаларини рўёбга чиқариб совет тузумини тинч йўл билан Бухоро амирлигига олиб кела олмадилар. Бу даврда қизил армиянинг Туркистонни бошқа ҳудудларида бошланган миллий кураш ҳаракатларини бостириш билан банд эди. Маълумки, совет ҳарбий отрядлари 1919 йилгача болшеvizмга қарши бўлган оқ гвардиячиларни мағлуб этишга муваффақ бўлишади. Бироқ улар Туркистон миллий курашини бостиришга қодир эмас эдилар. Шунга қарамай, совет маъмурияти Афғонистонни Бухоро ва Туркистонда Россияга рақобатчи куч сифатида пайдо бўлишидан хавотирда эди. Уларнинг фикрича, мустақил ислом давлатининг мав-

<sup>1</sup> Гориденко. Творческая роль советского государства и права социалистическом преобразовании Туркестана. Тошкент 1959, 79-бет.



жудлиги Туркистондаги антисовет кучларини ҳеч бўлмаганда маънавий жиҳатдан рағбатланганди. Совет армиясининг яна бир қўрқуви шундаки, англизлар Бухородан база сифатида фойдаланиб, совет Россиясига қарши амалда уруш эълон қилишлари мумкинлиги эди. Инглиз қўшинларининг Юқори Каспий минтақасига юришида амирлик бетараф бўлади. Советлар бир томондан иғволар, иккинчи томондан эса сиёсий йўллар билан Бухоро амирлигини советлаштирмоқчи эдилар. Улар Бухоро амирининг аввало Россияга, сўнгра Совет Россиясига бўйсунган садоқатли хизматкор эканлигини билар, амирликда совет тузумини ўрнатиш учун зарур инфратузилма осонгина ўрнатилишига умид боғлагандилар. Шунга қарамай, Амир коммунистларнинг ўз юртида халқни ғазаблантиришига йўл қўймайди. Татар бригадасининг комиссари Абдулкарим Тугаев 1919 йилнинг ўрталарида Фрунзе томонидан амирликдаги аҳвол билан танишиш, коммунистик тарғибот олиб бориш, совет тарафдорлари гуруҳини тўплаш ва уюштириш учун Фарғонадан Бухорога қочоқ сифатида юборилган эди. У 1920 йилларнинг бошларида Бухорода қамоққа олинади. Фрунзе бу «муҳим инқилобчи ва коммунистик» арбобни Бухоро ҳукуматидан озод қилишни талаб қилади. Бироқ Фрунзенинг илтимоси рад этилади ва Тугаев қўйиб юборилмайди. Бу махфий топшириқнинг барбод бўлишини Туркистондаги рус ҳарбий маъмурияти катта йўқотиш деб баҳолайди. Тугаев воқеаси Фрунзе учун амирликга қарши ҳарбий чораларни кучайтириши учун яхши сабаб бўлади. Дарҳақиқат, Тошкентдаги совет маъмурияти ўз қўшинларининг 1918 йил март ойида Бухорога қарши ҳужуми ва мағлубиятини амирликни йўқ қилиш йўлидаги биринчи қадам сифатида баҳолайди. 1918 йил 26 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган Советларнинг V қурултойида Когон коммунистик партияси раҳбари Полторацкий Бухоро амирлигини йўқ қилиш мақсадини қўйидагича ифодалаган эди: «Агар биз Бухорони вайрон қилмасак у бизни вайрон қилади. Амирликнинг тугатилишини секинлаштириш биз учун ўз жонига қасд қилиш деганидир».

Бу қурултойда Москвадаги совет ҳукумати-нинг вакили Ахмед Клевлев ҳам сўзга чиқиб, қуйидаги фикрларни айтади: «Мен яқинда Москвадан келганим учун марказий ҳукуматнинг воқеаларга муносабатини билдирмоқчиман. Ўртоқ Колесовнинг қизил армия билан биргаликда Бухоро ҳукумати қўшинларига қарши курашаётгани ишчи ва деҳқонлар марказий ҳукумати томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Бироқ ўртоқ Колесов Бухородан қайтгач, у ерда вазият ўзгармаганлиги маълум бўлгач, Колесов бошлаган ишни охирига етказмагани учун марказий ҳукуматнинг жавобини олади. Мана, мен ўртоқ Колесов бошлаган ишни охирига етказиш мақсадида Туркистонга қизил мусулмонлар қўшинини тузиш учун келдим<sup>1</sup>. Бу қўшин совет қўшинлари мустаҳкамланиб олиб, Бухорога қарши янги юриш уюштирмагунча сақланиб қолади. Қўшинлар Бухорога ҳужум қилганидан 2 йил ўтиб, Туркистон fronti қўмондони Фрунзе ва Туркистон комиссияси раиси Элиава 1920 йил 30 мартда Бухорога келиб амир Олимхон ҳузурда бўладилар. Фрунзе Когон-Термиз (Тирмиз) темир йўли қурилиши ва таъмирланишини таъминлаш, шунингдек, Бухорога совет валютасини киритиш ва текин фойдаланишга рухсат бериш вазифаси юкланган рус ҳарбий қисмлари сонини кўпайтиришни талаб қилишади. Бироқ амир бу тазйиқларга бош эгиш ниятида эмас эди. Фрунзе саройни тарк этаётиб: «Амир ва Советлар ўртасидаги уруш қулай вақтда бошланади»<sup>2</sup> дейди.

Москвадаги совет маъмурияти 1919 йил февралда шундай баёнот беради: «Бухоро Ўрта Осиёдаги инқилоб тақдирини белгилаб берадиган жуда муҳим минтақадир. Бу ё аксил-инқилобнинг бошланғич нуқтаси бўлади ёки Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда коммунистик инқилобга бошчилик қилади»<sup>3</sup>. Совет маъмурияти Бухорони коммунистик «инқилоб»нинг шарқий марказига айлантирмоқчи эканлигини ҳеч қачон яширмайди. Бухоро амирлиги 1918 йил март

<sup>1</sup> А.Ишанов. Бухарская народная советская республика. Тошкент 1969 йил. 130-бет.

<sup>2</sup> Б.Хайит. Sovietrussische Orientpolitik am beispiel Turkestans, Köln/Berlin 1962. 76-бет.

<sup>3</sup> «Жизнь национальностей» газетаси, 25.2.1919, №6, 2-бет.



ойида имзоланган шартномага кўра мустақиллик ҳуқуқини қўлга киритган эди, бошқача айтганда, Россияга қарши мустақил ва ўзига хос сиёсат олиб бориши мумкин эди. Москва талқинига кўра, Туркистон озодлик курашчилари осонлик билан қочиб ўтадиган бу давлат улар учун рамзий маънога эга эди. Совет ҳукуматининг яна бир ташвиши инглизларнинг Бухорони ўз фаолият майдонига олиб киришга уриниши эди.

Туркистон фронти, Туркистон комиссияси, Россия Компартияси Марказий Комитетига қарашли Туркистон бюроси, Туркистон Компартияси Марказий Комитети, Халқ Комиссарлари Совети, Тошкентдаги Шарқий давлатларни тарғибот қилиш бўйича халқаро кенгаш каби барча совет расмий органлари ва Советларнинг Бухородаги дипломатик ваколатхонаси 1920 йил август ойида ҳарбий ҳужум бошладан олдин барча сиёсий, ташвиқот ва ҳарбий тайёргарликни яқунлаган эди. Ушбу тайёргарликларни қуйидаги хронологиядан тушунишимиз мумкин:

#### 1918 йил.

**17 апрель.** Бухородан Когонга келган сиёсий муҳожирлар раҳбарларининг йиғилишида Полторацкий раислигида Бухоро коммунистик партияси тузилганлиги эълон қилинади.

**20 апрель.** Тошкентда жадидчи сиёсий муҳожирлар йиғилиши бўлиб ўтган. Тўпланган овозлар кам бўлишига қарамай, Бухоро Коммунистик партияси тузилади. Бир гуруҳ жадидчилар Усмонхўжа Пўлатхўжа бошчилигида «Ёш бухороликлар» партиясини тузганлар.

**25 сентябрь.** Азимжон Ёқубов раислигида Бухоро Компартияси Марказий Комитети ташкил этилади. 86 кишидан иборат ислоҳотчи сиёсий муҳожирларнинг йиғилишида Ёш бухоролик коммунист-болшевиклар Марказий Қўмитасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

**Декабрь.** Россия ҳуқмронлиги остидаги Когонда партия бўлими ташкил этилади.

**23 декабрь.** Бухоро Коммунистик партияси амирлик режимини бекор қилишни биринчи шарт сифатида белгилловчи вақтинчалик дас-турни тасдиқлайди.

#### 1919 йил.

**9 апрель.** Туркистон Компартияси Марказий Комитети Бухоро Компартиясининг вазифаларини муҳокама қилиб, Бухоро Компартияси фаолиятини назорат қилишни Коммунистик партиянинг мусулмон бюросига юклайди.

**30 май-11 июнь.** Бухоро Компартияси қурултойи 10 нафар делегат билан ўтказилади. 7 кишидан иборат марказий қўмита тузилади.<sup>1</sup>

**26-27 июнь.** Бухоро Коммунистик партиясининг 2-қурултойи бўлиб ўтиб унда Нажиб Хўсайн раҳбар этиб сайланади. Усмон Хўжа ва унинг тарафдорлари партия дастурига амал қилмагани учун партиядан чиқариб юборилади.

**11 июль.** Россия Компартияси Мусулмонлар бюроси ўз мажлисида Бухоро Компартияси ва бошқа жадидчилар фаолиятига баҳо беради.

**29 июль.** Туркистон Компартияси Марказий Комитети яна Бухоро Компартияси масалалари билан шуғулланади. Бухоро коммунистик партиясининг барча аъзоларига қурул тарқатишга қарор қилинади.

**16 август.** Бухоро Компартияси Марказий Комитети амирни куч билан ағдариш тўғрисида қарор қабул қилади.

**26-31 декабрь.** Бухоро Коммунистик партияси йигирма делегат иштирокида 3-қурултойини ўтказди. Бухоро коммунистик партиясининг барча бўлимларида (улар амирликдан ташқарида жойлашган) инқилобий қўмиталар тузишга қарор қилинади.

#### 1920 йил.

**1 январь.** Туркистон комиссияси «Шарқий халқаро ташвиқот кенгаши»ни тузади. Унинг раислигига Мустафо Субҳи (Совет Россияси ҳуқмронлигидаги турк коммунистларининг раҳбари) тайинланади.

**1920 йил бошлари.** Файзулла Хўжа раислигида мақсади амирлик режимини бекор қилиш бўлган мустақил «Инқилобчи ёш бухороликлар ташкилоти» ташкил этилади.

<sup>1</sup> Бу шахслар: Абдулвоҳид Бурҳон – раҳбар; Усмонхўжа Пўлатхўжа – ўринбосар; Абдурауф Фитрат – котиб; Худойберди Овул – ҳисобчи; Абдулқодир Муҳитдин, Муиддин Амин ва Исақ Ағдар – аъзолар.





**14 февраль.** Туркистон комиссияси «Инқилобчи ёш бухороликлар ташкилоти» билан ҳамкорликда ишлаш масалалари билан шуғулланади. Бу ташкилотга Совет Туркистони худудида фаолият кўрсатишга рухсат берилгани ва шу билан бирга моддий ёрдам кўрсатилади.

**14 май.** «Шарқий Халқаро ташвиқот кенгаши» барча ёш бухороликларга (Бухородан кўчиб келаётган жадидларга) моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

**29 май.** Чоржўй гарнизони қўмондони 1-қўшин қўмондонига қуйидаги хабарни юборган эди: «Гарнизон жангга тайёр. Мен янги қўшинлар келишини кутяпман... Мен ўртоқ Лутцевич Зарембага хабар бериш учун 27-28 май кунлари Янги-Бухорога бордим. Ўртоқ Заремба менга уруш бошланиши биланоқ амирнинг Эски-Чоржўй гарнизони дарҳол қуролсизлантирилиб, бек (ҳукмдор), амалдорлар ва муллаларни зудлик билан қамоққа олиш ва «Ёш бухороликлар» қўмитаси тарафдорларини ҳокимиятни эгаллашига йўл қўймаслик кераклигини тушунтиради».

**16 июнь.** Бухоро коммунистларининг бошлиғи Ҳусайн Когондан Фрунзегга телеграмма йўллаб, уларга 1000 та милтик, 300 та тўппонча, 150 та бомба, 3 та пулемёт ва уч миллион сўм юборишни сўрайди.

**19 июнь.** Туркистон комиссияси ёш бухороликларга (коммунистлар бундан мустасно) ҳарбий ёрдам бермасликка қарор қилади.

**20 июнь.** Туркистон комиссияси «Шарқий Халқаро ташвиқот кенгаши»га Бухоро коммунистик партияси ва коммунист бўлмаган ёш бухороликларнинг фаоллигини оширишга кўрсатма беради.

**22 июнь.** Фрунзе раислигида Бухоро Коммунистик партияси билан биргаликда Когондаги Россия Коммунистик партияси ячейкаси йиғилади. Йиғилишда Бухорода инқилобни куч ёрдамида амалга ошириш бирламчи мақсад этиб белгилашга қарор қилинади.

**30 июнь.** Туркистон комиссияси Туркистон фронти инқилобий ҳарбий кенгаши Бухоро амирлигига қарши ҳарбий тайёргарлик кўриш тўғрисида қарор қабул қилади.

**30 июль.** Туркистон комиссияси «Халқаро ташвиқот кенгаши»нинг инқилобчи ёш бухороликлар ташкилоти билан барча алоқаларини узиб, уларга ҳеч қандай ёрдам бермаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

**3 август.** Туркистон комиссияси Лениннинг топшириғига кўра, Бухоро Коммунистик партияси билан блок тузишга рози бўлиш шартин билан инқилобчи ёш бухороликларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

**Август ойининг ўрталари.** Чоржўйда Бухоро Компартиясининг 4- курултойи бўлиб ўтиб унда Фрунзе ҳам қатнашади. Амирлик ҳукуматини ағдариш учун қуролли қўзғолон кўтаришга қарор қилинади.

**16 август.** Бухоро Компартияси Марказий Комитети Бухоро амирини куч билан ағдариш тўғрисида қарор қабул қилади.

**25 август.** Туркистон комиссияси, Россия Компартияси марказий комитетининг Туркистон бўлими ва Халқаро ташвиқот кенгаши қўшма мажлис ўтказади. «Амирга қарши бош кўтарган Бухоро халқига» қурол-яроғ билан ёрдам кўрсатишга қарор қилинади.

Бухорога ҳужумга тайёргарлик кўрилган даврда, айниқса, ҳарбий соҳада олиб борилган тайёргарлик натижалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу муносабат билан Фрунзе 1920 йил 12 июлда Ленин номига қуйидаги телеграммани йўллайди: «Бухородаги аксилинқилобчилар туфайли яқин келажакда тартибни сақлаш имконсиз бўлиб қолади». Шундан сўнг у янада очиқроқ қилиб тушунтиради: «Бизнинг биринчи мақсадимиз Бухорони совет тузумига киритиш. Бу борадаги тайёргарликларимиз жадаллик билан давом этмоқда. Термиз ва Каркини аллақачон бизнинг гарнизонларимиз эгаллаб олган. Аслини олганда, темир йўл линияларини реконструкция қилиш учун режалаштирилган ишларни амалга ошириш учун биз Қарши шаҳрида катта гарнизон ташкил этиб, ҳозирда Когон-Қарши-Карки-Термиз ва Ғузор-Чироқчи-Китоб темир йўл линияларида фойдаланмоқдамиз. Қолаверса биз бу гарнизонни ҳарбий ҳаракатлар бошланишида биринчи ҳужум нуқтаси сифатида таъминладик». Ленин ушбу телеграммага жавоб берган-



ми ёки йўқми, ҳозирча номаълум. 1920 йил 1 августда Фрунзе яна Ленинга телеграмма юборди: «Бухоро билан боғлиқ иккита ҳолат олдида турибмиз:

1) Мамлакатда ички инқилобий жараёни ривожлантириш ва буни қўллаб-қувватлаш.

2) Ташқаридан келадиган куч билан ҳамкорликда ичкарида инқилобни амалга ошириш.

Бухоро инқилобчилари, коммунистлари ва демократлари фаолиятининг барча томонларини ўрганиб чиқиб, мен шундай хулосага келдимки, бу ўзгаришлар ичкаридан инқилоб қилиш учун жуда секин ва фақат жуда узоқ келажакда ўз мевасини беради. Агар яқин кунларда амирликни тугатиш керак бўлса, бу ишни бизнинг кучларимизнинг бевосита иштирокида амалга ошириш тўғрироқ бўлади, деган фикрдаман. Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши ва Туркистон комиссияси ҳам бу имкониятдан фойдаланишни хоҳлайди».<sup>1</sup>

1920 йил 10 августда Россия Компартияси марказий комитети сиёсий бюроси «Бухородаги инқилоб» юзасидан бир томондан Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгашига, иккинчи томондан Туркистон комиссиясига телеграмма орқали қуйидаги кўрсатмаларни беради:

1. Бухорода ёки Бухоро билан чегарадош Туркистон ҳудудида яшовчи рус фуқаролари ва рус ҳокимиятини ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўриш зарур, лекин бу чораларни Бухорога ҳужум қилиш ёки Бухоро ҳарбий қисмларини таъқиб қилиш деб тушунмаслик керак.

2. Ҳужум содир бўлиши мумкин бўлган тақдирда, эҳтимол, Бухоро ҳукумати ташаббуси билан зиддият юзага келган тақдирда Туркистонда, айниқса, маҳаллий мусулмонлар ўртасида жуда катта ва жадал ташвиқот ишлари олиб борилади ва бу ташвиқотда Бухоро ҳукумати, англиз жосуслари ва инқилобга қарши бўлган русларнинг аксилинқилобий фаолияти

фош қилинади ва халқ уларнинг ҳужумига зарурий жавоб беришга даъват қилинади.

3. Бундай ҳужум содир бўлган тақдирда, Бухоро чегараларига фаол равишда жойлаштириш учун кўнгиллилар ёки бошқа миллат вакиллари, аммо асосий қисми мусулмон коммунистларидан иборат ҳарбий қисм тузилади.

4. Тайёргарлик кўрганларнинг мудофаадан ҳужумга ўтиши ҳудудимизда жойлашган Бухоро инқилобий маркази биздан ҳужум қилишни талаб қилсагина бизнинг ихтиёримизга кўра мумкин бўлади. Бундан ташқари, бундан буён фақат Туркистон комиссиясининг янги аъзоларини тасдиқлаш бўйича ҳаракат қилинади.<sup>2</sup>

Ана шу фармон туфайли 1920 йил 25 августда 9 кишидан иборат Туркистон комиссияси Тошкентда мажлис ўтказди. Мажлисда Бухоро масаласи муҳокама қилинади ва 26 августда Туркистон комиссияси Марказий Комитетга телеграмма юборди. Россия Коммунистик партияси Туркистонда совет ҳукмронлигини ўрнатади. Унда Туркистон fronti бор кучи билан Бухорога ҳужум қилишга бир овоздан қарор қилинганлигини айтади. Яна айтилишича, Фрунзе уларга ҳарбий жиҳатдан ғалаба аниқ эканини маълум қилган. Сиёсий жиҳатдан ғалаба қилиш мақсадида Бухоро Компартияси ва Ёш бухороликлар вакиллари билан музокара-лар бошланади. Айни пайтда ҳарбий операцияни амалга оширадиган гуруҳларнинг 50 фоизи мусулмонлардан (асосан татар бригадалари) ташкил топгани келтирилади. Бундан ташқари, Чоржўйда минтақага таъсир ўтказиш мақсадида партия маркази ташкил этилган эди.<sup>3</sup>

Бу орада қизил армиянинг амирликка бостириб кириш учун ҳарбий тайёргарликлари жадал суръатлар билан давом этади. Биз қуйида Бухородаги инқилоб деб аталмиш воқеанинг асл юзини ва шу билан бирга Совет Россияси «инқилоб» номи остида қандай босқинчиликни режалаштираётганини аниқ очиб берадиган Фрунзенинг иккита буйруғини келтирамиз:

<sup>1</sup> Иноятов. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. 2-жилд, Олма-ота 1964 йил, 513-бет. П.В. Волобуев, «История Бухарской и Хорезмской народных советских республик», Москва 1971, 108-120-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, 2. Тошкент 1958 йил. 187-188-бетлар.

<sup>3</sup> Материалы Объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана. Эпоха социализма. Алма-ата 1958, с 402.



«Туркистон fronti қўшинларига буйруқ, №. 3504, Тошкент, 1920 йил 12 август, соат 11:15.

Қизил армиянинг ғарбий фронтдаги ғалабасига ва Совет Россиясининг капиталистик Ғарбий Европа мамлакатларининг сулҳ масаласидан қурол сифатида фойдаланишига йўл қўймаслик истаги Англия ва Францияни қўрқитади ва уларнинг барча ҳаракатлари бизни қийин аҳволга солиб қўйишга олиб келади. Нафақат ғарбий фронт, балки Туркистон чегараларида жамланган хавфсизлик кучларимиз ҳам, рақибларимиз Эрон ва Бухорода иттифоқ тузиб, ҳаттоки Афғонистон ҳамда Фарғонада ҳали ҳам илдизи йўқ қилинмаган «босмачилар» ҳаракати билан қўшилиб бизга қарши кенг қамровли ҳужум бошлаш ниятида эканликларини айтишмоқда. Бу мамлакатларнинг ҳалқи ўз ҳукмдорлари ва ҳукуматларига итоат этар экан, энг тез фурсатда режаларини амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Айни пайтда инқилоб бу ҳудудлардаги турли минтақаларда синовдан ўтмоқда ва ҳатто баъзи минтақаларда бошланган хайрихоҳлик ҳам аниқ ҳаракатга айланади. Айниқса, исёнкор халқ шоҳ ҳукуматига қарши қуролли ҳужумга ўтган Эрон ва биз жуда яқин кунларда инқилоб бўлишини кутаётган Бухорода вазият анча кескин эди. Биз юқорида тушунтиришга ҳаракат қилган вазиятлардан келиб чиқиб, Афғонистон-Эрон-Бухоро чегараларида ҳушёр бўлишимиз, доимо фаол инқилобий ҳаракат қилишдан тортинмаслигимиз керак. Бухоро аҳлининг Амир ва унинг ҳукуматига қарши кутилаётган қўзғолонини амалга ошириши тўғрисида мен қуйидагиларни очиқдан-очиқ амалга оширишга буюраман:

1. Биринчи қўшин қўмондони қўмондонлиги остида пиёда полки, Текинлардан (туркман) ташкил топган отлик дивизияси ва артиллерия дивизияси бўлган Чоржўй гуруҳи тузилсин.

Гуруҳ командирлигига ўз ҳамроҳлари билан 1-Туркистон дивизиясининг 3-бригадаси командири ўртоқ Никитин олиб келинсин. Ўртоқ Никитин 12 август куни соат 00:00 дан бошлаб Самарқанд гуруҳи командири ўртоқ Коноваловдан ҳаракатларга аралашув тўғрисида буйруқларни қабул қилишга масъул.

Чоржўй гуруҳида 4-пиёда полки, 8-пиёда полки батальони, тўпчилар ва артиллерия дивизияси бундан мустасно:

а) Ўртоқ Қулмуҳаммедовнинг Бухоро қизил отряди;

б) Амударё флотига бириктирилган кемалар флотилияси;

с) Термиз шаҳри гарнизони;

д) Каркидаги гарнизон.

Ўртоқ Қулмуҳаммедов бўлинмаси фақат ҳарбий ҳаракатлардагина Чоржўй гуруҳи қўмондонлигига бўйсунди, маъмурий томондан эса бутунлай мустақилдир. Чоржўй гуруҳининг таъминот бўлими ушбу бўлинмани сақлаш ва таъминлаш учун жавобгардир. Қулмуҳаммедов бўлинмаси 14 августдан кечиктирмай 1-армия ва бригада командирларининг тўлиқ иштирокида жанг қилиш учун жиҳозланиши керак. Амударё флотига қарашли қўшинлар ҳам 14 август куни Каркига бориши керак. Бу бўлинмаларнинг бошлиғи Термиз, Карки ва Чоржўй ўртасида имкон қадар тезроқ радио алоқа ўрнатиш учун барча чораларни кўриши керак.

Чоржўй гуруҳининг вазифалари:

Буни махсус буйруқ билан эълон қилишимиз билан ўртоқ Қулмуҳаммедов Чоржўйнинг Эски шаҳар қисмини эгаллаб, кейин менинг шахсий кўрсатмаларимни бажариши керак. Ўртоқ Қулмуҳаммедов ўз қўшинлари билан Эски Чоржўйни эгаллайдиган бўлса, ўртоқ Никитин ўз бўлинмаси ва Қулмуҳаммад бўлинмасининг бир қисми билан Қорақўл шаҳрини темир йўл бўйидан Яккатут бекатига қадар эгаллаб олади, темир йўл ва унга тегишли объектларни мустаҳкам қўриқлайди. Қуролли душман гуруҳлари билан жанг қилиши ёки шахсларнинг темир йўл чизигини кесиб ўтишига йўл қўймаслик ҳамда барчани қуролсизлантириш ва қаршилиқ кўрсатганларни йўқ қилиш учун Чоржўй ҳарбий мактабининг барча курсантлари Чоржўй гарнизонини кучайтириш мақсадида қуроллантирилади.

Амударё ҳарбий-денгиз флоти кемалар флотилияси Амударё ҳудудини Каркидан Термизгача кузатиб туриши керак; Флотилия бу ҳудудда ҳеч қандай душман кучларининг ҳара-





катланишига йўл қўймайди ва ўт очади, душманнинг ҳар қандай манёврени олдини олади. Карки ёки Термиз қалъаларига ҳужум қилинган тақдирда флот ўт очиб, душман кучларини йўқ қилишга ёрдам бериши керак.

2. Самарқанд гуруҳи командири ўртоқ Коноваловга бўйсунувчи барча бўлинмалар 3 та махсус бўлинмага бўлиниши керак:

а) Янги Бухоро шаҳри (Когон), Когон станцияси, Қарши шаҳри гарнизони ва қўшинлари, Когон-Қарши темир йўли бўйлаб қўшинларни ўз ичига олган Когон дивизияси. Бу дивизия қўмондонлиги Янги Бухоро ҳарбий комиссари ўртоқ Бустровга топширилади. Қўллаб-қувватлаш учун қўшимча кучлар (ўртоқ Клементьевнинг махсус фронт қўшинлари, 4-отлиқ полки, 1-шарқий мусулмон пиёда полки) ва ўртоқ Клементьевнинг курсантлари келиши билан ўртоқ Клементьев Когон дивизиясига қўмондонликни ўз зиммасига олиши, ўртоқ Бустров эса бу ҳудудда қолиши керак. Ўртоқ Клементьев қўмондонлиги остида Янги Бухорода жойлашган барча ҳарбий объектлар гарнизон командири топшириғини бажариши керак. Гуруҳнинг штаб-квартираси ўлка ҳарбий комиссарлиги, интервенция бўлими ва фронт бўлинмаси штабининг бирлашмасидан тузилиши керак, аммо гуруҳ штаб бошлиғи ва зифасини минтақавий ҳарбий бошлиғи ўртоқ Тредескийга топширилди.

Гуруҳ вазифалари:

Гуруҳга алоқадор барча кучлар ўртоқ Клементьевга шахсан мен томонидан топшириладиган режани амалга ошириш учун биргалликда ҳаракат қилишлари керак.

б) Каттақўрғон гуруҳи 2-интернационал отлиқ полки ва ўртоқ Булатовнинг қизил Бухоро отрядларининг Каттақўрғон бўлинмасидан иборатдир. Ушбу гуруҳнинг умумий қўмондонлиги учун артиллерия мақомида 2-интернационал отлиқ полкининг командири (бу сўзлар Фрунзенинг қўлёзмасидан қўшилган) жавобгардир.

Гуруҳни йиғиш ва уни жангга тайёрлаш 15 августгача якунланиши керак.

Махсус буйруқ билан эълон қилинадиган кун ва соат Зинаиддиндан олинади, ўртоқ Бу-

латов бўлинмаларининг авангард қисмлари тузилади ва кейин Кармана қўлга киритилади.

с) Самарқанд гуруҳи 3-Туркистон пиёда полки, 1-Туркистон пиёда-дивизияси ўртоқ Парамоновнинг Туркистон махсус отлиқ бригадаси ва инженерлик гуруҳларидан иборат.

Гуруҳ қўмондонлиги 1-Туркистон отлиқ дивизияси командири ўртоқ Швецовга топширилди.

Бухоро амирлиги қўшинларига махсус буйруқ келгандан кейин Шаҳрисабз-Китоб йўналишида зарба беради ва Қашқадарё ҳудудини тўлиқ босиб олади.

3. Ушбу буйруқнинг 1 ва 2-моддаларида кўрсатилган барча гуруҳларнинг умумий қўмондонлиги ҳозир Самарқанд-Бухоро гуруҳи қўмондони бўлган ўртоқ Коновалов қўмондонлиги остида йиғилади. 12 август соат 24 дан кейин унинг қўмондонлиги остида шу пайтгача қўмондонлиги остида бўлмаган барча гуруҳ бўлинмалари ҳисобга олинади. Операциянинг ҳар бир жиҳати режасини шахсан мен тайёрлаганман.

4. Ушбу операцияни амалга ошириш жараёнида ҳарбий зонасидаги 7-чегара полки, интервенция нуқтаи назаридан ушбу бўлинманинг ҳарбий бошлиқлари Қўшин қўмондонлигига бўйсунди. Қўшин раҳбарлари имкон қадар чегара хавфсизлиги учун масъул бўлган қўшинларни оддий уруш бўлинмалари сифатида эмас, балки йўллар ва муҳим марказларни ҳимоя қилиш, ўзларини кўрсатиш ва минтақани батафсил тасвирлаш учун сафарбар қилиши керак.

5. 1-армия қўмондони Афғонистон-Россия ва Эрон-Россия чегарасидаги ҳарбий кучларни кучайтириб, Кушка-Сераҳс ва Кушка-Тахта-Бозор ҳудудларига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Миссия: исталган вақтда ва исталган жойда қурол билан жавоб бериш орқали Каспий денгизи минтақасига душман бўлинмалари ва партияларининг ҳар қандай ҳужумини қайтарди.

6. Вилоят транспорт масъул раҳбари, темир йўл корхонасига қарашли Каттақўрғон туманлари, жумладан, Яккатут темир йўл линияларини қўриқлаш ва назорат қилишда



муҳим аҳамиятга эга бўлган барча тузилмалар менинг оғзаки кўрсатмаларимга мувофиқ қўриқлансин.

Ҳарбий алоқалар бўйича масъул бошлиққа: Ҳарбий операция бошланиши билан барча темир йўллари қўриқлаш ишлари ижро ҳоқимияти доирасида ўртоқ Коноваловга бўйсундирилади.

7. Ҳаво флоти бошлиғи ўртоқ Юнгмеистер 17 август куни соат роппа-роса 6 да 25-26 ва 43-қуролланган ҳаво-десант бўлинмалари билан Янги-Бухоро вилояти осмонида барча мавжуд техникалар билан тайёр бўлиб ўртоқ Коноваловнинг буйруғи ва кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилиш керак. У ердан флотга тегишли машиналар отрядлар билан Эски Бухоро, Ситор, Мекас ҳудудларига жўнатилади ва рақиб кучлар бомбардимон қилинганидан сўнг душманнинг ҳаракати кузатилади.

8. Фронтни тартибга солишга масъул бўлган умумий таълим ва бошқарув бўлими Каттакўрғон-Фароб ҳудудида фаолият юритаётган барча офицер ва шахсий таркибни темир йўл транспортига халақит бермаган ҳолда, ишларни тўхтатмасдан, энг кеч 12 август соат 24:00 гача қуроллантисин.

9. 2-Туркистон пиёда дивизияси командири 10-рақамли зирҳли поездни Самарқанд станциясидаги ўртоқ Коновалов гуруҳи командирларига кечи билан 14 август соат 24 гача етказиб беришга мажбур. Зирҳли поездлар ва бронетранспорт воситаларининг вазифаси темир йўл зонаси ва темир йўллари бўлган туманларни, шу жумладан Зинаеддин Маликни қўриқлаш ва назорат қилишни ўз зиммасига олиш, Каттакўрғон гуруҳини мустаҳкамлашдан иборат. Гуруҳлар операцияларини амалга ошириш учун 23 ва 38-рақамли зирҳли поездлардан фойдаланиш керак, аммо бу орада Якатутдан Малик бекатига қадар бўлган ҳудудни кузатиш ва ҳимоя қилишга эътибор қаратиши лозим.

10. Ҳарбий транспорт учун масъул раҳбар кўзда тутилган техника ва қўшинларни ташиш учун транспорт воситаларини таъминлаш шарт. Ташиш режаси қайтадан ишлаб чиқиши ва тубдан кўриб чиқиши ва бош-

лиқларнинг ўз назорати остида амалга оширилиши керак. Бу операцияда ташиладиган барча бўлинмалар ўз манзилларига етиб бориши ва ҳарбий операцияларни мен кўрсатган кунгача ўз вақтида яқунлаш ҳамда Бухоро ҳудудига яширинча тунда кириб боришга эътибор қаратиш лозим. Уларнинг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилиши керак... раҳбарлар (бошлиқлар) ҳарбий транспорт бошлиғининг юк ортиш, ташиш ва тушириш бўйича буйруқларини ўз вақтида ва мутлақо сўзсиз бажаришлари шарт.

11. Таъминот учун масъул бўлган бошлиқ барча қўшинларни сафар давомида овқатланиш учун тўхтаб қолишига йўл қўймаслик учун барча қўшинларни ҳар хил озиқ-овқат билан таъминлашга масъулдир.

12. Фронтнинг санитария ишларига масъул бўлган бошлиқ, 17 август куни эрталабга қадар ўз вазифасини бошлайдиган кўчма соғлиқни сақлаш марказини ташкил этишга мажбурдир.

13. Маъмурият бошлиғи 6-Туркистон пиёда полкининг 17 августдан кечиктирмай кўчирилиши учун янги гуруҳ тузиши, уни дарҳол қўмондонлик ходимлари ёрдами билан қуроллантириши ва сақлаши каби барча турдаги эҳтиёт чораларини кўриши керак. Энг муҳими, кўчирилиш пайтида қўшинларга керак бўладиган барча эҳтиёжларни олдиндан таъминлашдир.

14. Ушбу буйруқни олинганлиги ҳақида маълум қилиб, Чоржўй ва Каттакўрғон гуруҳлари эгаллаши керак бўлган чиқиш пунктларига зудлик билан хабар қилиниши керак.

*Турк fronti бош қўмондони. М. Фрунзе  
Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси: Ибрагимов  
Штаб бошлиғи: Благовещенский».*

Бухорода ҳужумга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги бу буйруқдан кейин уни ишғол қилиш тўғрисида мана бу буйруқ юборилади:

«Туркистон fronti қўшинлари учун буйруқ, №. 3667 Тошкент, 1920 йил 25 август.

Амир амалдорлари, очкўз бойлар томонидан роппа-роса бир аср давомида таъқибга учраган халқ озодлик байроғи остида ўзини



бўйинтуруғи билан ушлаб турганларга қарши кўтарилди. Бухороликларнинг Бухоро мустабид тузуми ва ҳукмдорига қарши бу курашида биродарлик бурчимизни бажариш ва инқилобга ёрдам бериш мақсадида 12 августдаги 3504-сонли кўрсатмамни амалга оширишни буюраман:

1. Бухоро-Самарқанд гуруҳининг барча бўлинмалари 28 августдан 29 августга ўтар кечаси фаол ҳаракатга киришиши керак.

2. Чоржўй бўлинмалари қўмондони ўртоқ Никитинга ўртоқ Қулмуҳаммедов қўшинларининг катта қисмини Эски Чоржўйга юбориши ва у ердаги қуролланган қўзғолончилар ёрдамида (2 кун олдин 200 га яқин мусулмон яширинча Бухорога жўнатилган – Б.Ҳ) уни 29 август эрталаб соат 4 дан кечикмай қўлга олиши буюрилади. Ўртоқ Қулмуҳаммедовга Эски Чоржўйдаги гарнизон учун зарур бўлган кучларни қолдириб, отлик аскарларини Нарасим ва Бурдалиқда жойлашишини таъминлаб, алоҳида таъкидланган йўлларни диққат билан кузатиб боришга, кўчиб кетмоқчи бўлганларни қамоққа олишга ва энг муҳим вазифа сифатида Амир ва Бухоро ҳукумати аъзоларини Афғонистонга қочиб кетишининг олдини олиш керак бўлади. Ўртоқ Никитин Эски Чоржўйнинг босиб олингани ҳақидаги хабарни олгач, ўртоқ Қулмуҳаммедовнинг қолган бўлинмалари (пиёда ва отликлар) ҳамда бизнинг отлик дивизиялар, пиёда ва артиллерия қўшинлари ёрдамида Қорақўл туманини эгаллайди ва шу тариқа темир йўлни Яккатут станциясига қадар сақлаб қолади. Эски Бухородан қочганлар ҳам асирга олинади. Амир ва ҳукумат аъзоларини Афғонистонга ўтказиб юбормаслик алоҳида вазифадир. Чоржўй гуруҳининг умумий вазифаси Хива чегарасидан Термизгача бўлган Амударё чизиғи бўйлаб инқилобий куч барпо этишдан иборат. Амударё флотининг жанговар бўлинмалари ва десант қўшинлари 28 августдан кечиктирмай Карки-Термиз ҳудудига етиб бориши ва олдинги кўрсатмаларда белгиланган вазифаларини бажариши керак. Ҳарбий-денгиз кучлари чегараларда ўз вазифаларини бажараётган бир пайтда, қатъий масъулият ҳисси билан дарё бўйида тинч-то-

тув яшаётган афғон фуқаролари билан ҳеч қандай сиёсий муаммо бўлмайд.

3. Биринчи қўшин қўмондони аввал берилган вазифаларни бажариши ва Чоржўй-Когон ҳамда Самарқанд ўртасидаги алоқалар тўлиқ узилиб қолган тақдирда Чоржўй гуруҳи устидан умумий қўмондонликни ўз қўлига олиши, шу буйруқ асосида ҳарбий операцияни бошқариши керак.

4. Когон гуруҳи қўмондони ўртоқ Белов (ҳақиқий матнда Каранер гуруҳи) Эски Чоржўйда инқилоб бўлганлиги ҳақидаги хабарни олиши биланоқ у қўшинларини Эски Бухоро ва Ситор-Меҳас минтақалари томон сафарбар қилиши керак ва у ерда Эски Бухоро ҳукуматининг ҳарбийларини ҳал қилувчи ва тезкор зарбалар билан вайрон қилиб яна қайта ташкил этилишига имконият бермаслиги керак. Бу жанглардан кутиладиган мақсад душманни бутунлай йўқ қилишдир. Бу мақсадга эришиш учун душманнинг маънавиятини йўқ қилиш керак. Қўрқув ва шунга мос равишда ваҳима муҳитини яратиш учун ҳар қандай зарур воситаларга мурожаат қилиш ва шу билан душманнинг қаршилик кучини заифлаштириш керак.

Амир ва унинг ҳукуматида мансуб бўлганларни қўлга олиш муҳим вазифадир. Энг кучли зирхли денгиз флотларидан бири (№. 28) Эски Бухоро чизиғига жойлаштирилиши керак. Ҳарбий ҳаво кучлари бўлинмалари кенг кўламли бомбардимон қилиш, автоматик қуроллардан ўт очиш ва душманни кузатиш учун ишлатилиши керак. Самолётлар Бухоро-Самарқанд гуруҳи командири ўртоқ Коноваловнинг кўрсатмаси бўйича 29 август куни эрталаб соат 6 да Когонга етиб келиши керак.

5. Каттақўрғон бўлинмалари қўмондони Бухоро қизил қўшинлари ва 2-интернационал отликлар бригадаси билан биргалиқда 29 август куни эрталаб қуёш чиққач Зинаиддинни қўлга киритсин.

6. Самарқанд бўлинмалари қўмондони ўртоқ Швецов 28 август куни кечқурун ўз қўшинлари билан чиқиш нуқталарини рақиб кучларга сездирмасдан, душман билан тўқнашмасдан назоратга олиши керак. 29 август куни эрталаб қуёш чиқмасдан олдин Шаҳрисабзга ҳужум қи-





лиш режаси қатъий амалга оширилиб, амир қўшинлари йўқ қилиниши ва дарё бўйида жойлашган Қашқадарёдан Ғузур ва Қаршигача бўлган туманлар ишғол қилинсин.

7. 7-отлиқ полк қўмондони ўртоқ Авров Шаҳрисабз бегининг Бухоро бўлинмалари қолдиқларининг Шеробод ёки тоғли ҳудудларга ўтиб кетишига йўл қўймаслик учун ўртоқ Белов томонидан берилган буйруқ билан Қарши-Ғузур ҳудудини эгалласин.

8. Бўлимлар ўзаро алоқани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак. Қўшнилари ўз вақтида йўналтириш бўлинма командирларининг мажбурияти ҳисобланади. Барча тайёргарликлар тўлиқ махфийликда амалга оширилиши керак.

9. 6-Туркистон отлиқ полки ва махсус отлиқ чопарларни ўз ичига олган алоҳида отлиқ полкдан иборат захира белгиланган пунктларда бўлиши керак. Операция бошланишида ходимларим билан Самарқандда бўламан.

10. Таъминот бошлиғининг олдинги режасига кўра, қўшинларни ҳаракатга келтириш 29 август куни эрталаб соат 6 дан кечиктирмасдан бажарилиши керак. Акс ҳолда, 3504-сонли буйруққа мувофиқ ҳаракат қилиш керак.

11. Барча қисмлар ва бўлинмалар командирлари шуни билишлари керакки, ҳар қандай ҳарбий операцияларнинг муваффақияти уларнинг тезлиги ва қатъиятига боғлиқдир. Ҳужумларнинг бошида барча қизил гвардиячилардан ушбу чораларнинг амалга ошириш орқали ўзларининг инқилобий бурчларини бажаришлари сўралади. Маъмурий ходимлар ва комиссарлар қизил полклар ёрдамга келганида ўз масъулиятларини билишлари ва бегуноҳ одамларга нисбатан хатти-ҳаракатларида ўзбошимчалик ва куч ишлатишга йўл қўймасликлари керак.

12. Буйруқ қабул қилинганлиги ва шифрланганлиги ҳақида дарҳол хабардор қилиниши керак. № 3667.

*Тур fronti бош қўмондони: М. Фрунзе  
Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси: В. Куйбишев  
Штаб бошлиғи: Благовещенский».*<sup>1</sup>

<sup>1</sup> М. В. Фрунзе. Собрание сочинений, 1-жилд, Москва-Ленинград 1929. 136-145-бетлар. Б.Ҳайит (216), 240-248-бетлар

Қизил армиянинг ҳарбий операциялари буйруқларда кўрсатилганидек амалга оширилади. Туркистон fronti қўмондони 1920 йил 2 сентябрда Бухорони забт этиш учун 10 минг аскар, 46 та тўп, 229 та пулемёт, 10 та танк, 5 та зирҳли техника ва 12 та самолёт сафарбар этиб, Бухоро шаҳрини эгаллайди. Кўриниб турибдики, ўша пайтда ҳарбий операцияда иштирок этгани айтилган совет аскарларининг миқдори фактларда акс эттирилмайди. Бугунги тарихчилар ҳақиқатни юзага келтирадилар. Айрим тарихчиларнинг таъкидлашича, 1920 йил сентябрда Бухоро ҳудудида 20 мингга яқин совет аскарлари бўлган.<sup>2</sup> Бошқа бир тарихчи амирнинг тахминан 13 минг кишидан иборат аскарларидан фарқли ўлароқ, энг замонавий қурол-яроғ ва жанговар техникага эга 70 минг совет аскарлари борлигини таъкидлайди.<sup>3</sup>

Шундай қилиб, қизил байроқлар Бухоро амирлигида инқилоб рамзи сифатида танилади.

Мустақил давлатнинг босиб олинган куни Бокудаги халқаро коммунистлар Россия Совет ҳукумати билан биргаликда Шарқ халқлари қурултойини бошлаб юборишган эди. Тарихдаги бу қора ҳазил қанчалик ачинарли. Бу қурултойнинг мақсади шарқда империализмга қарши кучларни бирлаштириш эди.

Бу ерда яна Совет Россияси босқинни инқилоб, халқнинг ўзига бўйсунини озодлик, аннексияни эса барқарорлик деб нишонлаётган эди. Рус империализми ўша йили Хоразм ва Бухоро давлатларини босиб олган ва бу икки давлатнинг мавжудлигини йўқ қилган куч сифатида тарихга киради. 1920 йил 15 сентябрда амирлик тузуми тугатилиб, Бухоро Халқ Республикаси ташкил этилади. Шу ўринда, татар бригадасининг собиқ қўмондони ва Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши аъзосининг 1920 йил 9 ноябрда Бухоро Халқ Республикаси Мудофаа вазирлигига тайинланганини эсга олиш жоиз. Совет ҳукумати чор маҳкамасининг 1910 йил 28 январдаги қарорини уларнинг вориси сифатида амалга

<sup>2</sup> Др. Фарҳод Қосимов, Баҳодир Эргашев, Бухарская революция. «Родина», журнал 1989 йил. №.11. 77-бет.

<sup>3</sup> «Красный архив», журнал 1949. №.3, 77-бет.



оширганидан жуда хурсанд эди. Россия бош вазири Вазирлар маҳкамаси мажлисида шундай баёнот берганди: «Россия даврида расман мустақил бўлган Бухоро эртами кечми аннексия қилинишига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. Бироқ, бундай чорани амалга ошириш вақти ҳали келмаганди».

Хива ва Бухородаги монархия тузумларининг халқ республикаларига айлантирилиши ҳар икки давлатнинг 1924 йилгача Россияга қўшиб олинишидаги биринчи қадам бўлади. Лекин Россия Совет ҳукумати 1920 йил 13 сентябрда Хоразм Халқ Республикаси ва 1921 йил 4 мартда Бухоро Халқ Республикаси билан имзолаган шартномаларида ҳар икки давлатнинг тўлиқ мустақиллик ҳуқуқини қабул қилганди. Бу келишувлардан сўнг 1924 йил октябрда ҳар икки давлат ҳам Совет давлатига тўлиқ қўшиб олинади. Шундай қилиб, чоризм давридаги аннексия сиёсати яқунланади.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг совет қўшинлари томонидан босиб олиниши собиқ амирлик ҳудудларидаги миллий курашнинг мудофаа шаклига, сўнгра бутун Туркистон ўлкаларида Совет Россиясига қарши миллий ку-


рашнинг бир қисмига айланишида муҳим омил бўлган эди. Совет аскарлари амирнинг хазина бойликларини ва Бухорони бутунлай талон-тарож қилганига қарамай, совет маъмурияти собиқ Бухоро амирлигидаги озодлик курашини барибир «Қароқчилар ҳаракати» деб таърифлайди. Яхши хабар шундаки, совет манбаларида қизил гвардиячиларнинг талон-тарож қилиниши ҳақида етарлича эслатиб ўтилган. Совет маъмурияти Бухоро шаҳри босиб олингандан сўнг 100 та олтин ва жавоҳирлар билан тўла вагон Москвага олиб кетилганлиги ўғирлик ёки ҳарбий бошқарув деб таърифлайдими? Давлат томонидан ташкил этилган гуруҳлар Бухорода ҳамма нарсани талон-тарож қилгани, ҳар бир муҳим шахсни ваҳшийларча ўлдиргани мутлақ ҳақиқатдир. Собиқ Бухоро амирлиги ерлари 1920 йил сентябрдан совет қароқчилари ва Туркистон мужоҳидлари ўртасидаги урушнинг марказига айланганди.

*(Давоми келгуси сонларда)*


**Китобнинг турк тилидаги вариантдан ўзбек тилига таржима қилганлар:  
Р.Т.Шамсутдинов, Ш.Т.Балтабаев**



# МНЕНИЕ О ПУБЛИКАЦИЯХ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДР. БАЙМИРЗА ХАЙИТА



Мазкур китобда доктор Боймирза Ҳайитнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолияти ҳақида совет ва мустақиллик йилларида матбуотда эълон қилинган ҳам салбий, ҳам ижобий мақолалар, қарашлар, фикрлар келтирилган. Муҳтарам Сиз журналхонларни эътиборингизга юртдошимиз Боймирза Ҳайит ҳақида матбуотда эълон



қилинган мақолалардан айримларини тақдим этмоқдамиз.

М.Шарапов, Чалкаш тақдирлар,  
«Ёш ленинчи», 1990 йил, 3-бет

Инқилобий жараён давом этмоқда. Қайта қуриш ва ошкоралик чин ҳақиқатни рўёбга чиқараётир. Фуқаролар уруши давридаги босмачилик ҳаракатига янгича қараш, қатағон





йилларидаги фожиали тақдирлар, афғон тупроғида асирга тушганларни қутқариш, умуман матбуот юзини кўрмаган ва ҳали бери кўриши мумкин бўлмаган воқеалар ошкор бўлмоқда.

... Ғарбий Германияда истиқомат қилаётган ва биз ҳикоя қилмоқчи бўлган яна бир ўзбек Боймирза Ҳайитдир. У муҳожир ватандошларимиз орасидаги анча нуфузли кишилардан бири.

Кёльн шаҳри ташқарисидаги Дурлахер шт-рассесида Остхайм деб номланган унча катта бўлмаган алоҳида уйда «Туркистон тадқиқот институти» жойлашган. Ҳамон дунёда Ўрта Осиё шўро жумҳуриятларида юз бераётган жараёнларга қизиқиш ниҳоятда катта.

Узоқ ГФЖда ҳам ана шу мавзу билан илмий тадқиқот ташкилоти шуғулланаётганига ажабланмаса ҳам бўлади. Унга бизнинг собиқ ватандошимиз Наманган вилоятидан бўлмиш Боймирза Ҳайитов (ёки Боймирза Ҳайит) бошчилик қилмоқда. Илмий муассаса штати ҳам бармоқ билан санарли. Биз директорини айтиб ўтдик. Унинг ёлғиз ўзи илмий ходим, унинг ўзи - илмий котиб, ҳа, котиб-машинкаловчи ҳам унинг ўзи. Ўзининг 40 йилдан ортиқ тадқиқотчилик фаолиятида доктор Ҳайит бир қанча катта мақолалар ва брошюралар чоп эттирди. Яхшигина кутубхонага эга. Ундан Ўзбекистон, Ўрта Осиё жумҳуриятлари тарихига оид рус ва ўзбек тилларида босилган кўплаб китоблар ўрин олган. Бизнинг нашрларимиздан фақат «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Коммунист Узбекистана»га обуна бўлинган. Бошқа нашрларга ҳам обуна бўлинарди, лекин Ғарбий Германия шароитида чўнтаги кўтармайди-да, баъзан доктор Ҳайитнинг ўзи бўйнига олади.

Боймирза 1917 йилда Наманган вилоятининг Уйчи ноҳиясида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Ўрта мактабда таҳсил кўрди, лекин ёмон ўқимади. 1930 йилда комсомол сафига кирди. Уч йилдан сўнг 1933 йилда Наманган педагогика техникумини тугатди. Тарих, рус тили ва адабиёти – унинг севган фанлари. Ўн етти ёшидан бошлаб ўзининг қадрдон Уйчи ноҳиясида ўқитувчилик қила бошлади. 1934 йилда Тошкент сиртқи педагогика институтининг Тарих факультетига ўқишга кирди. 1936 йилдан бош-

лаб ўрта мактабга директорлик қила бошлади. 1939 йилда олий маълумотга эга бўлади. Социализм сиёсий иқтисоди, тарихий материализм, диалектик материализм, ленинизм, ВКП(б) тарихи, Ўрта Осиё тарихи, СССР халқлари тарихи барча курсларини «аъло» баҳога топширади.

Боймирза Ҳайитов Улуғ ватан урушига чақирилгунга қадар Уйчи ноҳияси, Наманган ва Андижон вилоятлари халқ маорифи бўлимлари мудири лавозимида ишлаган.

1940 йилда Қизил армия сафига чақирилган. Қисқа муддатли курсни тугатгач, унга офицерлик унвони берилган.

Йўқ, Сталин қатағони қурбонига ёки ишончли антисоветчилигига, собиқ бой оиласида тарбия кўрган ёки қулоқ қилинган ўртаҳол деҳқонга ўхшамайди. Ҳамма ҳаммаси аксинча ... 1941 йилнинг ёзида Ишчи-деҳқон Қизил армияси офицери Ҳайитов асирга тушди... Ўша йил кузининг бошида ҳарбий асир Ҳайитов концлагер маъмуриятига, у орқали Германия қўмондонлиги вакилига «Германия рейхининг улуғ фюрерига» ёрдам кўрсатиш учун Ўрта Осиёлик асирлардан немис армияси таркибида янги ҳарбий бўлинма «СС Туркистон батальони» тузиш ташаббуси билан муружаат қилади.

Шундан сўнг Боймирзани айғоқчи сифатида «Цепеллин» разведка органига жалб этишди ва уни немис разведка-қўпоровчилик мактабига курсант сифатида йўллашди. У бу ерда ҳам қоқилмади. Мактабни аълога тугаллаб ўзининг янги офицерлик унвонини олди, шу мактабнинг қарамоғида ўқитувчилик ва раҳбарлик ишида қолдирилди.

Бреслауда мактабини тугаллаб махсус тайёргарликни ўтаган шахслардан группаларга беш кишидан – икки нафар радист ва уч нафар разведкачи бириктирилиб айғоқчилик маълумотлари тўплаш топшириғи билан Қизил Армиянинг орқа томонига ташланарди. Ҳайитов Боймирза - ... ана шу жойда СС ротаси командири, яъни амалда разведка мактаби командири эди...

«Рота»нинг бошқа собиқ курсанти С.Хожиев кўргазмасидан: – Ҳайитов Боймирза 29-30 ёшларда, ўзбек... касби ўқитувчи, Қизил Армияда командир бўлиб ҳизмат қилган... унинг айтишича гўё ватан урушигача Ленин ордени билан



мукофотланганмиш, мактабда СС ротасига командирлик қилди, айна маҳалда сиёсий машгулот сабоқларини олиб борди. Қизил армия ва совет ҳокимиятига қарши курашгани учун лейтенант унвони берилди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам орадан бир қанча ойлар ўтмасданоқ штурмфюрер Ҳайитов энди улуғ рейхнинг қабул қилган Ҳайит оберштурмфюрер унвонини олди. Шунингдек, у биринчи даражали «Остмедаль» билан мукофотланди. Бу фақат сафда қаддини аъло ростлагани учунгина эмас, балки «СС Туркистон батальонининг алоҳида ротаси»га командирлик қилгани, бўлажак айғоқчилар ва қўпоровчилар ўртасида «сиёсий тайёргарлик» машгулотларини намунали ўтказгани учун берилганди. Ўрта Осиёдан тушганларни танлаб олар, улар ўртасида фашистик, советларга қарши тарғибот ишларини олиб борар, ўз ротаси учун янги курсантларни ёлларди.

Бундай истеъдодни пайқамаслик мумкин эмасди. 1942 йилнинг сентябридаёқ яшин тезлигида оберштурмфюрер Ҳайитга навбатдаги СС группштурмфюрери унвони берилди ва зудлик билан Берлинга «юқори лавозимли масъулиятли иш»га юборилди.

Ўша 1941 йилдаёқ «улуғ рейх» пойтахтида Мустафо Чўқаев ва Вали Қаюмхон раҳбарлигида «Туркистон миллий қўмитаси» (ТМК) тузилганди. Унинг вазифаси «қадрли ватандошлар – туркистонликларни улуғ фюрер байроғи остида большевизмга қарши аёвсиз курашиш учун бирлаштириш эди». Албатта, ТМКнинг ҳақиқий хўжайинлари на Чўқаев ва на Қаюмхон эдилар. Қўмитанинг бутун фаолиятига Альфред Розенберг тўла раҳбарлик қилади. Бевосита бошчиликни «профессор» Герхард фон Менде олиб борди. У «арийцларнинг ирқий устунлиги» назарияси муаллифларидан бири эди.

Бироқ «Туркистон Миллий Қўмитаси»даги аҳвол Розенберг ва фон Мендени безовта қилаётганди. Қўмита бошида ўртоқлик ва аҳиллик йўқ эди. Аксинча, бир-бирини сотиш, бузғунчилик очикчасига ҳокимият учун кураш борарди. Бири иккинчисига қарши қўл кўтарган, яхшиям Вали Қаюмхон имконият-

ни қўлдан бой бермади, ўзининг «доно устози ва сеvimли ўқитувчиси Мустафо Чўқаевни» заҳарлаб, унинг «Туркистон миллий қўмитаси» Президенти лавозимини эгаллади. Вали Қаюмхон 30-йиллардаёқ гестапонинг яширин жосуси эди, бироқ... махсус тайёргарликдан ўтмади, бир неча марта уриниб кўрди, чиқмади, қариди. ТМКга зудлик билан «қаттиқ қўл» одам керак бўлиб қолди. Шу ўринга Боймирза Ҳайит мос эди. 1942 йил сентябридан у ТМКнинг «ҳарбий бўлими» бошлиғи ва Вали Қаюмхоннинг ўринбосари бўлди.

Эс-эсчи Ҳайит керакли маҳоратни тўла эгаллаб олганди. Собик «легиончи» А.Мухторов эсдалигидан: «Легионово шахридан бизни Германияга, Бреслау шахрига жўнатишди. Бу орада Б.Ҳайит икки ой бизнинг ротага командирлик қилди»...

...Шундан кейин Қаюмхон ва Ҳайитлар ўз хўжайинларига садоқатларини ва имкониятларини намойиш этиш мақсадида 1944 йилнинг июнь ойида Венада «Туркистон Миллий Қўмитаси» конгрессига тўпланишди. Анжуманга «Туркистон легиони» командирлари ва оддий аскарлар, инқилобдан кейинги буржуа миллатчи муҳожирлар, шубҳасиз, шарқий вазирлик ва вермахтнинг юқори табақалари таклиф этилдилар. Ҳеч нарсадан тап тортмаган Қаюмхон ва Ҳайит «Туркистон легиони»нинг большевизмга қарши курашдаги хизматларини орттириб-бўрттириб кўрсатишлари, Гитлерга садоқатликлари ҳақида қасамёд қиладилар, «қадрли ватандошлари»га «лаънати совет империяси бир ярим-икки ойдан ўтар-ўтмас фюрер оёғи остида тиз чўқади» деб ваъдалар берадилар. Ана шу «конгресс»да «Улуғ Германия империясининг протекторати» сифатида «Улуғ Туркистон»ни тузиш эълон қилинди. Унинг Президенти қилиб Вали Қаюмхон, ўринбосари қилиб Ҳайит сайланди. У мудофаа вазири сифатида тезлик билан тузилган «Улуғ Туркистон» ҳукумати составига кирди ва ўзини СССР билан уруш ҳолатида деб расман эълон қилди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Мнение о публикациях и деятельности др.Баймирза Хайита. стр. 455-460.

**«Халқ сўзи», 27 февраль 1992, 4 бет:**

... Негаки яқин вақтларга қадар нафақат Вали Қаюмхон, балки Боймирза Ҳайит, Мустафо Чўқай, Фитрат ва яна бошқа миллат жонкуярлари мунавварлар хусусидаги ҳақиқатдан деярли воқиф эмас эди. Гумроҳлик шу даражага бориб етган эдики, асл ҳақиқатдан хабардор бўлган баъзи бир хашаки олиму тарихчилар кўриб, била туриб улар шаънига ҳар хил бўхтон тошлари отдилар, беъмани ва сохта ёрликлар ёпиштирдилар. Ундайлар ўз жазосини топдилар, топарлар. Зеро, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмагай...

**Шухрат Тўлқин ўғли, «Халқ сўзи»,  
27 февраль 1992, 4 бет:**

Муҳожир юртдошига ватандан тош отиб бировлар унвон олишди, бировлар амал... Унинг суратига мўл-кўл қора бўёқ чаплаб кимлардир мақола, «илмий иш»лар ёздилар, фан номзоди ва хоказолар бўлдилар. Менга қолса Вали Қаюмхонни халқ академиги деб атаган бўлур эдим, қадрдон ватандошимиз фаолияти билан қизиққан дамларим кўнглимдан ана шундай фикрлар кечди...

Азиз муштарий, эсингизда бўлса «Халқ сўзи»нинг шу йил 18 январь сониди Олмонияга бориб у ерда Боймирза Ҳайит, Вали Қаюмхон ва бошқа собиқ юртдошларимизни кўрган, мулоқотда бўлган Музаффар Асадуллаев билан журналист Йўлдош Исмоил Баротбой ўғлининг суҳбати чоп этилган, унда рўзнома сизларга Вали Қаюмхон ҳақида мақола беришни ваъда қилган эди. Муҳожир ватандошимизнинг қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоласини ҳам таҳририятимизга заҳматкаш, тиниб-тинчимас ҳамкасбимиз Музаффар ака олиб келдилар. В. Қаюмхоннинг ушбу ёзганлари ғоят қимматли бўлиб, унда муаллифнинг сафдоши, қадрдони, Миллий Туркистон ҳамжамиятининг чет элдаги раиси бўлган Мустафо Чўқай ҳақидаги хотиралари қаламга олинган.

Савоб ишга қўл урган М. Асадуллаев ва, албатта, муаллифдан «Халқ сўзи» беҳад миннатдор.

**«Мулоқот», 1992, №2, 38 бет:**

Муҳарририятдан: Шу пайтгача тор, биқик муҳитда яшаб оламда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан узилиб қолганлигимиз мустақилликка эришган кунларимизда равшанроқ сезилиб қолди. Дунёни билмаганимиз, оламни танимаганимиз, умумжаҳон иқтисодиёти ва маънавиятидан сунъий равишда ажралиб қолганимиз учун ижтимоий тузумимиз ич-ичидан дарз кетди. Ўзгаларнинг ютуғини кўролмадик, танқидни тан олмадик. Ўз ижтимоий воқелигимизни камчилик, зиддиятлардан холи қилиб кўрсатиб келдик.

Юртдошимиз, миллатдошимиз Боймирза Ҳайит хорижда яшагани билан бизнинг ҳар бир қадамимизни олисдан танқидий кузатиб, таҳлил қилиб борди. Босиб ўтилган «шонли» йўлимизни ўзича, баҳоли қудрат баҳолади. Жумҳурият мустақиллигини ва миллатимиз бирлигини таъминлаш юзасидан ўз қарашларини баён этди.

Боймирза Ҳайит баъзан воқелиқдан олдинроқ, баъзан ундан баландроқ «юради». Гоҳида эса эҳтиросга берилиб мавжуд камчиликларни бўрттириб кўрсатади. Нуқсонларимиз, мутелигимиздан куйинади. Қисқаси, юртдошимизнинг юрагида оғир бир дард, халқининг, миллатининг тақдирига қайғуриш, ачиниш, келажагига умид ва ишонч сезилиб туради.

Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган 1990 йил Истанбулда бўлиб ўтган иккинчи байналмилал Туркистон қурултойида қилган маърузаси матни асосида битилган ушбу мақоласини нашрга тайёрлаб қўйган эдик. Уни энди эълон қилиш мавриди келди. Мақола таҳрир қилинмаган ҳолда чоп этилмоқда.

Муҳарририят Б. Ҳайитнинг барча фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватламайди. Фақат муаллифга ўз фикрларини очиқ-ойдин айтиш имконини беради, холос. Ушбу мақола Боймирза Ҳайитнинг маънавий қиёфаси, олимлик салоҳияти ҳақида ҳам бир қадар тасаввур беради, деб ўйлаймиз. Сиз унинг мантиққа йўғрилган баъзи қарашларига хайрихоҳ бўлишингиз, ҳис-ҳаяжон таъсирида битилган баъзи фикрлари-





га қўшилмаслигини, ўрни билан инкор этишини турган гап. Хуллас, мақолани мунозара мақсадида диққатингизга ҳавола этмоқдамиз.

### **Халқаро танлов якунлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил 20 март, 7 бет**

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Тарғибот маркази танлов ҳайъати 1991 йил учун халқаро мукофотларни қуйидагича тақсимлади:

#### **ЧЎЛПОН МУКОФОТИ**

1. Боймирза ҲАЙИТга (Олмония) «Туркистон Россия ва Чин ўртасида» китоби учун.

2. Аҳад АНДИЖОНга (Туркия) жаҳон матбуотида босилган Туркистон ва Орол денгизи ҳақидаги туркум мақолалари учун.

3. Мамадали МАХМУДОВ (Эврил Турон)га (Ўзбекистон) «Ўлмас қоялар» («Бу тоғлар, улуғ тоғлар») романи учун.

Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси тарғибот маркази бошқони Тўра Мирзо шарҳи: «1991 йил жумҳуриятимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Жумҳуриятимиз ўз мустақиллигини эълон қилди. Мустақиллик даъвоси учун юртимизда ва хорижий ўлкаларда жон кўйдирган суюкли арбобларимиз заҳмати ҳали кўп қадрланажак!

Боймирза Ҳайит ва Аҳад Андижон Туркистон аҳлининг арз-доди Московдан нарига ўтмай турган пайтда бу халқнинг имдодини қитъалардан қитъаларга етказиб, аждоқларимиз руҳини шод айладилар.

«Советская тюркология» журналининг бош муҳаррири, Озарбайжон халқ депутати, йирик олим Ойдин Мамедов эса дунё туркларига учун кўп ўлмас ишлар қилди. Буюк байрамимиз «Наврўз» арафасида танлов натижаларини эълон қилар эканмиз, мустақилликнинг буюк саодатидан бизни ҳеч ким айирмасин, эрк байроғини маҳкам тутганларни аждоқларимизнинг руҳи қўлласин, деймиз. Омин!

1992 йил танлови учун асар қабул қилиш 1993 йилнинг 31 январига давом этади.

Ҳамидуллоҳ Болтабоев. Хорижда Фитратшунослик, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 27 март 1992, 3 бет»:

Турк тилида Фитрат фаолияти акс этган тадиқотлардан бир нечаси буюк ватандошимиз,

кўп хорижий ва халқаро илмий марказларнинг аъзоси доктор Боймирза Ҳайит қаламига мансубдир. Файласуф олим «Советлар бирлигинда туркликнинг ва исломнинг баъзи масалалари» (Истанбул, 1987) китобининг «Туркистонда жадидчилик бобида жадидчиликнинг Ўрта Осиёда томир отган илдишларини кузатиш баробарида Фитрат ва жадидчилик деган алоҳида бўлимни улуғ ўзбек адиби ва олимига бағишлайди. Доктор Б.Ҳайит ёзади: «Фитрат яна ўзининг «Темур сағанаси» номли сахна асарида Темурни шиддатли бир овоз-ла миллатнинг қаршисига чиқаради. Саҳна устида қоронғи бир булут орқасинда ва орасинда. Темурнинг шарафли ва жасур бир миллатнинг авлодлари бошқа бир миллатнинг зулми остида қолмиш... Ўлкани тузатингиз, авлодларимнинг ҳур яшамоқларини таъмин этингиз. Агар бундай қилмасангиз ўлка буюк бир мазорлик ҳолатига келади» деб хитоб қилган эди. (Доктор Боймирза Ҳайит. Советлар бирлигинда туркликнинг ва исломнинг баъзи масалалари» (Истанбул, 1987 197 бет). Бобнинг хулосаси эса «Шоир Фитратнинг: Эй тангрим, эй турк тангриси, эй мусулмон Аллоҳи, туркчиликнинг, мусулмончиликнинг на гуноҳи бор эдики улар бундай қора кунларга учради... саволига жавоб изламоқ керак. Ишда Туркистондаги туркчилик шундай бир саволнинг жавобини изламоқдалар» (ўша асар, 199-бет) сўзлари билан якунланади. Бундан ташқари, муҳтарам олимимиз Фитрат ижоди ҳақида ўзининг ўндан ортиқ китоб ва мақолаларида фикр юритади ҳамда шоирни бутун дунё туркларига таништириш мақсадида 1952 йили «Миллий Туркистон» саҳифаларида «Абдурауф Фитрат» номида маҳсус мақола эълон қилади.

#### **«Шарқ юлдузи», 1992 йил №3, 2 бет:**

Бугунги кунда октябрь тўнтаришига ҳам, Улуғ ватан уруши деб аталган даврга нисбатан ҳам муносабат буткул ўзгарди. Бир-бирини гоҳ тўлдириб, гоҳ инкор этадиган баҳсли фикр-мулоҳазалар, ўйчан, тарихий далилларга асосланган мушоҳадалар майдонга келди.

Биринчи марта ойномаимизнинг 141-156 саҳифаларида эълон қилинаётган Боймирза Ҳайитнинг маърузалари ҳам бунга ёрқин мисолдир.



**Иброҳим Ҳаққул, Чўлпон шеърятининг хорижда ўрганилишига доир, «Ўзбек тили ва адабиёти», Тошкент, 1992, № 3-4, 17-20 бетлар.**

... Тарихдан маълумки, Туркистондаги жадидчилик ҳаракати адабиётга ҳам кучли таъсир кўрсатган эди. Хорижда чиққан илмий асарларда «Жадидчилик адабиёти билан Туркистон адабиёти тарихининг янги даври бошланди», – деб белгиланган. Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон шу адабиётнинг энг улуг вакилларида бири. Шунинг учун чет мамлакатларида – Туркия, Олмония, Америкада яратилган Туркистон жадидчилик ҳаракатига доир китоб ва мақолаларда Чўлпон адабий фаолиятига ҳам эътибор берилган. Бу ўринда Закий Валидий Тўғон, Боймирза Ҳайит, Нодир Давлат, Чиғатой Қўчқор сингари тадқиқотчиларнинг номларини эслатиб ўтиш мумкин.

... Боймирза Ҳайит Чўлпоннинг «Хаёл», «Халқ», «Виждон эрки», «Кураш», «Мен ва бошқалар», «Гўзал Фарғона» каби шеърларига диққат тортиб, уларнинг маъно-моҳиятини умумий тарзда изоҳлаб ўтгандир.

...Чўлпон англаган ҳақиқатлар нима эди? Унинг тўфонли, муросасиз истаклари-чи? Бу саволларга жавоб унинг шеърларида жуда ибратли шаклларда тасвирланганлигини Боймирза Ҳайит тўғри таъкидлайди. Ва мисоллар келтиради.

Биринчи мисол: Советлар сизларга (яъни маҳаллий халққа – И.Ҳ.) бахт келтирдик», дер эдилар. Чўлпон эса буни хаёл дер эди. У 1920 йилда ёзган «Аёл» номли шеърда Туркистон ҳаётига ишорат этган». Бу гап балки тўғридир. Лекин шеърини яхлит ҳолда келтириш биланмас, аниқ таҳлил билан даъвони исботлаш керак. Иккинчи мисол: «Чўлпон 1921 йилда ёзган «Мен ва бошқалар» шеърда Туркистон вазиятини кўрсатган ва ҳуррият дейилган тушунчанинг не бўлганини баён этгандир».

*Кулган бошқалардир, йиғлаган менман  
Ўйнаган бошқалар, инграган менман  
Эрк эртакларин эшитган бошқа,  
Қуллик қўшигини тинглаган менман.*

Шоирнинг изоҳи бўйича бу фикрлар ўзбек қизи тилидан айтилган. Тўғри, тутқинликда

йиғлаган, чорасизликдан инграган асирлар ўшанда кам бўлмаган. Шу маънода шоирнинг бошқа бир мақсадни кўзлаганлиги, бошқа бир тоифа одамлар аҳвол руҳиятини акс эттирганлигига шубҳаланмаслик ҳам мумкин. Аммо шеър қаҳрамонидаги фавқулдда руҳий қувват тасаввурда лирик «Мен» қиёфасини ўзгартиради. Бунга эса тасвирдаги йиғининг кулгудан, инграшнинг ўйиндан, қуллик қўшигини «Эрк эртакларидан» мантиқан устунлиги сабабдир. Бу шеър туб моҳиятда сохта эрк, ёлғон озодлик устидан ўқилган кинояли ҳукм бўлиб, «Мен ва бошқалар» ўртасидаги «қалин девор» аслида ижтимоий, ахлоқий, ғоявий, истасангиз, сиёсий мазмун касб этадиган баҳайбат бир тўсиқ.

«Эркин бошқалардир...» Булар кимлар? Эрдан маҳрум қилинган «эркин» – оломон. Омавий тобелик ва кишанлар ила дўстлашувга қаршилиқ кўрсатаётган якка шахс, яъни «Мен» эмас «хайвон қаторида саналган», балки худди ўша «бошқалар»дир. Бу шеър ожиза қиздан кўра улуг шахс фожиасини ифодалайди. Бу Шахс – шоир Шахси дейилса хато бўлмайди. Зеро, шоир ҳолатини Туркистон вазиятидан ажратиб бўлмаса-да, улар айна бир нарса эмасдир.

**Эргаш Умаров, Боймирза Ҳайит асарлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1992 йил 1 май, 1 бет:**

«Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали (1992 йил, 1-сон) таҳрир ҳайъатининг саъй-ҳаракати билан Ўзбекистонда биринчи марта йирик шарқшунос олим, доктор Боймирза Ҳайитнинг тўлиқ асарлари рўйхати эълон қилинди. Бу рўйхатга кўз югуртиришнинг ўзи Боймирза Ҳайитнинг нақадар кенг қамровли олим эканлигини кўрсатади. У шарқшуносликнинг деярли барча – тарих, адабиёт, тил соҳаларида баракали ижод этган. Яна диққатга сазовор жиҳати шундаки, унинг асарлари дунёнинг барча йирик шарқшунослик марказлари: Анқара, Лондон, Деҳли, Карачи, Макка, Кельн каби шаҳарларда нашрдан чиққан. Олим эллик йиллик илмий фаолиятида (1942-1992 йиллар) немис, араб, инглиз ва турк тилларида жами икки юз ўндан ортиқ китоб, рисола ва мақолалар ёзган.

Халқимиз тарихини ҳаққоний ёритувчи бу асарлар туфайли олимлар қаторидан ўрин



олишга муваффақ бўлган. У, шунингдек, Туркистон, унинг миллий қаҳрамонлари, халқлари тарихига оид саккиздан зиёд монография ёзган. Унинг 1987 йили Истанбулда нашр этилган «Советлар бирлигидаги туркларнинг ва Ислоннинг баъзи масалалари», «Турк дунёсинда рус империализмининг излари» (Анқара, 1975 йил) асарлари ҳужжатларга бойлиги, масалани ҳаққоний ёритгани туфайли алоҳида ажралиб туради. «Миллий Туркистон» журналида унинг кўплаб долзарб мавзуларда бир қанча мақолалари эълон қилинган. Жумладан, «Туркистон буюк Темур давридан Русия истилосига қадар», «Большевикларнинг миллий мафкурага қарши ҳужуми», «Андижон қўзғолони», «Ленин меросхўрларининг Туркистондаги сиёсати», «Туркистонда мафкура майдонида кураш» мақо-

лалари халқимизнинг оғир ўтмиши ҳақида қимматли маълумотлар беради.

...Олимнинг ўзбек ватанпарварлари ҳақида ёзган «Убайдулла Хўжа Асадуллахўжа», «Усмонхўжа Пўлатхўжа», «Мунавварқори – Туркистон жадиждларининг отаси» каби мақолалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг «Алпомиш», «Бобурнома», «Хозик», «Хоразмий», «Фарҳод ва Ширин», «Гул ва Наврўз», «Девони луғатит турк», «Сўфизода» сингари тадқиқотлари адабиёт тарихига оид. Ҳаёт бугунги кунда истиқлол орзусида ёзилган бу асарларни ўзбек тилида нашр этишни тақозо этаётир. Зеро, Ўзбекистоннинг ҳақиқий тарихини ҳаққоний ёритишда Боймирза Ҳайит асарларининг хизмати катта.

*(Тайёрлаганлар: Р.Т.Шамсутдинов, А.Маҳкамов)*





# БОЙМИРЗА ҲАЙИТНИНГ «БОСМАЧИЛАР» АСАРИ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

Темур Хўжаўгли

Мичиган давлат университети фахрий профессори,  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий ходими



Туркистон тарихининг хорижий мамлакатлардаги таниқли тарихчиси Боймирза Ҳайит (1917-2006) умрининг буюк бир қисмини Туркистон тарихи ва маданиятини ўрганиш ва уни кўп сонда мақолалар ва китоблар бўлиб нашр қилиш ҳамда турли мамлакатлардаги конференцияларда маъруза ва лекциялар орқали тарғиб қилишга ҳаракат қилган етук олимдир. Унинг асарлари орасида «Босмачилар» (1992) китоби алоҳида ўринга эга. Боймирза Ҳайит ўзи кўп йиллар давомида меҳнат қилган ушбу асарини 1992 йилда, Ўзбекистонда ҳали бу соҳада муҳим тадқиқотлар олиб борилмаётган бир пайтда нашр эттирди. Албатта, 1992 йилдан бугунгача ўзбек олимлари анча тадқиқотлар, айниқса архив ҳужжат ва маълумотлар нашр қилдилар. Лекин Боймирза Ҳайитнинг бу асари «Босмачилар» мавзусининг таҳлил қилиниши ҳамда бу ҳақда жаҳондаги турли тилларда чоп

этилган китоб ва мақолалардан тўла фойдаланганлиги жиҳатидан Ўзбекистондаги ўқувчилар ҳамда олимлар учун ноёб асардек катта аҳамиятга эга.

Боймирза Ҳайитнинг «Босмачилар» китоби 1992 йилда Германияда немис тилида нашр этилганидан кейин унинг туркча таржимаси 1997 йилда Анқарада нашр этилди. Унинг ўзбекча таржимасига катта эҳтиёж бор эди. Мана анча кечикиб бўлса ҳам, энди таниқли ўзбек тарихчиси проф. доктор Рустамбек Шамсутдинов бу асарни турк тилидан ўзбек тилига мукамал таржима қилиб, нашр қилди. Шу сабабдан, ҳурматли тарихчимиз Рустамбек Шамсутдиновни чин юракдан табриклайман.

Боймирза Ҳайитнинг «Босмачилар» асари таржимаси охирида Рустамбек Шамсутдиновнинг 12 та мақоласи ҳам берилган. Бу мақолалар ҳам Туркистон тарихи ҳамда «Босмачилар» ҳаракати мавзусида бўлгани учун уларнинг бу асарга илова этилиши жуда ҳам ўринли бўлган.

Шу ерда улуғ тарихчимиз Боймирза Ҳайит билан ўртамизда бўлиб ўтган қизиқ бир воқеани ҳам эслаб ўтишни истайман. Менинг Истанбул университетидagi бакалаврият (1965-1971) ҳамда Нью Йорк шаҳрида жойлашган Колумбия университетидagi магистратура ва докторантурадалигим пайтида Боймирза Ҳайит ҳар доим менга илмий ёрдам берган ва мен-



га турли асарлар, ҳужжатларни юбориб турар эди. Мен докторлик диссертациямнинг бир нусхасини унга 1982 йилда юборганимда, у мени табриклар экан, қуйидаги илмий танқидини ҳам ёзган эди: «Ҳурматли Темурбек, диссертациянгизни диққат билан ўқиб чиқдим. Сизни чин кўнгилдан табриклайман, бу диссертациядаги чуқур таҳлилларингиз учун. Лекин шуни эслатишимга рухсат бергайсиз: Сиз диссертациянгизда америкалик ва европалик тарихчилар каби бизнинг *Туркистон* минтақаси учун *Марказий Осиё* атамасини ишлатибсиз. Совет тузуми тарихий *Туркистон* номини ўчириш учун шу *Марказий Осиё* атамасини жаҳонга тарқатиб бўлди. Балки Сиз бу диссертациянгизни АҚШдаги университетда ёқлаш учун бу атамани ишлатишга мажбур бўлгандурсиз. Лекин бундан кейинги илмий асарларингизда бизнинг миллий атамамиз *Туркистон*ни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилсангиз яхши бўлади.»

Марҳум устозим Боймирза Ҳайитнинг шу *Туркистон* ва *Марказий Осиё* атамалари тўғрисидаги мени огоҳлантириши ҳам унинг суюкли ватани Туркистонга нисбатан бўлган чексиз муҳаббатидан далолат беради. Дарҳақиқат, Боймирза Ҳайит Туркистон тарихи ва маданиятининг шубҳасиз энг буюк тарихчи олими десак, янглишмаймиз. Ҳурматли олим Рустамбек Шамсутдиновни ўз ватани Туркистон соғинчи билан умрини чет элларда ўтказиб вафот қилган Боймиза Ҳайитнинг энг муҳим асарларидан бири бўлган «Босмачилар» асарини ўзбек тилида китобхонларга совға қилгани учун яна бир марта табриклайман! Энди бошқа ўзбек олимлари ва таржимонлар Боймирза Ҳайитнинг кўпдан кўп турли асарларини ўзбекчага яқин вақтларда таржима қилиб, нашр қиларлар деган умид билан якунлайман.

2-июнь, 2023, Истанбул.



# ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ ГЕРМАНИЯЛИК МУҲОЖИР ЎЗБЕК ОЛИМИ ТАЛҚИНИДА

Темур Хўжа, АҚШ, Мичиган университети профессори  
Сулаймон Иноятов, БухДУ, тарих фанлари доктори, профессор  
Шодмон Ҳайитов, БухДУ, тарих фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Ватан тарихининг ўқилмаган саҳифаларини тўлдириш, совет мафкураси асосида бузиб талқин этилган тарихий воқеликларни объектив, бирламчи манбалар орқали очиб бериш борасида муҳим илмий ютуқларга эришилди. Айниқса, совет ҳокимиятининг 1917-1935 йиллар даври тарихи ўта мураккаб ва зиддиятли кечди. Бу йиллар Туркистон халқлари ҳаётида мустамлака зулмидан озод бўлиш учун курашлар кескин тус олган давр бўлди. Совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган маънавий ва жисмоний қирғинлар Туркистон аҳолисини уч гуруҳга бўлинишига сабаб бўлди. Буюк давлатчилик ва зўравонлик сиёсатига қарши қўлида қурол билан озодлик учун курашганлар гуруҳи оз сонли эмасди. Иккинчи гуруҳдагилар эса нотенглик, ҳуқуқсизлик ва зулмга бардош бера олмай хорижга, муҳожирликка кетишга мажбур бўлдилар. Учинчи гуруҳ аҳолининг катта қисмини ташкил этиб, улар ҳар қандай зўравонлик, тазйиқ ва камситишларга қарамай Ватанда яшаб қолдилар.

Шундай тарихий вазиятда тенгсиз ва омонсиз курашларга кирган, Ватан, миллат озодлиги учун ўз жонини гаровга тикканлар ҳақида

Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам талайгина тадқиқотлар яратилди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг муҳожирликда яшаб Туркистоннинг аччиқ қисмати, юртдошлар миллий кураши ҳақида сара асарлар, юзлаб миллий мақолалар яратган тарихчи олимлардан бири Боймирза Ҳайитдир. Боймирза Ҳайит (1917-2006) урушдан сўнг умрининг сўнгги нафасигача Германиянинг Кельн шаҳрида истиқомат қилди. Ушбу шаҳарда 1974 йилдан бошлаб «Туркистон тадқиқотлар институти»ни ташкил этди.

Боймирза Ҳайитнинг ўнлаб монографиялари қаторида 1997 йилда Туркияда турк тилида<sup>1</sup> нашр этилган, Туркистон озодлиги курашига бағишланган фундаментал тадқиқотнинг илмий аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Ушбу 2023 йилда Боймирза Ҳайитнинг юқорида қайд этилган китоби Андижон давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Рустамбек Шамсутдинов ва Шаҳзодбек Болтабоевлар томонидан турк тилидан ўзбек тилига таржима қилинди.<sup>2</sup> Олимнинг монографиясини

<sup>1</sup> Boymirza Hayit. Basmacilar. Turkistan Milli Musadele Tarihi (1917-1934), Ankara. 1997.

<sup>2</sup> Доктор Боймирза Ҳайит. Босмачилар: Туркистон миллий кураши тарихи (1917-1934). Таржимонлар: Рустамбек Шамсутдинов, Шаҳзодбек Болтабоев). Тошкент: Akadem nashr. 2023.-376 бет.





Ўзбекистон ва Туркистон тарихи ихлосмандлари ҳамда кенг китобхонлар ушбу хайрли ва савобли иш туфайли ўзбек тилида ўқиш имкониятига эга бўлдилар.

Таржима китоб муқаддима кириш ва иккита катта қисмдан иборат. Унинг муқаддима, ва кириш қисмларида Боймирза Ҳайитнинг Туркистон тарихига оид маънавий мероси, олимнинг она Ватани Ўзбекистонда бўлиши, юртимиз олим ва зиёлилари билан мулоқотлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Боймирза Ҳайитнинг «Босмачилар: Туркистон миллий кураши тарихи (1917-1934)» китоби олти бўлимдан иборат бўлиб (12-296 бетлар), уларда Туркистон минтақасида кечган тарихий курашларнинг 1916 йилги халқ қўзғолонидан 1934 йилга қадар воқеликлари тизимли равишда баён этилган.

Айниқса, Туркистонда Совет режимига қарши курашнинг тарихий илдишлари 1917 йил октябрдан олдинги даврларга бориб тақалиши теран таҳлил этилган. Россия империяси Туркистонни мустамлака қилган йилларда (1867-1917) халқ қўзғолонлари, жумладан, 1898 йилги Дукчи Эшон қўзғолони, 1916 йилги мардикорликка олишга қарши халқ қўзғолонлари ҳақида тарихий манбалар ва архив аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар орқали фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Боймирза Ҳайит Туркистонда озодлик учун курашнинг бошланиши ва сабаблари ҳақидаги масалаларни таҳлил қилар экан, 1917 йил кузидан большевиклар ҳокимияти вужудга келиши билан шиорбозлик ва ваъдабозликдан иборат сиёсат юритилганлиги, аслида олдинги ҳукумат сингари империячилик «руслаштириш» сиёсатини давом эттирилганлигини илмий жиҳатдан инкор қилиб бўлмас далиллар билан исботлайди. Совет ҳукумати билан миллий тараққийпарварлар ўртасида Туркистон келажаги учун аёвсиз курашлар кечганлиги, миллий зиёлилар совет мафкурасига қарши сиёсат майдонига кирганликлари ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилган. Туркистон тақдирини миллий манфаатлар нуқтаи назаридан туриб ҳал этиш мақсадида маҳаллий миллат вакиллари илк

миллий ҳукуматлар: «Туркистон Мухторияти» (1917-1918); Алаш Ўрда ҳокимияти (1918-1919) кабиларга асос солдилар. Бироқ ушбу ҳукуматлар яшовчан бўлиб чиқмади. Уларга миллий ҳукумат сифатида эмас, балки «бой унсурлар», «инқилобий душманлар», «эскилик тарафдорлари», «ашаддий миллатчилар» сифатида қаралди. Туркистон Мухторияти қонга ботирилиб, арман дашноқлари томонидан шафқатсизларча талаш ва босқинлар, зўравонликлар уюштирилди.

«Туркистон Мухторияти»нинг марказий шаҳри Қўқон вайрон қилиниб, шаҳар «ўликлар шаҳри»га айлантирилди. Ушбу воқеликлар ва даҳшатли манзаралар ҳақида ёзар экан, Боймирза Ҳайит Туркистон аҳолисининг совет ҳокимиятига бўлган ишончи ва умиди батамом тугаганлигини қайд этган. Туркистонда бошланган озодлик учун кураш, қуроли ҳаракатлар солномаси «Туркистон Мухторияти» қонга ботирилганидан сўнг бошланиб, бу ҳаракат гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб, гоҳ ютуқларга эришиб, гоҳ мағлубият аламини чекиб салкам 2 йил давом этди.

Доктор Боймирза Ҳайит 1918-1919 йилларда «босмачилик» ҳаракати маркази Фарғона водийси бўлганлиги, ушбу ҳаракатни маънавий раҳнамолари Катта ва Кичик Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбеклар ҳақида бой маълумотларни келтиради. Шунингдек, Фарғона водийсининг сўлим табиати, тарихий географияси, ушбу заминдаги аҳолининг миллий-этник хусусиятлари, ислом маънавияти ва қадриятларини асраб келганлиги тўғрисида муаллиф кенг маълумотлар беради. Русларнинг ушбу аҳолига «қўзғолонга мойил халқ» деб берган ташхиси асосида аслида хўрлик ва камситиш, зулм ва зўравонлик ётганлиги китоб саҳифалари орқали ёрқинлаштирилган.

Туркистонда қуроли курашлар тарихида Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида монархия тузумига қарши тўнтаришлар, ХХСР ва БХСРда миллий ҳукуматлар вужудга келишининг тадрижий воқеликлари, 4 йил яшаган ушбу миллий ҳукуматлар давридаги «босмачилик» ҳаракати ҳам доктор Боймирза Ҳайит талқинида атрофлича баён қилинган. БХСР ва



ХХСР йилларида миллий зиёлилар, жадидлар партияси ва РКП (б) таъсирида бўлган БКП, ХКП каби компартиялар ўртасидаги мафкура майдонида кечган курашлар далиллангани эътиборга лойиқ. Миллий ҳукуматлар билан Қизил Армия, Россия Федерацияси мафкурачилари билан миллий зиёлилар ўртасидаги мафкуравий тўқнашувларни Боймирза Ҳайит баён қилар экан, миллий истиқлол учун кураш турли шаклларда давом этганлигини назарий жиҳатдан чуқур идрок этган. Бу ўринда миллатпарвар ҳукумат аъзоларининг қўрбошилар, истиқлол курашчиларига хайрихоҳ бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар муҳим илмий аҳамиятга эга.

Доктор Боймирза Ҳайит китобининг таржимонларидан бири Р.Шамсутдинов Ўзбекистонда озодлик учун курашлар ва улар иштирокчилари ҳақида фундаментал илмий мақолалар муаллифи бўлганлиги учун хорижлик олимнинг ушбу йўналишдаги мулоҳазаларини етарлича ва чуқур идрок этган ҳолда ушбу руҳ ва жиҳатни таржимага сингдирган. БХСР ва ХХСР кечган «босмачилик» ҳаракатининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида билдирилган илмий хулосалар китоб қадрини яна бир поғона юқорига кўтарган.

Боймирза Ҳайит китобида 1921-1922 йилларда Туркистондаги озодлик ҳаракатида, миллий мужоҳидларда Анвар Пошо (1881-1922)нинг ролига алоҳида бўлим (5-бўлим)ни ажратган. Анвар Пошонинг 1921-1922 йилларда Бухорога ташрифи, БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси Раиси Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) ва бошқа ҳукумат аъзолари билан мулоқотлари, ёзишмалари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Олим Анвар Пошо шахсияти ва фаолияти ҳақида Туркия ва хорижда яратилган тадқиқотларга таяниб, ишончли далиллар келтирилган.

Боймирза Ҳайит китобининг олтинчи бўлимида Туркистонда миллий курашнинг охириги босқичи 1922-1934 йиллар тарзида талқин этилган. Ватан тарихшунослигида «босмачилик» ҳаракати Туркистонда 1918-1925, 1925-1935 йиллар тарзида даврлаштирилади.

Олим «босмачи» атамасининг мазмун ва моҳияти, Афғонистондаги мужоҳидлар ҳара-

кати (1979-1989 йй) билан Туркистондаги ХХ аср дастлабки ўн йилликларидagi озодлик кураши ўртасидаги айрим жиҳатларни қиёсий таҳлил қилган.

Шунингдек, 1914-1918 йиллардаги Россия томонидан Биринчи жаҳон уруши туфайли асир олинган ва Туркистонга сафарбар қилинган немис, австрийс, румин, венгр (мадьяр) асирларидан Қизил Армия фойдаланганини, улар орасидан етишиб чиққан зобитлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Р.Т.Шамсутдинов, Ш.Балтабаев Боймирза Ҳайитнинг мазкур асарини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида китобдаги айрим камчилик, хатоларни тузатганлар, тарихий шахс, воқеалар суратларини келтирилганлар, айрим масалаларга изоҳлар берганлар, ҳаттоки ўзлари номидан айрим воқеалар тафсилотини янги архив материаллар асосида бойитганлар.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, Туркистондаги «босмачилик» ҳаракатига инглиз, турк, немис (хориж) тарихчилари муносабати ҳақида ҳам китоб орқали билиб олиш мумкин.

«Босмачилар: Туркистон миллий кураши тарихи (1917-1934)» китобининг 297 саҳифасидан 373 саҳифасига қадар сўнги қисмида таржимонлардан тарих фанлари доктори, профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, ундан кейинги даврларида ёзилган 12 та илмий мақоласи ҳам ўрин олган. «Босмачилик» кураши тарихига доир мулоҳазалар «сарлавҳаси остида берилган ушбу мақолалар Боймирза Ҳайит китобидаги фикрларга ҳамоҳанг келади ва бирламчи манбалар, шунингдек, архив ҳужжатлари асосида ёзилган. Бу эса доктор Боймирза Ҳайит ва профессор Р.Т.Шамсутдинов илмий ижодида муштараклик борлигидан далолат беради. Айниқса, «босмачилик» ҳаракати йўлбошчилари «Парпибек ва Охунжон қўрбоши», «Шермуҳаммадбек ҳаётига чизгилар» (3 та мақола), истиқлолчилар маънавий раҳнамоси «Саид Носир Хонтўранинг тақдири ва қисмати» каби мақолалар бу борада амалга оширилган муҳим илмий вазифалардир.

Яна бир жиҳатни алоҳида қайд этиш мумкинки, профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг



китобда жамланган мақолалари турли матбуот органлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Фан ва турмуш», «Мулоқот», «Шарқ юлдузи» журналлари ва ҳ.к.нинг турли йиллардаги бирқатор сонларидан ўринолганди. Ушбу мақолаларни бир китобда тўпланиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этилиши айтилди. Ушбу мақолаларни бир китобда тўпланиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этилиши айтилди. Ушбу мақолаларни бир китобда тўпланиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этилиши айтилди.

Доктор Боймирза Ҳайитнинг «Босмачилар: Туркистон миллий кураши тарихи» китобининг ўзбек тилига таржима қилиниши Ўзбекистон тарихи фани ривожига муҳимлигини тўла эътироф этган ҳолда ушбу каби нашрларни Ватанимиз тарихига ихлосманд юртдошларимиз интизорлик билан кутаётганлигига ҳам ишончимиз комил.





# ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛИ ТАРИХИДАН

Зумрадхон Хатамова

Қўқон хонлиги тарих саҳнасида 1709-1875 йилларда мавжуд бўлган бўлса, ушбу давр оралиғида кўплаб ҳукмдорлар мамлакатни бошқариб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширганлар. Бу ислоҳотлар давлатни сиёсий, ижтимоий мавқеини кучайтиришга интилиш мақсадини ўз олдига қўяр эди. Хонликнинг илк ташкил топган давридаги ҳукмдорлар ва уларнинг иқтисодий ислоҳотлари ҳақида қўлёзма манбаларда тўлиқ маълумотлар учрамайди. Архив ҳужжатларининг эса, асосан Худоёрхон девонхонасига тегишли бўлган қисмигина бизгача етиб келган. Хусусан, Шоҳрухбий (1709-1721),<sup>1</sup> Абдурахимбий (1721-1733), Абдукаримбий (1733-1750), Абдурахмон (1750-1751), Эрдоабий I (1751-1753), Бобобек (1753-1754), Эрдоабий II (1754-1769), Сулаймонбий (1769, 6 ой) каби Қўқон хонлари иқтисодий ислоҳотлари, пул зарб қилишлари, мамлакатдаги солиқ сиёсатлари, ички ва ташқи савдо ҳақидаги маълумотлар қиёсий таҳлилни амалга ошириш учун етарли эмас (деярли йўқ).

Норбўтабий (1770-1801), Олимхон (1801-1810), Умархон (1810-1822), Мадалихон (1822-1841)лар даврида хонлик молиявий тизимини тадқиқ этишга арзийдиган иқтисодий: солиқ, монетар (пул зарб этиш), божхона, бюджетдан ташқари фондлар, яъни «вақф» ҳамда ижтимоий ҳимоя сиёсати амалга оширилди. Қўқон хонлигининг бу давр тарихида молиявий таҳлилга арзийди-

ган далиллар маҳаллий муаррихлар қўлёзмаларида кўп учрайди.<sup>2</sup>

Норбўтабий (1770-1801), Олимхон (1801-1810), Умархон (1810-1822), Мадалихон (1822-1841) бошқарув йилларига оид молиявий таҳлилга арзийдиган далиллар маҳаллий муаррихлар қўлёзмаларида кўп учрайди.

Шералихон (1842-1845), Худоёрхон (1844-1858; 1862-1863), Маллахон (1858-1862), Шоҳмуродхон (1862), Худойқулихон (1865), Пўлатхон (1875-1876), Насриддинхон (1875-1876) даврларига оид маълумотлар сиёсий ҳаётга тааллуқли бўлиб, давлат иқтисодиётининг молиявий таҳлиliga доир кам маълумотлар топилди. Маҳаллий тарихчилар бу ҳукмдорларнинг давлат бошқарувига оид тарихий фактларни келтириб ўтганлар. Балки, уларнинг ҳукмдорлик хронологик даври у қадар узоқ бўлмаганлиги сабабли иқтисодий-ижтимоий маълумотларга тўхталинмаган бўлиши ҳам мумкин. Уларнинг бошқаруви йилларида мамлакатда ўтказилган пул ислоҳотлари тўғрисида маълумотлар бугунги кунгача сақланиб, ҳозирда юртимизнинг Тошкент, Андижон, Қўқон каби шаҳарлари марказларидаги

<sup>1</sup> Қўқон хонларининг хронологик маълумотлари М.Аҳмедова томонидан тайёрланган жадвалга асосан келтирилди. Батафсил маълумот учун қаранг: Аҳмедова М. Қўқон хонлигининг ташкил топиши, давлат тизими ва ҳуқуқ манбалари. Юридик фан номз... дис. – Тошкент, 2010. – 142 б.

<sup>2</sup> Мулла Шавқий. Жангномаи Худоёрхоний. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. № 599. – 53 в.; Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус салотин ва таворих ул – ҳавоқин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. – инв.№ 7515. – в. 166, 172.; Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамаи. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. – № 9454. – в. 356.; Азиз ибн Ризо Марғилоний. Таснифи Ғариб. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. – инв.№ 11108; Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийий. / Нашрга тайёрловчилар: Ш. Воҳидов, Д. Сангилова. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 112 б.; Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хулосат ат- таворих. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. – инв.№ 304 рақамли литографик нашр; Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. – инв.№ 11366. – в. 320; Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих / Сўз боши, илова муаллифлари: Ҳ.Бобобеков, И.Сулаймоновларники, таржима ва изоҳлар: Воҳидов Ш. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. – 348б; Имомали Қундузий. Таворихи манзума. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. – инв.№597. – в.163.



музейларда сақланаётган тангалар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида таҳлил этилди. Лекин бу даврларда хонликда бекор қилинган ёки жорий этилган янги солиқ турлари, мавжуд солиқларни ундириш тартиби каби масалалар таҳлилини амалга ошириш учун манбавий (қўлёзма асар ва архив ҳужжатлари) асос етарли эмас.

Тарихчиларнинг асарлари, архив ҳужжатларини горизонтал ва вертикал тадқиқот усулидан фойдаланиб тадқиқ этишга муяссар бўлинган давр бу – Худоёрхоннинг 3-ҳукмронлигига (1865-1875)га тўғри келди. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалар институтида сақланаётган 40 га яқин маҳаллий тарихчиларнинг асарларида ва ЎзМАда сақланаётган 1043 фондига тегишли ҳужжатлар орқали 1865-1875 йилларда хонликдаги молия тизимини кенг таҳлил этиш имкони мавжудлиги аниқланди.

Қўқон хонлиги молияси – хонликнинг умумий эҳтиёжини пул билан таъминлаш молиявий жамғарма (хазина)ни ташкил этиш, тақсимлаш, фойдаланиш каби масалаларни тартибга солиб турган тизимдир.

Қўқон хонлиги иқтисодий молиявий таҳлил этишда пул масаласи бирламчи ҳисобланади. Қўқон хонлиги 1709 йилда Бухоро хонлигидан ажралиб чиқишига қарамасдан, хонликда зарб қилинган тангаларнинг энг қадимийси ёки ёши каттаси 1785 йилга оид. Бу давр эса Норбўтабий (1770-1801) ҳукмронлигига тўғри келади. Улар уч кўриниш ва санада зарб қилинган мис тангалар бўлиб, уларда хайр бод (داب ریخ), наврўзи (یزورون), роиж (جيار) деган ёзувлари бор. Тангаларнинг ортига саналар киритилган<sup>1</sup>.

1709 йилдан 1785 йил оралиғида 74 йил Қўқон хонлигида Бухоро хонлиги томонидан зарб этилган танга пуллар муомалада бўлган. Бунга асосий сабаб хонлик мустақил ажралиб чиққан бўлса-да, ҳали сиёсий ва молиявий куч-қудратга эга эмас эди. Бухоронинг олтин ва кумушдан

зарб қилинган *ашрафий*<sup>2</sup>, *мисдан зарб этилган мис пул*, *қора пул* лари мавжуд бўлган ҳамда улар қўшни хонликларда ҳам муомалага киритилган<sup>3</sup>.

Қўқон хонлигида зарб қилинган илк тилла танга хонликнинг халқаро савдо алоқаларида амалиётга киритилган ва унинг сифати ўта юқори, соф тилладан, яъни бошқа металллар аралаштирмасдан зарб этилган.

С.Ишанханов Қўқон хонлигида 1 тилла танга 21 кумуш тангага тенг бўлганлигини таъкидлаган ҳолда 1 кумуш тангани 45-60 мис пулга тўғри келганлигини қайд этади<sup>4</sup>. Мис тангаларга фулус (سولوف) деб ёзилган ва улар хонликнинг ички бозорларида кенг ишлатилган<sup>5</sup>.

Олимхон томонидан жами 9 та пул ислоҳоти амалга оширилган бўлиб, олтинчи зарб этилган танга ўзининг алоҳида хусусияти билан ажралиб туради. Унга Қўқон хонлиги тарихидаги икки ҳукмдорнинг исми ёзилган. Олд тарафига *зарб Муҳаммад Олим Норбўтахон 1221* (برز دموم ميلا نختوبرن) деб, орқа тарафига эса дунё тургунча турсин деган жумланинг форсий тилдаги матни – *Оқибат бод боқи дар жаҳон* (ثبقا دب ىقاب ن احاج) ёзилган.

Муҳаммадалихон (1822-1841) даврига оид 13 турдаги, Шерали хон даврига оид 3 турдаги, Худоёрхон (1844-1858) биринчи ҳукмронлиги даврига оид 15 турдаги, Маллахон (1858-1862) даври - 8 турдаги, Шохмуродхон (1862) даври - 2 турдаги танга пуллар (олтин ва кумуш), Худоёрхоннинг иккинчи ҳукмронлиги (1862-1863) даври - 6 турдаги, Худойқулихон (1865) ҳукмронлиги - 1 турдаги, Худоёрхоннинг 3-даври (1865-1875)даги 5 турдаги, Пўлатхон (1875-1876) ҳукмронлигига оид 1 турдаги, Насриддин (1875-1876) хон даврига оид 2 турдаги танга пуллар

<sup>2</sup> Ашрафи атамасини Е.А.Давидович 1507-1509 йилларда Бухоро хонлигига тегишли бўлган 9 та олтин ва 2739 та кумуш тангаларни гуруҳлаштириш жараёнида ишлатган. Батафсил маълумот учун қаранг: Давидович Е.А. Денежная реформа 1507-1509 гг. Мухаммад Шейбанихана (Опыт комплексного источниковедения)//Восточное историческое источниковедение и специальные исторические дисциплины. - Вып.6.- М.: Восточная литература, 2004.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана./Академик В.В. Бартольд. - Соч.-Т.II.-Ч.I. - С.290.

<sup>4</sup> Ишанханов С. Каталог монет Коканда XVIII-XIX в.в. – Тошкент: Фан, 1976. – С. 8.

<sup>5</sup> Хатамова З. Кўрсатилган тадқиқот.

<sup>1</sup> Хатамова З. Қўқон хонлиги молия тизимида монетар сиёсат тарихидан // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. – Фарғона, 2022. – Б. 327-336. (Кейинги ўринларда: Хатамова З. Кўрсатилган тадқиқот.)



молиявий таҳлил этилди. Қўқон хонлиги монетар сиёсатини жадвал кўринишида бериш лозим топилди (1-илова). Олинган хулосалардан маълумки, Қўқон хонлиги молиявий сиёсатини мустақамлаш ва бозор муносабатларини тартибга солишда ҳар бир янги хон ўз пул ислоҳотини ўтказиб борган.

Қўқон хонлиги молиявий масалаларни давлат сиёсати даражасида устун қилувчи омиллардан яна бири ёки асосийси солиқлардир. Солиқ ва унинг миқдори, йиғиш тартиби, келган даромадни жамлаб, сарф этиш каби масалаларни молиявий назорат ташкил қилади. Хонлиқнинг солиқ тизими, солиқ турлари, солиқлардаги имтиёзлар, солиқдан келган даромадларнинг давлат бошқарувининг турли соҳаларига жалб этилиши масалалари, солиқ тизимидаги амалдорлар, Қўқон хонлигининг солиқ тизимини Бухоро ва Хива хонликлари солиқ тизимидан ажратиш турувчи ўзига хосликларининг таҳлили аввалги тадқиқотларда келтирилган.<sup>1</sup>

Шундай бўлса-да, ЎзМА фондида сақланаётган Қўқон хонлигида хирож солиғи масаласига доир 687-рақамли ишнинг 3-вароғини молиявий таҳлил этишни лозим топилди.<sup>2</sup> Ушбу ҳужжат *дафтар* кўринишида бўлиб, Унда Закариё саркор (راكرس ايړكنز) Ўш вилояти ахолисидан ғалла ҳисобидан йиғиб олган хирож солиғи маълумотлари берилган. Ҳужжатда келтирилган маҳсулот ва пуллар хон фойдасига олинди деб қайд этилади.

Буғдой маҳсулоти учун 129 500 танга, шоли маҳсулоти учун 10000 танга, жўхори учун 72000 танга, зиғир учун 21000 танга олинди, жами 232 500 танга деб қайд этилган (2-илова.)

Ҳужжатда Закариё саркор томонидан юқоридаги маҳсулотларнинг бозордаги нархи қан-

ча эканлигини келтириб ўтгани, Ўш ҳудудидан 1872 йилда олинган йиллик ғалла хирожини аниқ молиявий таҳлилин аналга ошириш имконини беради. Молиявий таҳлил натижасига кўра, Ўш вилоятининг Қўқон хонлигига келтирилган умумий даромадини тахминий молиявий таҳлилин ҳам чиқариш мумкин.

Ҳужжатда Закариё саркор лалми ғалланинг бир чориғи (қоп) – 14 танга, оддий буғдойнинг бир чориғи – 12 танга, қора ғалла (жўхори)нинг бир чориғи – 6 танга деб қайд этган<sup>3</sup>. Бу ерда қора ғалладан келган умумий маблағ 72000 танга, бир чориқ қора ғалла 6 танга бўлса,  $72000 : 6 = 12000$ . Келиб чиққан сон бизга жами қора ғалла миқдорини англатади. Худди шундай қилиб, бошқа маҳсулотларнинг ҳам молиявий ҳисоби келтириб олинади: буғдой –  $129\,500 : 14 = 9250$  чориқ ғалла. Лекин бунинг ҳисоб-китобида тафовут пайдо бўлмоқда. Чунки, Закариё саркор ўн минг чориқ буғдойга 129500 танга олинганлигини қайд этган. Ва буғдойни икки турини (лалми ва оддий) бир чориғини 14 танга ва 12 танга деб баҳо нархини ёзган.  $129500 : 12 = 10\,791\,666\,666\,667$  сони келиб чиқди. Энг яхши ва тушунарли усули 12950 минг чориққа бўлсак, 12,95 сони келиб чиқди, бу ҳар бир чориқ буғдой нархи ҳисобланади.

Закариё саркор берган нархларга оид маълумотда шоланинг нархи келтирилмаган, лекин умумий ҳисобда 10000 танга минг чориқ деб қайд этилган. Унда:  $10000 : 1000 = 10$  миқдори келиб чиқади, яъни 1872 йилда шоланинг бир чориғи 10 тангани ташкил этган.

Зиғирнинг ҳам нархи келтирилмаган, 21 000 танга, минг чориқ деб берилган. Шундан келиб чиқиб,  $21\,000 : 1000 = 21$ , яъни зиғирнинг бир чориғи 21 танга бўлган, деган хулоса пайдо бўлади. Ушбу молиявий таҳлилда бироз номуносиблик вужудга келмоқда. Закариё саркор жами 232 000 танга миқдордаги пулни қайд этган. Бизнинг молиявий таҳлилда эса бу сон ўзгаришларга юз тутмоқда.

Закариё саркор 1872 йил Ўш вилоятидан жами 232500 танга ғалла хирожини йиғиб олгани маълум. Қўқон хонлигида кумуш пуллар

<sup>1</sup> Хатамова З.Н. Қўқон хонлигида солиқ тизими тарихдан, архив ҳужжатлари асосида. // Водийнома. – Андижон, 2020. № 3. 78-85 бетлар. (07.00.00. № 27); Хатамова З. Expenditure of state funds replenished by taxes in the history of the Kokand khanate. // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). – 2020. vol. 5. Issue 3. – P. 274-277; Хатамова, З. Н. Особенности налоговой системы Кокандского ханства / З. Н. Хатамова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 5 (295). — С. 254-256. — URL: <https://moluch.ru/archive/295/66918/>

<sup>2</sup> Xatamova Zumradxon Nazirjonovna. INFORMATION ON THE PROVISION OF THE FUND IN THE KOKAND KHAN. Look to the past. 2020, SI, pp.590-595; Хатамова З.Н. Қўқон хонлигида солиқ тизими. Тарих ф.д.б. PhD дисс... – Фарғона, 2022. – Б.157.

<sup>3</sup> ЎзМА, И-1043-фонд, 1-руйхат, 687-иш, 3-варақ.

<sup>3</sup> ЎзМА, И-1043-фонд, 1-руйхат, 687-иш, 3-варақ.



танга деб аталган. «XIX асрда Бухоро, Қўқон, Хива хонликларида савдо-пул муносабатларида олтин (тилла), кумуш (танга), мис (пул) тангалар алоқа воситаси эди».<sup>1</sup> Бу далилларга кўра, бир йилда Ўш вилоятининг ўзи биргина ғалла хирождан (пахта хирожи ва бошқалар ҳам бўлган) жами 232500 кумуш молиявий даромадни олиб келмоқда. Ўш вилояти Қўқон хонлиги таркибига Олимхон ҳукмронлигидан бошланган бўлса-да, тўла тўқис Умархон даврида бўйсундирилган (3-илова. Хонликнинг географик ўсиб бориш ҳаритаси).

Бу 1810 йилларга тўғри келади. Таҳлил этилаётган ҳужжат эса 1872 йилга тегишли. Элик саккиз йил (1810-1872) давомида Ўш вилояти ўртача ҳисоб билан (58 йилда пул инфляцияси каби омилларни ҳисобга олиб) йилига 200 000

кумуш даромад келтирганида жами бўлиб тахминан 10 млн кумуш танга ҳазинага молиявий қувват қўшган. Хонлик тугатилишигача бўлган яна уч йилда эса олти юз минг кумуш танга молиявий даромад олинган.

Молиявий таҳлилни яна бир кўриниши ҳам амалга оширилди. Закариё саркор томонидан олинган Ўш вилоятдан жами 232 500 тангани, яъни кумуш пулни олтин ва мис пулларига ўгириш амалиёти бажарилди. Бу ишни С.Ишанхановнинг: «Қўқон хонлигида бир тилла танга 21 кумуш тангага тенг бўлган»<sup>2</sup> – деган хулосаларига кўра молиявий таҳлили келтирилди.

Бир танга 45-60 мис пулга тенг бўлган»<sup>2</sup> – деган хулосаларига кўра молиявий таҳлили келтирилди.

	Кумуш	олтин	Мис(фулус)
Бугдой	129 500	6 минг 166 ярим	5 827 500 (1*45) 7 770 000 (1*60)
Шоли	10 000	476	450 000 (1*45) 600 000 (1*60)
Жўхори	72 000	3 минг 428 ярим	3 240 000 (1*45) 4 320 000
Зиғир	21 000	Минг	945 000 (1*45) 1 200 000 (1*60)
Жами	232 500	11 минг 71	10 462 500 (1*45) 13 950 000 (1*60)
Молиявий таҳлил ЎзМА И-1043-фонд, 1-рўйхат, 687-иши маълумотларига кўра амалга оширилди.			

Тадқиқотни хулосалашда, бир давлатнинг иқтисодий ҳаёти молиявий таҳлилни кичик бир мақола мазмунига синдириб бўлмаса-да, маълум янги фикр мулоҳазаларни келтириб чиқарувчи баҳсли ёки муаммоли саволларни пайдо қилишнинг ўзи катта ютуқ бўлиши мумкинлигига умид боғланади. Қўқон хонли-

ги молиявий ислоҳотларида пул ва солиқ масаласидан ташқари яна божхона, бюджетдан ташқари фонд, яъни «вақф»лар, ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга оширилиши масалари таҳлил этилиши келгуси режаларга киритилди.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана./Академик В.В. Бартольд. - Соч.-Т. II.-Ч. I.- с.290.

<sup>2</sup> Ишанханов С. Каталог монет Коканда XVIII-XIX в.в. – Тошкент: Фан, 1976. – С. 40.






**ИЛОВАЛАР**

**1. Қўқон хонлиги молия тизими монетар сиёсати бўйича:**

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МОЛИЯ ТИЗИМИДА ПУЛ ИСЛОҲОТИ					
№	Давр	Олтин	кумуш	мис	жами
1.	Норбўтабий (1770-1801)	-	-	3та	3та
2.	Олимхон (1801-1810)	-	4 та кумуш изли мис	5та	9та
3.	Умархон (1809-1822)	1та	2 соф кумуш, 6та кумуш изли мис	5та	14та
4.	Мадалихон (1822-1841)	1та	6та	6 та	13та
5.	Шералихон (1842-1845),	1та	1та	1та	3та
6.	Худоёрхон (1844-1858;	4та	4та	7та	15 та
7.	Маллахон (1858-1862)	2та	3та	3та	8та
8.	Шохмуродхон (1862)	1та	1та	-	2та
9.	Худоёрхон (1862-1863)	1та	1та	-	2та
10.	Саййид Султон (1863-1865)	3та	3та	1та	7та
11.	Худойқулихон (1865)	-	1та	-	1та
12.	Худоёрхон (1865-1875)	2та	2та	1та	5та
13.	Пўлатхон (1875-1876)	-	1та	-	1та
14.	Насриддинхон (1875-1876)	1та	1та	-	2та



2-илова: ЎзМА, И-1043-фонд, 1-рўйхат, 687-иш,  
3-варақ маълумотлари асосида молиявий таҳлил.



3-илова. Қўқон хонлигининг хронологик-географик ўсиб бориши харитаси





# БОКУДАГИ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТИ САФО ҲОЖИ ЖЎРАБОВЕВ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР

Рустамбек Шамсутдинов, Дилшодбек Хомидов, Азизбек Маҳкамов

## ЗАБИРАЙ ЧЕМОДАН, ОСВОБОДИ ТУРКЕСТАН!<sup>1</sup>

**Ўртоқ европаликлар, сизлар ўқитувчи, биз ўқувчилармиз. Билганларингизни ўргатинглар, бўлмаса юкларингизни йиғиштириб, Туркистонни бўшатиб қўйинглар!**<sup>2</sup>

**Сафо Ҳожи Жўрабоев**

Юрт мустақиллиги, ватан озодлиги йўлида кураш олиб бориб совет режими томонидан қатағон қилиниб бегона, узоқ гўшаларда мислсиз жабру жафо тортган, қаттол тузум қурбони бўлган ватандошларимиздан бири Сафо Ҳожи Жўрабоевдир. У ҳақда бизнинг 2007 йили Тошкентда «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Қатағон қурбонлари (Иккинчи китоб) (1937 йил 10 август – 5 ноябрь)» китобимизнинг 444-саҳифасида биринчи бор 6920-сонли иш бўйича «Учлик»нинг 1937 йил 5 ноябрдаги йиғилишидаги ҳукми билан жазога тортилганлиги ҳақида мана бу маълумот келтирилган эди: «Жўрабоев Ҳожи Сафо (1873 йил туғилган, Вобкент райони, Вобкент қишлоғидан, авваллари меҳмонхона эгаси бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. «Миллий иттиҳод» ташкилотининг раҳбарлик маркази аъзоларидан бўлиб, бу ташкилотнинг филиаллари ўртасида алоқа ўрнатганликда, аксилинқилобий

<sup>1</sup> Сафо Ҳожи Жўрабоев. Тошкент. 1917 йил октябрь. Туркистон советларининг 2-съездидаги нутқидан.

<sup>2</sup> 1937 йил 1 ноябр Сафо Ҳожи Жўрабоев иши бўйича тергов қилинган Абдурауф Фитратнинг кўрсатмасидан.

миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айланган».

Ҳожи Сафо Жўрабоев 1873 йил Бухоронинг Вобкент қишлоғида туғилган, миллати ўзбек, форс ва рус тилларини билган, Москва, Самара, Херсон, Озарбайжон, Грузия, Туркистон, Бухоро ҳудудларини яхши билган, ижтимоий аҳволи камбағал деҳқон, оиласида 9 нафар аъзо бўлиб, улар ҳаммаси унинг қарамоғида бўлган. Бухоро мадрасасини битирган. 1909 йилгача Туркияда яшаган, 1917 йил ноябрида Самарқандда большевиклар партиясига аъзо бўлган, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги совет идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1918 йил 20 апрелдан 1 майгача бўлиб ўтган Туркистон ўлка Советларининг V съездида РСФСР таркибида Туркистон автоном совет социалистик республикаси ташкил этилган. Сафо Ҳожи Жўрабоев Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси аъзолигига сайланган.



Сафо Ҳожи Жўрабоевнинг Фарғона област инқилобий қўмитасида ишлаган вақтда олинган сурати

Марказий Ижроия Қўмитанинг таркибига 36 киши сайланган бўлиб унда Собир Юсупов, Ҳаққул Ҳусанбоев, Иноғомхўжаев, Сафо Жўрабоев, Санжарбек Асфандиёров, А.Шарафутдинов, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Ш.Остонбоев ва бошқалар аъзо эдилар. Раҳбарлик ўринларининг 80 фоизини туберли бўлмаган миллатлар вакиллари эгаллаб олди-



лар. Ана шу тариқа шўролар ҳукумати «биз Туркистон ўлкаси халқларининг талаб ва эҳтиёжларини қондирдик, уларга мухторият бердик», деб дунёга жар солдилар. Амалда эса берилган мухторият табиатан миллий эмас, ҳудудий эди, холос. Бу мухториятнинг барча самаралари муштамлакачи шўролар ҳукумати манфаатларига бўйсундирилган эди.

Бу оддий ҳақиқатни яна шундан ҳам билиш мумкинки, 1918 йил 4 июлда Москвада чақирилган шўроларнинг V қурултойи РСФСРнинг биринчи шўро Конституциясини қабул қилгандан сўнг 1918 йил 5-14 октябрда Туркистон ўлка шўроларининг VI фавқулодда қурултойи чақирилди. Унда РСФСР Конституциясидан кўчириб ва унга монанд тарзда Туркистон Мухтор Шўролар Республикасининг биринчи Конституцияси қабул килинди. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси сиёсий ўйин ва найрангбозликдан бошқа ҳеч нарса эмас эди.

Айёрона сиёсий найрангбозлик Туркистон коммунистик партиясини ташкил этиш жараёнида ҳам яққол кўзга ташланди.




Сафо ҳожи Жўрабоев (чап томонда) ва Абдурахим Юсуфзода. Москва, 1924 йил февраль

Унда большевиклар ва сўл эсерлардан 18 тадан вакил бор эди. Марказий Ижроия Қўмитанинг раислигига большевик П.А.Казакос сайланди. Туркистон республикасининг олий давлат органлари таркибига биринчи марта

маҳаллий туб ерли аҳоли вакиллари: Марказий Ижроия Қўмитага 7 киши ва Халқ комиссарлари советига 4 киши киритилди. Улардан бири Сафо Ҳожи Жўрабоев эди.

1920 йили Бокудаги Шарқ халқлари биринчи съездига вакил бўлиб борган, шу съездда Ҳаракат совети ҳайъатига сайланган. Ҳожи Сафо Жўрабоев съезддан сўнг Москвада Миллатлар иши халқ комиссарлигида хизмат қилган.

Бухорога келиб касаба уюшмаси, матбуот жамиятида фаолият кўрсатган, 1925-1928 йилларда ер-сув ишлари халқ комиссарлиги, қўшчи союзи, саноат союзида, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмаси ҳайъати аъзоси бўлиб хизмат қилган. Ер-сув ислоҳотини ўтказиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этган.



Сафо ҳожи Жўрабоев ишлаб чиққан ва таҳрир қилган қонун қўлёзмасидан бир парча

Бу ўринда унинг томонидан «Меҳнатсиз хўжаликларни битириш ҳамда ерларни олиш ҳақида асосий қонуннома» ишлаб чи-





қилган. Бу ҳужжат ўзбек тилида араб имлосида тайёрланган. Мазкур ҳужжат Сафо ҳожи Жўрабоевнинг Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари ва улардаги муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни қанчалик пухта ўрганганлиги ва бу соҳадаги илмий амалий фикр-ғоялари нақадар пухта, ҳаётий тажрибага эгалигини тасдиқлайди. Бу масалани чуқурроқ ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб Сафо ҳожи Жўрабоевнинг мазкур мулоҳазаларини айнан келтиришни лозим топдик. «А. Қишлоқларда бўлган шаҳар аҳолисининг хўжаликлари

1. Тубанда кўрсатилмиш синф одамлар меҳнат қилмагучи саналуб ерини миқдорига қарамасдан ерлари олинадур:

а) катта бойлар, қўй жаллоблар<sup>1</sup> ва ҳам катта савдогарлар савдолари қандай бўлса ҳам;

б) катта савдо воситачилари (катта даллоллар);

в) завўд ва корхона (ва фабрик эгалари);

г) пудратчиликлар (кўтарачи);

д) катта ижарачилар яъни бозор, ҳаммом ва шунга ўхшаш фойдахўрлар;

ж) палиса ва жандарма, эски ҳукумат чиновниклари ва шунга ўхшашлар (охран, таржимон, қози);

з) ерни устида иш қилмаган бойлар;

и) дин ва мазҳаб хизматчилари, эшонлар, катта мутаваллилар, маддоҳлар, мударрислар, муфти ва имомлар;

к) юқорида кўргазилган одамларни тул хотинлари ва етимлари.

Юқорида кўргазилган синф одамларнинг қўлида бўлган бутун қишлоқ хўжалик асбоблари ва қишлоқ хўжалик иморатлари мусодара қилинадур.

2. Ўрта савдогар тирикчиликни асосий манбаи бўлган савдогарчилик бўлса, майда пудратчилар, ижарадорлар, мошиначилар, темирчилар, этикдўзлар, кулолчилар, тўқувчилар, деврезгарлар бошқа одамларни меҳнатиндан фойдалангучилар устахоналарнинг эгалари.

Бирор касблик одамлар яъни дўқтурлар, табиблар, закўнчилар, адвокатлар ва шунга ўхшаш:

Агарда ушбу юқорида кўрсатилган кишилар ўзлари деҳқончилик билан машғул бўлмасалар ерлари олинадир. Локин асбоблари бутунлай ўзларини ихтиёрида қоладур.

3. Тубандаги хўжаликлар:

а) майда саноаткорлар, ҳунармандлар ва ҳам аробакашлар;

б) шаҳар таъмирот ишчилари, темир йўл ишчилари ва бошқа шунга ўхшаш;

в) ҳукумат хусусий ва ҳам умумий идоралар майда хизматкорлар;

г) юқорида кўргазилган синф одамларида меҳнат миқдоридан зиёд бўлмасдан 2-3 йил муддат ила сақланса ... дур. Агар ушбу муддат ичида мазкурлар мустақил хўжалик юргюзмасалар ерлари тақсимот захирасига бериладур.

Ихтор<sup>2</sup>

Ерларни чоракорларга бериши хўжаликларни юргузиш саналмайдур.

4. Меҳнаткаш ҳалқдан ҳисобланган одамларнинг тул хотунлари ва етимлари ихтиёрида хўжаликлари етимларнинг болиғ<sup>3</sup> бўлгунча сақланадур.

5. Сайланиш бўйинча иш қилган ва ҳам таъинланиш бўйинча хизматга ўтказилган одамларни хўжалиги меҳнаткаш саналадур.

Қишлоқ аҳолиси хўжалиги

7. Ушбу қонунномани биринчи бобини «а», «з» моддаларида кўргазилган ерлар бутун қишлоқ хўжалик анжомлари ҳам қишлоқ хўжалик иморатлари билан берилиши лозимдур.

8. Кўб миқдорда ер майдонлари бўлиб ўз хўжалигида ўзи мустақил иш қилмасдан фақат хўжаликни чоракорлар ва ҳам ишчилар орқасида юргюзган катта қишлоқ бойининг хўжалиги меҳнатсиз саналиб бутун қишлоқ хўжалик анжомлари ҳам қишлоқ хўжалик иморатлари бутунлай олинадир.

9. Қишлоқ хўжалик ишларида ... эгалари ўзлари иштирок қилган бой хўжаликлари ярим меҳнаткаш саналиб ҳар қайсига ҳар бир алоҳида жериб учун белгиланган миқдорда ер қолдурилиб ортуқча қисмлари олинадур.

10. Ўрта даражалик деҳқон хўжаликларни ўз ихтиёрларида ерлари ўз жерибларинда белгу-

<sup>1</sup> Жаллоб – арабча савдогар, олиб сотар. Чорва моллари, туя ва йилқи билан шуғулланган (тахририят).

<sup>2</sup> Эслатма

<sup>3</sup> Балоғат маъносида



ланган миқдорда 2 мартаба ошукча миқдордан зиёд бўлмаса ҳеч қандай чиқаришга кирмасдан ерлари ҳам анжомлари буткул сақланадур.

Жериб учун белгуланган миқдордан икки мартаба ошукчадан зиёд бўлганида ва ҳам чиқарилатурган майдон бир десятинадан кам бўлмаса чиқариладур. (Шу йил 14–16-сентябрда Ер ишлари халқ қўмисарлиги ҳузуридаги бўлган Ер ислоҳоти кенгаши мажлисида баён бўлган ушбу қонунноманинг 10- ва ҳам 11- моддалари бўйунча иккинчи фикри тубандаги мазмундадур:

Ўрта даражалик деҳқон хўжаликларини ерлари олганидан ер ...ни ўтказиш вақтида мазкурларни ҳақиқий фойдаланишларида бўлган ерларини миқдори ўзларига маҳкамланадур.

Ўрта даражалик деҳқон хўжаликларини ерлари олганидан ер интизомини ўтказиш вақтида мазкурларни ҳақиқий фойдаланишларида бўлган ерларини миқдори ўзларига маҳкамланадур.

11. Кўп оилалик, тақсим қилинмаган ўз хайъатида бир қанча хотун бола-чақалик аъзолари бўлган чунончи ҳақиқатда ишларни кўп лаёқати учун бир неча хўжаликнинг бирлашган хўжаликларини олинмайдурган ерларини миқдори ҳар бир ҳақиқий оилага икки маротаба миқдордан юқори бўлмаган ҳисобдан белгиланадур.

Ўрта даражалик деҳқонларнинг хўжалик анжомлари олинмайдур.

12. Қишлоқ саноаткори, қишлоқ муаллимлари ва ҳам ҳукумат ва умумий қишлоқ идораларини хизматкорларини хўжаликлари ва ҳам меҳнаткаш ҳавли эгаларини қолган тул хотун ва ҳам етимларини хўжаликлари 4 жарибнинг белгуланган миқдоридан бир мартаба даража ошукча бўлмаса ёхуд ошукча миқдори бир десятинадан зиёд бўлмаса олинмайдур. Агарда ошукчаси бир десятинадан зиёд бўлса эгасига фақат белгуланган миқдор қолдириладур.

Ихтор: (эслатма)

Ушбу моддада кўргазилган хўжаликлар чоракор меҳнатидан бошқа юргузсалар ўрта даражалик саналуб ошиқча бўлган миқдор ерлари сақланадур.

Ихтор: (эслатма)

Ушбу моддаларда кўргазилганлар қишлоқда бўлган дин мазҳаб хизматкорларининг хўжалигига ҳам дахлдордур. Фақат имом сўфи.

13. Нуфуси оз миллатларнинг қишлоғида умуман рус қишлоқларида ҳам ерларни олиш ерлик халқларда бўлган асосга биноан қилинадур.

14. Боғ хўжалигини битириш буткул номувофиқ саналсун.

Ушбу қонуннома 14 нчи боби бўйинча тубандаги уч фикр баён бўлудур:

1) 14 нчи моддада кўргазилган.

2) мазмун шудур:

Боғ хўжалигини битириш ушбуларча-да кўргазилган умумий қондаларга биноан қилинадур.

3) Дастмоядорлар хўжалик усулида бўлган боғ хўжаликлари мазкурларни эгалари ... сақланадур. Меҳнаткашларнинг кучидан фойдаланадурган хўжаликлар буткул битириладур.

15. Эгалари ташлаб кетган ва ё 5 йилгача қайтмасдан ва қайдаликлари маълум бўлмаган ва белгиланган олти ой вақт ичида қайтишлари тўғрисида маълум қилмаган хўжаликлар ерсиз оз ерлик деҳқонларга тақсимот захирасига бериладур. Аммо уларни илгариги меҳнаткаш хўжаликларни қайтиб келган вақтларида давлатнинг бўш фойдаланиш захираси бўлган райўнда навбатдан ташқари қўйулган ер олиш ҳуқуқлари сақланадур.

16. Эгалари бошқа кентларда истиқомат қилган ва ё мазкур кентларда бўлиб бошқа қишлоқда турган одамлар хўжаликлари ер интизоми ширкатига кирадурлар. Чунончи:

а) меҳнатсиз топилганлар битириладур,

б) ярим меҳнаткаш топилганлар қўйулган миқдордан зиёдлари чиқариладур,

в) меҳнаткаш топилганлардан қўйулган миқдордан 2 маротаба ошукча бўлган агар маҳнаткаш бўлса ўзларига қоладур».

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини ўтказиш жараёнида Сафо ҳожи Жўрабоев тақдим этган бу ҳужжат амалиётда кенг қўлланилганлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Сафо ҳожи Жўрабоев ер-сув ишлари комиссарлигида ишлаган вақтда «Ўн саккизлар» гуруҳи таркибида бўлган. Советлар даврида



ёзилган адабиётларда «Ўн саккизлар гуруҳи» Ўзбекистон компартияси сафларида аксилфирқавий гуруҳ сифатида баҳоланади. Гўёки бу гуруҳга аъзо бўлган ва давлат ҳамда партия ташкилотларида масъул лавозимларда ишлаб келган Файзулла Хўжаев, Иномжон Хидиралиев, У.Ашуров, Р.Раҳимбобоев, У. Эшон, Раҳмат Рафиқов, С.Жўрабоев ва бошқалар Компартиянинг ер-сув ислоҳотига қарши чиққан, бой-қулоқ ер эгаллиги манфаатларини ҳимоя қилган ва маҳаллий буржуа миллатчилиги ғоясини илгари сурган деган айблар қўйилган. Шу айб билан «Ўн саккизлар гуруҳи»нинг фаол иштирокчилари И.Хидиралиев (Ўзбекистон ССР ер ишлари халқ комиссари), Саиджонов Зарафшон вилояти ижроия қўмитаси котиби) ва бошқалар 1925 йилларда ўз вазифаларидан олиб ташландилар. Ф.Хўжаев эса РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси комиссиясида «қаттиқ танқид» қилинган, 1927 йилда бўлиб ўтган Ўзкомпартия 3 Қурултойида «ўз хатосини бўйнига олган ва кечирим сўраган». Аслида эса «18 лар гуруҳи амалда Советлар ҳукумати ва Компартиянинг Ўзбекистонда олиб бораётган улғу миллатчилик ва маҳаллий миллий кадрларга нисбатан нописандалик сиёсатига қарши чиққан эди. Буни гуруҳ аъзоларининг 1925 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўз ишини олиб борган Ўз КП(б) II қурултойи олдида РКП(б) Марказий Қўмитасининг Ўрта Осиё бюроси номига ёзган аризалари мазмунидан ҳам очиқ-ойдин кўриш мумкин. Аризада қуйидагилар ёзилган эди: «Дўстона ва самарали ишлаш учун нормал шароит яратилмаганлиги сабабидан бизни Ўзбекистонда ишлашдан бўшатиб, РКП(б) Марказий Қўмитаси ихтиёрига юборишингизни сўраймиз. Агар керак бўлса, анча кенг важ-сабабларни баён этишимиз мумкин». Бу важ-сабаблар аслида нималардан иборат бўлган? Ўзбекистон Давлат Миллий хавфсизлиги хизмати архивидаги ҳужжатлар буни аниқлашга имкон беради. Улар: иш юритишда маҳаллий миллат вакиллари нисбатан нописандлик, мустамлакачилик сиёсати, миллий кадрларнинг асоссиз таъқиб ва тазйиқ остига олинишига қарши чиққанлар ва миллий манфаатини ҳимоя қилганлар. Улар Марказда неки амалга ошириладиган бўлса,

уни шундайлигича Ўзбекистон шароитига кўр-кўрона татбиқ этилишига қарши чиққанлар.

Терговчи Оғабоев 1937 йил 16 августда Москвага ёзган хатида Москва шаҳрида яшовчи «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси Жўрабоев ҳожи Сафони ҳибсга олиш тўғрисида санкция юборилганини маълум қилган. У ўз хатида Жўрабоевни ҳибсга олиб Ўзбекистон давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлими ихтиёрига юборишни сўраган.

1937 йил 26 октябрда Оғабоев ЎзССР НКВД Самарқанд ва Бухоро секторлари бошлиқларига Жўрабоев Ҳожи Сафони ҳибсга олинганлиги муносабати билан уларнинг ихтиёридаги Жўрабоевга нисбатан агентура маълумотларини юборишни талаб қилган.

Самарқанддан келган жавоб хатида 1932 йилдан «Старые» агентура ишида Жўрабоев Ҳожи Сафо ҳақида маълумотлар келтирилганлиги қайд этилган. 1937 йил 10 августда тергов қилинаётган маҳбус Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпондан пантуркчилар аксилинқилобий ташкилоти таркиби ҳақида сўралганда, Чўлпон тақдим этган рўйхатдаги шахслар орасида Жўрабоев ҳожи Сафо ҳам қайд этилган. Чўлпоннинг таъкилашича, Ҳожи Сафо Жўрабоев Турор Рискўлов ёрдами билан партизанлик билетини ва эски большевиклар уюшмасининг аъзолик гувоҳномасини олган. Москвада яшаган, шахсий пенсия олган. Ҳожи Сафо Жўрабоев Туркистон Республикаси миллий ишлар халқ комиссари бўлганида аксилинқилобий ташкилот ва шахсан Рискўловнинг топшириқлари билан Ўзбекистон шаҳарларини айланиб чиққан ва халқни совет ҳокимиятига қарши йўналтирган.

Чўлпон Жўрабоев Ҳожи Сафони 1919 йил Фарғона область революцион комитети раиси бўлганидан танишини, унинг ижтимоий келиб чиқиши, аввал судланганлиги ҳақида ҳеч нарса билмаслигини айтган. Чўлпоннинг хотирлашича Сафо ҳожи Жўрабоев ҳаж ёки умра зиёратига йўлга чиққан туркистонликларни Макка шаҳрига боришларида ва ватанга қайтишларида воситачилик қилган, шу мақсадда ўзининг хусусий меҳмонхонасидан фойдаланган. Бун-



дан ташқари, Чўлпон Жўрабоев Ҳожи Сафони аксилинқилобий ташкилотларда иштирок этганлиги ҳақида маълумот билмаслигини айтган. Бундан ташқари, Чўлпон Жўрабоевни 1920 йил Бокудаги Шарқ халқлари қурултойида Рискулов, Мунавварқори, Обид чатоқ (Обиджон Махмудов), Тошпўлатбек Норбўтабеков, Аббосхўжа Калонхўжаев, Наби Расулов, Салимхон Тиллахоновлар билан бирга делегат сифатида қатнашганлигини айтган.

Чўлпоннинг терговда берган кўрсатмасида айтилишича, 1926 йил Москвадалигида Наби Расулов (аксилинқилобий фаолиятда айбланиб отилган) унга Боку съезди натижаларидан норози бўлган туркистонлик делегатлар махфий йиғилиш уюштиришиб, Туркистонда совет ҳокимиятига қарши истиқлолчилик фаолиятини кучайтириш масаласини муҳокама қилишган бўлиб, ушбу йиғилишда Сафо ҳожи Жўрабоев иштирок этганлигини айтган.

1937 йил 27 октябрда тергов қилинган Иноятилла Бахшуллахонов Сафо ҳожи Жўрабоевни 1904 йилдан танишини, уни жадид, «Иттиҳоди ислом», «Шўрои Ислом», «Жамияти хайрия» ташкилотлари фаол аъзоси бўлганлигини айтган.

1937 йил 29 октябрда гувоҳ Олимбек Араббоев Жўрабоевни аксилинқилобий фаолияти ҳақида билмаслигини, лекин унинг Туркистондаги таниқли жадидлигини, Ўрта Осиёдаги пантуркчилар, халқ душманлари билан яқин алоқада эканлигини айтган.

1937 йил 1 ноябрда тергов қилинган Фитратнинг хотирлашича, Сафо ҳожи Жўрабоев йиғилишларнинг бирида «Ўртоқ европалликлар, сизлар ўқитувчи, биз ўқувчилармиз. Билганларингизни ўргатинглар, бўлмаса юқларингизни йиғиштириб Туркистонни бўшатиб қўйинглар» деб айтган.

Маҳбус Ҳаққул Ҳусанбоев ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси бўлимининг тезкор вакили давлат хавфсизлиги хизмати Аминов томонидан 1938 йил 1 мартда тергов қилинаётганда «Сиз ўзингизни аксилинқилобий Қўқон мухториятига мансублигингиз тўғрисида кўрсатма беринг» деган саволига у шундай жавоб берган: «Съезд кетаётган кунларнинг

бирида Қўқон мухториятчиларининг раҳбарларидан Сафо ҳожи Жўрабоев иштирок этиб, у «Забирай чемодан, освободи Туркестан» деган аксилинқилобий шиорни айтган эди. Бу аксилинқилобий русларга қарши қаратилган эди. Агар тергов талаб этса, бу ҳақда батафсилроқ кўрсатма берардим»<sup>1</sup>.

Оғабоевнинг 1937 йил 7 августда Жўрабоев ҳақида тўлдирган маълумотномасида уни 48 ёшда эканлиги, 1925 йилдан аксилинқилобий ташкилотнинг Самарқанд гуруҳига раҳбарлик қилганлиги, «Ўн саккизлар» гуруҳининг етакчиси бўлганлигини, Москвадаги уйида Ўзбекистонни СССР таркибидан ажратиб олиш ва «мустақил» Ўзбекистонни ташкил этишни муҳокама қилганлигини қайд қилган. Сафо ҳожи Жўрабоев ЎзССР Жиноят кодекси 66-модда 2-қисм ва 67-моддалар билан айбланган.

1937 йил 13 сентябрда ҳибсга олиш учун берилган ордерда унинг манзили Москва шаҳри Герцен кўчаси 10/2 уй 4-хонадонда яшаши кўрсатилган. У ҳибсга олинганда унинг паспорти, партия билети, пенсия дафтарчаси, турли қоғозлар жиноят иши доирасида тергов идоралари ихтиёрига олинган. Унинг маҳбуслик анкетасида хотини Нубуват Жўрабоева 38 ёшда, ўғли Вова (Владимир) 13 ёшда эканлиги кўрсатилган.



Сафо ҳожи Жўрабоевнинг Москвада яшаган (Герцен кўчаси 10/2-уй) уйининг ҳозирги кўриниши (кўчанинг номи 1993-йилда Большая Никитинскаяга ўзгартирилган)

<sup>1</sup> Рустамбек Шамсутдинов. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Тошкент, «Шарқ», 2001, 82-82-бетлар.





Сафо Жўрабоев терговчи Аминов томонидан 1937 йил 21 октябрда Тошкентда Ички ишлар халқ комиссарлиги ички қамоқхонасида тергов қилинган. Сафо Жўрабоев терговда 1911 йил Одессада қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарадиган заводда ишлаганлиги ва норозилик намойишида иштирок этишда айбланиб ҳибсга олинганлиги, 6-7 ой қамоқда ётиб, судда оқланганлигини, 1917 йил Ўрта Осиёга қайтиб келганлигини таъкидлаган.

1937 йил 2 ноябрда унга нисбатан айблов хулосаси тўлдирилган. Сафо Жўрабоевга 1919 йилдан «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тошкентда аксилинқилобий фаолият олиб борганлиги, Самарқанд ва Бухорода босмачилар ва аксилинқилобий ташкилотлар ўртасида воситачи бўлганлиги, Туркистон советларининг 2-съездида (1917 йил 10 октябрь) «забирайте чемадан, освободите Туркестан» деб айтгани, Тожикистон билан алоқалар ўрнатганлиги, Туркистон республикаси ер вазири бўлган вақтида аҳолини давлатга қарши қайрагани, «Ўн саккизлар» гуруҳи аъзоси бўлганлиги, 1929 йилдан Москвадаги уйида (Герцен кўчаси, 10/2-уй, 8-хонадон) аксилинқилобий йиғилишлар уюштирганлиги, 1933 йил Фитратга Совет иттифоқи урушда енгилиши ҳақида айтганлиги, 1934 йил Чўлпонга Совет иттифоқи урушга тайёрланиб ғалла тўплаётганлиги, аҳоли, жумладан, Қозоғистон ва Украинада очарчиликка сабаб бўлаётганини айтган. Сафо ҳожи Жўрабоев бу айбловларни тан олмаган.

6920-сонли жиноят иши бўйича ҳожи Сафо Жўрабоев (Вобкент райони Вобкент қишлоғидан, авваллари меҳмонхона эгаси бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган.

Сафо ҳожи Жўрабоевнинг қамоқ жазосига ҳукм этилгандан кейинги тақдири ҳозирча аниқлангани йўқ. Ўйлаймизки, бошқалар қатори у ҳам ГУЛАГ лагерларидан бирида жазо муддатини ўтагани, сўнгги тақдири нима билан тугагани ҳозирча жумбоқ бўлиб турибди ва навбатдаги изланишларимизда бу масалага ҳам ойдинлик киритиш ниятидамиз.

Ўзбекистон ССР прокурори 1957 йил 12 декабрда Республика Олий судига Сафо ҳожи Жўрабоевнинг иши юзасидан протест келтириб уни реабилитация қилишни сўраган ва асос сифатида унинг ўғли, Самарқанд шаҳри, Регистон кўчаси 2-тор кўча 5-уйда яшовчи Жўрабоев Владимир Сафоевичнинг аризасини, унга қарши гувоҳлик берган шахсларнинг реабилитация қилинганлиги, у тергов жараёнида бошқалар билан юзлаштирилмаганлигини келтирган.

Ҳожи Сафо Жўрабоев 1957 йил 19 декабрда реабилитация қилинган.

Кўҳна ва навқирон Бухоронинг Вобкент туманида Сафо ҳожи Жўрабоевнинг номини абадийлаштириш мақсадга мувофиқдир. Унинг шонли ҳаёт йўлини акс эттирувчи рисола, ҳужжатли фильм яратиш хайрли иш бўлур эди.



# 19-ЎЗБЕК ТОҒ-ОТЛИҚ ДИВИЗИЯСИ ВАКИЛИ – МИРСАИД ШОМИРБОВ

Э.Раджапов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Юқори малакали ҳамда профессионал, ҳарбий бурчига садоқатли, ватанпарвар, фидойи ва мард ҳарбий хизматчилар ҳар қандай давлатнинг асосий таянчи бўлган.

Ўзбек давлатчилиги тарихининг қай босқичига назар солмайлик мамлакатимизда ҳарбий ишга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида ҳам маҳаллий миллатга мансуб кўплаб истеъдодли ҳарбий мутахассислар етишиб чиқди. Шундай ҳарбий мутахассислардан бири Мирсаид Шомирбаевдир.

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, Мирсаид Шомирбоев 1901 йилда Наманган шаҳрида деҳқон оиласида туғилган. Наманган шаҳар Лаббайтоға даҳасининг раиси Абдуғофуров томонидан 1934 йилда берилган маълумотномага кўра, унинг отаси мазкур даҳада истиқомат қилиб, деҳқончилик билан шуғулланганлиги маълум бўлади.<sup>1</sup>

1917 йилгача отаси қарамоғида бўлган Мирсаид Шомирбоев 17 ёшидан тўқувчига шогирд бўлиб тушади. 1919 йилдан Бутуниттифоқ коммунистик ёшлар иттифоқи аъзолигига қабул қилинади. Совет тартиботига қарши Туркистон минтақасида кенг қулоч ёйган қуроли қаршилик ҳаракатига қарши ҳудудларда ташкил этилган ўз-ўзини қўриқлаш отрядига хизматга киради. М.Шомирбоев 1924 йилда Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё ҳарбий мактабига қабул қилинди, мактабни 1927 йилда тамомлагач 19-ўзбек отлиқ полки взвод қўмондони этиб тайинланди. 19-Ўзбек отлиқ полкида вз-

вод қўмондони сифатида 1931 йилга қадар фаолият олиб борган Шомирбоев совет ҳокимияти томонидан хизматдош дўстлари каби қуроли қаршилик ҳаракатини бартараф этишга қаратилган ҳарбий жараёнларда иштирок этди<sup>2</sup>. 1931 йилда қуроли қаршилик ҳаракатига қарши жанглардаги иштироки учун М.Шомирбоев Ўзбек отлиқ полки мактаби взвод қўмондони сифатида «Наган» тўппончаси билан тақдирланди.<sup>3</sup>

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, Мирсаид Шомирбоев жисмонан яхши чиниққан ҳамда ҳарбий иш сирларини яхши эгаллаган профессионал ҳарбий мутахассис эди. У Ўрта Осиё ҳарбий мактаби ҳамда Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбийлари ўртасида бўлиб ўтган бир неча ҳарбий мусобақаларда совриндонлар қаторидан ўрин олган. Взвод қўмондони сифатида 1932 йил 7 майда Ўрта Осиё ҳарбий мактаби ҳарбийлари ўртасида ўтказилган от спорти мусобақасида 3-ўринни эгаллаб, ҳарбийларнинг сув идиши (фляга), шу йилнинг ноябрь ойида эса ҳарбий мактаб ҳарбийлари ўртасида худди шу йўналишда биринчи ўринни эгаллаб, чемодан билан тақдирланади.<sup>4</sup>

Ўзбекистонда энг катта ҳарбий тузилма отлиқ дивизия бўлганлиги сабабли унда хизмат қилган ҳарбий мутахассислар от спорти бўйича юқори натижаларга эришишган. Мирсаид Шомирбоев ҳам Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбийлари ўртасида от билан тўсиқлардан сакраш (конкурс) бўйича ўтказилган мусобақада

<sup>1</sup> Наманган вилояти давлат архиви. 30-варақ

<sup>2</sup> Наманган вилояти давлат архиви. 9-варақ

<sup>3</sup> Наманган вилояти давлат архиви. 25-варақ

<sup>4</sup> Наманган вилояти давлат архиви. 27-варақ



3-ўринни эгаллаб, чемодан ва 50 рубль пул мукофоти билан тақдирланади.<sup>1</sup>

Оддий деҳқон фарзанди бўлишига қарамай, Мирсаид Шомирбоев ўрта мактабни битиргач советларнинг ҳарбий-сиёсий ҳаётида фаол шахсга айланади. У 1927 йилдан 1937 йилгача ВКП(б) аъзоси, 1937 йил 10 сентябрғача эса 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 42-отлиқ полки мактабининг раҳбари бўлган.

СССР Мудофаа Халқ Комиссарлигининг 1937 йил 15 февралдаги 712/р-рақамли буйруғига кўра катта лейтенант Мирсаид Шомирбоевга капитан унвони берилади.<sup>2</sup>

СССРда бошланган «Катта қирғин» деб ном олган қатағон сиёсатининг жабрдийдалари адабиёт, санъат ва маданият, илм-фан, давлат ҳамда жамоат арбоблари қатори кўзга кўринган ҳарбий мутахассислар бўлдилар.

«Аксилинқилобчи», «миллатчи» ва «халқ душмани» каби тухматлар билан бошланган оммавий қамоққа олишлар жараёнида капитан М.Шомирбоев 1937 йил 11 сентябрь куни Ўрта Осиё Ҳарбий Округи Ички Ишлар Халқ комиссарлиги (НКВД) махсус бўлими томонидан миллий аксилсовет ташкилотига аъзо сифатида гумон қилиниб қамоққа олинади. У қамоққа олингач, кўп ўтмай унинг укаси, ўша вақтда 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 41-отлиқ полки тарбияланувчиси бўлган Дадахон Шомирбоев ҳам қамоққа олинади.

1937 йил 29 декабрда бўлиб ўтган сўроқ пайтида Шомирбоев ўзига қўйилган барча айблар ва кўрсатмаларни рад этади. 1938 йил 11 февралда 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг собиқ кўмондони Миркомил Миршаропов билан юзлаштирилганда, Миршаропов 1933 йилда Шомирбоев Мирсаидни дивизиядаги миллий аксилинқилобий ташкилотга жалб этганлиги ҳақида кўрсатма берган. Аммо Миршароповнинг бу кўрсатмаси Шомирбоев томонидан рад этилган. 1938 йилнинг 3 октябрида бўлиб ўтган сўроқ жараёнида эса Шомирбоев 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси таркибида ҳеч қандай миллий аксилинқилобий ташкилотни билмаслиги тўғрисида кўрсатма берган ва бошқа сўроққа чақирилмаган.

Бироқ, 1938 йилнинг 10 октябрь куни СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг сайёр сессиясида Мирсаид Шомирбоевнинг иши кўриб чиқилади. Уни 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг кўплаб аъзоларига қўйилган Ўз ССР Жиноят кодексининг 57-2, 64 ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилиб, отувга ҳукм қилинди.<sup>3</sup>

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, Мирсаид Шомирбоев қамоққа олингач, унинг укаси Дадахон Шомирбоевни ҳам олиб кетишди. Дадахон Шомирбоев 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида хизмат қилган полк комиссарлари Болта Комилов ҳамда Ҳикмат Закиряевлар томонидан жисмоний қийноқлар ҳамда таҳдид остида акасига қарши кўрсатма беришга мажбурланади ҳамда бир қанча ҳужжатларга имзо чекишга мажбур бўлади. Кейинчалик Мирсаид Шомирбоевнинг укаси Дадахон Шомирбоев 1939 йил 13 мартда Ўрта Осиё Ҳарбий округига шикоят билан мурожаат қилиб, акасининг «жиноий иши» бўйича сўроқ жараёнида терговчилар унга нисбатан ғайриинсоний муносабатда бўлганликлари, ўзининг акасига қарши 1937-1938 йилларда берган кўрсатмалари ҳақиқий эмаслигини таъкидлайди.

Дадахон Шомирбоев томонидан ёзилган ариза орадан 8 ой ўтибгина, 1939 йил 29 ноябрда кўриб чиқилди. Аммо Дадахон Шомирбоев аризасида келтирилган далиллар ҳамда кўрсатмалар эътиборга олинмади. Бироқ Мирсаид Шомирбоевнинг яқинлари, яқиндан таниган инсонлар уни оқлаш, тарихий ҳақиқатни тиклашдан асло чекинмишмади.

Мирсаид Шомирбоевнинг онаси Тўхтаҳон Аширова ҳам 1940 йил 14 июньда СССР Ички Ишлар Халқ комиссари Лаврентий Берия (1899-1953) номига ариза билан мурожаат қилади. Аризада катта ўғли Мирсаид Шомирбоев бегуноҳ қамоққа олинганилиги, кичик ўғли Дадахон Шомирбоевни эса алдов йўли билан акасига қарши кўрсатма беришга мажбурлашганини ёзади. Афсуски бу ариза ҳам орадан 4 ой ўтибгина, 1940 йил 5 октябрда Ўрта Осиё

<sup>1</sup> Наманган вилояти давлат архиви. 29-варақ

<sup>2</sup> Наманган вилояти давлат архиви. 33-варақ

<sup>3</sup> Рустамбек Шамсутдинов. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. (Биринчи китоб). «SHARQ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси таҳририяти. Тошкент, 2012 йил. 45-46 бетлар.



ҳарбий округи (САВО) прокуратураси томонидан кўриб чиқилади ҳамда эътиборсиз қолдирилади.

Мирсаид Шомирбоевнинг яқинлари уни оқлаш учун ҳар қанча ҳаракат қилишмасин мустабид сиёсатнинг «моҳир ижрочилари» улар келтирган далиллари, ёзган аризаларию қилган мурожаатларига ҳам эътибор қаратишмади.

19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг бир қатор таниқли ҳарбий кадрлари «халқ душмани» сифатида ноҳақ қамоққа олингач, улар билан фаолият юритган бошқа ҳарбийлар ҳамкасблари ҳам терговга жалб қилинган. Уларга асосан дивизиянинг асосий намояндалари Миркомил Миршаропов, Юнус Наримонов, Мирсаид Шомирбоев, Собир Раҳимов, Бурҳон Ҳамроқуловлар тўғрисида уларнинг «Сиёсий ва иш фаолиятларини қандай баҳолайсиз?» деган савол берилган. Шомирбоев тўғрисида унинг ҳамкасблари фақат ижобий фикрларни билдирганлар. Хусусан, ўзбек дивизиясида фаолият юритган Маъруф Турсунов<sup>1</sup> «Шомирбоев намунали, талабчан ва фаол қўмондон, яхши отлиқ (кавалерист)», – дея кўрсатма берган.

19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида 1936 йилнинг июлидан октябригача прокурор бўлиб ишлаган Жалилов Миртеша Содиқович сўроқ жараёнида Мирсаид Шомирбоевга «Намунали қўмондон, унинг бўлинмаси энг яхши бўлинмалардан. Шомирбоевнинг ўзи ҳам интизомли, етук, ўз ишини пухта биладиган қўмондон. Уни ҳалол, билимли киши сифатида биламан», – дея кўрсатма берган эди.

Мирсаид Шомирбоевнинг тергов иши 1956 йилда қайта кўриб чиқилди. 1956 йилнинг 31 июлида Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий прокурори Шомирбоевнинг фаолиятида жиноий унсурлар йўқлиги ва унинг иши ҳаракатдан тўхтатилганлиги тўғрисидаги хулосани Бош ҳарбий прокурорга юборган.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш жараёнида фаол иштирок этган барча ўзбек миллий ҳарбий кадрлари улар ишонган, умрларини бағишлаган қизил салтанатнинг Ҳарбий коллегияси томонидан ноҳақ айбланиб, маънан синдирилди ва жисмоний йўқ қилинди. Мустақиллик йилларида уларнинг қутлуғ номлари тикланди, тарихий адолат кеч бўлса-да қарор топди.

<sup>1</sup> Турсунов Маъруф – 1910 йилда Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек.





# ТАРИХНИНГ ТАДҚИҚҚА МУҲТОЖ САҲИФАЛАРИ

М. Саидхонов, филология фанлари доктори

*Катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатагон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби – буюк бўлгани.*

## Шавкат Мирзиёев.

Дунё тарихи XX асрнинг биринчи ярмида рақибсиз жангни, яъни бир гуруҳ кишиларнинг қонли қиличи билан миллионлаб одамлар чошиб ташланган, бегуноҳ оилаларни ўзаро ажратиб вайрон қилган, қанча-қанча одамларни жабр ва зулм ботқоғига ботирган, уларни ўз яшаш жойларидан мосуво қилиб, бир умрга сарсонлик гирдобига ташлаб қўйган ва, энг ёмони, уларнинг гарданига бир умрга тавқи лаънат бўйинбоғини илиб қўйишга жазм қилган сиёсий-зўравонлик урушини кўрганки, бунинг асорати ҳали-ҳануз авлодларнинг қалбида, туйғуларида яшаб келмоқда. Академик Н.Ф.Каримов ёзганидай, «Ер юзининг олтидан бир қисмида яшаган халқлар учун XX аср, аввало, буюк тарихий силсилалар ва шу силсилалар туфайли вужудга келган қирғин ва қатагонлар, тарихий адолатсизликлар асридир». Ҳа, бу сиёсатнинг марказида ўз халқи фаровонлиги ҳақида қайғуриши керак бўлган, юрт тинчлиги ва осойишталигининг яловбардори бўлиши лозим бўлган шўролар ҳукумати, унинг аёвсиз раҳбарлари турган эдики, улар бу жараённи яқин-яқинларгача тарихий адабиётларда совет давлат тузумининг, коллективлаштириш

сиёсатининг қишлоқлардаги ғалабаси сифатида талқин этиб келдилар. Ҳа, бу қонун ва низомлар билан тиш-тирноғигача қуролланган, фақат ўзларигагина бўйсунадиган қарор ва фармонларни ўз фойдаларига чиқариб, ўзлари ижро қиладиган ҳукумат аёнларининг ожиз, қуролсиз, қалбида ватан равнақи, юрт тинчлиги бўлган аҳолига қарши бирёқлама уруши эди.

Мамлакат бўйлаб «аграр сиёсат» ўтказиш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, ерларни, экин майдонларини қайтадан тақсимлаш, пировардида, халқни озик-овқат билан таъминлаш мақсадида олиб борилган ушбу реакция сиёсат асосан Марказий ва Ўрта Осиё республикаларининг гарданига тушди ва қулоқ қилиш, сургун қилиш жараёни ва моҳияти хаспўшланган ҳолда мамлакатнинг равнақи йўлидаги сиёсат экани уқтирилди. Ваҳоланки, отувга ҳукм этилганлар, кўп йиллик сургунга жўнатилганлар, қулоқ сифатида қатагон қилинганлар маҳаллий аҳоли ўртасидаги маърифатпарвар ва маънавиятли инсонлар эди, моддий жиҳатдан ўзига тўқ фуқаролар эди, давradoшлар ичида дадил ва ташаббускор фаоллар эди – ҳудудларнинг зиёли, ишбилармон, ташаббускор, ўз фикрига эга бўлган прогрессив табақаси эди. Демак, коллективлаштириш сиёсати ортида минтақамиздаги республикаларнинг ақлли ва идрокли, илмли ва ўқимишли, ишбилармон ва тадбиркор, молиядор ва мулкдор, умуман олганда, пешқадам инсонлари жабр кўрган эди...

Мустақиллик туфайли тарихга илмийлик, реалистик, манфаатдорлик, очиқлик, миллий-



лик ва адолатлилик билан қараш натижасида хаспўшланган тарих парчаланди ва тарихий фактлар янги хулосалар чиқаришга асос бўлди. Бу эса шўроларнинг қатағон сиёсати Марказий ва Ўрта Осиё давлатларининг мавқеини пасайтиришга қаратилгани, уларнинг сиёсий суверенитетини синдиришни режалаштиргани ошкор бўлиб қолди.

Жаҳон тарихини қора доғдан аритиш мақсадида Россия Федерацияси тарихчиларининг қатағон сиёсатига янгича концепция асосида ёндашуви, ўша даврдаги айрим раҳбарларнинг шахсий манфаатларидан тарихийлик, адолат, ҳаққонийлик принципининг устун қўйилиши натижасида СССР томонидан олиб борилган қатағон номи остидаги сиёсий террор инсонпарварлик тамойилига мутлақо зид экани эътироф этилди, илмий тадқиқотлар олиб борилиб, афкор оммага ошкор қилинди.

Коллективлаштириш заманидаги сиёсий террор Ўрта Осиё республикаларидан энг кўп жабр кўрган Ўзбекистон тарихчилари қарашларида ҳам акс садо берди ва академик Р.Х.Аминова (охиратлари обод бўлсин) 90-йилларда «коллективлаштиришни қашшоқлаштириш» деб атади ва қатор мақолаларида Ўзбекистондаги қатағон сиёсати шўролар тузумининг найранги эканини, лекин ушбу «ўйин» миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритганини, яшаш жойларидан мосуво қилганини, қанча-қанчаларининг орзуларини чилпарчин қилганини, натижада республикамизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам ва ҳатто сиёсий-мафқуравий ҳаётида ҳам таназзул бўлганини исботлаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан 2001 йил 1 майда «Қатағон қурбонларини ёд этиш» кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди, шу ҳужжат асосида 2001 йил 31 августда Тошкентнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ишга туширилди. Музей том маънода Шўролар ҳукуматининг аянчли қарори ва бунинг натижасида бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ушбу террорнинг оқибатларини кўз олдимизда намоён қилади.

2017 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев «Қатағон қурбонлари хотираси музейи»га ташриф буюрганида қатағон сиёсати республикамизнинг барча ҳудудларида амал қилганини, вилоятларнинг чекка-чекка қишлоқларидаги аҳоли ҳам бу сиёсатдан азият чекканини эътиборга олиб, ҳар бир вилоятда «Қатағон қурбонлари хотираси музейи»ни ташкил этиш халқимизнинг ушбу бесамар сиёсатни моҳиятан англаб етишларига асос бўлишини таъкидлади ва республика пойтахтида ташкил этилган мажмуа «музейларнинг музейи» бўлишини айтиб ўтади. Натижада 2018 йил 15 августда Андижон давлат университети тузилмаси таркибида «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» фаолият бошлади ва унга тарих фанлари доктори, профессор Р.Т.Шамсутдинов директор этиб тайинланди.

«Қатағон қурбонлари хотираси музейи» музейшуносликнинг энг сўнгги андозалари асосида яратилган бўлиб, 8 бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлим мос равишда расмлар, тарихий ҳужжатлар, қўлёзма материаллар, полотно ва баннер ёзувлари билан безатилган, Инфокиоск қурилмаларда мавзулар бўйича видео, аудио-материаллар, слайдлар ва телекўрсатувлар намоёиш этилади. Музей кутубхонаси мавзу доирасида Россия, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларнинг махсус архивларида сақланаётган манбалар, қўлёзмалар, махфий ҳужжатлар ксеронусхалари билан бойитилди, аудио ва видеонусхалар келтирилди. Энг эътиборли жиҳати профессор Р.Т.Шамсутдинов ва музей ходимлари ҳамда тарихчи олимлар томонидан қисқа муддатда 10 га яқин монографик йўсиндаги асарлар яратилди, бир қанча асарлар ўзбек тилига таржима қилинди, «Водийнома» журналининг ҳар бир сони қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари тарихига бағишланди.

Советларнинг қатағон сиёсати масаласи Марказий ва Ўрта Осиё республикалари ҳаётида муштарак ҳолат эди. Шунга кўра аҳолини қулоқлаштириш, қатағон этилиб, сургун қилиш масаласи тадқиқини Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларида ўрганиш, шу-



нингдек, биргаликда, марказлашган ҳолда хулосалар чиқариш, ўзаро солиштириш, кесивув ўринларини таҳлилга тортиш эътиборга лойиқ эди. Иккинчи томондан, ҳар бешала республикада қўшни миллатларнинг минглаб аҳолиси истиқомат қилиб келган. Масалан, 1,7 миллион тожик, 821 200 нафар қозоқ, 291 600 нафар қирғиз ва 206 200 нафар туркман миллатига мансуб фуқаролар Ўзбекистоннинг туб аҳолиси сифатида яшаб келмоқда (2021 йил маълумотига кўра). Шунингдек, ўзбек миллатига мансуб бўлганлар Тожикистонда 1,26 млн нафарни (2022), Қирғизистонда 999 300 нафарни (01.01.2022), Қозоғистонда 614 047 нафарни (2021) ва Туркменистонда 1 млн нафарни ташкил этиб, ўша мамлакатларнинг фуқаролари саналади. Бошқа қардош мамлакатларда ҳам қўшни миллат вакиллариининг ўша мамлакатда доимий истиқомат қилишларини кузатишимиз мумкин.

Архив материаллари ва бошқа илмий манбаларни кузатишимиз бўйича Қатағон сиёсати ва унинг тадқиқи ҳар бир мамлакатда умумий давлат сиёсати даражасида амалга оширилган экан, уларни марказлашган нуқтаи назардан текшириш мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, советларнинг шум сиёсати натижаларини аниқлаш, уларни тадқиқ этиш қатағонга учраган аждодларнинг ҳурмати, уларни фуқаролик позициясини ҳимоя қилиш, уларнинг бўйинларидан шўро сиёсати натижасида илиб қўйилган сиёсий тавқи лаънатни олиб ташлаш учун ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Қозоғистон ва Ўзбекистондан ташқари минтақамиздаги бошқа мамлакатларда ҳам ушбу умумий дард бўлган қатағон сиёсати жабрдийдаларини ўрганиш ва уларга тарихий-мафкураравий баҳо бериш масаласи давлат сиёсати даражасида ўрганилмоқда. Қирғизистонда тоталитар тузумнинг қурбони бўлган ёки ўша сиёсатнинг гирдобига тушиб жабр кўрган аҳолининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Жертвы политических репрессий Кыргызстана» номида 10 жилддан иборат маълумотнома характерида тўплам нашр этилди. Шунингдек, Туркменистон ва Тожикистон мамлакатларида ҳам ушбу мавзу бўйича статистик, таҳлилий,

танқидий тадқиқотлар олиб борилмоқдаки, натижада собиқ шўролар сиёсатига минтақавий баҳо бериш мумкин бўлади.

Юқорида келтирилганидай, қатағон сиёсати муайян мамлакатлардаги туб аҳолининг катта қисмига раҳна солган ва унда «хўлу қуруқ баравар ёнганидай», миллатидан қатъи назар уларнинг мезонларига тўғри келмайдиган, ўзларининг рўйхатлари бўйича барча жабрдийдалар оиласи билан, айримлари қариндош-уруғлари билан рўйхатга тушган ва сургун қилинган, мол-мулки тортиб олинган, турли сиёсий ва ижтимоий тақиқларга учраган. Бу эса қатағон сиёсати қурбонларини нафақат мамлакатлар кесимида, балки миллий таркиби жиҳатидан ҳам ўрганишни тақозо этади.

1993 йил 14 апрелда Қозоғистонда «Оммавий равишда сиёсий қатағон қурбонларини оқлаш» тўғрисида президент фармони эълон қилинди, 2020 йилнинг 24 ноябрида эса Қозоғистон Республикаси президенти К.К.Токаев томонидан сиёсий қатағон қурбонларини ҳар томонлама ўрганиш ва улар ҳақида хулоса чиқариш бўйича Давлат комиссиясини тузиш ва асосиз жабр кўрганлар бўйича тарихий адолатни ўрнатиб, уларни реабилитация қилиш ҳақидаги фармонга имзо чекилади. Бунинг натижасида қатағон қурбонлари ҳақида архив ҳужжатлари асосида ҳар бир шахс бўйича биографик-ижтимоий-сиёсий тафтиш ўтказилади ва улар 14 та китобда ўз ифодасини топади.

Архив тадқиқотчиси Олег Мозохиннинг ёзишича, 1937-1938 йилларда Қозоғистонда 45 563 киши қатағон қилинганини қайд этган.


Расмий маълумотларга қараганда, Шимоллий Қозоғистон областларидан 7614 киши қатағон қилинган, улардан 1465 киши отилган.

Қарағанда областида учлик ҳукми асосида 1932-1951 йиллар давомида 58-модда билан НКВД томонидан беш мингдан ортиқ одам отувга ҳукм қилинган.

Қозоғистон ССР да 1930 йилларда 11 та меҳнат-тузатиш лагерлари ташкил этилган бўлиб, улар «Дальний», «Песчаный», «КарЛаг», «АЛ-ЖИР», «Степной» «КамышЛаг» деб номланган. Масалан, «КарЛаг» 30 йил ичида миллиондан ортиқ одамни қабул қилган.



Оқмолада қатағон қилинганларнинг оилаларини сақловчи «АЛЖИР» лагери ташкил этилган.



2022 йил Алма-тида «Политические репрессии среди казахов на территории республик Средней Азии в 20-50-е годы XX века (в свете новых архивных источников)» номли 620 саҳифадан иборат архив материаллари тўплами

1000 нусхада нашрдан чиқди. Китоб таҳририят ҳайъати тўпламнинг кириш қисмида бу асарни юзага келишида хизмат қилганлар қаторида З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори профессор Р.Т.Шамсутдинов номини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтганлар.



Қозоғистон Республикаси фан ва олий таълим вазирлиги, Ч.Ч.Валихонов номидаги тарих ва этнология институти ҳамда Бобур номидаги Андижон давлат университети тузилмасидаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» томонидан ҳамкорликда ташкил этилган ва 2022 йил 27 октябрда ўтказилган «Политические репрессии среди казахов на территории республик Средней Азии в 20-50-е годы XX века (в свете новых архивных источников)» мавзу-

сидаги халқаро анжуман жуда катта илмий, назарий, амалий аҳамият касб этди. Эътиборли жиҳати ушбу анжуман собиқ СССР давлатининг бирёқлама характер касб этувчи қатағон сиёсати муайян олинган маълум ҳудуд билан чегараланмасдан, қардошлик алоқалари азалдан ҳукмрон бўлган, аҳолисининг мавқеи миллий таркибидан қатъи назар тенг бўлган, илдишлари, аждодлари бир ва, асосан, ислом дини эътиқодларига бўйсунувчи Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатларида қандай кечганлиги, унинг умумий ва специфик жиҳатлари, шунингдек, қўшни мамлакатларда яшовчи маълум қардош миллат фуқароларининг қисмати қандай бўлганлиги каби ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни ўртага ташлади ва ечимини кўрсатиб ўтди.




Ушбу анжуманда Андижон давлат университидан тарих фанлари доктори профессор Р.Т.Шамсутдинов «Қатағон қурбонлари тарихини тарғиб ва тадқиқ этишда ўзбек ва қозоқ олимларининг ҳамкорлиги», доцент Р.Р.Шамситдинов рус тилида «О казахах репрессированных в процессе большого террора в Узбекистане (1937-1938 гг)», т.ф.д., профессор М.Ғ.Абдуллаев «Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида Ўрта Осиёда Қатағон сиёсати», т.ф.д. С.А.Хошимов «Қатағон домига тортилган Мухториятчилар тақдирига доир», Тарих фанлари номзоди, доцент Д.Т.Собирова «Ўзбекистонда қатағон қилинган аёллар қисмати», АндДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг илмий ҳодими – Б.Ш.Алимов «Иномжон Хидиралиевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти», АндДУ тузилмасидаги Қатағон





қурбонлари хотираси музейининг катта илмий ҳодими Д.И. Хомидов «Носирхонтўранинг Қозоғистондаги фаолиятига доир», АндДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг илмий ҳодими А.К. Махкамов инглиз тилида «Life and activity of jaded Abdurakhim Yusufzade» мавзуларида маърузалари билан иштирок этдилар ва Ўзбекистонда ўзбек ва қозоқ миллатига мансуб фуқароларнинг сиёсий гирдобдаги қисматлари ҳақида, қатағон ва сургун жараёнларининг режа асосида ташкиллаштирилиши хусусида, ушбу рўйхатга тушган кишиларнинг ижтимоий-сиёсий, молиявий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий мавқелари ҳақида бирламчи архив манбалари, ўта махфий ҳужжатлар асосида ахборот бердилар.



2022 йили Алматида «Казахи в Средней Азии: история и судьбы (1920-1950 гг.)» 472 саҳифали жамоа монографияси Қозоғистон Республикаси фан ва олий таълим комитети, Ч.Ч.Валихонов номидаги Этнология тарихи институти томонидан нашр этилди. Бу монографияда Р.Т.Шамсутдиновнинг «Маҳмудбек Мусин: «Я не виновен. Рано утром вернусь...», «Ақбар Байтурсунович Уразалиев: государственный деятель и дипломат» номли тадқиқоти эълон қилинди.

Профессор Р.Т.Шамсутдинов нафақат Ўзбекистонда, балки МДХ давлатлари кесимида ҳам советлар ҳукуматининг қатағон сиёсати

тадқиқи бўйича таниқли олимлардан саналиб, бугун соҳа бўйича ўзига хос мактаб яратган ва республикамизнинг барча вилоятлари бўйича ушбу мавзу билан шуғулланган ва шуғулланаётган тадқиқотчиларнинг илмий маслаҳатгўйи, маънавий рағбатчиси, методик йўриқчиси, қолаверса, мувофиқлаштирувчи мутахассис саналади. Қатағон сиёсати тадқиқи бўйича олим яратган «Андижон мактаби» бугун республикамизнинг турли вилоятларида мавзу бўйича катта илмий тадқиқотларни олиб боришмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда амал қилган қатағон сиёсати ва унинг жабрдийдалари ҳақидаги маълумотлар ичида Р.Шамсутдинов юзлаб Қозоғистонда туғилиб Ўзбекистонда фаолият олиб борган ёки қозоқ этник таркибига кирувчи Ўзбекистон фуқаролари ҳақида тўхталиб ўтади ва уларнинг қисматига сиёсий баҳо беради.

Профессор Рустамбек Темирович «Султон Сегизбоев – қатағон қурбони» маърузасида советлар сиёсатини олиб борган, ер-сув ислохотларини амалга оширишда фидойилик кўрсатган, Хўжанд (Тожикистон), Жалолобод (Қирғизистон) уездларида коллективлаштириш сиёсатини назорат қилган, асосий умри Ўзбекистонда ўтиб, Фарғона областининг Андижон уездида ер-сув ислохотига бошлиқ, Фарғона область партия комитетининг масъул котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий бюроси аъзоси, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг директори, ТошДУ иқтисодиёт кафедраси мудир, собиқ СССР Марказий Назорат Комиссияси ходими, Шимолий Қозоғистон партия комитети котиби, сўнгра Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети раиси лавозимларида сидқидилдан ишлаган Султон Сегизбоевнинг юрт равнақи, халқ манфаати йўлидаги фидойиларча меҳнати интиҳоси аянчли якунланганини ўкинч билан ёзади. СССР Олий совети раиси ўринбосари лавозимига кўтарилган Султон Сегизбоев ҳақида ёзган Р.Шамсутдинов «Қатағоннинг кучли бўрони кўплар қатори уни ҳам ўз домига тортди. Совет, партия, давлат арбоби, журналист, партия X съезди делегати, Кронштадт исёнини бостиришда иштирок этган ва-



танпарвар, «Фарғона» газетасининг редактори, ВКП(б)нинг XVI ва XVII съездлари делегати Султон Сегизбоев 1939 йил 25 февралда Москва шаҳрида халқ душмани сифатида отувга ҳукм этилган».

Қатағон сиёсатининг зид, контраст мантиққа асосланганини шундан ҳам кўриш мумкинки, умри давомида халқ манфаати, халқ дарди, халқ фаровонлиги, халқ тинчлиги йўлида меҳнат қилган, жуда катта машаққат, тортишув, заҳматларни халқи йўлида босиб ўтган ватанпарвар инсон халқ душмани деган тамға билан отувга ҳукм этилади.

Қозоқ миллатига мансуб оққўрғонлик Султон Сегизбоев қисматига шерикдош бўлган минглаб қатағон сиёсатининг жабрдийдалари борки, буларга тарихий баҳо бериш, уларни сохтакашлик асосида қўйилган айблардан халос этиш ва, аксинча, ватан учун қилган меҳнатларини эътироф этган ҳолда ҳозирги ва кейинги авлодларга уларнинг ҳаётини, фаолиятини, юрти учун қилган ишларини тарғиб ва ташвиқ қилиш бугуннинг вазифасидир.

Қозоғистон Республикаси фан ва олий таълим вазирлиги, Ч.Ч.Валихонов номидаги тарих ва этнология институти олимлари томонидан мавзу доирасида қатағон даври сиёсатини ифода этувчи архив материаллари ва қозоқларнинг Ўрта Осиёдаги ҳаётига бағишланган коллектив монография чоп этилган бўлиб, унда профессор Р.Т.Шамсутдинов асарларидан ҳаволалар олинган, айрим шахслар ҳақидаги маълумотларга изоҳлар берилган, шарҳлар келтирилган.

Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳрида ташкиллаштирилган Собик СССРнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаларидаги сиёсий қатағон ва унинг оқибатларига бағишланган

халқаро илмий-амалий анжуман, биринчидан, XX асрнинг 20-50-йилларидаги сиёсий қатағон мавзусини минтақа олимлари ҳамкорликда тадқиқ этишлари зарурлигини эътироф этди. Акс ҳолда катта тарихнинг бир бўлагига айланиб қолган, лекин усиз мукаммал тарихни яратиш мумкин бўлмаган сиёсий террор воқеаси ҳудудларда ва ҳудудлараро марказлашган ҳолда ўрганилгандагина тарихийлик принципага мос келиши, мукаммал ва соф тарихнинг яратилишига асос бўлиши мумкин. Иккинчидан, минтақадаги ҳар бир мамлакат ҳудудида қўшни республиканинг этник фуқаролари қадимдан ўтроқ ҳолда яшаб келиши эътиборга олинса, қатағон сиёсатининг муайян миллат фуқаролари ҳаётида қандай кечганлиги аён бўлади. Учинчидан, советлар ҳукумати томонидан амалга оширилган сиёсий қатағон тарихи катта тарихнинг энг кам тадқиқ этилган, хаспўшланган, сохталаштирилган соҳаси бўлгани сабабли уни нафақат минтақа доирасида, балки МДХ тарихчи-олимлари, зиёлилари, мутахассислар ёрдамида илмий асослаш, архив ҳужжатлари, тарихий фактлар ва бошқа манбалар билан исботлаш талаб қилинади.

Анжуман материаллари тўпламида илова тарзида қўшни мамлакатларда яшаган қозоқ миллатига мансуб бўлган ва сиёсий террорга учраган фуқаролар ҳақида маълумот берилган бўлиб, Ўзбекистонда 301 нафар, Қирғизистонда 101 нафар, Тожикистонда 148 нафар, Туркменистонда 23 нафар, Қорақалпоғистон Республикасида 347 нафарни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Олма-ота шаҳридаги оммавий сиёсий қатағон мавзуси бўйича ўтказилган халқаро анжуман ҳамкорликдаги келгуси ишларга дебоча бўлиб қолади деган умиддамиз.



# ЎЗБЕКИСТОНДАН ЖАНУБИЙ УРАЛГА КЕЛТИРИЛГАН «МЕҲНАТ АРМИЯЧИЛАРИ»НИНГ ҲАРБИЙ САНОАТДАГИ ФАОЛИЯТИДАН

Х.Қурбонов, т.ф.н.,

Навоний давлат педагогика институти доценти

«Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир»,<sup>1</sup> – деб таъкидлайди Президентимиз.

Дарҳақиқат, бугунги шароитда тарихимизни адолат нуқтаи назаридан ўрганиш, тадқиқ этиш тарихчилар олдидаги асосий вазифалардан биридир.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига қарийб 77 йил бўлса-да, ҳали ҳануз унинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий оқибатлари халқлар хотирасидан ўчган эмас.

Бунинг устига бу урушнинг ғалабасига ўзбекистонликларнинг қўшган ҳиссасига доир мақола ва илмий тадқиқотлар ҳам анчагина.

Жумладан, биргина Андижонда нашр қилинаётган «Водийнома» журналининг 2017-2021 йиллардаги сонларида (*йилида 4 та сон чоп этилади*) Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси, фронт ва фронт ортидаги кўрсатилган жасорат ва қаҳрамонликлар, фронтда чоп қилинган газеталар, ватандошларимизнинг тақдирига оид шу вақтгача

эълон қилинмаган 50 дан ортиқ маълумот ва мақолалар чоп этилди.<sup>2</sup>

Айниқса, 1942-1944 йиллар давомида Урал ва Жанубий Уралдаги саноат корхоналарига сафарбар қилинган ўзбекистонликлар ҳақидаги мақолалар<sup>3</sup>да ушбу мавзуга тўхталиб, Ўзбекистон тарихи ва тарихшунослигида деярли ўрганилмаган масалалар юзасидан мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, 2020 йилда Р.Шамсутдинов муаллифлигида чоп этилган китоб<sup>4</sup>да айнан 1 та параграф «Ўзбекистонлик меҳнат армиячилари («Қуролсиз аскарлар»)» масаласига бағишланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда ушбу мавзу йўналишини танлаб берган устозим Р.Шамсутдиновга миннатдорлик билдириб ўтмоқчиман. Чунки ўрганилаётган масала бўйича қанча-қанча юртдошлари-

<sup>2</sup> Батафсил қаранг: Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Тўртинчи китоб. Тошкент: «Akademnashr», 2020. – Б. 5-7.

<sup>3</sup> Каримов Н. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Уруш қурбонлари // Водийнома, 2019. №2 (13). – Б.67-75; Шамсутдинов Р. Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага қўшган ҳиссаси. // Водийнома, 2019. №3 (14). – Б.2-31; Ҳожиёв Ш. Ўзбекистонлик меҳнат армиячилари («Қуролсиз аскарлар»)нинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга доир мулоҳазалар // Водийнома, 2019. №3 (14). – Б.66-72; Шамсутдинов Р., Хомидов Д. Ўзбекистоннинг буюк ғалабага қўшган ҳиссасига ҳужжат ва материалларда // Водийнома, 2020. №1 (16). – Б.6-14; Шамсутдинов Р., Қурбонов Х. Меҳнат армиячилари – «Қуролсиз аскарлар»нинг ғалабага қўшган ҳиссасига доир // Водийнома, 2020. №2 (17). – Б.8-25; Шамсутдинов Р., Хошимов С., Қурбонов Х. «Қуролсиз аскарлар» // Водийнома, 2020. №3 (18). – Б.58-62; Шамсутдинов Р., Насирдинов И. Ғалаба учун сафарбар этилганлар // Водийнома, 2020. №4 (19). – Б.32-41.

<sup>4</sup> Батафсил қаранг. Шамсутдинов Р. Ўзбекистон халқининг Буюк ғалабага қўшган ҳиссасига доир (1941-1945 йиллар). Тошкент: «Akademnashr», 2020. – Б.264--276.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.29



мизнинг очилмаган тарихи ва тақдирига оид маълумотлар «очиқланмоқда». Қуйида келтирилмоқчи бўлган маълумотларимизда айнан шу масалаларни янада кенгроқ илмий асосда ёритиб беришни мақсад қилдик.

2021 йил давомида Навоий давлат педагогика институти тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи (Х.Қурбонов) ҳамда «Ўзархив» агентлиги ўртасидаги ўзаро келишув асосида Россия Федерациясининг бир қатор давлат архивлари билан келишув шартномалари имзоланди. Жумладан, Россия Федерацияси давлат архиви (ГРАФ), Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви (ГРАСПИ), Челябинск вилояти бирлашган давлат архив (ОГАЧО) ларининг 30 дан ортиқ фондларидан Ўрта Осиё ҳарбий округидан Урал ҳудудларига сафарбар қилинган меҳнат армиячилари («қуролсиз аскарлар») ҳаёти ва фаолияти расмийлаштирилганлиги маълум бўлди. Ҳозирда ушбу ҳужжатлар синчиклаб ўрганилиб, илмий таҳлилга киритилмоқда. Қуйида берилаётган мулоҳазалар айнан ана шу ҳужжатлар асосида таҳлил қилинмоқда.

1941-1945 йилларда собиқ Совет давлати иқтисодиёти учун ишчи кучига бўлган эҳтиёж ортади. Иттифоқ халқ комиссариатларида меҳнат ресурсларига бўлган талаб ҳарбий иқтисодиётнинг муайян давр учун биринчи навбатдаги вазифалари ва Совет Иттифоқи халқ хўжалигининг у ёки бу тармоғига йўналтириш мумкин бўлган ходимлар контингенти мавжудлиги билан қаноатлантирилган. Бу континент ўзига хос миллий-ҳудудий ва даврий жиҳатдан фарқланган.

Иттифоқ Давлат мудофаа қўмитаси (ДМҚ, ГКО – рус тилида)нинг 1942 йил 7 октябрдаги «Халқ хўжалиги учун немис миллатига мансуб кишиларни қўшимча сафарбар қилиш тўғрисида»ги №2383-сонли қарори асосида немис миллатига мансуб кишиларни иқтисодий ва sanoat тармоқлари бўйича қўшимча сафарбар қилиш амалга оширилди. Бундан ташқари, ДМҚнинг 1942 йил 14 октябрда «ДМҚ №1123, №1281-сонли қарорларини СССР билан урушаётган мамлакатлар бошқа миллатлардан бўлган фуқароларига тадбиқ

этиш тўғрисида»ги №2409 қарори қабул қилинди<sup>1</sup>. Бу ҳужжатда Ички ишлар халқ комиссарлиги ишчи колонналарига меҳнатга лаёқатли 17 ёшдан 50 ёшгача бўлган немис эркакларини сафарбар қилиш тўғрисидаги (1942 йил 10 январ) №1123 ҳамда №1281 қарорлари (1942 йил 14 феврал) Совет Иттифоқи билан урушаётган мамлакатларнинг миллатлари – румин, венгер, италян, финнларга ҳам татбиқ этилиши белгиланди. Юқорида кўрсатилган миллатларнинг барча кишилари совет немисларининг ишчи колонналари таркибига ва СССР ИИХК МАТЛ (меҳнат армиячиларининг тузатув лагери) рўйхатига киритилди.

Ўрта Осиё ҳарбий округи (ЎОҲО, САВО – рус тилида) меҳнат армиячилари Совет Иттифоқи иқтисодиётининг ходимлар етишмовчилигини тўлдириш учун навбатдаги ишчи кучи контингенти бўлишди. Давлат Мудофаа Қўмитасининг 1942 йил 14 октябрдаги №2414-сонли Қарорига мувофиқ Ўрта Осиё республикаларидан белгиланган ишчилар миқдорини олдиндан тайёрланган тақсимотлар бўйича 19 та халқ комиссариатининг sanoat ва қурилиш объектларига йўналтириш белгиланди.

Давлат Мудофаа Қўмитаси раиси И.В.Сталин томонидан имзоланган қарорда Ўрта Осиё республикаларидан Урал ва Жанубий Урал ҳудудларидаги sanoat, қурилиш, ишлаб чиқариш корхоналарига 19 ёшдан 50 ёшгача бўлган жами 350 минг кишини сафарбар қилиш белгиланган. Унга кўра Ўзбекистондан 150 минг кишини сафарбар қилиш, ҳарбий комиссариатлар томонидан 100 кишилик бўлинмалар шаклида сафарбар этиш ва ўзлари билан қишки кийим-кечак, кўрпа-тўшак, коса-товоқ, қошиқ ва 10 кунлик озиқ-овқат маҳсулотлар захираси бўлиши лозимлиги таъкидланган.

Қарорнинг 3-бандига кўрайиғув пунктларига бирор сабаб ёки сабабсиз равишда келмаган кишига нисбатан Иттифоқ Олий Советининг 1941 йил 26 декабрдаги «Ҳарбий sanoat ишлаб чиқариш корхонасидан ишчи-хизматчининг

<sup>1</sup> Гончаров Г. «Трудовая армия» на Урале в годы Великой Отечественной войны. Челябинск, 2006. – С.118, 119.

<sup>2</sup> ГРАСПИ. Фонд 644, рўйхат-1, иш-164, 37-39-варақлар.





эркин тарк этиши юзасидан жавобгарлик тўғрисида»ги қарорида ундайларга нисбатан жазо кўрилиши айtilган эди.

Бу қарорда белгиланган топшириқларни 1942 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари давомида тугаллаш ва ижро қилиш Ўзбекистон КП(б) МК раиси Усмон Юсупов, Қозоғистон КП(б) МК раиси Скворцов, Туркменистон КП(б) МК раиси Фонин, Тожикистон МК(б) МК раиси Протопопов, Қирғизистон МК(б) МК раиси Ваговларга юклатилган ва қарор нусхалари ҳукумат аъзолари (Молотов, Берия, Шверник, Жуков, Андреев, Михайлов, Чернышов, Косченко, Чадаев ва бошқалар)га юборилган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари туб аҳолиси вакилларида бўлган ҳарбий мажбуриятлиларни сафарбар қилиш изчиллик билан амалга ошириш белгилаб берилган. Халқ комиссариатларидан ишчи йилининг аниқ ой/квартали учун ишчи кучига олинган ҳисоб-китобларни текширишдан ва ССР Иттифоқи Давлат режаси тасдиқлаган Қўмита

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ССР республикаларидан зарур бўлган миқдордаги ҳарбий мажбуриятлиларни сафарбар қилишга наряд берган. Мазкур наряд асосида СССР мудофаа халқ комиссарлигининг Сафарбарлик бўлими Ўрта Осиё ҳарбий округининг сафарбарлик бўлимига директива юборган, унда сафарбарлик мазкур босқичининг санаси ва республика, сафарбар қилинаётган кишилар сони, сафарбар қилинганлар контингенти, жўнатиш ва бориш жойи аниқ кўрсатилган.

Масалан, Чкалов вилоятида Электростанциялар халқ комиссарлигининг Орск тепозлектромаркази қурилиши учун СССР мудофаа халқ комиссарлигининг №м/5/4824 сонли директиваси бўйича 1943 йил биринчи чорагида Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон ССРда ҳарбий мажбуриятлиларни сафарбар қилиш амалга оширилди. Ҳужжат республика ҳарбий комиссариатлари томонидан дарҳол ижро этилиши учун қабул қилинди. Ўрта Осиё республикаларида сафарбарликнинг мазкур босқичини

Кўрсаткичлар Халқ комиссариати	Сафарбарлик режаси		Сафарбар қилинган			
	Жами киши	ЎОҲО киши	Жами, киши	Режа, %	ЎОҲО киши	Режа, %
Ўқ-дорилар	75800	17000	55589	73,34	808	4,75
Қурол-яроғ	39325	12000	32609	82,92	2000	16,67
Нефть саноати	22910	15000	10050	43,87	4344	28,96
Қурилиш бўйича	71070	43000	17145	24,12	6451	15,00/
Алоқа йўллари	92465	57500	31339	33,89	7577	13,18
Қурилиш материаллари	1894	3000	710	48,68	150	5,00
Кимё саноати	2240	2000	1221	34,96	256	12,80
Қўмир саноати	104350	55000	69891	66,98	23977	43,60
Рангли металлургия	42690	14800	25707	60,22	1209	8,17
Қора металлургия	98565	27500	70142	71,16	4400	16,00
Электростанциялар	661510	39000	26654	40,08	3395	8,71
<b>Жами иттифоқ бўйича:</b>	<b>1212819</b>	<b>285800</b>	<b>341057</b>		<b>54567</b>	<b>1212819</b>



ўтказиш учун Давлат Мудофаа Қўмитасининг 1942 йил 22 декабридаги мажлисида берилган топшириқ (наряд) асос бўлди.<sup>1</sup>

Ўрта Осиё Ҳарбий Округи ҳарбий мажбуриятлиларни сафарбар қилиш 1942 йил октябрида бошланган бўлса-да, 1943 йилнинг 1 январда мамлакат саноат, қурилиш ва темир йўл транспорти объектларига Ўрта Осиё ва Қозоғистон ССР республикаларининг меҳнат армиячила-

қилиш миқдори оширилган. Кўрсатилган санада ДМҚ Комиссияси №2414-сонли Қарорни бажариш учун Ўрта Осиё ҳудуди ва Қозоғистонда ҳарбий мажбуриятлиларни сафарбар қилиш учун умумий 318700 кишига топшириқ берди. ЎОҲО ҳарбий мажбуриятлиларини Ўрта Осиё ҳудуди ва Қозоғистон ССРга бўлинган ҳолати қуйидаги жадвалда ифодаланган<sup>3</sup>.

1943 йил 15 январда ДМҚ ЎОҲО **318000 нафар**

### Давлат Мудофаа Қўмитасининг 1942 йил 15 январдаги №2414-сонли қарорининг бажарилиши

Кўрсаткичлар/ Иттифоқдош республика	Жами, киши	топшириқ берилган		топшириқ бўйича қолдиқ	
		киши	%	киши	%
Қозоғистон ССР	100000	69000	69,00	31000	31,00
Қирғизистон ССР	30000	29600	98,67	400	1,33
Тожикистон ССР	40000	33900	84,75	6100	15,25
Туркменистон ССР	30000	22500	75,00	7500	25,00
Ўзбекистон ССР	150000	163000	109,13	+13700	---
Жами	<b>350000</b>	<b>318000</b>	<b>91,06</b>	<b>31300</b>	<b>8,94</b>

ридан 54567 нафар киши сафарбар қилиниб ишлаш учун жўнатилган. Иттифоқнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисини 1942 йил февралдан декабригача Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Ишчи кучини ҳисобга олиш ва тақсимлаш Қўмитаси ҳамда Мудофаа халқ комиссарлиги томонидан ДМҚ 1942 йил 14 октябрдаги №2414 қарори бўйича Ўрта Осиё республикалари ҳудудларида амалга оширилган сафарбарлик натижаларининг 1942 йил 13 – февралдан 31 декабригача бўлган ҳолатни қуйидаги таҳлилда кўриш мумкин.<sup>2</sup>

Бу жадвалдан 7 иттифоқ халқ комиссариатлари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари биринчи босқичда сафарбар қилинган меҳнат армиячиларидан бирорта ҳам олинмаган, икки халқ комиссариатида буюртма берилган ходимлар сони камайтирилган.

Бироқ икки ҳафтадан сўнг 1943 йил 15 январдан Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССРда ҳарбий мажбуриятлиларни сафарбар

ҳарбий мажбуриятлиларни ёки №2414-сонли Қарорда белгиланган 91,06 % ни сафарбар қилиш учун топшириқ берилган. Ўзбекистон бўйича ЎОҲО ҳарбий мажбуриятлиларининг сафарбар қилиши белгиланган квотадан **13000 тага** ортиқ, яъни 9,13% га юқори бўлган. ДМҚ №2414-сонли ва бошқа Қарорларини, СССР ХКС қарорларини бажариш учун ДМҚ Комиссияси 1943 йил март ойигача ЎОҲО меҳнат армиячиларидан **351750 нафари** сафарбар этилиши керак эди.<sup>4</sup>

1943 йил 15 январда мазкур рақамдан **161000 киши** ёки 45,77% Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР фуқаролари белгиланган жойга юборилди. ЎОҲО ҳарбий мажбуриятлиларидан яна **37000 киши** ёки 10,57% йиғин нуқталаарида жўнатишга тайёрлаб қўйилди.<sup>5</sup>

ЎОҲО меҳнат армиячилари жойлашган алоҳида эшелонлар йўлдаги ҳаракатланишида оралиқ темир йўл станцияларида 4-8 суткага тўхтаб

<sup>1</sup> ГАРФ. Фонд Р-9517. Рўйхат -1, иш - 26, 46-варақ.

<sup>2</sup> ГАРФ. Фонд Р-9517, рўйхат-1, иш-7, 10-варақ

<sup>3</sup> ГАРФ. Фонд Р-9517, рўйхат-1, иш-26, 1-варақ.

<sup>4</sup> ГАРФ. Фонд Р-9517, рўйхат-1, иш-26, 4-варақ.

<sup>5</sup> ГАРФ. Фонд Р-9517, рўйхат-1, иш-26, 1-варақ.



қолиш ҳолатлари кузатилган ва ҳужжатларда қайд қилинган. Ўрта Осиё меҳнат армиячиларини Урал, Сибирь ва мамлакатнинг европа қисмига ташиб кетишда пайдо бўлган қийинчиликларни ҳисобга олиб Давлат мудрофаа қўмитасининг Комиссияси аъзолари ДМҚ раисининг ўринбосари В.М.Молоотовга берилган топшириқлар (1943 йил 1 апрелгача) бўйича ЎОҲО меҳнат армиячиларини ташиб кетишни кечиктириш таклифини бердилар. Ўрта Осиёдан Иттифоқнинг европа қисмига темир йил орқали ташиб кетишда пайдо бўлган муаммолар кўпайган

Жанубий Уралга жўнатилган меҳнат армиячилари касаллик туфайли, эшелонлардаги норозилик ҳаракатлари, поездлардан тушиб қолиш ва бошқа сабабларга кўра белгиланган миқдордаги ишчи кучи ўз манзилларига етиб бормаган.<sup>3</sup> 1943 йил апрел ойи бошларида ЎОҲО меҳнат армиячилари 12 та халқ комиссарлигининг Урал, Сибирь, мамлакатнинг европа қисми, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги 114 та саноат ва қурилиш объектларида меҳнат қилганлигини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин<sup>4</sup>:

**Алоҳида халқ комиссариатлари бўйича ЎОҲО меҳнат армиячиларининг  
Иттифоқ ҳудудларидаги миқдори, 1943 йил 1 апрель**

Кўрсаткичлар/ Халқ комиссариати	Объектлар сони, донга			Меҳнат армиячилари сони, киши		
	Жами	Жанубий Урал	Ўрта осие	Жами	Жанубий Урал	Ўрта Осиё
Ўқ-дорилар х/к	17	1	Маъ.йўқ	10764	1343	Маъ. йўқ
Қурол-яроқ х/к	7	1	Маъ.йўқ	6414	1000	Маъ.йўқ
Миномёт қуроли	1	Маъ.йўқ	1	3360	Маъ.йўқ	3360
Нефть саноати	3	Маъ.йўқ	2	1426	Маъ.йўқ	932
Қурилиш бўйича	14	5	1	10410	3363	400
Алоқа йўллари	9	1	1	13641	1024	2000
Резина саноати	16	1	Маъ.йўқ	1718	168	Маъ.йўқ
Кўмир саноати	8	1	2	10162	1000	2000
Кимё саноати	15	Маъ.йўқ	1	7724	Маъ.йўқ	900
Рангли металлургия	8	2	Маъ.йўқ	2915	500	Маъ.йўқ
Қора металлургия	12	2	Маъ.йўқ	10064	1300	Маъ.йўқ
Электростанциялар	4	1	2	17313	500	13877
<b>Жами:</b>	<b>114</b>	<b>15</b>	<b>10</b>	<b>93911</b>	<b>10400</b>	<b>25489</b>

лиги сабабли, 1943 йил 22 февралда ДМҚ «Ўрта Осиё республикаларининг ҳарбий мажбуриятлиларини саноатга, темир йўл қурилиши ва саноат корхоналарига меҳнат қилиш учун ташиб кетиш тўғрисида»ги №2923-сонли Қарори қабул қилиниб, унда Ўрта Осиёлик меҳнат армиячиларини Уралга ва мамлакатнинг европа қисмига ташиб бориш вақтинча, яъни 1943 йил 1 апрелгача тўхтатилган<sup>1</sup>.

ЎОҲО Ўрта Осиё меҳнат армиячилари 1942 йил ноябрида Челябинск вилоятига, 1943 йил бошланишида Чкалов вилоятига йўналтирилиб темир йўл эшелонлари орқали жўнатилган. Илк сафарбар этилганлар Челябинск саноат объектларига, шу жумладан, Челябинск Киров заводида етиб келганлар<sup>2</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё республикаларидан сафарбар қилинганларнинг бир қисми 1943 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон ҳудудида ишлаган.

Ўрта Осиё минтақасида уларнинг ишга қолдирилганларидан 15877 киши Чирчиқ дарёсида 10 та кичик гидроэлектр станцияларидан иборат каскад қурилишида ишлаган. Бу қурилиш ДМҚ 1942 йил 10 декабрдаги №2520 - сонли Қарори асосида электростанциялар халқ комиссариати учун амалга оширилган<sup>5</sup>. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Бекобод шаҳрида қурилиш халқ комиссариати олиб борган ва Ўрта Осиёда биринчи бўлган металлургия заводи қурилишида ҳам ЎОҲО меҳнат армия-

<sup>1</sup> ГАРФ. Фонд Р-9517, рўйхат-1, иш-26, 2-варақ.

<sup>2</sup> ОГАЧО. Фонд Р-792, рўйхат-5, иш-34, 183-варақ.

<sup>3</sup> ОГАЧО. Фонд П-288, рўйхат-8, иш-261, 48-варақ.

<sup>4</sup> ГАРФ. Фонд Р-9517, рўйхат-1, иш-26, 28-31-варақлар.

<sup>5</sup> РГАСПИ. Фонд-17, рўйхат-122, иш-37, 68-варақ.



чилари меҳнат қилишган. Қолаверса, Фарход ГЭСи қурилишида фаолият кўрсатган меҳнат армиячиларини алоҳида масала сифатида беришни маъқул кўрдик (*муаллиф*).

Жанубий Урал объектларидаги ишлар учун жўнатилган ЎОҲО меҳнат армиячилари Челябинск, Копейск райониди, Челябинск вилоятининг Коркино қўрғони ва Чкалов вилоятининг Домбаровка қўрғонларига жойлаштирилган. Қурилиш халқ комиссариатининг объектларида ишлаш учун Ўрта Осиё ишчилари Челябинск, Миасс, Златоуст, Магнитогорск (Челябинск вилояти) ва Орскда, Медногорск (Чкалов вилояти)да қўним топганлар.

Ўрта Осиё республикаларидан бўлган ишчилар ўнлаб комиссариатларга бўйсунувчи корхоналар қаторида машинасозлик ва металл қайта ишлаш корхоналарида ҳам оғир меҳнат қилишган. Челябинскда Серго Оржоникидзе номидаги завод ва Челябинск Киров заводида бронетанк ишлаб чиқаришда ҳам намуна кўрсатганлар.

Қора металлургия Халқ комиссариати (ҚМХК) ва Рангли металлургия Халқ комиссариати йўналиши бўйича Ўрта Осиёдан жўнатилган меҳнат армиячилари Челябинск, Златоуст, Карабаш, Катав-Ивановск, Кишти, Сатка (Челябинск вилояти)да шунингдек Орск, Новотроицк, Медногорск (Чкалов вилояти)да меҳнат қилганлар. ЎОҲО меҳнат армиячилари Алоқа йўллари Халқ комиссариати (АЙХК) объектларида Челябинск, Чкалов, шунингдек Челябинск вилоятининг Картала ва Троицк шаҳарларида ҳам ишлаганлар.

Ўрта Осиё республикалари ишчилари Челябинск ва Чкалов вилоятларидаги объектларда меҳнат қилиб энергетика объектлари қурилишида, яъни Челябинск-№1 ТЭЦ<sup>1\*</sup> ва ЧМЗ<sup>2\*</sup> ТЭЦ, шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек Орскдаги ТЭЦ қурилишида (500 нафар<sup>3</sup>) иштирок этганлар. Бундан ташқари, ЎОҲО меҳнат армиячилари Челябинск вилоя-

тидаги Зиёратқўл ГЭС қурилишида, Чкаловда резина саноати Халқ комиссариатига қарашли (РСХК) синтетик каучук ишлаб чиқарадиган №СК-8 заводида<sup>4</sup>, Ўқ-дорилар Халқ комиссариатига қарашли (ЎДХК) Челябинскдаги №78, Копейскдаги №114, Златоустдаги №24 заводларида<sup>5</sup> ҳам ишлаганлар.

1943 – 1944 йилларда улар нафақат саноат ва қурилиш объектлари ёнидаги ишчи қўрғонларида, шунингдек, ГУЛАГ тизимидаги меҳнат-ахлоқ тузатиш лагерлари ва лагер участкаларининг турар-жой зоналарига жойлаштирилиб, уларга ҳам лагер аҳолиси учун татбиқ қилинган яшаш ва ички тартиб қоидалари жорий этилган.

1943 йилнинг сентябр охирида Челябинскдаги меҳнат армиячиларининг миллий таркиби қуйидагича: ўзбеклар **7500 киши**, қозоқлар **3280 киши**, тожиклар **3548 киши**, қирғизлар **1603 киши**, туркманлар **1200 киши** ва 1250 нафар бошқа миллат вакиллари, жами **19679 киши** бўлган.<sup>6</sup>

1943 йил май охирида Чкалов вилоятида 3323 нафар бўлган меҳнат армиячилари<sup>7</sup> миқдори 1943 йил июнь ўрталарига келиб **10600 нафар**га етган. Улар орасида қозоқ, тожик, қирғиз ҳамда ўзбек миллатига мансуб кишилар бўлган. Бу миқдорий кўрсаткичлар доимий ўзгариб турган.

ЎОҲО меҳнат армиячиларининг Жанубий Уралга етиб келганидан сўнг Ўрта Осиёликларнинг жисмоний ҳолати, саломатлиги ва мувафақиятли меҳнати учун жойлардаги яшаш шароитлари катта аҳамиятга эга эди. Бу эса ўз навбатида саноат корхоналари, маҳаллий совет ва партия ҳокимияти раҳбарларининг ҳаракатларига боғлиқ эди. Баъзи корхоналарда зарур турар-жой шароитларини яратиб, меҳнат армиячиларини жойлаштиришга масъулият билан ёндашдилар.

1943 йил 17 октябрда ДМҚ «Ўрта Осиё республикаларининг ҳарбий мажбуриятлилари ва бошқа аҳолисини уларнинг ўз ҳудудла-

<sup>1</sup> \* ТЭЦ – тепло-электростанция. Иссиқлик электростанцияси.

<sup>2</sup> \* ЧМЗ – Челябинский машиностроительный завод. Челябинск машина қурилиш заводи.

<sup>3</sup> ГАРФ. Фонд Р-9517, рўйхат-1, иш-26, 31-варақ.

<sup>4</sup> ОГАЧО. Фонд П-288, рўйхат-7, иш-38, 103-варақ.

<sup>5</sup> ГАРФ. Фонд Р-9517, рўйхат-1, иш-26, 30-варақ.

<sup>6</sup> ОГАЧО. Фонд П-288, рўйхат-7, иш-126, 38-варақ.

<sup>7</sup> ГАРФ. Фонд 9517, рўйхат-1, иш-26, 28-30-варақлар.





ридан ташқаридаги ишларга сафарбарлик қилишни тўхтатиш ва ушбу республикалардан бўлган ишчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида»ги №4348 қарори<sup>1</sup> қабул қилинганидан кейин ЎОҲО меҳнат армиячиларини Мудофаа халқ комиссариати орқали Жанубий Уралга юбориш бекор қилинган.

Бунинг бир қанча сабаблари бўлиб, аввало, ишчилар учун яшаш ва ишлаши учун қулай шароитлар бўлмаганлиги, уларнинг техника хавфсизлиги қоидалари билан таъминланмаганлиги, касалликка чалиниши ва бошқа шу турдаги сабаблар бўлган.

Архив материалларининг далолат беришича, ишлаб чиқариш, партия, совет органлари, шунингдек, Ички ишлар Халқ комиссарлиги Ўрта Осиёдан сафарбар этилган ишчиларнинг турар-жой шароитлари, озиқ-овқат ва кийим-бош таъминоти масалаларининг ҳолати бўйича маълумотга эга эканликларини Челябинск давлат университети тадқиқотчиси Б.Шмыровнинг илмий хулосаларидан ҳам билиш мумкин: «...Ўрта Осиё республикаларидан келганлар.....жуда оғир шароитларда яшамоқда» деб қайд қилинган<sup>2</sup>. Челябинск ва Чкалов вилоятлари партия ташкилотлари раҳбарияти юзага келган вазиятга «...Биз меҳнаткашлардан ишлаб чиқариш режасини бажаришни талаб қилдик, лекин меҳнаткашларнинг маиший шароитларини мутлақо эсдан чиқардик» деб, тўғри баҳо берилган.<sup>3</sup>

Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Челяб-металлургстрой» трестидан меҳнат қилган 31742 нафар ишчилар орасида кўплаб ўзбекистонликлар бўлган. Бу ишчиларнинг кучи билан Челябинск вилоятида 19 та завод ва 2 та фабрика қуриб, фойдаланишга топширилган. Шу қурилишда ўзбекистонлик меҳнат армиячилари ҳам талайгина бўлган. Аниқлашимизча Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан – 243 нафар, Самарқанд вилоятидан – 45 нафар, Бухоро вилоятидан – 3 нафар, Қўқон шаҳридан – 9 нафар, Фарғона шаҳридан – 16 нафар, Марғилон шаҳридан – 1 нафар, Наманган шаҳридан – 1 нафар, Андижон шаҳридан – 6 нафар, Хоразм вилоятидан – 16 нафар, Янги Бухородан – 1 нафар, Урганч шаҳридан – 7 нафар ўзбекистонлик меҳнат армиячилар бўлган.<sup>4</sup>

Жанубий Уралга келган ўрта осийлик ишчилар аввал кўрсатилган қатор сабабларга кўра қоида тариқасида малака талаб қилмайдиган ишларда қора ишчи, ер қазувчи, юк ташувчи ва бошқа ишларга жалб қилинган бўлса-да, уларнинг аксарият қисми Челябинск ва Чкалов вилоятларидаги ишлаб чиқариш объектлари қурилишида, машинасозликда, қазиб олиш, қора ва рангли металлургия корхоналарида меҳнат қилишган.

Хуллас бу йўналишда тадқиқот ишларини жадаллаштириш ва келажақда ҳаракатдаги аскар мақомига тенглаштирилган «меҳнат армиячилари» («қуролсиз аскарлар»)нинг тарихи ва тақдирини тарихий адолат ва илмий таҳлил асосида ёритиш мақсад қилиб олинган.

<sup>1</sup> РГАСПИ. Фонд 644, рўйхат-1, иш-164, 92-варақ.

<sup>2</sup> ОГАЧО. Фонд 1025, рўйхат-1, иш-47, 32-варақ.

<sup>3</sup> Шмыров Б.Д. Трудамобилизованные Средне-азиатского военного округа на стройках и промышленных предприятиях Южного Урала в годы Великой отечественной войны. Диссертация на соискание степени кандидата исторических наук. Челябинск, 2016. -С.83.

<sup>4</sup> Интернет маълумотларидан. <https://archive74.ru/dbases/rvk/rvk/>



## УРАЛДАГИ «МЕҲНАТ АРМИЯЧИЛАРИ»НИНГ ИЖТИМОЙ АҲВОЛИ

Х.Қурбонов,  
тарих фанлари номзоди, доцент

Тарихимизнинг ҳам «қонли», ҳам «шонли» даврида халқимизнинг мардлик, жасорат ва ватанпарварлик фазилатлари ҳақиқий «синовларда» тобланди.

XX асрнинг фожиаларидан бири, инсоният тарихида мисли кўрилмаган йўқотишларга сабаб бўлган, ўз даврида тарихни ўзгартириб юборган Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига не-не кулфату, не-не ғамларни солди.

Ҳали юртдошларимиз XX асрнинг 30-йилларидаги машъум воқеалар, мажбурий коллективлаштириш, параллел равишда ўтказилган қулоқлаштириш ва сургун жараёнлари, бу етмагандек 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин» сиёсатларининг фожиали оқибатларини ҳали эсидан чиқариб улгурмаган эди.

Бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан Иккинчи жаҳон уруши даври ҳақида кўплаб изланишлар олиб борилиб, тадқиқотлар натижалари юзасидан мақолалар, рисола ва монографиялар чоп этилмоқда.

Президент Ш.Мирзиёев томонидан 2023 йилнинг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим» деб номланиши «халқпарвар давлат» яратишда, Янги Ўзбекистонни тараққий эттиришда бош ва асосий омил инсон ва унинг қадри эканлиги алоҳида таъкидланди. Ш.М.Мирзиёевнинг «Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир», деган фикрларига ҳамоҳанг ҳолда тарихни, айниқса, инсон қадри билан боғлиқ тарихни ўрганишда ўзгача ёндашув бўлиши мақсадга мувофиқ.

Тарихни шу нуқтаи назардан ўрганилганда, айнан Иккинчи жаҳон уруши йилларида

ҳаракатдаги аскар мақомидаги «қуролсиз аскарлар» тарихи ва тақдирини алоҳида тадқиқ этиш ниҳоятда долзарб масалалардан биридир.

СССР Мудофаа Қўмитасининг 1942 йил 14 октябрдаги «ўта махфий» қарорига мувофиқ Ўрта Осиёдан 350 минг киши Урал ҳудудларига мудофаа учун зарур бўлган қурол-аслаҳа, ўқдори, ҳарбий кийимлар ишлаб чиқариш учун сафарбар этилган. Улардан 150 минг киши ўзбекистонлик юртдошлар Уралдаги ўнлаб вилоятлардаги 15 та Халқ комиссарлигига қарашли бўлган 111 та<sup>1</sup> ишлаб чиқариш объектларида меҳнат қилиш учун сафарбар қилинган.

Авалги мақолаларимизда «Қуролсиз аскарлар ким?», уларнинг категориялари, ҳудудлар бўйича тақсимоли, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ масалалар қисман ёритилган эди.<sup>2</sup>

Бу мақолада оғир ва машаққатли меҳнат учун ноқулай шароитлар ва меҳнат унумдорлигининг пасайиш сабаблари Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ), Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви (РГАСПИ), Челябинск вилояти бирлашган давлат архив (ОГАЧО)ларининг 30 дан ортиқ фондларида сақланаётган бирламчи архив ҳужжатлари асосида баҳоли-қудрат очиб беришга ҳаракат қилинади.

<sup>1</sup> ГАРФ (Россия Федерациясининг Давлат архиви). Фонд - 9517, рўйхат -1, иш-26, 28-31-варақлар.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р. Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага қўшган ҳиссаси. // Водийнома, 2019. №3 (14). – Б.2-31; Шамсутдинов Р., Қурбонов Х. Меҳнат армиячилари – «Қуролсиз аскарлар»нинг ғалабага қўшган ҳиссасига доир // Водийнома, 2020. №2 (17). – Б.8-25; Шамсутдинов Р., Хошимов С., Қурбонов Х. «Қуролсиз аскарлар» // Водийнома, 2020. №3 (18). – Б.58-62 ва б.



*Жанубий Уралдаги танк ишлаб чиқариш заводи*



*Ивдельлаг. Иккинчи жаҳон уруши даврида.*



*Ўрта Уралдаги меҳнат армиясида хизмат қилганларнинг  
ҳозирда ўша ҳудудда яшаётган авлодларидан бир гуруҳи*

**Меҳнат армиячиларининг кутиб олиниши ва жойлаштирилиши**

Ўрта Осиё ҳарбий округи (ЎОҲО, САВО – рус тилида) меҳнат армиячилари учун Жанубий Уралга келиш ва озиқ-овқат рационидаги ўзгаришлар жиддий муаммоларга сабаб бўлган. Ўрта осиеликлар учун одатий бўлган озиқ-овқатлар таркиби уларга хос бўлмаган овқатланиш рационига ўзгарди. Ўрта Осиё аҳолиси учун хос бўлган гуруч, уй нони, пахта мойи, қўй гўшти ва қўй мойи, кўк чой, қурутилган мевалар ва миллий носвойнинг бутунлай йўқлиги шароитида уларнинг рациони картошка, крупа, қора нон, мол гўшти, мол ва чўчка ёғига ўзгарди.

Иқлимнинг алмашиши ҳам меҳнат армиячиларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда 1943-1944 йилларда Жанубий Уралдаги меҳнат армиячилари сонининг камайишига олиб келди. 1943 йилнинг март ойида ўрта осиелик меҳнат армиячиларини тиббий кўриқдан ўтказган Челябинск шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими меҳнаткашларнинг «касалланишининг асосий сабаблари: иқлимнинг ўта совуқлиги, озиқ-овқат таркиби ва рационнинг ўзгариши яъни, қуюқ овқатлар, сабзавот ва мевалар кам истеъмол қилиниши, сув таркибининг ўзгариши» оқибатида сафарбар қилинганларнинг 50 дан 60 ёшгача бўлган ишчиларнинг оғир меҳнат қилиши учун уларнинг қуввати, куч-мадо-

**ЎОҲО меҳнат армиячилари сонининг Жанубий Уралда қисқариши сабаблари, 1943 йил 31 декабр ҳолати<sup>1</sup>.**

Кўрсаткичлар/ кетиш сабаблар	Челябинск вил.		Чкалов вилояти		Жанубий Урал	
	Меҳнат армиячилари/ кишии	Умум. сонига %	м/а, киши	Умум сонига %	м/а, киши	Умум сонига %
Касаллик	4275	47,30	маъ. йўқ	маъ. йўқ	4275	40,7
Дезертирлик	2878	31,84	708	43,46	3586	33,61
Ўлим	1105	12,22	452	27,75	1557	14,60
Уйига жўнатилган	609	6,74	457	28,05	1066	9,99
РККА чақирuvi	54	0,6	маъ. йўқ	маъ. йўқ	54	0,51
Жиний жавоб.к	24	0,27	12	0,74	36	0,34
Сабаби кўрсатилмаган	94	1,03	маъ. йўқ	маъ. йўқ	94	0,88
Жами:	<b>9039</b>	<b>100,00</b>	<b>1629</b>	<b>100,00</b>	<b>10668</b>	<b>100,00</b>

<sup>1</sup> ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат – 8, иш – 261, варақлар 3-5, 7, 8, 11, 41, 43, 45, 49, 50, 53, 59, 60, 86.





ри етмаганлиги каби бошқа сабаблар бўлган.<sup>1</sup> Шунингдек, меҳнат армиячиларининг ҳаёт кечириш тарзи ва шароитлари ўта нобоплиги, об-ҳавонинг совуқлиги, маиший аҳволнинг беҳад ёмонлиги, ҳаётнинг зерикарли ва бир маромдалиги, истиқомат жойларидаги минимал санитария-гигиена ва маиший шароитлари, иш жойларидаги кучайтирилган меҳнат фаолиятининг оғирлиги, меҳнат сменасидан кейин меъёрий дам олиш имкониятининг амалда йўқлиги, озиқ-овқат ва ачинарли кийим-кечак таъминоти масалаларининг охиригача ҳал қилинмаганлиги кўпинча уларнинг касал бўлиши ва вафот этишларига олиб келган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тушлиқда биринчи ва иккинчи овқат берилган вақтда ўрта осиелик меҳнат армиячилари колбаса, котлет, пишлоқ, айрим балиқ турларидан тайёрланган овқатларни ейишмаган. Бунда, ислом динида ман қилинган ҳайвон гўштларидан фойдаланилган деган, хулосага келишган эди. Шунинг учун, аксарият меҳнат армиячилари иккинчи овқатни сотишган ва пулларини асраб юришган. Мисол учун: «Копейскқўмир» трестида вафот этган шахтёрларнинг бирининг чопонига тикилган 15000-20000 сўм пул топилган ва бу ҳолатлар ягона бўлмаган.<sup>2</sup>

1943 йилда Жанубий Уралдаги меҳнат армиячилари сонининг камайишини қуйидаги жадвал маълумотларида билиш мумкин.

Жанубий Уралдаги ЎОҲО меҳнат армиячилари сони қисқаришининг асосий сабаби турли касалликлар (40,07%), дезертирлик (33,61%), ўлим (14,60%), уларнинг жисмоний ҳолатининг кучсизлигига олиб келган.

Буларнинг барчаси биргаликда ўрта осиелик ишчилар сонининг қисқаришига, уларнинг ахлоқий-руҳий ва жисмоний ҳолатининг пасайишига ҳам олиб келган.

ЎОҲО меҳнат армиячиларининг Челябинск ва Чкалов вилоятларидаги миқдорини қисқаришидаги ҳолат Ўрта Осие республикаларида яшаб турган ва меҳнат қилаётган ҳудудлар билан ўхшаш эди.

Чкалов вилояти Новотроицк шаҳрида ОСМЧ-23 раҳбарияти ЎОҲО меҳнат армиячилари учун тоза ва ёруғ ётоқ жойлар ва кўрпа-тўшак буюмлари қўйилган ётоқхона, яъни жами 16 та уйни тайёрлаганлар. Орск шаҳрида Ўрта осиеликларни етказиб келган эшелонни кутиб олиш учун Чкалов номидаги нефть ҳайдаш заводи учун сафарбар қилинган меҳнат армиячилари бўлган эшелонни мусиқа, чой-нон билан кутиб олишган, уларни бу жойда яшаб ишлаётган меҳнат армиячиларининг завод ишчилари билан танишув маросими ўтказилган, улар дезинфекцияга, саргарошхона ва ҳаммомга олиб борилган.

Жанубий Урал никель комбинати қурувчилари бўлган ЎОҲО меҳнат армиячилари учун маъмурият томонидан ётоқхоналарда тоза кўрпа-тўшакли ўринлар тайёрланган. Аммо Миасса шаҳрида эса 1943 йил баҳорида ЎОҲО меҳнат армиячилари келиши арафасида ётоқхоналар тайёр бўлмаган. 1944 йил январида бу масалада ўзгариш юз бермаган. Архив ҳужжатларида «Ўрта Осие республикаларидан келган ва Сталин номидаги №661 заводда меҳнат қилаётган ишчилар жуда оғир шароитларда яшамокдалар, ётоқхоналар жиҳозланмаган» деган ёзувлар қайд этилган.<sup>3</sup>

1943 йил мартда Куйбишев (ҳозирги Самара) вилояти корхоналарида Ўрта Осиедан келтирилган 6714 меҳнат армиячиси иш бошлаган. №309 (881 нафар) ҳамда ОСМЧ-52 (833 нафар) жами 1714 киши меҳнат қилган. Йил охирига келиб ишлаб чиқаришда атига 1100 киши қолган, яъни 35,82% камайиб кетган. 1943 йилнинг март-апрель ойларида Куйбишев вилоятида 1979 нафар ишчилар қолган, бу эса сафарбар қилинганларнинг 29,48% ини ташкил қилган<sup>4</sup>.

ЎОҲО меҳнат армиячиларининг Жанубий Уралдаги миқдорий ўзгаришининг тўлиқ манзараси шундай бўлган: Челябинск ва Челябинск вилоятининг алоҳида хўжалик объектларида 1943 йил январда ОСМУда 2225 нафар ўрта осиеликлар ишлаган, бир йилдан кейин корхонада 93 нафар ишчи қолган, холос.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> ОГАЧО (Челябинск вилояти бирлашган давлат архиви). Фонд - П-297, рўйхат - 2, иш - 876, варақ - 8.

<sup>2</sup> ОГАЧО. Фонд - П-297, рўйхат - 2, иш - 876, варақ - 33.

<sup>3</sup> ОГАЧО. Фонд - 1025, рўйхат - 1, иш - 32, варақ - 32.

<sup>4</sup> РГАСПИ. Фонд - 17, рўйхат - 122, иш - 50, варақлар - 26, 27.

<sup>5</sup> ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат - 8, иш - 261, варақ - 5.



Челябинск вилояти Миасс шаҳридаги «МАЗИС» автомобиль заводида 1943 йил баҳорида Ўрта Осиё республикаларига 802 киши сафарбар қилинган бўлиб, 1944 йилнинг 1 январидан 557 нафарга камайиб 245 нафар киши қолган. Шундан 346 нафар меҳнат армиячилари касаллик, 211 нафар эса жанжал чиқарганликлари учун ортга қайтариб юборилган.<sup>1</sup>

1944 йилнинг 1 январь ҳолатида Челябинск вилоятининг айрим корхоналарида ЎОҲО меҳнат армиячилари умуман қолмаган. Меҳнат армиячилари «касаллик, бошқа қурилишлар, армияга олинганлиги сабабли улар Тошкент шаҳридаги металлургия заводи қурилишига жўнатилган».<sup>2</sup>

Ҳисоботларга кўра 1943 йил Челябинск вилояти корхоналари ва хўжалик субъектларидан 8394 нафар ўрта осиелик меҳнат армиячилари турли сабаблар билан кетиб қолган<sup>3</sup>.

ЎОҲО меҳнат армиячиларининг жуда кўпчилиги рус тилини яхши билмасликлари, амалий малака ва ишчи касбларига эга бўлмаганлиги, техника хавфсизлиги қоидалари билан тўлиқ таниш бўлмаганликлари туфайли иш фаолиятида мураккабликларни келтириб чиқарган. Шу сабабли, корхоналардаги иш кучи тақсимотида сон жиҳатдан тўлиқ, аммо сифат жиҳатдан самара бермаган ҳолатлар ҳам кўп бўлган<sup>4</sup>.

1943 йилнинг иккинчи ярмидан Жанубий Уралга янги меҳнат армиячиларининг сафарбар этилишининг тўхтатиш вақти етган эди. Бунинг бир нечта сабаблари бўлиб, асосийси, Давлат мудофаа қўмитасининг 1942 йил 14 октябрдаги №2414-сонли қарорида белгиланган асосий кўрсаткичлар бўйича режа бажарилган эди.

Аммо, ҳужжатлардан аниқланишича бу ҳолат бўйича меҳнат армиячиларини жалб этиш тўла тугалланмаган эди.

Қолаверса, 1943 йилнинг иккинчи ярмидан

бошлаб Ўрта Осиё республикаларининг ўзида ҳам янги саноат ва ишлаб чиқариш объектларининг қурилиши, амалдагиларини кенгайтирилиши жадаллик билан олиб борилган. Бу объектларнинг қурилишини муваффақиятли яқунлаш ва ишга тушириш учун муайян миқдордаги ишчи кучи талаб қилинар эди. Айнан ўша вақтда Ўрта Осиё минтақасида мудофаа саноати корхоналари учун кўрсатилаётган даврда ишчи кучи етишмовчилиги 17 000 кишини ташкил қилган<sup>5</sup>.

Давлат мудофаа қўмитасининг қарор ва фармойишлари билан Ўрта Осиё республикаларида саноат ва қурилишда меҳнат қилиш учун 1943 йилнинг октябрдан 1944 йил октябрь ойига қадар ЎОҲО ҳарбий мажбуриятлилардан 24700 киши жалб қилинди.

Бу даврда ДМҚ (Давлат мудофаа қўмитаси) томонидан мазкур регионнинг турли масалаларига оид, биринчи навбатда бажарилиши зарур ишчи кучини жалб қилишни талаб қиладиган саноат соҳасига оид 27 ҳужжат қабул қилинди.

Давлат мудофаа қўмитасининг 1943 йил 17 октябрдаги «Ўрта Осиё республикалари ҳарбий мажбуриятлилари ва бошқа аҳолисини республика ҳудудларидан ташқаридаги ишларга сафарбарлик қилмаслик ва мазкур республикалардан бўлган ишчиларига хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида»ги №4348 қарори қабул қилинганидан кейин ҳам ЎОҲО меҳнат армиячиларини ўз ҳудудидан ташқарида бўлган саноат ва қурилиш ишларига сафарбар қилиш тўхтамади<sup>6</sup>. Жумладан, ИИХК (Ички ишлар халқ комиссарлиги) учун металлургия заводлари бунёд этаётган икки қурилиш бошқармаси – ИИХК ЧМЗ (Челябинск металл заводи) ва «Закавказметаллургстрой»<sup>7</sup> учун ишчи кучини етказиб бериш давом этди.

1944 йил 13 апрелдан 24 сентябргача муддатда Ўрта Осиё республикаларидан 4403 киши Грузиядаги қурилишга жўнатилган.<sup>8</sup> 1944 йил-

<sup>1</sup> ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат – 8, иш – 261, варақ - 41.

<sup>2</sup> ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат – 8, иш – 261, варақ - 8.

<sup>3</sup> ОГАЧО. Фонд - П-288, рўйхат – 8, иш – 261, варақлар – 3-5, 7, 8, 11, 41, 43, 45, 49, 50, 53, 59, 60.

<sup>4</sup> Ермолов, А.Ю. Танковая промышленность СССР в годы Великой Отечественной войны. М., 2009. - С.115.

<sup>5</sup> РГАСПИ. Фонд – 17, рўйхат – 122, иш – 37, варақ - 69.

<sup>6</sup> РГАСПИ. Фонд – 644, рўйхат – 1, иш – 164, варақ - 92.

<sup>7</sup> РГАСПИ. Фонд – 644, рўйхат – 1, иш – 220, варақлар – 226-232.

<sup>8</sup> ГАРФ. Фонд - Р-9414, рўйхат – 1, иш – 1222, варақлар - 13, 20, 25, 27, 36, 41, 43.



да жами бўлиб Ўрта Осиё республикаларидан ИИХК турли ҳудудларда амалга ошираётган саноат объектлари қурилишларига 16 192 киши юборилган.<sup>1</sup>

Бу даврга келиб ЎОҲО меҳнат армиячиларининг ҳуқуқий мақоми ҳам ўзгарди. 1944 йил октябрда ЧМЗ ҚБ (Қурилиш бошқармаси) кадрлар бошқармаси бошлиғи ва турар-жой коммунал бўлими бошлиғи уларни «қурилишда келгусида ишлаши учун эркин ёллаш асосида расмийлаштириш ва яхшиланган маиший

шароитларни, ётоқхона ва кўрпа-тўшак билан таъминлаш», белгиланган муддатни ЧМЗ ҚБ ёки ЧМЗ ишлаб чиқариш цехларида ишлаб беришлари учун «эркин ёлланганлар» тоифасига ўтказиш» тўғрисида кўрсатма олади<sup>2</sup>. Бу шартларни бажариш учун ҳар бир ходим билан алоҳида меҳнат шартномалари тузилган.

1945 йил январь-май ойларида собиқ ЎОҲО меҳнат армиячиларининг меҳнатга яроқли контингентидан 1000 нафар киши янги мақомга эга бўлган.<sup>3</sup>

### Жанубий Урал саноат ва қурилиш объектларида ЎОҲО меҳнат армиячиларининг жойлашуви, 1942 йил кузи - 1944 йил ёз фасли

ССР Иттифоқи халқ комиссариати	объект	Вилоят, аҳоли пункти
1	2	3
Автомобилсозлик	«ЗИС» темирчилик-пресслаш заводи	Челябинск шаҳри
	«Автозапчасть» заводи	Чкалов шаҳри
Автомобилсозлик, ИИХК, қурилиш бўйича	«МАЗИС» Урал автомобиль заводи	Челябинск вилояти, Миасс шаҳри
Ўқ-дорилар	№78 завод	Челябинск шаҳри
Ўқ-дорилар, қурилиш бўйича	№114, №259, №611 заводлар	Челябинск шаҳри
Қурол-яроғ	№24 Қурилиш бошқармаси	Челябинск шаҳри
	№24 завод	Челябинск вилояти, Златоуст шаҳри
Ўрмон саноати	Ёғоч заводи	Челябинск вилояти, Юрюзань шаҳри
	Кусинский ўрмон сан.хўжалиги Няз-Петровский ўрмон са.хўжалиги Саткинский ўрмон сан. Хўжалиги Уфалейский ўрмон сан. хўжалиги	Челябинск вилояти
	Ёғоч заводи	Чкалов вилояти
Машинасозлик, ИИХК	С.Оржоникидзе номидаги завод	Челябинск шаҳри
Нефть саноати	Чкалов номидаги нефтни қайта ҳайдаш заводи	Чкалов вилояти, Орск шаҳри
Қурилиш бўйича	«Аргазистрой» қурилиш бошқармаси	Челябинск вилояти
	256-қурилиш бошқармаси	Чкалов шаҳри
Қурилиш бўйича, ИИХК	Челябинск 1-ИЭЦ	Челябинск шаҳри
	ЧМЗ ИЭЦ	
	Орско-Халиловский металлургия комбинати	Чкалов вилояти, Орск шаҳри

<sup>1</sup> ГАРФ. Фонд - Р-9414, рўйхат - 1, иш - 1222, варақ - 77.

<sup>2</sup> ОГАЧО. Фонд - Р-1619, рўйхат - 2, иш - 19, варақ - 73.

<sup>3</sup> ОГАЧО. Фонд - Р-1619, рўйхат - 2, иш - 16, варақлар - 71, 91.



Алоқа йўллари	«Челябинск» т/й станцияси турар-жой дистанцияси паровоз бўлими 7 йўл дистанцияси № 20, №24 ҚБ	Челябинск шаҳри
	Баландино т/й станцияси «Картали» т/й станцияси «Троицк» т/й станцияси	Баландино қўрғони Картали шаҳри Троицк шаҳри
	Паровоз таъмирлаш заводи	Чкалов шаҳри
Электростанциялар қурилиши	Орск ИЭЦ	Чкалов вилояти, Орск шаҳри
1	2	3
Электростанциялар қурилиши	Зиёратқўл ГЭС	Челябинск вилояти, Зиёратқўл қўрғони
Танк саноати, ИИХК, қурилиш бўйича	Челябинск Киров заводи	Челябинск шаҳри
Кўмир саноати	«Еманжелисккўмир» трести «Копейсккўмир» трести «Коркинокўмир» трести «Челябкўмир» трести «Камишин» кон бошқармаси «Коркино» кон бошқармаси	Челябинск вилояти, Еманжелинск қўрғони Копейск шаҳри Коркино қўрғони
	«Домбаршахтстрой» «Чкаловкўмир» трести	Чкалов вилояти, Домбаровка қўрғони
Рангли металлургия	Мис эритиш заводи	Карабаш шаҳри
	Механика заводи Оловбардошли маҳсулотлар заводи Электрод заводи	Челябинск вилояти, Киштим шаҳри
	Никель заводи	Челябинск вилояти, Уфалей шаҳри
	Мис-олтингугурт заводи	Чкалов вилояти Медногорск шаҳри
	№1 кон бошқармаси Жанубий –Урал никель комбинати	Чкалов вилояти, Орск шаҳри
Қора металлургия	Металлургия заводи	Челябинск вилояти Златоуст шаҳри Катав-Ивановск шаҳри Сатка шаҳри Чебарқўл қўрғони
	Металлургия комбинати	Челябинск вилояти, Магнитогорск шаҳри
	Ворошилов номидаги ферроқотишмалар заводи Трубопрокат заводи	Челябинск шаҳри
	Шамот заводи	Чкалов вилояти, Новотроицк шаҳри
ИИХК, ЧМС	Металлургия заводи	Челябинск шаҳри
	Ғишт заводи	Потанино қўрғони
	Қурилиш бошқармаси	Бакал қўрғони
	Қишлоқ хўжалиги участкалари	Челябинск вилояти: Баландино қишлоғи, Тургояк қўрғони Муслимово қўрғони Кунашак қўрғони





ЎОҲО меҳнат армиячилари Жанубий Уралга етиб келгандан сўнг Челябинск ва Чкалов вилоятларининг марказларида бўлган саноат ва қурилиш объектларига, шунингдек, Челябинск ва Чкалов вилоятларининг аҳоли пунктларига тақсимот қилинди, у ерда улар тегишли халқ комиссариатларининг ходимлари каби умумий асосларда меҳнат қилишди. Бундан ташқари, ЎОҲО меҳнат армиячилари СССР ИИХК назорати остида амалга оширилаётган янги саноат корхоналари ва объектлари қурилишида иштирок этдилар. Бундай ҳолларда Қозоғистон ССР ва Ўрта Осиё республикаларидан бўлган ишчи-

лар иккиёқлама ҳолатга тушиб қолдилар. Бир томондан ЎОҲО меҳнат армиячилари эркин ёлланувчилар ҳуқуқида меҳнат қилиб юридик жиҳатдан мамлакатнинг эркин фуқаролари бўлиб ҳисобланган. Бошқа томондан уларга нисбатан ИИХК ҳуқуқий талаблари жорий этилиб меҳнат армиячилари тузатув лагери учун белгиланган яшаш тартиби, меҳнат фаолияти, иш ҳақи тўлови, рағбатлантириш, жазолаш, озик-овқат меъёри ва кийим-кечак таъминоти лагерь аҳолисининг бошқа контингентлари (маҳбуслар ва совет немислар меҳнат армиячилари) бир хил бўлган.



## ПРОФЕССОР ИЛҲОМ САИДОВ 70 ЁШДА

Шокир Фафоров, Фарходбек Набиев, Рустамбек Шамсутдинов



Проф. Илҳом Саидов

Халқимизнинг бой, ибратли ўтмиши ва мустақиллигимиз тарихини чуқур ўрганиш, унга холисона ёндашиш, мозий силсилаларини ҳаққоний таҳлил этиш ҳар бир тадқиқотчидан жуда катта масъулият, фидокорона меҳнат, шижоат, меҳр талаб этади. Ана шундай хислатга эга тарихнавис олимлардан бири профессор Илҳом Саидовдир. Қадимий ва ҳамшиша навқирон Самарқанд илму фан бешикларидан бири бўлган машҳур маскандир. Бу ерда ўзбек тарихчиларининг катта илмий мактаби яратилган. Бу мактабга тамал тошини қўйган ўнлаб устоз-мураббийлар ишини бугунги кунда кўплаб иқтидорли, билимдон тарихчилар муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Улардан бири профессор Илҳом Муҳиддинович мана шу муқаддас заминда 1953 йил 2-майда зиёлилар оиласида таваллуд топган. 70 ёшни қаршилаётган устоз ўзининг камолот сари босган қадамларини шундай хотирлайди:

«Тақдир мени ўқувчилик давримдаёқ бағрикенг азиз инсонларга рўбарў қилди. Маъруфжон Исмоилов, Мақсуд Салоҳиддинов, Мақсуд Насриддинов, Иноят Қудратов ва бошқа синфдошларим билан Самарқанд шаҳридаги 27-ўрта мактабда Тамара Ҳақбердиева, Любов Артишева, Юрий Фомин сингари зукко устозлар келажак ҳаёт йўлимга тамал тошини қўйганлар.

Устозлар меҳри, кўмаги, ибрати, ғамхўрлиги туфайли тарих фанининг ҳали очилмаган кўпдан-кўп янги қирраларидан сабоқ олдим. Бунда Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор Раҳимахон Ходиевна Аминованинг бевосита раҳбарлигида номзодлик, докторлик диссер-

тацияларини ҳимоя қилдим, кўплаб мақола, рисола ва китоблар яратдим. Ҳақиқий, чин шоғирдлар ўз пири-устозларида такрорланиши лозим деган ҳикматли фикр авлоддан-авлодга ўтиб келаётир.

Шунингдек, илмий-педагогик фаолиятим давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби М.У.Аминов, профессорлар – Ю.А.Алескеров, М.О.Эгамбердиев, М.М.Абрамов, Мавлон Жўрақулов, доцент О.Азимов, доцент К.Х. Самибоев ва бошқа устозларнинг кўмагини доимо ҳис қилиб турганман ва уларга ўхшаш учун ҳозиргача ҳаракат қилиб келмоқдаман».

Илҳом Саидовнинг илму фанда эришган бундай муваффақиятларининг замирида устози академик Раҳима Ходиевна Аминованинг ўрни ва роли ниҳоятда катта. Академик Р.Х.Аминова юқори малакали тарихчи олимларни тарбиялаб, ўзининг бутун ақлу заковатини, илму тажрибасини меҳрибон шоғирдларига инъом этиш, тарихчиларнинг янги авлодини яратиш бобида бошқа тарихчи олимларга ибрат намунаси эди. Фидокор Р.Х.Аминованинг илмий раҳбарлигида 50 дан зиёд киши номзодлик, 30 га яқин шоғирдлари докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Андижон давлат университетидаги марҳум И.А.Алимов, С.А.Воҳидова, А.Тожибоевлар номзодлик, докторлик диссертацияларини академик Р.Х.Аминова раҳбарлиги остида ҳимоя қилганлар. У Ўрта Осиё, собиқ иттифоқ, хорижда танилган забардаст, зукко, меҳрибон, фидойи олима эди. Шу ўринда собиқ иттифоқ Фанлар академияси академиги Ю.А.Поляков билан ниҳоятда яқин маслақдош эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Р.Т.Шамсутдинов Москвадалигида Ю.А.Поляков Р.Х.Аминовага хат ёзиб Тошкентдаги бир муаммоимни ҳал қилишга кўмак беришини илтимос қилганман. У Москвадан Тошкентга келгани-



Р.Х.Аминова, Х.Самибоев, Р.Мукашева (Самарқанд)

да Р.Х.Аминова Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг ўқув залида мотам либосида ҳужжатлар устида иш олиб бораётгани (онаси вафот этиб ҳали қирқи чиқмаган экан) шоҳиди бўлганман ва ҳайратланганман. Шунда ўқув залидан ташқарига чиқиб, бироз суҳбат қурганимиз ҳали-ҳамон эсимда. Таниқли тарихчи, мансабдор шахслардан бири, 2-3 йилдан бери «Революционные комитеты Советского Туркестана (1918-1923 гг.)» мавзуидаги монографиямни ўзида сақлаб, нашр этиш учун бирон-бир ҳужжат бермаётган эди. Ая ўша масъул шахс билан гаплашган, аммо натижа чиқмаган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Х.Ш.Иноятовнинг Москвадаги «Мысль» нашриётида 463 саҳифадан иборат «Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции» китоби катта тиражда босилган. Бу китоб билан танишганимда мен тақдим этган китоб қўлёзмасидаги материаллар, хулосалар, даврлаштиришлар, фактик материаллар келтирилгани, аниқ плагиатлик ҳолатининг гувоҳи бўлдим.

Устозим Ю.А.Поляковга бу ҳақда «Вопросы истории»да чиқиш қилишимни айтганимда домлам «қўйинг, бунга аҳамият берманг, кейин сизга қийин бўлади, у катта обрўли одам» деб маслаҳат берганди. Шунда мен розилик билдирганман. Бироқ ўша китобни қайта-қайта ўқигач мазкур масалани охиригача етиш кераклигини домламга асослаб тушунтирдим. Шунда у розилик берди. Натижада «Вопросы истории» журналида ўша муаллифнинг пла-


гиатлигини жуда нозик шаклда асослаб берилган мақолам эълон қилинди. Орадан бир йил ўтиб Х.Ш.Иноятов Тарих институтига келди. Биз учрашдик. У «Вопросы истории»да унинг китоби ҳақида менинг тақризим эълон қилинганини айтди, аммо ўқимаганини билдирди. Эртаси куни у билан учрашганимизда тақризим билан танишганини айтиб, мени қўрқитишга ҳаракат қилган. Мен унга жавобан эълон қилинган тақризга яна қўшимчалар бор, уларни ҳам илмий истеъмолга киритишимни айтганимда у ҳовуридан пасайган. У одам 1985 йилда Тошкентда вафот этган. Эслатилган қўлёзмам унинг архивида қолган, менда нусхаси қолмаган эди.

1986 йил СССР Фанлар Академияси Тарих институти илмий кенгаши докторлик диссертациямга расмий оппонент қилиб академик Р.Х. Аминовани тасдиқлади. Диссертация ва авторефератим билан Тошкентга келдим ва Р.Х.Аминова ҳузурда бўлдим. Шунда ая ниҳоятда оғир бетоб экан. Ҳолатни кўриб, узр сўраб тақриз қораламасини ёзиб келиб Сизга «тақдим этсам» деганимда Раҳима Ходиевна жуда ҳам майин овозда менга қараб «Йўқ, тақризни ўзим ёзаман ва Москвага Сизнинг ҳимоянгизга бораман, ахир сиз – андижонлик Москвада докторлик диссертациясини ҳимоя қиларкансиз, хаста бўлсам ҳам сизнинг ҳимоянгизда қатнашаман» деганида хижолатда танамдан муздек тер чиқиб кетган. Кейин билсам ая инсулт бўлган экан. Шунга қарамасдан 1987 йил декабрь бошларида Р.Х.Аминова Москвага келган. Мен, аёлим Фотимахон, ўғилларим Ойбек, Равшанбеклар билан бирга аяни кутиб олиш учун аэропортга келганмиз. Паспорт назоратидан ўтаётганда Раҳима ая юра олмай қолгани туфайли назорат постидан ташқарига чиқолмай қолган, 10-15 дақиқа ўтгач назорат постидан чиққан. Биз аяни Октябрьский метро ёнидаги меҳмонхонага жойлаштирганмиз. 1987 йил 7 декабрда ҳимояда расмий оппонент академик Р.Х.Аминова майин овоз билан ҳеч қандай қоғозга қарамасдан диссертация тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини рус тилида баён этдики, зал-



даги машхур академиклар, профессорлар лол қолган эдилар. Ҳимоядан сўнг ая докторлик диссертациялари устида ишлаётган шогирдлари масаласи юзасидан идораларга, журналлар таҳририятларига боргани, шогирдлари учун расмий оппонентларни аниқлаш билан шуғуллангани ҳали ҳамон эсимда. Ҳимоядан сўнг ҳам ая билан умрининг охиригача алоқада бўлдик. Андижон давлат педагогика институтида илмий анжуман ўтказдик. Шогирдлари билан бирга ташриф буюрган, маъруза ўқиган, анжуман иштирокчилари билан бирга бизнинг хонадонда бўлишган.

Академик Раҳима Ходиевна Аминовадек бағридарё устоз ардоғида униб ўсишдек бахтга мушарраф бўлган профессор Илҳом Саидов илму фанда, педагогик фаолиятида, жамоатчилик ишларида таҳсинга сазовор фаолият кўрсатиб келаётганини яқин-узқдан биламан ва унга ҳавас қиламан. У устозининг садоқатли, севимли шогирдидир. Устознинг назарини топган И.Саидов 1975 йилда СамДУ Фалсафа кафедрасида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган эди. Шу йили 10 декабрда аспирантуранинг кундузги бўлимига қабул қилинган. У 1992 йилдан Самарқанд давлат университетининг биринчи проректори, тарих факультети «Тарихшунослик ва манбашунослик» кафедраси профессори, 2000-2003 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институти биринчи проректори бўлиб таҳсинга сазовор фаолият олиб борди. Ҳозирда профессор И.Саидов Ша-



Чапдан ўннга: 1. И.Саидов, 2. М.М.Абрамов, 3. Раҳматжон Рашидов

роф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети «Тарихшунослик ва манбашунослик» кафедраси профессори лавозимида самарали, фаолият кўрсатмоқда.

Изланувчан, ташаббускор, камтарин, жамоатчи, ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози Илҳом Саидов ҳозирда ҳам университет тарих факультетида серқирра фаолият кўрсатмоқда, талабаларга мутахассисликдан дарс беришга, иқтидорли талаба, докторантларни тарих фанини долзарб масалаларини тадқиқ этишга, илмий, назарий, касбий билимларини бойитишга, тадқиқот ишлари олиб боришга, айни вақтда катта жамоатчилик ишларида ҳам фаол бўлишга сафарбар қилиш борасида оталарча ғамхўрлик қилмоқда.

Профессор Илҳом Саидов таълим ва фан фидойиси, эътироф этилган мураббий сифатида Самарқандда янги ташкил қилинган ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти (МИЦАИ ЮНЕСКО) директорининг ўринбосари сифатида кўп йиллар ўриндошлик асосида фаолият кўрсатганини алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Олимнинг илмий фаолиятида Ўзбекистоннинг XX аср тарихи, большевиклар томонидан амалга оширилган Октябрь тўнтариши ва унинг фожияли оқибатлари, ўзбек халқининг давлатчилик тарихини тиклаш, Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг аграр сиёсати ва унинг оқибатларини кенг қўламда тадқиқ этиш, ишчилар ва деҳқонларнинг ўзаро муносабатлари, иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонликларнинг уруш ва меҳнат frontiдаги иштироқи каби тарихимизнинг муҳим муаммоларини ечиш масаласи муҳим ўрин тутди. Ҳозирда сермахсул олимнинг тарихимизнинг долзарб масалаларига бағишланган 12 та монографик тадқиқоти, 15 та ўқув қўлланмаси, 15 та услубий қўлланмаси, 300 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалари, халқаро ва республикада ўтказилган 60 га яқин конференцияларда қилган маърузалари нашр юзини кўрган. И.М.Саидов Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидан ташқари АҚШ, Техрон, Туркистон, Индианаполис, Москва (Россия),





Ашхобод (Туркменистон), Блумингтондаги Индиана университети (АҚШ), Нью Йоркдаги Колумбия университети, Лондон (Англия), Қозоғистон, Белоруссия ва жаҳоннинг бошқа йирик шаҳарларида ўтказилган турли халқаро илмий конференциялар иштирокчисидир. Олим АҚШнинг Индиана университети, Англиянинг Кембриж университети талабалари ҳузурида уларга Ўзбекистон тарихидан махсус маърузалар ўқиган.

Илҳом Муҳиддинович Саидовнинг 1980 йилда «Ўзбекистон меҳнатқашларининг қишлоқ хўжалигини кўтаришдаги саъй-ҳаракатлари» мавзуида номзодлик, 1992 йилда Ўзбекистон ФА Тарих институтининг ихтисослаштирилган кенгашида академик Р.Х.Аминованинг илмий маслаҳатчилигида «Ўзбекистондаги аграр қайта ташкил қилишларда ишчилар синфи (1928-1941 йй.)» мавзуида докторлик диссертациялари етакчи олимлар томонидан юқори баҳолаган. Тарих фанлари доктори, профессор Илҳом Саидов изчил илмий фаолият олиб боришдан ташқари, Самарқанд давлат университети талабаларига «Ўзбекистон тарихи», «Манбашунослик ва тарихшунослик» фанларидан дарс бериб келмоқда. У бугунги ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб, уч нафар фан номзоди тайёрлади, беш нафар илмий-тадқиқотчига раҳбарлик қилмоқда.

2018 йилдан ҳозиргача Озарбайжон Республикасидаги «Кавказоведение» журналининг таҳририят аъзоси, Россия Давлат Гуманитар университетидаги илмий журналларнинг ҳайъат аъзоси. 2012 йилдан буён Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш бўйича ҳайъат аъзоси.

Ҳозирги вақтда профессор И.М.Саидов Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD 03/30.12.2019. таг. 02.10 рақамли ихтисослашган илмий кенгаш семинарининг раиси сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда Илҳом Саидов намунали оила соҳиби, олти фарзанднинг меҳрибон отаси, шириндан ширин невараларнинг севимли бобоси. Самарқанд давлат тиббиёт институти «Умумий амалиёт шифокори» кафедраси ассистенти лавозимида ишлаб келган умр йўлдоши Дилором Абдуллаева (жойлари жаннатда бўлсин) билан уларни юртимизга муносиб инсонлар қилиб тарбиялашди.

Устоз ва мураббий, Самарқанднинг етук тарихчиси Илҳом Саидовни қутлуғ 70 ёши билан табриклар, унга сиҳат-саломатлик ва илмий-педагогик фаолиятида ижодий баркамоллик тилаётганларнинг сон-саногии талайгина. Улар орасида муҳтарам устози Раҳима Ходиевна Аминованинг ардоқли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби, фан кишиси Рустам Содикович Азимов бор. Биз муҳтарам Р.Азимовнинг табригини айнан келтирамиз:



70



**Хурматли  
Илҳомжон Муҳиддинович!**

Сизни улуғ 70 ёшга тўлганлигингиз муносабати билан самимий кутлаймиз

Бу ёрқин сана донолик, чуқур билим, кўп қиррали бой ҳаётий тажриба, ўз касбига содиқлик каби бир қанча ажойиб хислатларни ўзида акс эттирган.

Биз Сизни нафақат олим, тарих фанлари доктори, профессор балки илмий мактаб асосчиларидан бири сифатида ҳам биламиз.

Меҳрибон онажонимиз Раҳима Аминовага Сиз ўта садоқатли шогирд бўлдингиз. Улар ҳам Сизни нафақат истеъдодли ва маҳоратли педагог сифатида балки ўзларининг фарзандларидек яхши кўриб эъзозлардилар.

Шунинг учун бизнинг барча оила аъзоларимиз Сизга чексиз миннатдорчилик билдириб, ҳурмат изҳор қиламиз.

Ушбу улуғ кунда Сизга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, илмий фаолиятингизга улкан ютуқлар, мамлакатимизнинг илм-фан ва таълим соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган барча режаларингизни амалга ошишига тилақдошмиз.

**Академик, Раҳима Аминова  
оиласи номидан**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент шаҳри

2023 йил 27 май



# ИНСОНИЙЛИК ВА ОЛИМЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ИБРАТЛИ УСТОЗИ

(Таниқли тарихчи олим, тарих фанлари доктори,  
профессор Сулаймон Иноятович Иноятов қутлуғ 85 ёшда)

Ҳайитов Шодмон Аҳмадович,  
БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси, тарих фанлари доктори, профессор

Табиатнинг энг олий неъматини ҳисобланган инсон аслида яшашининг манбаи бўлган табиат ва жамиятни янада гўзаллаштириш, эзгуликларни амалга ошириш учун дунёга келади. Юнон файласуфларидан бири: «Дунёда битта эзгулик бор, у ҳам бўлса илм, битта ёвузлик бор, у ҳам бўлса жаҳолатдир», деган бўлса, иккинчиси: «Юз-кўзидан сира самимият ва табассум аримаган, ўзида йўқ нарсалар учун ғам чекмайдиган, боридан қувонадиганлар ақлли кишилардир», тарзида донишмандона фикрларни келтирган. Юқоридаги афоризмларни келтиришдан мақсадимиз 85 ёшлик довонни забт этган отахон тарихчи олим, тарих фанлари доктори, профессор Сулаймон Иноятович Иноятов ўз онгли ҳаёт даврини эзгулик гултожи бўлган илмга бахшида қилиб, мозий илмини ўрганишни муқаддас вазифа деб, ёмонлик ва жаҳолатга қарши курашиб умргузаронлик қилиб келмоқда. С.И. Иноятов Аллоҳ ато этган умрнинг ҳар бир лаҳзасини ғанимат билиб, сўнги нафасигача фан ва маънавият тарғиботчиси сифатида фаолият юритишга ўзига сўз берган, айтиш мумкинки, «қасамёд» қилган инсон ва олим сифатида биз учун ибрат-намуна тимсоли бўлиб келмоқда.

Бухорои шариф хўжалари оиласида 1938 йил 12 мартда Бухоро шаҳрининг Ситораи Мохи Хоса мавзесидаги Шехон қишлоғида таваллуд топган С.И. Иноятов кўп фарзандли хонадонлардан бирининг вакили сифатида барча ёшлар сингари дастлаб ўрта умумтаълим макта-

бида, сўнгра Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети)нинг тарих-филология факультетида ўқиди. Тарих илми ва бадий адабиёт соҳасини бирдек ўзлаштирган, ўқишни имтиёзли диплом билан якунлаган С.И. Иноятов ўзи таҳсил олган институтда ишга қолдирилиб, 1964-1966 йилларда ёшлар қўмитасини бошқарган. Бу даврда С.И. Иноятов бир қатор ташаббуслар ижодкори, халқлар ўртасида дўстлик ва байналминаллик туйғуларини мустақкамлашга қаратилган фестивал, кўрик-танловларнинг фаол иштирокчиси сифатида институтнинг профессор-ўқитувчилари назарига тушди. Тарих илмидан жиддий тадқиқот олиб бориш мақсадида 1966-1969 йилларда С.И. Иноятов Самарқанд давлат университети аспирантурасида таҳсил олди. 1969 йил 7 октябрда «Ўзбекистон матбуотининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришдаги роли» мавзусида ёқланган диссертация олимлик бахтини юбиларимизга насиб этишида муҳим бўлди. Бироқ «олимларнинг олими» бўлиш истаги С.И. Иноятовни бир дақиқа ҳам тарк этмади. Мозий илмидан фан доктори бўлиш бахти у пайтларда айрим тадқиқодчиларгагина насиб этарди. Москва (Россия Федерацияси) да тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун 1987 йил 7 декабрда ёқланган диссертация кунига қадар 1969-1980 йилларда доцентлик, кафедра мудури бўлиш, декан муовини ва декан лавозимида фаолият кўрсатиш, 1982-1984 йилларда катта илмий ходимлик,



докторантлик босқичларини босиб ўтишдек жараёнлар кечди. Москва давлат педагогика университети Ихтисослашган Илмий кенгаши аъзолари юқорида қайд этилган санада С.И. Иноятовнинг «Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашда матбуотнинг ўрни (Ўрта Осиё республикалари мисолида. 1961-1985 йй)» мавзусидаги диссертациясига яқдиллик билан овоз бердилар. Кўп ўтмай олим профессорлик илмий унвонига сазовор бўлди. Ўзи таҳсил олган қадрдон университетда кафедра мудири, 1989-1992 йилларда илмий ишлар проректори, 1992-1995 йилларда тарих факултети декани лавозимларида фаолият юритди.

1995 йилга қадар С.И. Иноятов совет жамиятида юз берган демократия ва қайта қуриш сиёсати эврилишлари, истиқлол учун курашлар, мустақил Ўзбекистонда юз берган ислохотларни, ёш мамлакатни мустақамлаш йўлидаги ҳаракатларни олдинги сафларида бўлди. Ўзбекистон халқига мустақиллик асрий орзумиз эканлиги, истиқлол ўзликни англаш, миллий урф-одат ва қадриятларни тиклаш, жаҳонда ўз ўрни ва овозига эга бўлиш имконини берганлиги билан боғлиқ тасавурларни сингдириш ҳамда маънавият тарғиботчиси сифатида профессор С.И. Иноятов кўп куч сарфлади. Халқимизда қушнинг икки қаноти сингари инсон ҳаётида ҳам икки асос: моддий ва маънавий жиҳат мавжудлиги, «маънавий мусаффо бўлмаса киши, икки дунё юришмас иши» шиори вужудимизга сингиши билан боғлиқ масалаларни содда, аниқ, халқчил ва равон тилда англашиш йўлида чекилган заҳматлар олим обрўси ва қадрини эл орасида юқори поғонага кўтарди. Отахон муаррихнинг фаолияти асосан Зарафшон қўйи оқимида жойлашган икки вилоят – Бухоро ва Навоий вилоятлари билан боғлиқ. С.И. Иноятов 1964-1995 йилларда Бухоро давлат университети жамоасида хизмат қилган бўлса, 1995-2016 йилларда (21 йил) Навоий вилояти олийгоҳларида, шунингдек, маънавий-маърифий марказида, турли лавозимларда ишлади. Айтиш мумкинки, олимнинг икки вилоятда ҳам обрўси ва ҳурмати сарбаланд, баъзан бухороликлар ва навойликлар устозни «меники, сеники» қабилида тортишишади, зиёлилари-

миз эса «бизники, сизники» тамойили асосида келишувга имзо чекишга мажбур бўлишлари тайин. С.И. Иноятов Навоий вилоятида Навоий давлат кончилик институти биринчи проректори (1995-2000 йиллар), Навоий вилояти Республика маънавият ва маърифат кенгаши котиби ва марказ раҳбари (2000-2004 йиллар), Халқаро Амир Темур жамғармасининг Навоий вилоят бўлими раиси (1996-2002 йиллар), Навоий давлат педагогика институтининг «Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» кафедраси мудири (2005-2011 йиллар), кафедра профессори (2012-2016 йиллар) лавозимларида самарали фаолият юритди. Навоий вилоятидаги олийгоҳларни малакали, илмий даражали ходимлар билан таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олим чексиз ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди.

С.И. Иноятов 2016 йилдан она шаҳри Бухорога қайтиб, Бухоро давлат университетининг «Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари», «Бухоро тарихи» кафедраларида профессор лавозимида илмий-педагогик фаолиятини давом эттирмоқда.

Бир қадар анъанавий библиографик маълумотлар беришдан тийилиб, профессор Сулаймон Иноятович Иноятов шахсиятига хос бўлган хислат ва фазилатларни санаб ўтишни лозим топдик.

Профессор С. И. Иноятов самимий, қалби очиқ, дилкаш, ҳеч кимга, ҳатто рақибига ҳам ёмонликни раво кўрмайдиган инсон. Ушбу табаррук инсоннинг характерида дўстлар билан алоқаларни умрбўйи сақлаш, душманни дўстга айлантириш билан боғлиқ жиҳатлар устун келади. Ота қадрдон бўлганларнинг фарзандлари билан алоқаларни узмаслик, аксинча, уларга ғамхўрлик қилиш асносида бундайлар ҳолидан хабар олиб туриш, қувончи ва дард-аламларига шерик бўлиш хислати домлада яққол кўзга ташланиб туради.

Устоз ўта иродали, андишали, босиқ, мулоҳазали, узоқни ўйлаб иш кўрадилар. 85 йиллик довондан ўтишнинг машаққатлари, азоб-уқубатлари, ғам-андуҳлари домламит иродасини бир неча бор синовдан ўтказди. Пўлатдек мустаҳкам ирода, синовларга бардошли бўлишда





устоз барчамизга ўрناق бўларлидир. Ҳаёт синовлари бу закий инсонни фарзандлар доғи билан ҳам чиғириғдан ўтказди. Шундай пайтларда С.И. Иноятлов Аллоҳнинг иродасига, қалбидаги журъатга таянди. Бу ўринда Ўзбекистон халқ шоири ва Ўзбекистон қаҳрамони севимли адибимиз Абдулла Ориповнинг «Арманистон» шеъридаги:

«Мен чеккан азобларни бир-бир санасам,

Ўлик фиръавнлар кетади сапчиб», – каби мисралари хотирада гавдаланади.

Профессор С.И. Иноятлов нотик, тарихчилик билан адабиётчиликни бирдек «икки қўлида» ушлаган шахсдир. Домланинг маънавият дарғаси сифатида байрам ва тўйларда, ёру биродарлари юбилейлари, халқаро ва минтақавий анжуманларда сўзлаган нутқлари ўзининг жангдорлиги, ипга маржондек тизилганлиги, мавжуд ҳолатга мослиги, оҳанраболиги, тўлқинлантириш таъсири билан кишини ўзига мафтун этади. «Ўзбек гапни топиб гапиради» деган нақл бутун бўйи-басти билан гўё устоз учун айтилганидек. С.И. Иноятлов ўзбек тилидан ташқари рус ва тожик тилларида ҳам тингловчилар қалбига етиб бора оладиган сўзлар топиб, беназир нутқ ирода қиладилар. Бухороликларга хос бўлган зуллисонайнлик (икки тиллик, ўзбек ва тожик) аждодлардан С. И. Иноятловга ҳеч қандай ўзгаришларсиз ўтган. Домла халқимизнинг «Айтилган жойдан қолма, айтилмаган жойга борма» мақолига амал қилиб, бир суткада 4-5 жойга таклиф этилсалар ҳам, тун ярмигача имкон қидириб барчасида иштирок этишга, кўнгил олишга ҳаракат қиладилар. Устозда «кўнгил бир гул» деган нақлни ардоқлаш, инсон ким бўлишидан қатъий назар ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш каби хислатлар етакчилик қилади.

Профессор Сулаймон Иноятлов хислатидаги яна бир жиҳат ораста, ҳақиқий зиёлига хос кийиниб юриш, кўчада, давраларда ҳамроҳларига эътиборли бўлиш, салафлари ва шогирдлари фикр-мулоҳазасини сабр-қаноат, чидам ва ирода билан тинглаш, ёшидан қатъий назар дуч келган одамларга биринчи бўлиб салом бериш кабилардир. Инчунин, биринчи бўлиб салом бериш кишидаги гўзал одоб намунаси ҳисобланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в): «Бир-бир-

ларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингда меҳр-муҳаббат уйғонади», – деб насиҳат қилганлар.

Домланинг ибратли шахсий қирраларидан яна бири – дўсту ёрлар даврасида ўзини тутиш маданиятидир. Устоз давраларнинг тўрида энг иззатли, ҳурматли меҳмон бўлсалар-да, гапиршидан кўра кўпроқ тинглашни афзал кўрадилар. Инсонга Аллоҳ иккита қулоқ ва битта тил берган. Иккита қулоқнинг берилиши маъноси кўпроқ тингла, битта тил эса камроқ гапир деган моҳиятни англатади, деб ҳисоблайди устоз.

Турли илмий анжуманларда тарихнинг тилсимли сирлари очилади. Ушбу масала моҳиятини чуқур ўрганган олимнинг қўлида доим турли ранглардаги ручкаси, ён дафтари ҳамиша ҳозир у нозир. Инсон билмаган илмларни тўлдириш, билимга интилиш саодат калити эканлиги домла учун қалбга битилган муҳр сингаридир.

Устозда қавм-қариндошларга меҳр-оқибат кўрсатиш, ўз авлодлари ва ота-боболари руҳига ҳурмат ҳисси ўта кучли. Ҳозирда сертармоқ Иноятловлар оиласининг тўнғич вакили Сулаймон Иноятлов юзлаб авлодлари, неvara ва абиралари эъзозидеги инсон. Шу сабабли домланинг ака-укаларидан дунёга келган фарзанд ва набиралар у кишини «Сулаймон амаки» деб ҳурмат қилишади.

Истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб С.И. Иноятлов узоқ илмий изланишлар, сон-саноксиз суҳбат ва шахсий мулоқотлар асосида ўз аждодларига ҳурмат рамзи сифатида 85 йилликлари арафасида, яъни 2022 йилда «Бухорои Шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси» китобини яратди. Ушбу китобда XVIII асрдан ҳозирга қадар С. И. Иноятлов аждод ва авлодлари шажараси баёни берилган. Олим ота томондан Бухоро жадиҳчилик ҳаракати намояндалари Усмон Хўжа, Атоулла Хўжа, Файзулла Хўжаевларга бориб тақалиши ушбу китобда илмий жиҳатдан асосланган.

Профессор Сулаймон Иноятлов ўзига таълим-тарбия берган, етук олим ва ҳақиқий инсон бўлиб етишида озгина бўлса-да ўз ҳиссасини қўшган устозларига меҳр-оқибатни қалбида асраб келаётган, улар руҳини шод этаётган инсон



Навоий шаҳрида



Профессор С.И.Иноятов Андижон давлат университетидаги дўстлари билан



Профессор С.И.Иноятов фикрдош, маслакдош дўсти Р.Т.Шамсутдинов хонадониди

сифатида ҳам ибратлидир. Устоз ўзи билан Бухоро ва Навоийда бақамти бўлиб ишлаган дўсту биродарлари қаторида устозларини яхши хотиралар билан эслаб гапиришни хуш кўради. Ўзaro суҳбатларда олим пайғамбаримизнинг: «Ўт-



Ўнгдан биринчи С.И.Иноятов, иккинчи Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати А.А.Жўраев, учинчи профессор Шодмон Ҳайитов.

ганлар ҳақида яхши гапларни гапиринглар», деган ўғитларига амал қилади. Биргина мисол, С.Иноятовнинг профессор Жума Намозович Намозов (1922-2003) билан устозу шогирдлик муносабатини ўтмишда ўта мустақкам бўлган пиру муридлик муносабатларига қиёслаш мумкин. Домла ҳар қандай тўсиқ, қийинчилик ва мураккабликларга қарамай, Бухоро давлат педагогика институтида 17 йил ректор бўлиб ишлаган, давлат ва ҳукумат идораларида раҳбарлик фаолиятини юритган, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Жума Намозович Намозовнинг 100 йиллик юбилейини конференция даражасида нишонлашга муяссар бўлдилар. Жума Намозович Намозов 100 йиллигига бағишланган «Умрбоқий инсон: устозга шогирд эҳтироми» номли китобининг яратилгани таҳсинга сазовордир.

Профессор Сулаймон Иноятов меҳнаткаш, илм йўлида ўзини бахшида қилган олим эканлиги ҳам яққол кўзга ташланади. Олимнинг 50 дан ортиқ каттаю кичик китоблари, 500 дан кам бўлмаган илмий, илмий-публицистик мақолалари, хорижий мамлакатларда ўқилган илмий



маърузалари тарихшунослигимиз ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Айниқса, олим Навоий вилоятида фаолият юритган йилларда кўхна Кармана тарихига, муқаддас зиёратгоҳларга атаб бир қатор рисола ва муаллифдошлик асосида монография, илмий мақолалар яратди. У навоийлик ёш тарихчиларда мазкур вилоят тарихини истиқлол мафкураси асосида янгидан ўрганишга мотивация уйғотди. Олим илмий ижодида ўтмишда ҳам ном қозониб ўтган Хўжа Баҳоуддин Нақшбандий, Мавлоно Ориф Деггароний, Худойдод Вали, Қосимшайх Азизон, ҳукмдорлардан Амир Темур, Мирзо Бобур, Абдуллахон II, мутафаккирлардан Ибн Сино, Алишер Навоий, ҳукумат раҳбарлари ва жадидлардан Файзулла Хўжаев, Отаулло Хўжаев, Усмон Хўжа, Абдувоҳид Бурҳонов, Мирзо Сирож Ҳаким кабилар ҳақида ёзилган рисола ва китоблар, мақолалар икки-уч том китоблар даражасида жамланишга лойиқдир. Бизнинг назаримизда С.И. Иноятов шу пайтга қадар яратган ишларини томликларда жамланган китоб ҳолатига келтирса, айти муддао бўларди.

С.И. Иноятов айти шу кеча-кундузда ҳам тарих илми тадқиқотлари билан банд. Кейинги 5 йилда (2018-2023 йиллар) олимнинг 100 га яқин мақолалари, 5 та китоб ва рисоласи нашр юзини кўрди. У Бухоро давлат университети ҳузурида 2020 йилдан буён фаолият юритаётган илмий

даражалар берувчи PhD 03.27.02.2020. таг. Рақамли ихтисослашган илмий кенгаш раиси сифатида фаолият юритиб келади. Ушбу кенгашда 30 га яқин тарихчилар ўз илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар ва олимлик рутбасига эришдилар. Улардан икки нафари (Файзиёва Феруза, Элова Дилноза) шахсан С. И. Иноятов илмий раҳбарлиги остида ҳимоя қилишди.

С. И. Иноятов ўзининг самарали ва кўп қиррали фаолияти учун бир қатор давлат мукофотлари билан тақдирланган. Олимнинг Ватан ва истиқлолни мустаҳкамлашдаги хизматлари эътирофи ҳисобланган ушбу мукофотлар унинг кўксини безаб турибди. Фикримиз интиҳосида юнонистонлик Афлотун (Платон) нинг қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдик: «Айрим одамлар олтиндан, айрим одамлар кумушдан, айрим одамлар эса мисдан яралган», – деган. Буюк файласуфнинг фикридаги қайси бандга профессор С.И. Иноятов шахсияти мос келиши ўз-ўзидан аён ва бу исбот талаб қилмайди.

Олимга 85 ёшлик тўй муборак бўлсин! Устоз бардам, янги илмий-кашфиётлар қилишга қодир. Профессор С.И. Иноятовдан илмий жамоатчилик истиқболда янада сара асар ва мақолалар, халқимиз эса оташин, янги ютуқларга кўтаринки руҳ бағишловчи нутқлар кутиб қолади.



40 йилдирки бу икки дўст илму фанда ҳамкор




Чапдан 1-А. Солиев, 2-С.Иноятов, 3-М.Исҳоқов, 4-Р. Шамсутдинов, 5-Т.Файзуллаев. 2019 йил.





# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ВА МУҲИМ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

(тарих фанлари доктори Б.Р. Турсуновнинг «История Кокандского ханства (образование и расцвет ханства). Книга I. асарига тақриз)



Қўқон хонлиги давлат сифатида Марказий Осиёда яшовчи ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ ва қароқалпоқ халқлари тарихининг сўнгги ўрта асрлар ва янги тарихи даврларида катта ўрин тутган давлат бўлганлиги шубҳасиз. Ватанимиз тарихида Қўқон хонлиги тарихи-

нинг турли масалаларига бағишланган тадқиқотлар жуда кўп бўлса-да, хонликнинг сиёсий тарихи алоҳида мавзу сифатида махсус тадқиқ қилинмаган. Қўқон хонлиги сиёсий тарихининг ўрганилиши маълум маънода Марказий Осиёда жойлашган халқлар тарихини ўрганиш ҳавзасини янада кенгайтириш имконини юзага келтиради. Айнан шунинг учун ҳам бу масала замонавий тарих илмининг долзарб масалаларидан саналади. Бўстон Раҳмонович Турсуновнинг «Қўқон хонлиги тарихи (хонликнинг ташкил топиши ва гуллаб-яшнаши)» (асар рус тилида ёзилган ва: «История Кокандского ханства (образование и расцвет ханства)») деб номланган монографияси шу маънода ҳеч шубҳасиз илмий долзарб ва янгиликларни қамраб олган илмий асардир.

Монографияда юқорида кўрсатилган тарихий даврларда юз берган сиёсий ва ҳарбий воқеалар, аштархонийлар сулоласининг қулаши ва минглар сулоласининг водийда ўз ҳокимиятини барпо этиши воқеалари билан боғланган ҳолда ўрганилган. Кўплаб Қўқон хонлиги тарихи билан боғлиқ бўлган сиёсий характердаги масалалар Б.Р. Турсунов монографиясида илк бор тадқиқ этилган, асардаги илмий янгилик ҳам шундадир.

Шубҳасиз, Б.Р. Турсунов монографик тадқиқотининг кучли томони бўлиб ўтган сиёсий воқеалар моҳияти ва тафсилотларига,





тарихий манбаларга, хусусан, ўрта осиелик муаллифларнинг ёзма манбаларига таянган ҳолда эътибор берганлигидадир. Тадқиқотда илк бор муаллиф ёзма манбалар ва илмий адабиётларга асосланиб, 1709 йилдан 1840 йилларгача Қўқон хонлигининг ички ва ташқи сиёсий аҳволини тўлалигича тасвир этган.

Монография муаллифи тадқиқот моҳияти ва илмий аҳамиятини, мавзунинг ўрганилиш даражаси, тадқиқот мавзусини танлашдан мақсад ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни кўрсатиш билан бирга, асарни яратишда қўллаган методологик усулларни кўрсата олган.

Қайд этмоқ жоизки, Б.Р. Турсунов тадқиқоти Марказий Осиё тарихидаги сиёсий жараёнлар, Қўқон хонлиги таркибида бўлган халқлар ва қабилалар – этник гуруҳлар, уларнинг сиёсий шароит туфайли кўчиш-миграция жараёни, мавжуд ҳарбий қарама-қаршилиқлар ва ички низолар туфайли юз берган курашларни ҳамда Қўқон хонлигидаги дипломатик муносабатларни ёритишда илмий-ғоявий ва амалий аҳамиятга эга.

Монографияда Қўқон хонлиги сиёсий тарихига илмий таъриф берилган. Б.Р. Турсунов XVIII–XIX аср ёзма манбаларини системалаштириш билан бирга, уларни чуқур илмий таҳлил этган, Абдуғафур Исматий, Аваз Муҳаммад Аттор, Муҳаммад Ризо мироб Огаҳий, Маъсуд ибн Усмон Кўҳистоний, Муҳаммад Юнусжон Тойиб Тошкандий, Тожир Хўжандий, Шариф Муҳаммад Мансур Муборакшоҳ, Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат, Мирзо Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандий, Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи, Муҳаммадҳакимхон Тўра, Ниёз Муҳаммад Хўқандий, Муҳаммад Умар Умидий Марғилоний, Худоёрхонзода, Фазли Фарғоний, Мутриб, Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагий каби маҳаллий тарихчилар асарларидан кенг фойдаланган. Бу ёзма манбалар бир воқеа моҳиятини ёритиш лозим бўлган ҳолда ўзаро солиштирилиб, чуқур илмий таҳлил қилинган ва муаллифнинг тўғри илмий хулосаларга келишига асос бўлган, монографиянинг энг катта ютуғи ҳам айнан

шундадир.

Қўқон хонлиги ҳукмронлик қилган XVIII – XIX асрлар ўрта асрлардан янги даврга ўтиш даври, феодал тузум емирилиши ва капиталистик муносабатлар шаклланиши давридир. Шунинг учун ҳам, бу даврни объективлик билан чуқур таҳлил этилиши Марказий Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ кўплаб ижтимоий, сиёсий ва этник масалалар ечимини топишга шубҳасиз катта йўл очади.

Б.Р. Турсунов илмий ёзма манба ва адабиётлардан Қўқон хонлиги сиёсий ҳаёти ҳақида ишончли маълумотларни аниқлаб, уларни ҳар томонлама ички сиёсий шароитда таҳлилини амалга оширди. Тадқиқ қилинадиган воқеалар табиати ва бу воқеаларга таъсир этувчи турли омиллар, Қўқон хонлигида марказий ҳокимиятдан қочувчи кучлар ва турли ижтимоий-этник гуруҳларнинг марказий ҳокимият учун ўзаро кураши сабабларини аниқлади. Монографиядаги маълумотлар таҳлилининг чуқурлиги манбалар таҳлилида қўлланилган янги методологик усуллар билан боғлиқ бўлиб, тадқиқот хулосалари мантиқан илмий асосланган маълумотларга таянилган.

Илмий тадқиқот тузилишига кўра кириш сўзи, муқаддима, тўрт боб, 12 параграф, хулоса, адабиётлар рўйхати, илмий географик, этнонимлар, вазифа ва унвонлар, сулола номлари каби академик илмий талабларга мувофиқ кўрсаткич билан таъминланганлиги диққатга сазавордир. Илмий ишораларнинг (иқтибос – сноска) ҳар бир саҳифа остида берилганлиги ҳам асарни ўқиш жараёнида қулайлик туғдиради. Биринчи боб хонлик географик характеристикаси, маъмурий бўлиниши, ижтимоий ва этник таркиби масалаларига бағишланган. Хусусан, асарда хонлик таркибида яшаган халқлардан ўзбек, ўзбекларнинг курама ва қипчоқ этник гуруҳлари ва тожиклар, тоғли тожиклар, ўша пайтда кўчманчилик асосий турмуш тарзи бўлган қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқлар этник тузилиши, бу этносларга хос бўлган миграция жараёни ёзма манбалар ва этнографик маълумотларни қиёсий таҳлили асосида келтирилганлиги XVIII–XIX асрлар



Марказий Осиё халқлари этнографияси илми учун ҳам жуда катта қимматли илмий маълумотларни бериши шубҳасиздир.

Монографиянинг иккинчи боби XVII аср охири ва XVIII аср бошларида ватанимизда юз берган воқеалар таҳлили билан бошланиб, мингларнинг водийда ҳокимиятни олиши ва улар ҳукуматининг легитимацияси (қонунийлашуви) масалалари таҳлил қилинган. Баъзи қўқоншунос олимлардан фарқли ўлароқ, Б.Р. Турсунов ёзма манбаларда келтирилган легитимизм масаласига оид маълумотларни объективона таҳлил қилган. Манбалардаги «Олтин бешик» ҳақидаги маълумотлар, минглар ҳукуматини қонуний эканлигини кўрсатиш учун тўқилган ривоятдан бошқа нарса эмаслигини, минглар 92 ўзбек қабилаларидан бири бўлиб, Шайбонийлар даврида суюрғол сифатида водий марказий қисмини эгаллаганлигини асослаб берган.

Абдурахимбий ҳукумронлиги ва унинг муваффақиятли ҳарбий юришлари орқали, минглар сулоласи Фарғона водийси аҳолиси порлоқ келажаги, келажак тарихининг муҳим саҳифаси бўла олишини асосли кўрсата олган. Хусусан, Абдукаримбий ҳукумронлиги даврини ёритар экан, муаллиф Жунғория – мўғул қўшинларининг Мовароуннаҳрга тажовузини ва Абдукаримбийнинг уларга қарши муваффақиятли мудрофаани ташкил этибгина қолмай, душманга қақшатқич зарба бериб, ватанимизни жунғор – мўғул балосидан халос этишда катта рол ўйнаганлигини манбаларга таяниб ишончли кўрсата олган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, бу воқеа кенг тарзда мавжуд манба ва адабиётлар таҳлили асосида ёритилганки, шу кунгача бирор бир академик тадқиқотларда бу масала Б.Р. Турсунов асаридаги каби батафсил ёритилмаган. Айниқса, муаллиф шу даврда юз берган қипчоқлар билан Қўқон маҳаллий аҳолиси жоғроларини манбалар асосида таҳлил этар экан, Абдукаримбий сиёсатига жуда тўғри – объективона баҳо бериб, илмий хулосалар чиқара олганлиги асарнинг катта ютуғидир. Бу боб Норбўтабийнинг ҳокимият тепасига келиши, унинг сепаратистик ҳаракатларни ишонч би-

лан бартараф этиб, ҳокимият асосларини мустаҳкамлаб, ички фаровонликни таъминлай олганлигини кўрсатган.

Асарнинг учинчи боби унинг кулминацион нуқтаси бўлиб, мустақил Қўқон мулки хонликка айланишида Олимхоннинг ўрни, унинг хонлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун мунтазам қўшинларни тоғлиқ тожиклардан ташкил этиши, ўзбошимча амирлар ва феодаллар, диний жамоат раҳбарлари сепаратизмига қарши олиб борган курашлар ва унинг шу курашлар қурбони бўлиши тасвирланган. Умархон даври хонлик тарихидаги энг тинчу оромлик даври бўлиш билан бирга, тараққиёт даври, иқтисодий юксалиш ва шаҳарсозлик ривожланиши даври бўлганлиги тасвир этилади. Бу боб Муҳаммад Алихон муваффақиятлари, хонлик территориясининг янада кенгайиши, Хитой (Цинлар империяси) билан тўқнашувлардан кейин хонликнинг ўта кучайиши сабаблари ва давлатнинг таназзулга юз тутиши жараёни кўрсатилган.

Охирги боб хонликнинг чет мамлакатлар билан дипломатик муносабатларига бағишланган. Унда хонликнинг Россия, Цин каби империялари билан олиб борган дипломатик муносабатлари тарихи, унда юз берган курашлар акс эттирилган. Россия империясининг хонлик шимолий чегараларига XIX аср 30-йиллари бошларидаёқ тажовузкорона бостириб кириши, мудрофавий қалъа ва истеҳкомларни асосиз бузганлиги, империянинг хонликка ҳужуми, эълон қилинмаган уруш – махсус ҳарбий амалиёти бошланиши сифатида баҳоланган. Цин империяси билан муносабатларда Шарқий Туркистон асосий муаммо бўлиб, оқибатда, қонли урушларни келтириб чиқарганлиги, 1832 йилги икки давлат ўртасидаги шартнома эса дипломатия тарихида кам учрайдиган ғайриоддий натижа сифатида ҳар томонлама таҳлил қилинган. Шартнома Қўқон дипломатиясининг жуда катта муваффақияти эканлиги асосланган. Усманийлар империяси, Бухоро ва Хива билан олиб борилган дипломатик муносабатлар, хусусан Бухоро амирлиги билан ўртадаги рақобатли қарама-қаршилик ва унинг оқибати фожиа



билан якунланиши таъкидланган. Аксинча, Хива хонлиги билан Қўқон хонлиги ҳамиша дўстона муносабатда бўлишган, доимо элчилар алмашиб, Бухоро амирлигининг Марказий Осиёда гегемонлик қилиш учун кураши туфайли бир-бирлари учун оғир вақтларда ўзаро ёрдам қўлини чўзганлар.

Б.Р Турсунов тадқиқоти ижобий омили шу билан асосланадики, унда тадқиқот муаммоси ҳар томонлама асосли равишда инъикос эттирилган. Тадқиқот янги, фойдали ва ишончли маълумотларни қамраб олган. Муаллиф тарихий маълумот ва воқеаларнинг ички ҳаракатлантирувчи кучларини аниқ бир тарихий воқелик орқали кўрсата олган.

Муаллиф томонидан қимматли ёзма манбалардан саралаб олинган тарихий маълумотлар, илмдаги янги кашфиёт сифатида Қўқон хонлиги таркибида яшаган ўзбеклар, то-


жиклар ва бошқа халқларнинг сиёсий ҳаётда ўйнаган муҳим ролини кўрсатади. Шу ўринда қайд этмоқ жоизки, муаллиф Шарқ тарихчилик мактаби услубини чуқур ўзлаштирибгина қолмай, монографияни яратишда бу усулни маҳорат билан қўллай олган. Монография жуда катта ва янги илмий материалларни ўз ичига олган бўлиб, бу мазмунли ва илмий жиҳатдан равлон тилда ёзилган тадқиқот вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилган.

Монография ўзининг мантиқий тузилиши билан тадқиқотнинг кириш қисмида кўрсатилган мақсад ва вазифаларини тўла қамраб олганлиги, шубҳасиз, илмий асар муаллифининг жуда катта ва асосий ютуғидир.

**Назиржон Очилович Турсунов,  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Марказий Осиё фан, маданият ва санъат  
халқ академияси президенти**



# ЎТМИШДАН КЕЛГАН АДОЛАТЛИ НИДОЛАР



*Эрмуҳаммад Шерматов – 1950 йил Андижон вилояти Пахтаобод туманида тугилган. 1977 йил Тошкент давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган. 1977-1995 йилларда прокуратура тизимида, 1995 йилдан 2002 йилгача суд тизимида, 2002-2010 йилларда Адлия вазирлигида бошқарма бошлиғи ўринбосари, 2010-2022 йилларда Адлия вазирлигининг фахрийлар кенгаши раиси вазифаларида хизмат қилган.*

Ушбу китоб мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси давлат архиви, Ўзбекистон миллий архиви, Республика Президенти архиви, Республика Давлат хавфсизлик хизмати архивлари ва бошқа тегишли мутасадди идоралари ҳамда муассасалардан олинган тарихий ҳужжатлар асосида нашрга тайёрланган.

Шунингдек, китобни тайёрлашда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, филология фанлари доктори, профессор, Ўз-

бекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати Наим Каримов, таниқли тарихчи олимлар – Рустамбек Шамсиддинов, Бахтиёр Ҳасанов, Баҳром Ирзаев, Бахтиёр Расулов, Музроб Абдуллаев, Сирожиддин Аҳмедов, Соибжон Ҳошимовлар томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган архивлардан олинган тарихий ҳужжатлар асосида ёзилган манбалардан фойдаланилган.

Китобда фойдаланилган архивлардан олинган тарихий ҳужжатлар асосида 2018





йилда Адлия вазирлигининг музейи ташкил этилган.

Дастлабки манба бўлган архивлардан олинган Туркистон ўлкаси, Ўзбекистон Республикаси Юстиция халқ комиссарлари, адлия вазирлари ҳақидаги ва қатағонлар бўйича тарихий ҳужжатлар ҳамда олимлар томонидан ёзилган илмий тадқиқотлар асосида ушбу китобни ёзишда ўзининг беминнат хизматларини аямасдан чин юракдан яқиндан ёрдам берган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, биринчи даражали меҳнат фахрийси, бир неча китоблар, шу жумладан, ушбу китобнинг бир қатор мақолалари муаллифи – дўстимиз Камол Матяқубовнинг хизматларини алоҳида эътироф этаман.

Қўлингиздаги китобнинг яралишида авваламбор барча устозларимга, тарихий ҳужжатлар асосида асарлар яратган олимларимизга, архивларда хизмат қилаётган ҳамда «Nilol-Nashr» нашриётида фаолият кўрсатаётган барча ходимларга чексиз миннатдорчилик билдираман.

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА



1991 йили қудратли Совет империясининг тарқалиши ва миллий мустақил республикаларнинг пайдо бўлиши XX аср тарихида рўй берган энг муҳим воқеадир. Бошқа миллий республикалар қатори Ўзбекистон Республикасининг

ҳам ташкил этилиши ва ўтган 31 йил ичида Ўзбекистон бутун дунёга Ўрта Осиё республикалари орасида фан ва маданияти, саноати ва қишлоқ хўжалиги энг тараққий этган ва йилдан йилга янада юксалиб бораётган мамлакат сифатида танилди ва эътироф этилди.

Ана шу жараёнда ўзбек халқи ўзининг ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, тараққийпарварлик, фидойилик сингари энг яхши фази-

латларини намоёйиш этиш билан бирга тоғни урса толқон қиладиган, ерости ва ерусти бойликларидан оқилона фойдалана оладиган, бошқа халқлар билан аҳил ва тотув яшайдиган, халқаро мусобақалардан совринсиз қайтмайдиган халқ сифатида доврўф қозонди.

Ана шу халқ истиқомат қилган Туркистон XIX асрнинг 60-йилларида Россия қўшинлари томонидан босиб олиниб, мустамлака халқ сифатида яшай бошлади. Босқинчи давлат қарийб етмиш йил давомида «Туркистонга маориф ва маданиятни олиб келдик», деб чираниб яшаган бўлса ҳам, дастлаб минглаб муллалар, олимлар халқ раҳнамолари етишиб чиққан масжид ва мадрасаларни вайронага айлантирди; 1922 йилда Германияга ўқишга юборилган талабаларга: «Германиядан қайтиб келиб, Россия шаҳарларидаги ўқув юртларида ўқимасаларинг, стипендиядан маҳрум қиламиз!» деб дағдаға қилди; битириб ёки таътилга келган талабаларни «Германиянинг жосуси» бўлганликда айблаб, қамоққа олиб, отиб ташлади; 30-йиллардан бошлаб эса халқнинг «гул»и бўлган зиёлиларни қириб ташлади; ана шу «Катта» ва «Кичкина» қирғин йилларида республиканинг барча раҳбар лавозимларида хизмат қилган ватандошларимиз ва уларнинг авлодлари йўқ қилинди. Шундай мислсиз зулм остида яшаган халқ кўрқоқ ва иродасиз оммага айлантирилди.

Лекин шу нарса ғаройибки, халққа хос генетик фазилатлар пайини на зулм, на қамоқ, на дор қирқа олмас экан: ўзбек халқи мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қўли ва оёғидаги кишанларни улоқтириб ташлаб, янги ҳаёт кошонаси – Мустақил Ўзбекистон Республикасини барпо этди.

Большевизм даврида рўй берган барча фожиаларни кино лентасидек кўз олдимиздан ўтказиш учун биргина адлия соҳасига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Негаки, Шўро давлати қатағон сиёсатининг ҳуқуқий асосларини тайёрлаб берувчилар ҳам, шу сиёсатнинг жабрини кўрувчилар ҳам адлия ходимларидир.

Маълумки, Ўзбекистон СССР таркибидаги республика сифатида 1924 йилда ташкил



этилган. Унгача кўхна тарихга эга бўлган ватанимиз «Туркистон» деб юртилган. Туркистон Адлия халқ комиссарлиги 1917 йил октябрдан кейин ташкил этилган ва у ўша йилларда «Юстиция халқ комиссарлиги» деб аталган. 36-йилдан кейин эса бу ташкилотнинг номи ўзбекона ранг олиб, ўзагида «адолат» деган улуғ сўз ётганлиги учун Адлия вазирлиги деб ўзгартирилди.

Табиийки, 1917 йилда ташкил этилган Юстиция халқ комиссарлиги ва унинг таркибидаги барча тармоқ раҳбарлари Россиядан келтирилган шахслар бўлган. Агар ўша «меҳмонлар» раҳбарлари бўлган Юстиция халқ комиссарлиги тарихига назар ташласак, шу даврда ўзбек халқининг тақдири кимларнинг қўлида бўлганлиги масаласи кундек равшан бўлади.

Қўлингиздаги ушбу китобни нашрга тайёрлаган прокуратура, суд ва Адлия вазирлигининг фахрийси Эрмуҳаммад Шерматов унинг Республика Адлия ходимларининг тақдири билан қизиқиши, биринчи навбатда, Туркистон ўлкаси адлия халқ комиссарлари ва адлия вазирларининг тақдирини ўрганиш истагида турли давлат архивларида ишлаганида ўзбек юристлари мавзуи уни эътиборини шундай тортганки, ҳатто у 1917 йилдан 2022 йилгача шу тизимда хизмат қилган раҳбар ходимлар ҳақидаги қимматли маълумотларни қўлга киритишга муваффақ бўлган. У шу маълумотларни тартибга солиб, қўлингиздаги ноёб архив ҳужжатлар асосида тайёрланган ва ҳаммамиз, аввало, Адлия ходимлари учун фойдали китобни яратишга киришган.

Бу китоб фақат 1917–2022 йилларда Туркистон ва Ўзбекистон Республикасининг Адлия халқ комиссарлиги (вазирлиги)га ва шу вазирлик ихтиёридаги идораларга раҳбарлик қилган кишиларнинг ҳаётномаларидангина иборат эмас. Уни турли тақдирлар, турли ибратли воқеалар, турли-туман маълумотлар бойитиб туради. Масалан, у халқ комиссари Шерматов Эрматов ҳақидаги мақолада 20–30-йилларда амалга оширилган сиёсий компаниялар тўғрисида сўзлар экан, дилини хуфтон қилиб

келаётган яна бир масалага тўхтаб, бундай ёзган:

«...Ўша йиллардаги жиддий сиёсий воқеалардан бири алифбонинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ҳолда кечди. Маълумки, тилимизда араб алифбоси милодий 750–800 йиллардан бошлаб фойдаланиб келинган. Улуғ алломалар, шоирлар, тарихчилар – буюк аждодларимиз асарларини шу алифбода яратганлар. Халқимизнинг бой мероси, миллий бойлиги, маданияти шу алифбо билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. 1921–1922 йилларда ўзбек тилининг араб ёзувига асосланган алифбоси ислоҳ қилинади. 1929 йилга келиб эса, ана шу алифбодан воз кечилиб, лотин алифбосига ўтилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, халқимизни тарихидан, меросидан узиб қўйиш, саводсизликни юзага келтириш эди. Имлонинг лотинлаштирилиши, кейинчалик кирилл алифбосига ўтилиши коммунистларнинг шу мақсадига хизмат қилди...»

Эрмуҳаммад Шерматовнинг бундай «лирик чекиниш»лари кимгадир эриш туюлиши, «қачонгача алифбо масаласини байроқ қилиб кўтараверамиз» дейиши мумкин. Лекин ўйлаб қарасак, Шўролар давлати миллий халқларни қатағон гирдобига тортибгина қолмай, уларни ўз алифбосидан жудо ҳам қилди; буюк Навоийларни феодал шоири деб эълон қилди ва улардан воз кечишга чақирди; халқни қатағон қурбонлари бўлган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонларнинг юрак қони билан ёзган асарларини дарёларга оқизиш, гулханларда ёқишга мажбур этди... Булар қатағондан енгил жиноятлар эмас!

Китоб муаллифи нафратланишни ҳам, мағрурланишни ҳам яхши билади. У Совет давлати амалга оширган жиноятлар ҳақида сўзлаганда тилидан ғазаб ва нафрат тошлари отилиб чиқаётгандек бўлади. Ва аксинча, халқимизнинг ор-номуси бўлган кишилар амалга оширган қутлуғ ишлар тўғрисида сўзлаганида, тилидан бол томаётгандек бўлади. Масалан, муаллиф Адлия вазири Хадича Сулаймонованинг вилоятлардан етишиб чиққан, тарихимизнинг мураккаб даврида «халқ



душмани» бўлганликда айбланиб отилган, суяклари Сибирь конларида чиритилган ватандошларимизнинг оқланишидаги буюк хизматларини айтиб, ушбу Адлия ходимасига бўлган ҳурматимизни янада оширади.

Хуллас, Эрмуҳаммад Шерматовнинг ноёб архив материаллари асосида ёзган китобининг нашр этилиши ҳаммамизга муборак бўлсин.

**Наим КАРИМОВ,**

*Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, филология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати*



# САРВАР АЗИМОВ

## ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Комил ЯШИН,  
Меҳнат Қаҳрамони

### ИЖОДКОР СИЙМОСИ



Ёш ижодкорнинг аста-секин, тадрижий равишда камолот чўққисига кўтарилиб боришини кузатган киши сифатида Сарвар Азимов ҳақида гап айтишга ўзимни ҳақли деб билман. Чунки мен унинг акаси Ҳамид

Олимжон билан ҳамтенг, ҳамфикр дўст эдим. Ўзбек адабиёт ва санъатимизнинг етакчиси Ҳамза анъаналарининг бевосита давомчилари бўлган, бугунги кунда «катта авлод» вакиллари деб аталган Ҳамид Олимжон, Гафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Назир Сафаров, Шароф Рашидовлар биргаликда адабиёт санъатимизнинг муҳим масалаларини ҳал этган йилларимизда мен уни кўп кузатардим. Сарвар Азимов ҳали дорилфунун талабаси бўлган кезларида Ҳамид Олимжоннинг укаси ҳақида катта ишонч ва умид билан айтган сўзларининг шоҳидиман. Унинг вояга етишида, камолот пиллапоялари сари боришида

Ҳамид Олимжон оиласининг, айниқса ҳурматли онахонимиз Комила бувининг хизматлари катта бўлди. Мен бу оила аъзоларининг ёш Сарварга алоҳида меҳрибонлик билан тарбия ва таълим берганликлари гувоҳи бўлганман. Онахонимиз Комила бувининг «Сарвар китобдан ҳеч бошини кўтармайди. Овқатга чақирсак ҳам келмайди», деган гапларини кўп эшитганман. Шунини ҳам айтишим керакки, Сарвар Азимов вояга етган хонадоннинг ўзи катта Сарвар Азимов замондошлари хотирасида маданият маскани эди. Чунки ўзбек совет адабиётининг атоқли вакиллари – Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шароф Рашидов ана шу оиланинг аъзолари эдилар. Шу билан бирга бу хонадон ҳамиша адабиёт ва санъат аҳлининг фикр алмашув масканига, мушоира бўстонига айланарди. Бу ерда суҳбат кўпинча онахонимиз Комила бувининг лаззатли таомларидан тузалган дастурхон тепасида бўларди. Шундай кезларда кўпинча оқ ўрик тагида китоб ўқиб мутолаа қилаётган Сарвар Азимовни дастурхонга таклиф қилганимизда, у ҳеч унамасди. Давраимизга келмасди.

«Бундай катта даврада ўзимни ноқулай сезаман», – дерди. Ўша пайтларда намоён бўлган ана шу камтарлик, ҳар бир жойда, ҳар бир дақиқада ўз ўрнини билиш кейинчалик унинг жуда ноёб фазилатига айланди.





Мен унинг дўстларга садоқатли бўлиш, айтган сўзининг устидан чиқиш, одамларга меҳрибонлик, кўнгилдан гаплашиш, меҳмон-навозлик фазилатларини ҳам кузатганман. Бу фазилатлар ижодкор учун нақадар зарур эканини ҳис қилганман. Шундай ижодий бир муҳитнинг бешиги бўлган хонадонда вояга етган Сарвар Азимов адабиётга ўз сўзи ва ўз қараши билан кириб келди. У бу фахрли йўлдаги дастлабки қадамларидан бошлаб акаси Ҳамид Олимжон сингари адабиётнинг софлиги учун курашди. Унинг бу хусусияти адабиётнинг мураккаб даврида янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Ўзининг ижодий оламдаги сўзини адабий танқидчиликдан бошлаган Сарвар Азимов илк чиқишлариданоқ дадил фикрларни ўртага ташлади ва уларни ижодида исботлади.

Эсимда, Сарвар Азимов «Қишлоқ темасидаги йирик асарлар», «Истеъдодли ёшлар ижоди ҳақида баъзи мулоҳазалар», «Ҳақ йўл» повести ҳақида» (С. Қосимов, Ҳ. Убайдуллаев билан ҳамкорликда ёзилган), «Давримизга муносиб юксак сахна асарлари яратайлик» сингари дастлабки адабий-танқидий мақолаларидаёқ адабиётимизнинг ўша пайтдаги ҳолати, ютуқ ва камчиликларини ҳаққоний кўрсатиб берди.

Сарвар Азимов замондошлари хотирасида Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчинор» романи, Парда Турсуннинг «Ҳақ йўл» асари хусусида ҳам, уларнинг муваффақияти ва етишмовчиликларини атрофлича таҳлил асосида кўрсатиб, биринчи жиддий сўзни Сарвар Азимов айтганди. Бу асарлар ҳақида юритилган фикр фақат улар тўғрисида бўлиб қолмасдан, балки насримизнинг мазкур даврдаги аҳволига ҳам тегишли эди. У шеърият хусусида ҳам бир қатор янги фикрлар айтди. Драмалар борасида билдирган мулоҳазалари айниқса қимматли бўлди. Буларнинг барчаси унинг жонажон адабиётимизга бўлган катта меҳри ва муҳаббатини кўрсатади.

Ҳали эсимда, у аспирантурада ўқиб юрган йиллари мен билан бир неча бор Ҳамза тўғрисида суҳбатлашганди. Баъзи бир мунаққидларнинг ўзбек драмаси 50-йиллардан бошланди, деган сохта, ғайритабиий фикрларига ҳам ўз вақтида Сарвар Азимов қаттиқ зарба берди. Шундай қилиб, у Ҳамзанинг ўзбек адабиёти ху-

сусида ўзбек драмаси пойдеворини қўйишдаги хизматини эътироф этишда катта фидойилик қилди. Сарвар Азимов адабиётшунослик ва адабий танқид борасида катта малакани эгаллагандан сўнг Ҳамид Олимжон ижодини таҳлил этишга киришди. Бу хусусидаги ишларининг ҳосиласи бўлмиш «Ҳамид Олимжон абадияти» монументал тадқиқотида Ҳамид Олимжоннинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни, шоирнинг камалакранг жилода товланувчи, оташин қалбининг зарблари муҳр этилган ижодиётининг ўзига хос сирлари, шахс ва ижодкорни камолга етиштирувчи манбалар ҳақида чуқур, илмий, бой фактик материалларга асосланган ҳолда фикр юритган. Шунинг учун ҳам бу тадқиқот адабиётшунослик фанига қўшилган ёрқин саҳифа деб қайд этилган.

Сарвар Азимов кўп қиррали истеъдод соҳиби. У «Оппоқ тонг қўшиғи», «Ватан фарзандлари» киноқиссалари, «Камалак», «Кўзлари чўлпон» қиссалари, «Назокат», «Икки дил, икки олам» ҳикоялари, «Қонли сароб», «Юлдузлар жамоли», «Замон драмаси» пьесалари ҳамда адабиётимизнинг кун тартибида турган муаммолари хусусидаги теран адабий-танқидий мақолалари, давримизнинг муҳим масалалари хусусида фикр юритувчи публицистикаси, қатор таржималари билан адабиётимизнинг ҳам мазмуний, ҳам шаклий ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг «Камалак», «Кўзлари чўлпон» қиссалари, «Назокат» ҳикоясида ҳаёт ва инсон хусусидаги фалсафий мушоҳадалари психологик таҳлил ва лирик тасвирнинг узвийлигида воқеалар мағзига сингдирилган ҳолда кўрсатилади. Бундай усул танқидчилигимиз томонидан юқори баҳоланган эди. Сарвар Азимов асарларига хос тасвирнинг бу усули бугунги кун насримизнинг асосий йўналишларидан бирига айланиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Сарвар Азимов асарлари мазмун эътибори билангина эмас, мавзуси жиҳатидан ҳам адабиётимизни бойитди. Хусусан, ватангадоларнинг фожиали қисматларини шафқатсиз равишда фош этган «Қонли сароб» драмаси алоҳида аҳамиятлидир. Драма ўз вақтида воқеа сифатида тан олинди. У адабиётимизни янги мавзу ва янги қаҳрамон билан тўлдирди.



Сарвар Азимов ижодида чет эл мавзуси алоҳида саҳифани ташкил этади. «Қонли сароб», «Замон драмаси» пьесалари, «Икки дил, икки олам» ҳикояси шу жумлага киради. Агар «Қонли сароб» ватангадоларнинг чет элдаги аччиқ қисматидан ҳикоя қилса, «Замон драмаси» асарида хорижийлар ҳаёти тасвирланади. Драмага асос қилиб олинган воқеа асримизнинг 60-йилларида мустамлака зулмидан озод бўлган Араб мамлакатларидан бирида бўлиб ўтади. Асар воқеаларини ҳаракатлантирувчи Азиз Камол, Ойиша образлари «адабиётимиз қаҳрамонларининг» даврасига ўз ўйлари, ўз юртларининг дарди билан кириб келди. Унда замондошларимиз кўламига хос маънавий гўзаллик, ҳалоллик, тўғрилик, инсонпарварлик улуғланади, шу хислатларга қарши бўлган ёмонлик, худбинлик, бюрократлик, эгоистик, товламачилик каби қусурлар воқеалар мантиғи, характерлар ҳаракати мисолида қаттиқ қораланади. Сарвар Азимов асарлари воқеа кўлами кенг. Унинг барча асарларига хос хусусиятлар таҳлилнинг ҳаққонийлиги, ғоявийлиги, масаланинг кенг миқёсда ҳал этилишида кўринади. Бундай фазилат ижодкорнинг публицистик мақолаларида янада яққол кўзга ташланади.

Бугунги кунда ёзувчи халқ ва Ватаннинг қолаверса дунёнинг тақдирига шерик бўла оладиган, уларнинг қалбига қулоқ тута билладиган ва кечаётган воқеалар замирини тегранлик билан англайдиган етук санъаткор бўлмоғи лозим. Сарвар Азимов асарлари бу борада яхши намунадир. У Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияларини ташкил этиш, ана шу анжуманларнинг ҳаракатини кенгайтириш ишида фаол қатнашди. Маълумки, бу улуғ ҳаракат бошида

йирик ёзувчимиз Шароф Рашидов турган эди. Бугунги кунда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг кенг миқёсда ривож топиб бораётган алоқа ва ижодий ҳамкорликларида 1958 йилда Шароф Рашидов раислигида ўтган биринчи Тошкент конференцияси аҳамияти катта бўлди. Ўтган давр ичида бу анжуман ўсди. Унинг қатор конференциялари, симпозиумлари ва мушоираларини Сарвар Азимов билан биргаликда ўтказдик.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Боқуда, Байрутда ҳамда шу анжуманнинг ўн йиллигига бағишлаб Тошкентда бўлиб ўтган конференцияларига Сарвар Азимов раҳбарлик қилди.

Сарвар Азимов Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси сабаб хизмат тақозоси боис кўп жойларда бўлган ва дўстлар орттирган. У Нозим Ҳикмат, Юсуф ас-Сибойи, Файз Аҳмад Файз, Алекс Ла Гума, Пабло Неруда, Николас Гильен, Абдурахмон ал-Ҳамисий, Субҳас Мукержи, Муин Бсису, Азиз Нессин, Сажжод Зоҳир, Николай Тихонов, Георгий Марков, Мирзо Турсунзода, Мирзо Иброҳимов, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Константин Симонов, Алексей Сурков, Вадим Кожевников, Анатолий Софронов, Жубан Мўлдағалиев сингари адабий ҳаракатнинг таниқли вакиллари бўлмиш машҳур ёзувчи ва шоирлар билан ҳамфикр, ҳамкорликда иш олиб борди.

У ҳамма жойда ўзига билдирилган ишончни кўнгилдан адо этди. Сарвар Азимов республикамиз ёзувчиларининг бутун ижодий фаолиятига бошчилик қилиб, жонажон адабиётимизнинг имконият уфқларини кенгайтириш, шиддатли тўлқинлар сингари мавжланиб келаётган адабий келажагимиз бўлган ёшларнинг камоли йўлида фидойилик кўрсатди.